

Рустам
ЖАББОРОВ

ЖАХОЛАТ АСИРАСИ



Рустам
ЖАББОРОВ

ЖАХОЛАТ АСИРASI

Бегона юртларда бахт излаган
Махзунанинг
аянчли қисмати
ҳақида қисса



Тошкент
2016



УЎК: 821.512.133-3

КБК:84(5У)7

Ж – 13

Жабборов, Рустам

Жаҳолат асираси: қисса / Рустам Жабборов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 256 б.

ISBN 978-9943-27-776-2

Тақдир, аслида худо томонидан буюрилган инъом. Ва Аллоҳ таоло бизни ақл билан ҳам сийлаганки, нима яхши-ю нима ёмон, нима тўғри-ю, нима нотўғри, биз бораётган манзил нурафшонми ёки зулматми – уларни бир-биридан фарқлаш ва муносиб ҳаёт йўлини танлашимизни ўзимизга қўйиб берган.

Бошқаларнинг истагига кўра яшаш, бошқаларнинг йўриги билан яшаш, алалоқибатда эса ҳалокат билан якун топадиган умрни тақдирнинг ҳукми сифатида баҳолаш нотўғри. Инсон қалбida ниш урган орзу-умидлар, ёрқин келажакка ишонч, баҳтли ҳаёт кабиларнинг фақат хаёлда қолиб кетмаслиги, саробга айланмаслиги тақдирга қанчалик боғлиқ бўлса, инсоннинг иродаси, матонати, тарбияси, уни камолга етказган оиласи мухитга ҳам шунчалик боғлиқдир.

Эътиборингизга ҳавола этилаётган китоб қаҳрамони – Маҳзуна ҳам орзулари осмон қадар буюк, қалби меҳрга лиммо-лим, айни пайтда баҳтта ташна қиз эди. Исми тақдирини ҳам маҳзун қилиб қўйган қиз бошидан кечирган беҳисоб азоб ва кўргиликлар, она Ватан соғинчи – бир аёл умрини, бегона юртда баҳт излаган, алалоқибатда баҳтсизликка дучор бўлган бир аёл орзуларини чилпарчин қилиб юборди...

УЎК: 821.512.133-3

КБК: 84(5У)7

ISBN 978-9943-27-776-2

© Рустам Жабборов, «Жаҳолат асираси». «Янги аср авлоди», 2016 йил.

ЖАҲОЛАТ АСИРАСИННИГ ИҚРОРИ

Одатий иш кунларидан бири. Ҳамхона аёллар тушликка тушиб кетишган, мен эса, газетанинг навбатдаги сони учун мўлжалланган мақолани тугатолмай хунобим ошибб, клавиатурани асабий шақирлатиб ўтирадим. Худди шу пайтда иш телефонининг жиринглаши янада ғашимни келтирди.

Хонада аёллар бўлганида-ку умуман телефонни кўтармасдим. Чунки, газетамизнинг муҳлислари асосан аёллар бўлгани сабабли қўнфироқдар ҳам бевосита уларни қизиқтирган масалалар бўйича бўлади. Кимdir эридан нолиб дардини дастурхон қилади, бошқа бирори қайнонасининг зулмидан дод солади...

Ҳафсаласизлик билан гўшакни олдим. Кутганимдек аёл кишининг овози. Саломига алик олдим ва шошилиб турганимни билдириш учун қисқа ва расмий оҳангда «гапиринг, эшитаман», дедим.

– Мен... ҳалиги ўз бошимдан кечирган воқеаларни газетангизда чиқармоқчи эдим, – аёл кишининг сўник сўлғин овозини эшитиб, енгил хўрсиндим.

Ана, айтмадимми. Бошланди. Одатда бундай ҳикоятлар «мен ота-онамнинг эрка қизи эдим. Еганим олдимда, емаганим ортимда эди, эрга тегдим-у ҳаётим батамом ўзгариб кетди», қабилидаги гап-сўзлар билан бошланади.

– Синглим, биласизми, муштарийларнинг дардларини эшитиб ёзиб оладиган ходимамиз бугун

ишга чиқмади. Аёлларни қизиқтирадиган масалалар бўйича тушдан кейин телефон қилинг. Минг бор узр, ҳозир сизнинг ҳикоянгизни эшита олмайман. Шошилиб...

– Мен ҳам сизнинг вақтингизни олмоқчи эмасман. Бу гапларни айтиб ҳам бўлмайди. Ҳаммасини битта дафтарга қўлимдан келганича ёзиб чиқдим. Илтимос, шуни чоп этсангизлар...

Бунақа ҳолатларга ҳам дуч келганман. Ярим йилча аввал бир келинчак ўз кечмишлари битилган учта қалин умумий дафтарни таҳририятга келтириб берган, бош муҳаррирнинг топшириғи билан бу дафтарлардаги ҳасратни газетабоп усулда қайта ёзиб, «Қувилган келиннинг изтироблари» деган сарлавҳа остида чоп эттиргандим. Кутимаганда бу «сериал» ўқувчиларда жуда катта қизиқиш уйфотди. Тиражимиз ҳам етти-саккиз мингга кўтарилди. Аммо ҳаммасидан ёмони кейин бўлди. Ҳалиги келиннинг эри, қайнона-қайнотаси «бизни бутун қишлоқقا шарманда қилдиларинг» дея таҳририятга тўполон кўтариб келди. Яхшиямки, воқеа жойи ва қаҳрамонларнинг ҳақиқий исм-шариfinи ошкор этмаганимиз. Акс ҳолда улар бизни судга беришга ҳам тайёр эдилар. Конун биз тарафда эканини тушуниб, ночор изларига қайтишди. Аммо ортиқча гап сўзлар, асаб-бузарлик кимга ҳам ёқади дейсиз. Ўшандан кейин бунақа «ҳасратнома»ларни қофозга туширишдан тавба қилгандим.

Шу боис, оилавий масалаларни матбуотда чоп этишнинг оқибатларини номаълум қўнфироқ соҳибасига тушунтиришга уриндим.

– Акажон, мен қайнонам ё эримнинг устидан шикоят қилиб қофоз қоралаганим йўқ. Бу оилавий машмашалар ҳақида эмас. Менинг қисматим сиз билган аёлларницидан умуман фарқ қиласди. Ил-

тимос, менинг ёзганларымни газетада ёритинглар. Менга ўхшаб залолат остонасида турган қизлар, аёллар менинг тақдиримдан огоҳ бўлишсин. Хатотга йўл қўйиб, кейин афсус-надомат қилишмасин.

Гўшакнинг нариги томонида жимлик чўкди. Чамаси у йиглай бошлаганди. Узуқ-юлуқ нафас товушидан пайқадим.

– Яхши, – дедим имкон қадар овозимга юмшоқ тус бериб. – Агар компььютерда ёзган бўлсангиз, электрон манзилимизга юборинг. Ёки почта орқали...

– Ўзим борсам-чи. Компьютердан умуман фойдаланмай қўйганман. Ҳаммаси дафтарда ёзилган. Шахсан қўлингизга топширсам дегандим...

Аёлга манзилни тушунтириб, гўшакни қўйдим. Негадир аёлнинг (балки қиз боладир) овозидаги нотаниш мунг хаёлимни буткул банд этганди. Дастрраб унга хийла қўполлик қилганимдан афсуслана бошладим. Қизиқ, оиласвий муаммолари бўлмаса, ҳеч кимникига ўхшамайдиган, бошқаларга ибрат бўладиган кечмишида нелар содир бўлди экан.

Ажаб, боя гўшакдаги нотаниш ҳамсуҳбатимдан тезроқ қутулиш учун ҳар нарсага тайёр турган бўлсам, шу онда ич-ичимдан у билан кўришиш, унинг дардини тинглашга иштиёқ туғилганди. Телефон рақамини олиб қолсам бўлармиди. Аксига олиб, унинг қачон, қаердан келишини ҳам, ҳатто исмини ҳам сўрамабман. У сўнгги умидини бизга, таҳририятга тиккан бўлса-чи? Қаттиқ гапириб кўнглини оғритиб қўйган бўлсам, балки умуман келмас? Йўқ, келаман деди. Таҳририят манзилини ҳам аниқ-тиниқ сўраб олди-ку!

Шу кундан ўзининг мунгли овози ва сирли кечмиши билан хаёлимни банд этган ўша нотаниш ожизани кута бошладим. Йўқ, дарров бошқача хаёлга борманг! Кўнглимга бирор эгри ўй-фикр кел-

гани йўқ. Ишонинг! Аммо... негадир уни кутардим, у билан кўришгим, янаям тўғрироғи ўша мавҳум қисмати ҳақида билгим келаверарди.

Орадан икки ҳафтача вақт ўтиб, бошқа ишлар, ташвишлар соясида ўша кунги нотаниш ҳамсух-батимни унутаёздим.

Одатда тушликка ҳамхона аёллардан ё сал аввал, ё улар қайтганидан кейин чиқаман. Чунки ижод қилишим учун энг қулай ва осуда дам, хонамиз ҳамхоналаримдан холи бўлган пайт ҳисобланади. Улар бор пайтда хонамиздаги шовқин-сурон салкам «Чорсу» бозорини эслатади.

Бу гал ҳам тушлик пайти. Фавқулодда сокинлик қўйнида астойдил ижодга шўнғиган пайтимда, қулоғимга алланечук таниш овоз чалинди.

– Ассалому алайкум, мумкинми?

Мени бирдан ток ургандек бўлди. Ҳатто эшик тарафга қайрилмасимданоқ бу овоз эгасини таниб улгургандим. Бўсафада одмигина кийинган, ўрта бўйли, қорачадан келган, ёши йигирма-йигирма бешлар чамасидаги бир аёл турарди. Уни бир қараашда соҳибжамол деёлмасамда, кўримсиз де-йишга-да тилим бормасди. Яшил рўмолчаси остидан тошиб турган қорамтири-қизгиш соchlари бир муддат илгари бўялган, эндиликда асл рангига қайта бошлаганини кўрсатарди.

Саломига алик олиб, рўпарамдаги стулга имо қилдим.

– Келинг, ўтиринг!

Аёл кўзларини номаълум нуқтага қадаганча, қаршимдан жой олди. Ер остидан унга разм солдим. Йўқ, боя у ҳақида юзаки хулоса чиқарган эканман. Ҳар қандай бўёқ ва пардоздан холи юзлари, қоп-қора қош-кўзлари ундаги яширин, ботиний гўзаллик учқунларини сачратиб турарди.

– Адашмасам, сиз билан икки ҳафтача илгари телефонда гаплашгандик, – дедим гарчи адашма-ётганимга ич-ичимдан ишониб турган бўлсам ҳам.

Аёл ердан кўз узмасдан бош иргади.

– Сиз билан гаплашганимдан кейин яна иккиланиб қолдим. Бу гапларни ҳаммага ошкор қилиш шартмикин, деб ҳам ўйладим. Ўйлай-ўйлай бари бир дафтаримни олдим-у йўлга чиқдим, – қиз шундай дея, муқовасига сувқоғоз қопланган дафтарни қўлимга тутқазди. Дафтарнинг биринчи сахифасида ҳусниҳат билан «Маҳзуна», унинг остида эса, «Жаҳолат асирасининг иқори» сўзлари битилганди.

«Бу муаллифнинг исми ва асарнинг номидир ҳойнаҳой».

– Маҳзуна тахаллусингизми ё исмингиз? – сўрадим дафтарнинг кейинги сахифаларига кўз ташларканман.

– Тахаллус адашмасам ёзувчиларда бўларди, – ҳамон ердан кўз узмасди меҳмон. – Мен ёзувчиликка даъвогар эмасман. Ёзганларим ҳам тўқима эмас. Нимани кўрган-кечирган бўлсам, ҳаммасини баҳоли қофозга тўқдим. Бу ерда ортиқча ташбеҳлар ҳам, муболага ҳам йўқ. Балки, айrim ҳолатларни тўлақонли ифодалашга маҳоратим етмагандир. Лекин, илтимос, дафтарни охиригача ўқиб чиқинг. Лозим топсангиз, чоп этинг...

– Яхши, мен уни газета талабларига мос қилиб қайта ишлайман. Кейин сиз билан шартнома тузишмиз керак, паспорт, пенсия дафтарчаси, ИНН нусхалари...

– Кечирасиз, булар нима учун керак? – қиз илк бор бошини кўтариб, менга қаради.

– Қонун-қоидаси шунаقا. Ёзган асарингиз учун қалам ҳақи тўлашимиз керак. Муаллифлик ҳуқуқлари деган гаплар бор...

– Айтдим-ку, бу асар эмас, қалам ҳақини ҳам таҳририят ҳисобига ўтказаверинг. Ҳеч қанақа муаллифлик ҳуқуқига даъво қилмайман. Лозим топсангиз чиқаринг, бўлмаса...

Пул ҳақида гап очиб, ҳамсуҳбатимнинг хийла қўнглини ранжитганимни англаб, оз бўлса-да айбимни енгиллатиш учун уни қаҳва билан сийламоқчи бўлдим. Қайнатгични токка улаётганимда, аёл кетиш учун қўзғалди.

– Овора бўлманг, агар шу дафтарни ўқиб чиқиб, фикрингизни айтсангиз, менга кўп яхшилик қиласиз...

– Телефонингиз...

– Мен ўзим сизга қўнгироқ қиласман. Яхши қолинг.

Аёл синиқ табассум билан ортига бурилди. Уни кузатгани йўлакка чиқдим. Йўлакнинг нариги бошидан гур кулги овозлари кўтарилди. Ҳамхоналарим қайтаётган эдилар. Ёнларидан ўтиб кетаётган аёлни кўриб, негадир жим бўлишди ва у кўчага чиқиб кетгунича ортидан қараб қолишди. Кейин эса нималарнидир пичирлашиб, қиқирлашиб, мен тарафга юришди.

Улар яна гулдурос қулгилар билан хонага кириб келишганида мен қулоқчин билан қулоқларимни беркитганча, бояги сирли аёлнинг дафтари сахифалари қатига шўнғиб кетгандим.

БИРИНЧИ ҚИСМ

...Мен бир пайтлар юртимиздаги минглаб тенг-дошларим қатори шүх, қувноқ, баҳтиёр қиз эдим. Бошимга тушажак кулфатларни ўша пайтлар кимдир башорат қылса ё ақдан озишим, ё ўша башоратчининг устидан қаҳ-қаҳ отиб кулишим муқаррар эди.

Аммо бошга тушганини кўз кўраркан. Мен, ҳали йигирма ёшга тўлмаган ожиза, шундай ма-шаққатлар, азоб-уқубатлар, кўз кўриб қулоқ эшитмаган даҳшатларни бошдан кечирдимки, бу ҳақда ҳозир, орадан маълум вақт ўтиб, ўйлашга ҳам журъат этолмаяпман. Аммо айтишим, ҳаммасини бир бошдан ҳикоя қилишим, одамлар мен сингари жаҳолат йўлига қадам қўймасликлари учун ҳам барини ошкор этишим керак. Фақат Сиз тинглашга куч, ўқишига мажол топа олармикинсиз...

Келинг, ҳаммасини бир бошдан бошлай қолай.

Исл – қисматдир деб ўқигандим қайси бир асарда. Инсоннинг исми қайсиdir маънода унинг тақдирига дахл қиларкан. Шу боис, ота-оналар фарзандига исм қўйишдан аввал унинг қандай маъно англатишини яхши билиб, кейин боласини шу исм билан аташлари лозим.

Балки ота-онам менга Маҳзуна деб исм қўйишдан аввал бу сўз «ғамгин, ҳазин қиз» деган маънони англатишини билишмагандир. Ёки исм инсоннинг тақдирини ўзгартириб юбориши ҳам мумкинлигини ўйлаб кўришмагандир. Акс ҳолда... Ахир ҳеч бир ота-она ўз жигарбандига ғам-аламни, баҳтсизликни раво кўрмайди-ку. Яна ким билсин, бошимга тушган кўргиликларга исмимнинг зар-

рача алоқаси йўқдир? Эҳтимол, ҳаммасига ўзим, қизиқонлигим, соддалагим сабабчи бўлгандир? Балки буларнинг барчаси Яратганинг изн-иродаси, тақдири азалнинг ҳукми билан содир бўлгандир?..

Яна чалғиб кетдим...

Хуллас, ҳали айтганимдек, бир пайтлар ғамалам нелигини билмайдиган шаддод қиз эдим. Оилада ота-онамнинг якка-ю ёлғиз фарзанди бўлганим учун еганим олдимда, емаганим ортимда эди. Билишимча, доялар мени жарроҳдик йўли билан дунёга келтиришган, ўша операциянинг оқибатиданми, онам яна фарзанд қўриш баҳтидан маҳрум бўлган.

Бундан хабар топган бувим, аммаларим отамни қайтадан оила қуришга ҳар қанча ундашмасин, отам кўнмаган. Умрини суюкли аёлию, пешонасида битилган битта-ю битта қизалогига бағишилаган экан.

Ҳа, отам мени еру кўкка ишонмасди. Баъзан ҳазиллашиб «ўғлим» деб атаганида ҳам севиниб кетар, ҳам ҳазин тортардим. Ахир отам ҳам бошқалар қатори ўғил қўришни, «ўғлим бор» деб кўкрак керишни, элга ош беришни истарди-да!

Отам устачилик қилар, онам эса тикувчи эди. Мен туманимиздаги миллий хунармандчилик коллежида ўқирдим. Қишлоқда ҳар бир хонадоннинг озми-кўпми томорқаси, оғилида битта сигир, учтourt бош қўйи бўлади. Хуллас, ҳеч нарсадан камчилигимиз йўқ эди.

Отам қунларнинг бирида кечқурун ҳовлиқиб кириб келди. Ўзининг айтишича, у билан бирга ишлайдиган усталардан бири қўшни юртдан иш топганмиш. У ерда биздагидан кўра икки-уч бара-вар кўпроқ ҳақ тўлашаркан.

– Кетасизми? – онамнинг юзларида хавотир акс этди. – Дадаси, шу ерда ҳам топишингиз ёмон

эмасди-ку! Бирордан кам, бирордан кўп бўлсаям, ўзимизга етиб турипти. Бегона юртда қийналиб қолмасмикинсиз?

– Ўзимнинг ҳам кетгим йўқ, – отам уф тортганча, эскириб қолган дўпписини қозиқча илиб, онамнинг ёнида чўккалади. – Лекин куч-қувват борида кўпроқ пул топиб, кам-кўстимизни битириб қолай деяпман-да! Бу ёқда қизингни бўйи етиб қолган. Киз чиқаришнинг ўзи бўлмайди.

– Э, дада, сизга оғирлигим тушяптими? – одатда, менинг эрга тегишим билан борлиқ масалада сўз кетганда ана шундай сохта харҳашани бошлардим.

– Битта қиз бўлса, амаллаб узатамиз, дадаси, – деди ойим менинг гапларимга эътибор ҳам қилмай. – Минг қилсаям, кўзимизнинг олдида юрганингиз яхшими, дейман-да!

Дадамнинг феълинин мен ҳам, ойим ҳам яхши биламиз. Бирор иш бошламоқчи бўлса, «шунаقا қилсаммикин?» деб маслаҳат сўрайди-ю, кейин бари бир ўзининг айтганидан қолмайди. Албатта, мен ҳам отамни бир кун кўрмасам соғиниб қолишини яхши биламан. Лекин гап менинг тақдирим ҳақида боряпти. Ҳар бир қиз ўз тўйини бекаму кўст ўтишини, дугоналари, teng-tўшлари, энг асосий бўлажак эри, қайнана-қайнатасининг олдида боши эгилиб қолмаслигини истайди. Мен ҳам ўзига тўқ оиласа келин бўлиб тушишни, шу билан бирга ҳамма қатори тўла-тўқис сеп билан кириб боришни истардим. Шу боисдан ич-ичимдан отамнинг қарорини маъқуллаб турардим.

Шундай бўлса-да, эркаланиб дадамнинг бўйнига осидим:

– Йўқ, дада, кетмайсиз! Ойим тўғри айтяптилар!
Ўша пулни шу ердан ҳам топаверасиз.

– Ўғил қизим, аввал бориб кўрай-чи, нари борса беш олти ойда келаман. Агар иши ёқмаса, дарров орқамга қайтаман. Одамлар океаннинг нарёфига ишлагани кетяпти. Мен борадиган жой нари борса беш-олти соатлик йўл.

Хуллас, ўша куни отамнинг кийим-кечакларини тайёрлаб қўйдим. Ул-бул егуликларни ҳам сафар халтага жойладик.

– Ўғил қизим, қайтишимда сенга нима опкелай?
– сўради отам соchlаримни сийпалаб.

Очиfi, анчадан бери айrim курсдошларим коллежда кўз-кўз қилиб, ҳамманинг кўзини куидириб юрадиган «ақдли» телефонларга ҳавасим кетар, аммо ота-онамни ортиқча харажатга қўймаслик учун бу ҳақда уларга чурқ этмасдим. Отамнинг ийиб турганини кўриб темирни қизигида босдим:

– Анув... ўша тарафларда арzonроқ бўлса, битта «айфон»ми, «галакси»ми опкелинг, майлимим?

Отам нимадир демоқчи бўлганида, ойим қўшилди:

– Телефонинг бор-ку!? У зорманда қанча туришини билсанми? Ўша япасқи телефоннинг нимаси яхши?

– Ойи, сиз билмайсиз, – дедим отамнинг фикридан қайтиб қолишидан қўрқиб, – ахир, у айфон! Ичида ҳамма нарсаси бор. Интернет, камера, фотоаппарат, «фейсбук», «одно», «телеграм»... Коллекжимиздаги қизларнинг ҳаммасида бор. Фақат мен алмисоқдан қолган телефонни кўтариб юрибман.

– Бўпти, бўпти, онаси, майли, қизимнинг кўнгли яrim бўлиб қолмасин! Боришим билан энг аввал сенинг буюртмангни оламан. Хўш, онаси, сенгаям бирор нима керакдир?

– Эсон-омон қайтиб келсангиз бўлди, дадаси!

Эртасига эрталаб, биргалашиб нонушта қилганимиздан кейин отам йўлга отланди. Бувим узун-

дан узоқ фотиха қилиб, оқ йўл тилади. Ҳатто элнинг урф-одатига кўра, «ой бориб омон келсин» дея битта нон ҳам тишлатиб олди.

— Ойи, мен армияга эмас, ишга кетяпман, — деди отам кулиб, лекин бари бир бувимнинг айтганини қилиб, у узатган патирнинг бир четини тишлаб қўйди.

Отам шу куниёқ манзилга етиб бориб, уйга қўнфироқ қилди. Шериклари билан битта уйни «ноль»дан тиклаб берадиган бўлишибди. Агар узлуксиз ишлашса, уйни тиклаш, пардоздан чиқаришга беш ойча вақт кетаркан. Аванс беришса, биринчи навбатда менга телефон олиб жўнатишини айтди.

Қандай яхши! Энди мен ҳам сенсорли, экранига бармоқни югуртириб, ҳамма ишни бажарса бўладиган телефон билан ўқишга бораман. Дугоналаримга мақтаниб бир уларнинг кўзини куйдирман. Рост-да, қачон қарасам, танаффус пайти дугоналарим «телеграм», «фейсбуқ» яна алламбалолар ҳақида, интернет орқали дунёning турли бурчакларидан орттишган танишлари ҳақида гапиришади.

Шоҳсанам англиялик бола билан гаплашиб юриди, коллежни битирса Англияга ўқишга кирмоқчи. Ўша йигит Оксфордда дарс бераркан, ўқишга киришига ҳам ўзи ёрдам берармиш. Балки алдаётгандир? Муҳсина аллақандай ҳинд йигит билан танишиб олган. Ўзининг айтишича, Шоҳруҳхоннинг жияни эмиш. Ҳозир амакиси билан янги фильмда суратга тушаётганмиш. Ким бўлсаям Муҳсинанинг қулоғига роса лағмон илаётган бўлса керак. Яна ким билсин. Ҳарқалай, дугоналаримнинг гапларини гоҳ ҳавас, гоҳида озроқ ҳасад билан эшишиб ўтираман.

Шунақа пайтда бир четда уларга ҳавас билан термилиб ўтирадим.

Ҳа, майли, ҳали мен ҳам сенларга ўхшаб, ижтимоий тармоқларда гаплашишни ўрганиб олай, кўрсатиб қўяман. «Дайди тўтиқуш» ҳақида мультифильмда айтилганидек, «ҳали ҳамма мени танийдиган бўлади! Довруғим бутун оламга таралади!»

...Хуллас, кунлар шу тариқа ўта бошлади. Мен отамни, шу билан бирга у менга ваъда қилган «смартфон»нинг келишини интиқдик билан кутардим. Онамнинг ҳам отамни қаттиқ соғинганини кўриб, унга баъзида ичим ачириди. Баъзан отам қўнфироқ қилиб қолса, у билан қисқача салом-алик қиласардим-да, дарров телефонни онамга тутқазиб, нариги хонага ўтиб кетардим. Ахир ойим менинг олдимда у билан бемалол гаплаша олмайди.

Баъзан қувлигим тутиб, нариги уйнинг пардаси олдида туриб, уларнинг гапларини эшитмоқчи бўламан. Ойим эса, кўзларини мен турган хона эшигидан узмасдан, кулимсираб нималарнидир гапирав, гоҳида кўзлари мастона сузилиб кетар, фақат айрим гапларигина қулогимга кираар, неғадир кулгим қистарди... Ҳа, улар бир-бирини жуда ҳам яхши кўришади. Фақат менинг олдимда ҳис-туйгуларини ошкор этишмасди...

...Кузнинг охирги кунлари эди. Отамнинг ҳам ишлари енгиллашиб қолган, яқин кунларда хўжайинлар билан орани очиқ қилиб, йўлга тушишини айтарди.

Ўша қуни ҳавонинг авзойи бузилиб, ёмғир том-чила бураарди. Коллеждан чиқдиму, уйга етиб олгунимча шаррос ёмғирнинг тагида қолмаслик учун оёғимни қўлга олиб чопдим.

Уйга кираётиб, онамнинг дод солиб йифлаётганини эшитдим. У ҳовлининг ўртасидаги сўрида ўтирганча ўзини ҳар ёқقا ураг, қўшнимиз Хумор

хола, яна икки-учта хотин уни тинчлантиришга уринар, бувим эса, айвоннинг устунига беҳол су-яниб қолган, ранг-қути ўчиб кетган, аммам унинг юзига сув сепиш билан овора эди.

– Ойи, нима бўлди? – жонҳолатда унинг ёнига югуриб борганимда ёмғир забтига олган, ёмғир онамнинг сочларини жиққа ивитиб, кўз ёшларига кўшилиб юзларини юварди.

– Уйимиз кўйди, болам, – дея мени бағрига босди ойим. – Отангдан ажралиб қолдик, жон қизим!

Онамнинг сўнгги сўзлари қулогим остида турган муттасил чинқириққа қўшилиб кетди. Эс-ҳушими ни йифиб олганимда қулогим эмас, ўзим чинқириб йиғлаётганимни англадим. Қулогимга ишонгим келмас, аммо бу аччиқ ҳақиқат эди.

Маълум бўлишича, уч қаватли уйниг томини ёпишаётганида, отам ҳавозадан пастга, тош устига қулабди... «Тез ёрдам» машинасида шифохонага етмай отамнинг жони узилиби. Бу ҳақда отам билан ишга кетган шериги, Ҳамиданнинг дадаси хотинига телефон қилиб айтибди. Ойимнинг тепасида туриб, уни тинчлантиришга уринаётган аёлларнинг биттаси ҳам айнан Ҳамиданнинг ойиси эканини кейин пайқадим...

Отамнинг жасадини эртаси куни тушдан кейин олиб келишди. Уйимиз нақ маҳшаргоҳга айланганди. Қий-чув, дод-фарёд... Мен ҳиссиз, жонсиз бир ҳайкалга аланиб қолгандек эдим. Кўзларим ҳам худди биронникидек, мутлақо бошқа, менга дахлсиз ҳодисаларни кўриб турардим.

Отамни тобутда деразадан олиб чиқишаётганда ҳам тошдек қотиб туравердим. Қулогимга аёлларнинг чинқириги узук-юлуқ эшитилади.

Йўқ, булар ҳаммаси ёлғон! Мен туш кўряпман. Босинқирайпман. Агар ҳаммаси рост бўлганида

мен ҳам анави аёлларга ўхшаб сочимни юлиб, юзларимни тирнаб, оламни бузмасмидим.

– Қизим, менга қарагин!

Анграйиб, мени четта тортаётган одамга қарадим. Э, ҳа, бу Собир ака, курсдошим Ҳамиданинг дадаси-ку! Отамнинг вафоти ҳақида ҳам шу киши хабар берганди. Отамнинг жасадини ҳам шу киши опкелган бўлса керак.

– Уч кунча оддин отанг билан бозорга тушгандик, – деди ерга қараб Собир ака. – «Қизимга ваъда берганман», деб мана шу нарсани сотиб олганди. Ўз қўли билан сенга берганида эди! – Шундай дея қўлидаги қутини менга тутқазиб, ўзи қўлма-қўл узатилаётган тобут тарафга юрди.

Шундагина ўзимга келиб, бошимга тушган фожианинг моҳиятини тўлиқ англадимми, бор овозим билан дод солдим...

Одамзот нималарга қўнмайди. Бир кунда дунё бўйича 200 мингга яқин одам ҳаёт билан видолашаркан... Аслида қолганлар ҳам бир куни бу омонат маконни тарк этишади...

Вақт ўтиши билан бу мусибатга ҳам қўнига бошлидим. Отамни соғинганимда, деворга осифлик турган, отам тишлаб кетган нонга термилашман. Баъзида суратларини бағримга босиб, юм-юм йифлайман.

Үйдаги ҳар бир буюм, ҳовлимизнинг, томорқамизнинг ҳар қаричи дадамни эслатади. Бувимнинг янада қаримсиқ бўлиб, ажинларга тўлиб-тошган юзларида, онамнинг мавҳум нуқтага соатлаб қадалиб қоладиган нигоҳларида ҳам отамни кўргандек бўламан.

Томорқамиздаги ҳар бир майса, ҳар битта дарахтда дадамнинг нигоҳини ҳис қиласман. Боғимизнинг тўрида бир туп сада бор. Шох-бутоқлари, барглари шу қадар кўпки, ерга тангадек соя ту-

ширмайди. Ёзда унинг остидаги супада ҳаммамиз бирга овқатланардик. Айниқса, кечки овқат пайтида унинг шохлари орасида бекиниб олган чумчуқлар шу қадарчуввос солишардики! Бу садани отам мен туғилган йили эккан экан.

Беихтиёр ҳисларим ўз-ўзидан сўзларга айланиб, бир ипга тизилгандек бўлди. Дардларим шеърга айланиб қофозга тўкилганини ўзим ҳам сезмадим.

*Мен туғилган йили яхши ният-ла,
Супанинг ёнига эккансиц сада,
Унинг соясида йиглайман юм-юм,
Нега сада бор-у, сиз йўқсиз, дада?
Ширмой нон тишилатиб олдишлар бувим,
Сиз олис сафарга кетар лаҳзада.
Девордаги михга осилиб ҳамон,
Нега нон турар-у, сиз йўқсиз, дада?*

Кейин бу мисраларни қайта-қайта ўқидим. Болалигимда «Ўқишикитоби»даги айрим шеърларга ҳавас қилиб қофоз қоралагандим. Аммо уларни шеър деб бўлмасди. Демак, шеър шунчаки ёзилмаскан-да. Фам-алам, қайгу инсонни шеър ёзишга ундаркан-да.

...Отам менга жўнатган қимматбаҳо телефонни эса, уни сўнгги манзилга кузатганимиздан сўнг орадан бир ҳафтача ўтиб қўлга олдим. Бечора отам! «Нима опкелай?» деса, шу матоҳни айтибман. «Менга сизнинг соғлигингиздан бошқа ҳеч нарса керакмас» десам бўлмасмиди? Бир пайтлар мана шу япасқи матоҳни бошқаларнинг қўлида кўриб, қанчалар ҳавас қиласардим. Мана, орзуим-гаям етдим. Аммо орзуим ушалишига сабабчи бўлган отажоним йўқ. Бундай темир-терсакнинг мингтаси отамнинг бир оғиз ширин сўзи ўрнини босармикин.

Отамнинг маърака-маросимлари сабаб бир ҳафтача коллежга боролмагандим. Ниҳоят, дафтар-китобимни сумкага солиб, яна дарсларга қатнай бошладим. Курсдошларим кўнгил сўраган бўлишиди. Айниқса, курс раҳбаримиз хонасига чақириб, анча кўнглимни кўтарди:

– Қизим, ўзингни қўлга ол. Сен жуда иқтидорли қизсан. Зеҳнинг ўткир. Имкон қадар дарс қолдирмасликка ҳаракат қил. Яна бир йилдан кейин коллежни битирасан. Ўқишга киришинг керак. Вақт кутиб турмайди. Яхшилаб тайёргарлик кўр. Айниқса, чет тилини яхши ўзлаштиришга ҳаракат қил. Келажак сизларники, қизим!

Мақтаниш эмас-ку, курсимиздаги энг аълочи қизлардан биттаси мен эдим. Айниқса, адабиёт, инглиз ва рус тилларида унча-мунчаси мен билан баҳсолашолмасди. Шу боис, коллежда бирор тадбир бўйса, албатта, ташкилий ишлар менга юклатиларди.

Хуллас, дадамдан ажralиб қолганимдан сўнг, бу улкан қайфуни унутиш учун ҳам бутун эътиборимни ўқишга қаратишга аҳд қилдим.

Шу куни отам жўнатган телефонни ҳам ўзим билан коллежга олиб боргандим. Бир зумда курсдошларим ўртасида қўлма-қўл бўлиб кетди.

- Оҳо, «Галакси эс-З»-ку.
- Ҳа ҳудди меники билан бир хил эканми?
- Хитойники эмасмикин?
- Йўқ, мана «мэйд ин Кореа» деб ёзилган-ку!

Очиши, ўша кунгача бунақа «ақдли» телефонлар билан қандай муомала қилишни билмасдим. Ижтимоий тармоқларни-ку гапирмаса ҳам бўлади. Информатика дарсида ўқитувчимиз битта электрон почта очиб берган, ундан ҳам деярли фойдаланмаганман.

Танаффусда Шоҳсанам билан Муҳсинанинг ўзи менга анча-мунча нарсани ўргатиб қўйиш-

ди. «Ватсапп», «Фейсбук», «Вайбер», «Телеграм»да ҳам саҳифа очиб беришди. Бироқ олдинги қизиқиш, интилишдан асар ҳам қолмаган. Ҳозир рўпарамда турган одам билан гаплашишга ҳафсалам йўғ-у, дунёнинг нариги бурчагида, кўрмаган, билмаган одамим билан валақлашишга ҳушшим келармиди?

Уйга қайтганимдан кейин майдадчуда юмушларимни битирдим-да, негадир дугоналарим очиб берган профилларни томоша қилишга тушдим. Телевизорда ҳар куни шу тармоқлар ҳақида гапиришади. Оиласалар бузилиб кетяпти, ёшлар ёмон йўлларга кириб қоляпти эмиш. Менимча, фақат аҳмоқ, ақидаси бўш, онги паст одамларгина шунаقا тармоқлар туфайли йўлдан чиқиши мумкин. Мен эса, бунақа тоифага кирмайман! Ҳарқалай, ўша пайтлар шундай фикрда эдим.

Кунлар шу зайлда ўтиб борарди. Дарсда ҳам ўқитувчиларимиз «телефонларни йиғиштиларинг» деб ҳаммага дакки беришади. Ота-оналар мажлисида ҳам асосий масала шу! Лекин бари бир айрим курсдошларимиз ҳаётини телефонсиз тасаввур қилишолмасди.

Бора-бора мен ҳам бунақа «қўнгилхушлик»ларга анча қизиқиб қолдим. Тўғри, «телеграм» ё «вайбер»да кимлар биландир соатлаб гап сотмайман. Нима еб, нима ичаётганигача суратга олиб, «Инстаграм»га жойлаётган курсдошларимни кўрсам, ғашим келади. Лекин бари бир замон билан ҳамнафас яшаш керак-ку!

«Фейсбук» тармоғи менга анча ёқиб қолди. Уерда таниқли ёзувчилар, зиёлиларни ҳам топиб улардан маслаҳат олиш, фикр алмашиш мумкин. Айрим баҳс-мунозаралар чиндан ҳам одамнинг ақл-идрокини ўстиришга фойда бераркан.

Мен ушбу тармоқдаги саҳифамда отамга атаб ёзган шеъримни жойладим. Кейин илова тарзида шеърда тилга олинган дараҳт ва деворга осилиб турған нонни суратга олдим-у, саҳифамга жойлаб қўйдим. Бу шеъримни қайсиdir газетага чоп этишим-у, уни кимлардир ўқиб менга фикр билдиришига қадар қанча вақт ўтарди, билмадим, аммо бир неча дақиқада бу «ижод маҳсулим»ни юзлаб одамлар ўқиб, «лайк» босиши. Шеър ва суратлар остига ёзилган изоҳдарни-ку айтамаса ҳам бўлади. Яна қанча фойдаланувчилар «статус»имни кўчириб босиши.

Хуллас, бир кунда «интернет юлдузи»га айланаждидим. Ҳар дақиқада кимдир тармоқ орқали менга «дўстлик» таклиф қиласди.

Қизиқ, гоҳида инсоннинг шуҳрат қозонишида унинг қисмати, ғам-андуҳлари ҳам сабабчи бўларкан-да! Аслида мен бу суратлар ва шеърни ўзими кўз-кўз қилиш, танилиш учун тармоққа жойлаштиргандим. Аммо кутилмагандан...

Эртаси куни коллежда ҳам, дугоналарим орасида ҳам менинг шу «статус»им муҳокама марказида бўлди:

– Ўҳ-хў, шеър ёзишни ҳам қойиллатаркансан-ку!
– деди Муҳсина хийла ғайирлик қилаётганини сездириб.

– Мен шу шеърингни «перепост» қилгандим, қара, англиялик «дўстим» Майклга ҳам ёқибди, – ҳар гапнинг бирига инглиз «йигит»ини қўшмаса туролмайдиган Шоҳсанам тағин бидирлай кетди.
– Мен унга шеърингни таржима қилиб бердим.

– Вой, менгаям ташлаворгин ўша таржимани. Рахулга жўнатаман.

– Рахул деганинг ҳалиги... Шоҳруҳхоннинг жиёни бўлса керак? – дея Муҳсинага ҳам мақтаниб олиши учун атайин йўл очиб бердим.

Дугонам ҳинд йигити билан виртуал муҳаббати қиссасини бошлайман деб турганида дарсга қўнфироқ чалинди.

Гоҳида Шоҳсанамга ҳам, Муҳсинага ҳам ачиниб кетаман. «Ўзимизда йигитнинг зотига қирғин келмагандир» дегим келади-ю, кўролмасликдан айтяпти деган хаёлга бориши масин, дея тилимни тияман.

Хуллас, «фейсбук»да анча танилиб қолдим. Ҳар куни ўнлаб йигитлар танишув йўллашади, «чат» орқали ёки изоҳлар қисмида илмоқли гаплар ёзишади. Баъзида бўш вақт топиб, танишув истагини билдирган йигитларнинг саҳифаларига мўралайман. Уларнинг расмларини кўздан кечираман, шахсий маълумотларига кўз ташлайман. Чиндан ҳам ажойиб замонларда яшаяпмиз. Дўппидеккина қишлоғингдан чиқмай туриб, дунёнинг нариги четидаги одам билан гаплаша оласан. Истасанг унга сурат жўннатасан, истасанг қўнфироқлашасан, керак бўлса, экран орқали юзма-юз гаплашасан...

Қизик, ҳали саҳифамга суратимни жойламасимдан шунчаси танишмоқчи бўлиб турибди. Расмими қўйсаммикин? Ҳарқалай, ўзимни ҳуснда танҳо санамасам-да, ташқи кўринишим йигитларни бефарқ қолдирмаслигини яхши биламан.

Йўқ, ўзимнинг расмимни қўймаганим тузук. Ҳар замонда шеърми, манзарали суратми жойлаб турман. Нари борса, битта-иккита овсарроқ йигит билан эрмак учун валақлашарман. Бари бир у менинг кимлигим, қаерда туришимни билмайди. Саҳифамда ўзим ҳақимда бирор тайинли маълумот ёзмаганман. Лекин ижтимоий тармоққа анави тентак дугоналаримга ўхшаб муккамдан кетиб қолмайман.

Кечки юмушларим, уй вазифаларини бажариб бўлгач, ойимнинг ўрнини ҳозирлаб, ўз ҳужрамга ўтарканман, анчадан бери елкамни эзib келаётган

хотиралардан бир оз чалғиши учун телефонни қўлга олдим. Дўстлашиш учун таклиф жўнатган ийтгитларнинг «анкета»ларини «варақлаётганимда», дафъатан улардан бирининг сурати кўзимга оловдек кўринди. Беихтиёр суратни катталаштириб томоша қилдим. Қош-кўзлари тимқора, юзлари думалоқ, қад-қомати келишган, худди киноактёrlарга ўхшаб кетаркан. Кийимлари ҳам ўзига яратшиб турибди. Жуда ёқимтой йигит. Очифи, курсимизда ҳам олифтанамо болалар йўқ эмас. Аммо... бу умуман бошқача!

«Шахсий маълумотлар» бўлимига кўз ташладим. Исми Комрон, мендан етти ёш катта, мен билан битта вилоятда туғилган, айни пайтда... Истанбулда яшаркан.

Истанбул! О, мен бу шаҳарни кўришни эсимни таниганимдан бери орзу қиласман. Бир пайтлар бу шаҳар ҳақидаги сериалларни кўриб, қўшиқларни эшитиб, унга фойибона шайдо бўлиб қолгандим. Ҳатто хонамнинг деворида ҳам бу шаҳарнинг юқоридан олинган тасвири акс этган сурат ёпиширилган, вақти келса, албатта, шу суратдаги узун кўприкни, баланд биноларни, мовий денгиз мавжларини, оппоқ гумбазли, кўкка бўй чўзган минораларни ўз кўзларим билан бориб кўраман, дея ният қиласдим.

Ич-ичимдан бу йигитга ҳавасим келди. Қандай қилиб уни дўстларим сафига қўшганимни ўзим ҳам сезмай қолдим. Унга таклиф қабул қилингани ҳақидаги маълумот бориши билан «фейсбук»даги шахсий сўзлашув ойнасидан менга ёзишни бошлади. «Ол-а, жа ўлиб турган экансан-ку!» дедим ўзимча завқданиб.

Салом-аликдан сўнг:

«Ҳамдардман. Биз ҳаммамиз Яратганикимиз ва унга қайтажакмиз. Аллоҳ падарингизни ўз раҳматига олган бўлсин!»

«Рахмат...»

«Аллоҳ Сизга сабри жамийл – гўзал сабр ато қилсин! Пайғамбаримиз айтганларки, ота-онанинг ўлими инсон учун энг яхши воиздир. Яъни, уларнинг ўлими бизга дунёнинг ўткинчи экани ва барчамиз номаи аъмолимизни эзгу амаллар билан тўлдиришимиз кераклигини эслатиб туради».

Даставвал унинг гаплари шунчаки ваъз-насиҳатдек туюлди. Аммо у билан бир неча дақиқалик ёзишма давомида у менда анчайин ақлли, эътиқодли, иймони бут йигит сифатида таассурот қолдирди. Унинг оғир-босик, мантиқди гаплари худди чанқоқ одамга узатилган зилол сув сингари ташналигимни босарди.

Чунки отамни йўқотганимдан бери ҳеч ким менга у сингари маънили, чиройли, жўяли тасалли бермаганди. Онам билан бувим-ку фожиадан сўнг ўз фам-аламлари билан овора бўлиб, менга айтарли эътибор ҳам бермай қўйишган. Комрон менга йўллаётган оят ва ҳадислар, ҳикматлар, ҳаётий мисоллар худди оғриқ босувчи дармон сингари вуҷудимга ором индирмоқда эди.

Рост! Ахир, отам фақат жисман бу оламни тарк этди, холос. Ўлим бу йўқлик дегани эмас, балки бир уйдан иккинчисига ўтадиган эшик экан-ку! Руҳлар фақат тириклардан дуо умидвор бўлишаркан. Марҳум оталар руҳи фақат ўз жигарбандалининг эзгу амалларидан таскин ва ҳузур топаркан. Шундай экан, мен нима учун бунча фам чекишим керак? Отамни жисман бу ҳаётга қайтара олмасам-да, унинг руҳини шод этишим мумкин-ку.

Тавба, бу йигит билан нега олдинроқ гаплашмадим, мулоқот қилмадим?

– Маҳзуна, нимага ўша зорманда телефондан бош қўтаролмай қолдинг? – онамнинг қўшни хона-

дан келаётган овози хаёлларимни пардек тўзгитди. – Ухла энди! Эртага вақтли туролмайсан.

Худди онамнинг гапини эшитиб тургандек Комрон менга шу хабарни ёзди:

«Бўпти, мен хуфтонни ўқиб олай...»

Шу билан у тармоқдан чиқиб кетди-ю, мен ҳам телефонни ўчириб, кўзларимни юмдим.

Лекин қанийди уйқу элита қолса. Хаёлим ўша сирли йигитда эди. Бунча ақлли, зийрак бўлмаса! Юз-кўзларидан ҳам нур ёғилиб туради. Қадди-қомати-чи! Рости, қишлоғимизнинг бирорта йигити кўркамликда унга тенг келолмайди. Вилоят марказидан бўлса керак. Кийинишига қараганда то-пиш-тутиши ҳам ёмон эмас. Битта суратида аллақандай хорижий машина рулида ўтиргани акс этган. Балки ўзининг машинасидир? Уйланганмикин? Хотини ҳам жуда баҳтли бўлса керак?

Балки ҳали бўйдоқdir? Тақdir тақозоси билан менга уйланса борми! Бу фикр миямнинг бир четини чертиб ўтди-ю, юрагим қалқиб кетгандек бўлди. Ҳа, ахир бу ҳаётда нималар бўлмайди.

Ҳа! Унинг дунёқараши меникидан анча фарқ қиласди. Чуқур диний билимга эгалиги аниқ. Ибодатларини ҳам қолдирмас экан. Мен-чи? Афсус, бу жиҳатдан унга тенглашолмайман!

Менинг диний тасаввурларим бувимнинг билим доираси билан чегараланган. У менга шаҳодат калимаси-ю уч-тўртта сурани ўргатган, холос. Бувим қиёматда ўлганлар тирилиши, ҳамманинг тирикликда қилган ишлари қайта кўрилиб, яхшилар жаннатга, ёмонлар дўзахга тушишини айтган. Бувимдан «жаннатга тушиш учун нима қилиш керак?» деб сўраганимда: «Бироннинг ҳақини емасанг, ноҳақ қон тўкмасанг, ҳаром-ҳариш ишлардан узоқ юрсанг, бировларнинг дилини бесабаб

оғритмасанг, Яратганга шак келтирмасанг, албатта, жаннатга тушасан», – деб жавоб берганди.

Намоз ўқиши билмайман, ҳар йили рамазон ой-ида икки-уч кун аранг рўза тутардим, шунда ҳам дадам рухсат берса... Борди-ю, эртага бу ҳақда сўраб қолса, нима дейман. Кейин у мен билан умуман гаплашмай қўйса-чи. Негадир ўша дамда қандай бўлмасин унинг эътиборини тортиш, унга ёқиши, кўнглига йўл топиш ҳақида ўйлай бошладим.

Шу тариқа ҳар куни камида бир-икки соат вақтими-ни у билан «фейсбуқ»да ўтказадиган бўлдим. Вақт ўтгани сари менинг дунё ва ундаги ҳамма нарсага бўлган муносабатим янгиланиб борарди. У менга ҳар куни интернет орқали диний мазмундаги сайтлар-нинг ҳаволалари, қўшиқлар, фильмлар жўнатарди.

...Шу пайтгача ўзим тўғри деб билган жуда кўп нарсалар ҳақидаги фикрларим мутлақо бошқа тарафга қараб йўналмоқда эди. У инсон, йигит киши сифатида ҳам қалбимдан тобора чуқурроқ жой ола бошлади. Тан оламан, у билан фойибона танишгувимга қадар қалбимда фақатгина ўзим орзу қилган хаёлий қаҳрамоннинг мавҳум чизгилари ўрин олган эди холос. Қарангки, Комроннинг ташқи кўриниши ҳам, ички дунёси, фикрлаш даражаси ҳам айнан ўша чизгиларга ҳамоҳанг эди.

Фақат битта нарса мени қаттиқ ҳавотирга соларди. Мен-ку унинг расмларини кўрганман (деярли ҳар куни Фейсбуқ саҳифасига янги-янги суратларини жойларди), аммо мен ҳали унга сурат юбормаганман. Интернетдаги саҳифамда ҳам фақат гуллар, қушлар тасвирларини, чиройли манзараларни жойлаштирадим. Ўз суратимни жойлашга эса, очиши, юрагим дов бермасди.

Чунки хаёлан ўзимни у билан ёнма-ён тасаввур қилиб кўрар ва унинг олдида кўримсиздек бўлиб туюлардим. Ҳа, у жуда чиройли, кўркам, келишган йи-

гит. Мен эса... түгри, чиройим ўзимга яраша, лекин бары бир Комронга муносиб бўлмасам керак.

Шу пайтга қадар унинг уйланган ёки бўйдоқлигини ҳам сўрашга журъат этолмадим. Чунки ҳали бирор марта бунаقا мавзуларга ўтмагандик. Борди-ю уйланган ёки кимгадир қўнгил боғлагани ҳақида эшитиб қолсам, қандай аҳволга тушишимни тасаввур қилолмасдим.

Илгари дугоналаримнинг интернет орқали топган муҳаббатлари устидан қотиб қулганим рост. Шоҳсанамни ҳам, Муҳсинани ҳам бу бемаъни хаёллардан воз кечишга унdagаним ҳақиқат. Мана, ўзим улардан беш баттар аҳволга тушиб ўтирибман. Ҳа, мен Комронни севиб қолгандим. Фақат буни ўзим ва Яратгандан бошқа бирор билмасди.

Гоҳида ўзимга-ўзим тасалли берардим: балки буларнинг бары ўткинчи ҳислардир? Балки тез орада орамиздаги ёзишмалар ҳам узилиб, иккимиз ҳам янги суҳбатдошлар, янги дўстлар орттиармиз, шу тахлит бир-биримизни унутармиз? Лекин айни пайтда Комронни йўқотиб қўйишни асло истамасдим. Қандай бўлмасин, уни ўзимга қаратишни, кўпроқ эътиборини тортишни истардим.

Биламан, у тақводор йигит. У ўзининг бўлғуси умр йўлдошини ҳам покдомон, муслима аёл бўлишини истайди. Мен эса, гарчи унинг қарашларига назарий жиҳатдан қўшилсам-да, ҳаётда замонавий қизман. Шу пайтгача бошимга рўмол ўрамаганман. Ойим тикувчи эмасми, энг сўнгги модадаги кийимларни тикириб кияман. Агар у мени бунаقا кийимларда кўрса борми, умуман мен билан алоқани узса керак.

У билан гойибона суҳбат эса, ҳозирча ҳаётимнинг айрилмас қисмига айланиб бўлган. Кўнглим сезиб турибди: бари бир тақдир йўлларимиз кесишишмайди. У биздан анча олисда яшайди. Ўзи-

нинг гапларига қараганда, ҳали-вери юртимизга қайтмоқчи эмас. Мен эса, ойимнинг ягона суюнчиғи, биттау битта фарзандиман. Уни ташлаб кетолмайман.

Кечаги кун ҳеч қачон қайтмайди. Эртага нима бўлиши фақат Яратганга аён. Биз бугунги кун ичидан яшаймиз. Бугун эса, хаёлан бўлса-да, мен у билан биргаман. Лоақал бугун унинг қалбига йўл топишга уриниб кўрай. Эртага бир гап бўлар.

Шу хаёл билан бир катта хатога йўл қўйдим: Интернетдаги қидирув тизими орқали ўранган қизларнинг суратларини қидира бошладим. Эҳ-ҳе, минглаб суратлар чиқиб келди. Турли миллатларга, турли ирқларга мансуб, бир-биридан чиройли қизлар! Уларнинг ичидан қош-кўзлари дид билан бўялган, қирмизи либослари ўзига ярашиб турган, тахминан ўзим тенги бир қизнинг суратини танладим. Ҳар эҳтимолга қарши сурат олинган сайтга ҳам кириб кўрдим. У ҳақидаги инглизча маълумотлардан тушунганим шу бўлдики, сурат Америкада яшаётган эронлик муҳожир адвокатнинг қизига тегишли бўлиб, мусулмон аёлларнинг ҳақ-хукуқларини ҳимоя қилиш билан шуғулланувчи аллақандай ташкилотда ишларкан.

Ишқилиб, Комрон унинг суратини интернетдан кўрмаган бўлсин... Хуллас, суратни ўз саҳифамга жойлаштирдим. Кўп ўтмасдан тармоқдаги «мухлис»ларим кетма-кет суратга «лайк» босишга тушиди. Ишқилиб, Фейсбуқда мени шахсан танийдиганлар сурат остидаги расм менга тегишли эмаслигини ёзиб қўйишмаса бўлгани.

Шу сабабли эртаю кеч телефон экранидан кўз узмай юрадиган дугоналарим Мұҳсина ва Шоҳс намни олдиндан огоҳлантириб қўйдим. «Илтимос, сурат менга тегишли эмаслигини ёзиб қўйманглар!»

Комрон суратга биринчилар қаторида «лайк» болсебди. Кўп ўтмай «шахсий дарчам»га ёза бошлади:

«Суратингизни жойлабсизми?»

«Сизга ёқдими?»

«Ҳарқалай, бошқа қизнинг суратини жойламагандирсиз, деб умид қиласман!»

«Бошқа қиз бўлса нима қиласдингиз?»

«Сиз бундан қилмайсиз. Чунки сиз гўзал хулқ ва иймон соҳибасисиз. Агар бегона қизнинг суратини қўйганингизда, бу ёлғон бўларди. Ёлғон эса гуноҳдир. Бу сизнинг қўлингиздан келмайди».

Бу гаплар мени қаттиқ ўйлантириб қўйди. Агар ҳозироқ сурат менини эмаслигини айтсан, унинг фикрича ҳам ёлғончи, ҳам гуноҳкор бўлиб қоламан. Суратни қўйишга қўйиб бўлдим. Энди ортга чекиниб бўлмайди. Бу ёғини пешонангдан кўрасан, Маҳзуна!

«Ҳа, бу – менинг суратим» – бу сўзларни қандай ёздим, қандай жўнатдим – ўзим ҳам билмай қолдим.

«Номаҳрамга тикилиш тўғри эмаслигини биламан. Аммо не қилайки, суратингиздан кўзимни узолмаяпман».

Бу жумлаларни ўқишим билан томирларимга олов юргандек бўлди. Шу пайтга қадар фақат диний масалалар, мусулмон кишининг одоб-ахлоқи, майший ҳаёт ҳақида гаплашган бўлсак-да, бирор марта мени ҳаяжонга соладиган бу тахлит жумлаларни битмаганди.

«Сизга нокулайлик туғдирган бўлсам, ҳозироқ суратни ўчириб ташлайман!»

«Кечикдингиз, мен бу суратни ҳам ўз телефонимга, ҳам юрагимга кўчириб бўлдим. Сиз уни бемалол саҳифадан олиб ташлайверинг. Чунки бу суратни бошқалар ҳам кўради. Мен эса, Сизга бошқаларнинг назари тушишини истамайман!»

Бу эътирофнинг ўзиёқ мени мумдек эритиб қўйганди. Шу заҳоти суратни ўчириб ташладим. Аммо сурат баҳона сұхбатларимиз энди бошқача ўзанга тушиб, ўзгача ранг касб эта бошлаганди.

Кунлар ўтиб борарди. У энди менга нисбатан ҳисларини яшириб ўтирмас, мен ҳам иффат ва одоб доирасидан чиқмаган ҳолда унга ёқадиган, илтифотли сўзларни ёзардим.

Менга ўхшаб унинг ҳам шеъриятдан хабари борга ўхшайди. Айниқса, битта тўртлигини ўқиб, нақ эс-хушимдан айрилаётдим.

*Юракка ботар бир тугунча – гуноҳ,
Қўрқув уйготар бир тушунча – гуноҳ,
Агар гуноҳ бўлса Сизни ўйламоқ,
Ширин бўладими, оҳ, шунча гуноҳ?*

Айтинг, бунақа сатрлар ўзи шундок ҳам юракни беаёв ёндираётган ишқ гулханига мой сепмайдими?

* * *

Кейин Комрондан ўзидан у ҳақида яна айрим нарсаларни билиб олдим. Энг асосийси, у ҳали уйланмаган экан. Ота-онасига ҳам «ўзим орзу қилган, иймонли, покдомон, ақлли-хушли қизни учратмагунимча уйланмайман», деб айтган экан. Айтишича, мен унинг тасаввурига жуда-жуда мос тушармишман.

Кун сайин унга бўлган ҳисларим улгайиб, мураккаблашиб борарди. Бир неча ой аввал бошимизга тушган мусибат – отамнинг фожиали вафоти ҳам энди мени ортиқча қийнамай қўйганди. Инсон бир ҳисга асир бўлса, бошқалари чекинади, деб тўғри айташаркан-да!

...Аслида бу мусибат бизнинг оиласиз устига ҳамон ўз кўланкасини ташлаб турарди. Бувим

ўғлидан ажралганидан бери түшакка михланиб қолган. Аммаларим кунда-кунора келиб хабар олишади. Ойим ҳам ўз қобиғига тамомила ўралиб олган. Аламини фақат игна-ипдан олади. Кундузлари-ку олдига кийим тиктириш учун келиб-кетадиган аёлларга андармон бўлиб овунади. Кечаси ҳам алламаҳалгача хонасида тикув машинасининг шақиллаши тинмайди. Олдинги пайтдагидек мени ҳар қадамда тергаб юрмайди.

Гоҳида унинг ёнига кирганимда отамнинг суратига маҳзун термилиб ўтирганини кўраман. Уни юпатишга бир оғиз сўз тополмайман. Ҳа, ойим дадамни ҳаддан ортиқ яхши кўрарди. Ҳали-ҳануз отам қўшни юртдан қўнгироқ қилганида онам билан кўзлари сузилиб, соатлаб гаплашгани эсимдан чиқмайди. Ўша пайтларда «Э, нималарни гаплашишаркин, шунча гапни қаердан топишаркин», дердим. Энди бўлса, ўзим Фейсбуқда Комрон билан кечалари соат бир-иккигача гаплашарканман, бу саволимга жавоб топгандек бўламан.

Очиғи, Комрон билан видеокўнгироқ орқали бўлмаса-да, лоақал вайбер ёки телеграмда гаплашгим, овозини эшитгим келади, аммо ўзидан таклиф чиқмагани учун бу ҳақда оғиз очолмайман. Ахир унинг тасаввурида мен ўранган, намозхон, тақводор қизман. Бунақа қизлар эса, номаҳрам билан ҳатто шунчаки ёзишиши ҳам дуруст эмас.

Биз эса, бари бир ёзишяпмиз: Яратганинг марҳаматидан умид қилиб, шу нодуруст ишга қўл уряпмиз. Комроннинг айтишича, гуноҳларнинг ҳам катта-кичиги бўларкан. Парвардигор агар биз астойдил тавба қилсак, гуноҳларимизни кечиб юбораркан. Бизнинг сухбатларимиз одоб ва шариат доирасидан чиқмагани учун унча қўрқмасак бўларкан.

Лекин гоҳида бу «доира» бузилган пайтлар ҳам бўларди. Иккимиз ҳам гоҳида «гуноҳ-савоб»ни унтиб, сухбат асносида жўшқин эҳтиросларга ҳам берилиб кетар, кейин эса, дарров эсимизни йифиб, истиғфор айтар, яна сухбатимиз аввалги ўзанига тушиб оларди.

Уч ойлик танишув, сухбатлар менинг тасаввуримда анчайин ўзгариш ясаганди. Мен ўзимни аллақачон унинг измидаги аёлдек ҳис этардим. Аммо битта нарса туну кун виждонимни фижимларди: ахир мен уни алдадим, у мени ўша, интернетда бир неча дақиқа давомида суратини жойлаштирганим – эронлик муҳожир қиз тимсолида севади. (Бу севгисини у деярли ҳар куни эътироф этади.) Мен эса, ҳамон ўз услубимда кийинаман. Бошим ҳалигача саждага теккани йўқ.

Ўзимни виждан азобидан халос этиш мақсадида ҳар куни эрталаб туриб, билганимча ибодат қила бошладим. Кийимларнинг ҳам имкон қадар кенгроқ, узунроқ, ёпиқроғини танлайдиган бўлдим. Бошимга рўмол ҳам ўрамоқчи бўлдим-у, коллеждагилар дарров шубҳаланиб қолишидан кўрқдим.

Рост, Комрон ҳам кўпинча «муаллимларингиз кийимингизга қаршилик билдирмаётими?» деб сўрайди. Мен эса «ҳар-ҳар замонда тергаб туришади, лекин жиддий талаб қўйишмаган» дея уни алдайман. «Мен айтган гапларни ҳозирча бошқаларга айтмасдан туринг, ўзингизга муаммо орттириб юрманг», деб танбеҳ беради. Мен эса, унинг амрини сўzsиз бажараман.

Кунларнинг бирида у билдирган таклиф мени бутқул шошириб қўйди:

– Маҳзуна, қачонгача фақат Фейсбуқда ёзишиб юрамиз? Бир-биримизни озми-кўпми таниб, билиб олдик. Мусулмончиликда йигит ҳам, қиз ҳам бир-бирини севиб, кейин турмуш қуришига изн

берилган. Аммо никоҳ ришталарини имкон қадар тезроқ боғламоқ лозим.

Аввало бу мен учун ўта жиддий таклиф эди. Мен Комрон ҳақида деярли ҳеч кимга оғиз очмагандим. Қолаверса, ҳали отамнинг йили чиққани йўқ. Гарчи уйимизга унда-бунда совчилар келиб турса-да, ҳеч бирига тайинли жавоб берилмаган. Онамга у ҳақда қандай айтаман? Кейин менинг ўз орзуларим бор эди. Коллежни битириб, ўзим истагандек дизайн соҳасида ўқиши давом эттириш фикрим ҳам йўқ эмасди. Аммо Комроннинг бу таклифи...

«Сиз... Ўзбекистонга қайтиб келасизми?» – бу савонни нега берганимни ўзим ҳам билмайман. Балки, тўйни қаерда ўтказамиз, деган маънода бергандирман?

«Йўқ, бу ердан кетиш фикрим йўқ. Бу ердаги шароитлар имкониятлар, эркинликларни у ерда топа олмайсиз. Бу ерда менинг ўз уйим, дўконларим, сармоям бор. Уларни ташлаб кетолмайман. Агар ўқиши истасангиз, сизни энг замонавий университетларда ўқитаман. Бу ерда муслима, тақводор толибалар учун ҳам барча шароитлар яратилган. Ишламоқчи бўлсангиз ҳам ёрдамимни аямайман. Истасангиз, ўзингизга ё дўкон, ё ателье очиб бераман. Бу ерда маликалардек яшайсиз. Лекин агар мен ўзимизга қайтадиган бўлсам, бу ердаги ҳамма нарсани ташлаб кетишинга тўғри келади. Бу ердан олган дипломим билан ўзимизда тузукроқ иш топишим қийин. Шу сабабли, иншооллоҳ, бу ерга келсангиз, асло пушаймон қилмайсиз».

Бундай баландпарвоз ваъдалардан бошим айланаб кетганди. Ахир ўзим ҳам худди шундай ҳаётни орзу қилмаганмидим? Бир пайтлар денгиз соҳилидаги ҳашаматли уйимда хушбичим шаҳзодам биланbekamu кўст ҳаёт кечиришни, қўша-қўша фарзандлар ўстиришни орзу қилган, ҳатто буни тушларимда

ҳам кўриб чиққандим-ку. Ахир бу ҳамма орзуларимнинг амалга ошаётганидан далолат эмасми?

«Бундан хурсандман, – дея ҳаяжондан бармоқдарим титраб ҳарф теришга тушдим. – Лекин ҳаммасини ўзимизча қиласверамизми? Ахир ўзимизнинг расм-русумлар-чи? Одатда йигитнинг уйидан совчилар келади. Катталарнинг розилиги олинади. Келинни қизлик уйидан олиб чиқишининг ҳам минг битта урф-одатлари бўлади-ку!»

«Ҳар қандай урф-одат – бу бидъат, – жавоб ёзарди Комрон. – Совчилик, нон синдириш, оқ ўраш, ойнага қаратиш, оёқ босиш, асал ялатиш, гулхан атрофидан айланиш, яна алламбалолар... Урф-одат деб шуларни айтасизми? Ахир буларнинг ҳеч бири шариатимизда ийӯк. Бўлмайди ҳам. Бизда фақат никоҳ бор, икки тарафнинг розилиги бўлса, гувоҳлар иширокида никоҳ ўқилади, маҳр белгиланади, вассалом. Тўйни ҳар ким ўз қурбига яраша ўтказаверади. Албатта, юртга қайтиб элга ош берамиз, ойингиз ва бувингизнинг ҳам розилкларини оламиз. Аммо ҳозирги вазиятда сиз тезлик билан менинг ёнимга келишингиз, биз тезда оила қуришимиз зарур».

Унинг таклифи мени караҳт қилиб қўйганди. Ахир мен ҳам, ота-онам ҳам бунақа тўйни орзу қилишмаган-ку! Раҳматли отам ҳам айнан қизининг тўйини ҳамма қатори, бекаму қўст ўтказаман деб ёт ўлкаларда жувонмарг бўлиб кетмадими? Наҳотки, Комрон айтганидек, никоҳ деганлари «битта мулла, бир калла қанд, уч сўм пул» билан битадиган иш бўлса?

Нима? «Тезда оила қуришимиз зарур» деяптими? Нега бунча тез? Ким ёки нима уни бу қадар тезкорликка ундумоқда? Нега у Ўзбекистонга келиб, тўйни эл қатори ўтказишни истамаяпти? Оҳ, қанийди ўша онда бу саволлар устида чуқурроқ бош қотирганимда? Ўшанда фақат тезроқ отни

қамчиламасам, Комрон бошқа қизга уйланиб кетишидан ваҳимага тушдим.

«Унда мен ойим, бувим, қариндошларим билан маслаҳатлашишим керак. Ахир отамнинг вафотига ҳали ярим йил ҳам бўлмади-ку!»

«Динимизда азанинг муддати уч кун. Мотами ни узайтиришнинг хосияти бўлмайди, – ичимга баттар ўт ёқди у. – Кейин менинг режам амалга ошиши учун сиз ҳеч кимга айтмасдан йўлга чиқишингиз керак. Бу ерда никоҳдан ўтиб, айрим масалаларни ҳал қилганимиздан кейин уйингиздагиларга хабар қиласиз. Уларни чақиртириб оламиз. Шаҳардаги катта ресторанлардан бирида тўй қилимиз. Кейин биргаликда юрганда қайтамиз. У ерда ҳам тўй бериб, элга маълум қиласиз. Лекин ҳозирги пайтда сиз менинг ёнимда бўлишингиз керак. Бу жуда муҳим!..»

Қувонишни ҳам, қайгуришни ҳам билмай қолгандим. Умрим бино бўлиб, бироннинг бу тахлит турмуш қурганини эшитмаганман. Мен самолётда учиб бораман-у, у мени аэропортда кутиб олади. Ўша куннинг ўзида никоҳдан ўтиб, кичикроқ даврада зиёфат берилади... Жуда қизиқ бўлса керак! Лекин бари бир катта тўйга ҳам ваъда беряпти-ку!

«Мен битта ўзим ҳатто Тошкентга ҳам бормаган бўлсам, Истанбулни қандай топиб бораман?» – миямда гужғон ўйнаётган саволларни бирма-бир жўнатишга тушдим.

«Ўринли савол! Сиз Тошкентга бормайсиз. Душанбедан учасиз».

Рост, агар чегарани ҳисобга олмаса, бизга Душанбе яқинроқ. Бироқ чегарарадан ўтишнинг ҳам ўзига яраша қонун-қоидалари бор-ку. Муҳсинаяннинг холаси Истанбулдан мол олиб келиб сотишини эшитгандим. Унинг ўзи ҳам хорижга чиқиши йўл-йўриқларидан яхшигина хабардор эди. Хо-

рижга бориш учун паспорт столига аллақандай хужжатлар топшириларкан. У ердан паспортта маҳсус рухсатнома ёпишириб беришаркан. Бундан ташқари, бизнинг ёшимиздаги қизларнинг ёлғиз четга чиқиши ҳам жуда қийин кечаркан.

Мен бу ҳақда Комронга ёзиб юборгандим. Жавоб ҳам унча ҳаялламади:

«Хеч қандай рухсатнома ёки визанинг кераги йўқ. Уйингиздан чегарагача бир соатлик йўл. Агар сиз рози бўлсангиз, ёнингизга танишларимни юбораман. Улар чегарадан ўтишингизга ёрдам беради. Қўшни давлат ҳудудида ҳам танишлар бор, сизни Душанбе аэропортигача етказишади. Самолётга чиқиб олдингизми, бу ёфи ҳеч гап эмас! Олти соатда Истанбулда бўласиз».

– Лекин билет олиш учун пулим...

– Пул ҳақида ўйлаб ҳам ўтируманг! Танишларим бу масалани ўзлари ҳал қилишади. Хуллас, ҳаммаси сизнинг розилигинингизга боғлиқ. Эрталабгача ўйлаб кўринг!»

...Тун ярмидан оғиб қолган, ойимнинг ҳам хонасидаги чироқ ўчганди. Назаримда бутун борлиқ уйқуга чўмгандек. Ҳатто кўкдаги ой ҳам булатнинг парёстиғига бошини қўйганча мизғимоқда. Фақат менинг кўзимга заррача уйқу илинмайди.

Нега Комрон бундай кескин талабни қўйди? Наҳотки, уйдагиларга, яқинларимга, коллеждагиларга бир оғиз гапирмай уйдан чиқиб кетсам? Ахир яна тўрт ойдан кейин ўқишлиарим тугаб, қўлимга диплом олишим керак-ку! Борди-ю, Комроннинг айтганини қилиб, уйдан қочиб кетсам, шўрлик ойимнинг ҳоли нима кечади? Хаста бувим-чи? Кўни-қўшнилар нима деб ўйлашади?

Бира тўла рад жавобини берсаммикин? Ахир мен Комроннинг ҳатто ўзи билан юзма-юз гаплашмаган бўлсам? Уни фақат ўзи айтган маълумот-

лар бўйича танийман, биламан, холос. Ахир мени ота-онам бир кун уйдан чиқиб кетиб, Фейсбуқдан танишиб қолган йигитнинг олдига чопиб, ўшанга тегиб кетсин деб ўстиришмагандир!

Худди денгизда довул турган маҳали кучсизроқ долғани ундан-да қудратли тўлқин босиб кетганидек, юрагимнинг бошқа бурчагидан янада шиддатлироқ туйгулар фалаён кўтарди.

Нималар деяпман? Наҳотки, Комронга ишонмасам? Ахир у ўта иймонли, софдил, ҳалол йигит-ку! Ахир ёлғон энг катта гуноҳ эканини у менга жуда кўп бор айтган-ку! Наҳотки, у ўз ваъдаларига хилоф иш тутса? Беихтиёр кўз олдимда мовий денгиз қирғофида қад кўтарган оппоқ мармардан тикланган қасрмонанд уй намоён бўлди. Уй эшиги олдида Комроннинг яп-янги русумдаги «Мерседес» машинаси турибди. Биз Комрон ширин-шакар болаларимиз билан тинч, фаровон ҳаёт кечиришимизни тасаввур қилиб вужудим бўшашиб кетди. Мана Комрон оппоқ куйлак, оппоқ шимда. Иккита жажжи ўғлимизни эркалатиб турибди. Олислардан муazzиннинг сокин, ширали овози эшитилади...

Наҳотки, шуларнинг ҳаммасини бир оғиз сўз билан чилпарчин қилсанг, Маҳзуна!

Йўқ, нега фақат ўзимни ўйлаяпман? Мен Комроннинг ёнига бориб, у ердан уйга телефон қилиб ҳаммасини айтгунимча, шўрлик ойим адойи тамом бўлади-ку!

Ие, энг асосийини унутибман-ку! Шу пайтгача Комрон ҳам мени кўрмаган. У мени анави эронлик ҳижобли қиз тимсолида танийди ва севади. Мени кўриб, «сен кимсан?» демайдими? Бор ҳақиқатни билгач, «қаердан келган бўлсанг, ўша ерга жўна» деса нима деган одам бўламан? Ахир Комрон мени ростгўй, иймонли, тақводор қиз сифатида билади-ку!

Хуллас, шу тариқа эрталабгача сўнгсиз саволлар, қарама-қарши ўйлар гирдобида ўртаниб чиқдим.

Тонгга яқин саркаш хаёллариму чалкаш фикрларимдан биргина қарор ҳосил бўлганди: мен Комронга ҳақиқатни, суратдаги қиз бошқа эканини, у ўйлаганидек диний билим ва кўнилмаларга эга эмаслигимни, ҳатто зарурий ибодатларни ҳам мукаммал адо эта олмаслигимни, рўмол ҳам ўрамаслигимни айтаман. Албатта, шундан сўнг унинг мендан ҳафсаласи пир бўлади. Балки мени ер билан битта қилиб ҳақоратлар, таъна-ю маломатларга қўмиб ташлар. Зотан мен бунга лойиқман. Ҳаммага ёлғон гапирган тақдиримда ҳам Комронни алдамаслигим керак эди.

Комрон мендан юз ўгиради. Менга қайтиб ёзмаслиги ҳам мумкин. Шуниси ҳам тузук. Шу тариқа у менинг иккююзламачи, ёлғончилигимни билиб, қўлинни ювиб қўлтиғига артади. Мен ҳам ортиқча изтироблардан, ташвишлардан қутуламан. Балки бир неча кун ўзимни қўярга жой тополмай юрарман. Аммо ниҳоясиз даҳшатдан даҳшатли ниҳоя яхшироқ.

Оҳ, кошкийди ўша қарор ҳаммасига нуқта қўйганида? Мен эрталаб туришим билан Фейсбукка кириб, хаёлимдан ўтганларнинг барчасини ҳарфларга кўчирдим. Мана, биргина тугмачани босишим билан Комрон ҳаммасидан воқиф бўлади. Мен учун ҳам бари тугайди. Ширин орзулар ҳам, ўзим орзу қилган келажак ҳам, баҳт ҳам, муҳаббат ҳам....

Уйқусизликдан қизарган кўзларимни телефон экранидан узмасдим. Саҳифада ҳамсуҳбатимнинг менга жавоб ёзаётганини билдирувчи белги пайдо бўлиши билан юрагимдаги титроқ ва ҳаяжон ўн чандон ортди.

«Маҳзуна! Албатта ёлғон мўъминга ярашадиган одат эмас. Аммо яхшиликка хизмат қилувчи ёлғонни кечирса бўлади. Сизнинг қалбаки расмингиз бизни янада яқинлаштириди. Энди мен учун суратнинг аҳамияти қолмади. Мен сизнинг сийратингизни севиб бўлганман. Мен сизнинг юзингизни эмас, қалбингизни, руҳингизни танийман. Сиз шу хатоингизни тан олиб, мендан узр сўрашингизнинг ўзи ҳамма айбларингизни ювиб кетади. Аллоҳ астайдил тавба қилганларнинг гуноҳдарини кечиради. Либос ва ибодат масаласига келсак, бу ҳам муаммо эмас. Муҳими, сизда шу ишга рағбат ва хоҳиш бор. Сиз менинг ёнимга келсангиз бас, билмаганларингизни ўзим ўргатаман. Истасангиз рўмол ўрайсиз, истамасангиз, то ўзингиз розилик бермагунингизча сизни ҳеч ким ўранишга мажбур қилмайди. Фақат юрагимни қиймалаб, «келмайман» деманг. Сиз учун ҳамма нарсага тайёрман, Маҳзуна! Илтимос, мени бундай мавҳум вазиятга ташлаб кетманг!»

Ўқиб кўзларимга ишонмадим. Ахир мен ундан таъналарга тўла аччиқ-тиззиқ гапларни кутмаганимидим? Қайта-қайта ўқиб чиқдим. Энди бу ёғи қандай бўлди?

Аслида ўз хатоимни унинг таклифини рад этиш учун важ деб ўйлагандим-ку! Энди яна қандай баҳона топа оламан? Ахир ўзим унинг ёнига учун қанот қидирмаяпманми?

Яна қачондир менинг барча хато ва камчиликларимга кўз юмиб, барча орзуларимни амалга ошира оладиган йигит рўпарамдан чиқармикин? Агар Комрон билан алоқани узсам, тақдиримни қайси-дир бир ношуд ёки тўпори билан боғлаб, умрбод ўз армонларим ёғида қоврилиб ўтмайманми?

«Пайти келиб, шу айбимни юзимга солмайсизми?
«Йўқ. Асло!»

«Пайти келиб, ватанимдан, яқинларимдан ке-
чиб, ўзга юртларга кетиб қолганим учун пушай-
мон бўлмайманми?»

«Ҳеч қачон!»

«Мени ўзим истаганимдек баҳтли қила оласизми?»

«Шак-шубҳасиз!»

Бошқа гап-сўзга ҳожат қолмаганди. Ўша ондан кетиш тараффудига тушдим. Комроннинг талабига кўра, бу ҳақда ҳеч кимни огоҳ қилмаслигим лозим эди. Начора, нимагадир эришиш учун нимадандир воз кечишим керак! Албатта, менга ҳам осон бўлмайди. Бу оламда бувим ва ойимдан бошқа яна кимим бор? Улар менинг йўқолиб қолганимдан қаттиқ хавотирга тушадилар. Аммо тез орада мен уларга соғ-саломат ва баҳтли эканимни маълум қиласман. Орадаги арзимас дилхираликлар бора-бора унутилади. Ахир оналар қаерда бўлмасин ўз фарзандларини баҳтли кўришни истайдилар-ку!

Энди бу ёғига Комроннинг ҳар бир топшириғини аниқ ва тўлиқ бажаришим керак. Унга паспорти мусхасини, ўзимга тегишли барча маълумотларни жўнатдим. У менга чипта, зарур ҳужжатлар, баъзи одамлар билан гаплашиш учун уч-тўрт кун кераклигини айтди.

Йўлга отланишимдан бир кун аввал Комрон менга уйдан чиқишим, чегарадан ўтишимдан тортиб, то самолётга ўтиришимга қадар қилишим лозим бўлган ҳамма ишларни ипидан-игнасигача батафсил ёзди. Кечқурун Комрон айтган муддатда менга номаълум рақамдан бир киши қўнғироқ қилиб, ярим тунда қишлоғимизни туман маркази билан боғлайдиган катта йўл ёқасига керакли анжомлар билан чиқиб туришимни айтди.

Ҳа, қисмат чархпалагини ортга қайтаришнинг имкони йўқ эди. Ҳар қанча оғир бўлмасин, мен ўз баҳтим, ўз келажагим учун таваккал қилишим ло-

зим эди. Янада оғири, мен уйимни ойижонимга ҳам, хаста бувимга ҳам, дугоналаримга ҳам чурқ этмасдан тарк этишим керак. Кечаси билан ухламасдан чиқдим. Йўлга ҳеч нарса, ҳатто паспортимни ҳам олишим керак эмаслиги уқтирилган бўлса-да, икки сидра кийим-бош, баъзи пардоз ашёларимни сафар халтамга жойладим. Қизиқ, паспорт керак бўлмасмикин? Э, керак бўлганида айтмасмиди?

Ойим ухлаётган хонага оёқ учида кирдим. Ойим оқ оралаган соchlари ёстиқ устида ёйилганча, дадамнинг эски кўйлагини қучганича ухлаб ётибди. Кўнглим бузилиб кетди. Йўқ, ҳис-туйгуларга бериладиган пайт эмас. Ойимнинг юзларидан енгилгина ўпдим. Мени кечиринг, ойижон!

Бувим билан хайрлашолмайман. Уйгоқ бўлишлари мумкин. Мени пайқаб қоладилар. Дарвоза олдига етганимда, файзсизгина ҳовлимизга кўз ташладим. Кўзларимда ёш тирқиради.

Оғир қадамлар билан катта йўлга чиқдим. Деворлари нураб, ўриндиқларидан асар ҳам қолмаган эски бекат олдидা мен номини билмайдиган, аллақандай чет эл машинаси турарди. Унга яқинлашишим билан эшик очилиб, қора кўзойнакли, мавҳум, совуқ башара кўринди. Саломимга алик ҳам олмасдан, «ўтири» дея имо қилди. Ичимдан қиринди ўтса-да, индамай ўтирдим. Комроннинг топшириғига кўра, машинага ўтиришим билан телефонни ўчиришим, ҳайдовчи савол сўраган пайдагина гапиришим, унга бир оғиз ҳам савол бермаслигим керак эди.

Машинада қанча йўл босганимиз эсимда йўқ. Чамамда йўлда бир оз мизғиб олдим шекилли. Кўзимни очганимда машина қоронғи тун қўйнида элас-элас кўзга ташланаётган адирлар яқинида тўхтаган, ҳайдовчи ташқарида икки аёл билан нималарнидир гаплашарди.

Зум ўтмай у аёлларни эргаштириб машинага қайтди. Рўмолларини оғзигача беркитиб, қалин кийиниб олган икки аёл ёнимдан жой олди. Тўғри, ҳозир декабрь, ҳадемай чилла киради. Аммо бу йил қишиш ва қаҳратон анча кечикди. Шу боис, ҳаво ҳам анча илиқ. Лекин буларнинг ўраниб олганини!

– Булар қўшни мамлакатдан мол келтириб сотади, – деди ҳайдовчи менга ўгирилиб (у шу пайтгача биринчи марта менга гапириши эди). – Чегарадан «черний ход» билан ўтиб қайтишда уларга тенг келадигани йўқ. Мен бундан бу ёғига ўтолмайман. Чегарачилар пайқаб қолишади. Бу ёғига худо пошшо, синглим! Менинг вазифам битди. Паспорт ва билетни манзилга етганингизда опалардан оласиз!

Биз тушишимиз билан қора машина ортига бурилиб, қоронгилик бағрига сингиб кетди. Ҳали тун зулмати қуюқ, икки қадам нарини кўриб бўлмасди. Аёллар жим, сассиз қадам ташлаб боришарди.

– Мана шу адирдан ўтиб олсак, симтўсиқ келади, – деди аёллардан бири шивирлаб. – Бу ер чегаранинг ўтиш учун энг қулай қисми. Лекин бари бир жуда эҳтиёт бўлиш керак. Шу атрофда навбатчилар кузатиб юрган бўлишлари мумкин.

– Ўзбек чегарасидан амаллаб ўтиб олсак, у ёғи осон, – унинг гапини қувватлади шериги. – У ёқда таниш-билишлар кўп.

Мен эса, айни чоғда худди чўпон етовидаги қўйдек ҳис этардим ўзимни. Ким билан, қаерга кетяпман, тўғри қиласманми, нотўғрими, бир дақиқадан сўнг нима юз беради – тамоман бехабарман. Мен ўз ҳаётимни тақдидири илоҳий ҳукмига, янада аниқроғи Комроннинг ихтиёрига топширгандим. Ўзи айтгандек, «машинага ўтирганингиздан сўнг, ҳаммасини Яратганинг измига қўйиб беринг, иншооллоҳ Унинг ўзи сизга мададкор бўлади...»

Чегарага етгунча паст-баланд қияликларда йўл босиб, ўпкам оғзимга тиқилди. Мана ўша сим тў-сиқ. Бунақасини фақат киноларда кўргандим. Ти-канакли симлар орасидан қандай ўтарканмиз?

Аёллардан бири эгнидаги қалин паҳталикни ечиб, худди гитаранинг торларидек бир текисда тортилган симтўсиқнинг энг пастки «тори» устига ташлади, тивит рўмолини ечиб, тепадаги «тор»-нинг тиканлари устидан ўради. Бу тиканакли симлар орасидан ўтишни анча осонлаштирарди.

Амаллаб чегарадан ўтдик. Чегарадан ноқонуний ўтиб, жиноят содир этганимни ўша пайтда хаёлимга ҳам келтирмасдим. Назаримда ҳар бир қадам мени мақсад сари, истиқбол сари яқинлаштирарди. Ўн дақиқа ичидагетараф ҳудудни яёв босиб ўтдик. Аёллар айтганидек, нариги тарафга ўтиш унча қийинчилик туғдирмади. Чегаравчилар билан аёллар ўзларининг тожик тилида алланималарни гаплашиб, мени ҳам олиб ўтишди. Сўқмоқдан пастга қараб тушдик. Пастда бир-иккита машина кўзга ташланарди. Аёллардан бири оқиш «жигули»нинг эгаси билан гаплашиб бизни шаҳаргача олиб боришга кўндириди.

Яна анча пайт машинада адирлар оралаб юрдик. Кейин кўзимизга яккам-дуккам қишлоқ уйлари кўрина бошлади. Мен айни пайтда ватан сарҳадларидан тобора узоқлаша бошлаганимни ҳис этмас, шуурим алланечук хира ва караҳт эди.

– Ҳисорга яқинлашиб қолдикми? – сўради аёллардан бири уйқусираб.

– Йўқ ойти, ҳали энди Турсунзодадан ўтяпмиз, – деди ҳайдовчи ғализ талаффузда. – Насиб бўлса, тонг отганда шаҳарга кириб борамиз.

Кечаси билан тузукроқ ухламаганим учунми, яна уйқу элита бошлади. Қанча ухладим – билмайман, аёллардан бири биқинимга туртиб уйғотди.

– Етиб келдингиз, синглим, – кейин сумкасини кавлаштириб, менга ниманидир узатди. – Бу сизнинг янги паспортингиз ва чиптангиз.

Кўм-кўк муқовали паспортни очиб, кўзларимга ишонмадим. Ичидаги расм айнан ўз паспортимдаги билан бир хил, аммо исм-фамилиям бутунлай бошқача. «Мақсадшоева Нигина Муродшоевна». Ўзимни янги исм-шарифда тасаввур қилиб, кулгим қистади. Фалати бўларкан. Тушунишимча, паспорт саҳифасида, ялтироқ плёнка ичida илгари бошқа бирорнинг сурати бўлган, менинг расмимни унинг ўрнига киритишган. Агар диққат билан кузатилса, қалбакилигини пайқаш қийин эмас.

– Ўзингизни қўлга олинг, – деди ҳалиги аёл пи-чиirlаб. – Сездириб қўйманг. Ҳеч кимга бир оғиз ҳам гапирманг. Паспорт назоратидан ўтиб олсангиз, манзилга етдим деяверинг. Билетга эҳтиёт бўлинг, тушиб қолмасин.

Аёллар билан наридан-бери хайрлашиб, аэропорт биносига кирдим. Аввал қўлимдаги сумкани маҳсус мосламадан ўтказишиди. Назоратчи аёл бир менга, бир паспортга, бир чиптага қараб, ўтишимга ижозат берди. Божхона хизмати ходими ҳам мени бошдан-оёқ назардан кечириб, қараб, ниманидир сўради. Очиги, унинг гапини умуман тушунмай, бақрайганча қараб туравердим. Қолаверса, бояги аёл гапирмасликни уқтирган. Божхоначининг ёшроқ шериги айтган гап шаклан эсимда қолди:

– Эҳтимол, гўшааш намешунавад? (Балки қулоги эшитмас – тожик.)

Божхона ходимларининг шубҳали қарашларидан «қўлга тушдим» деб ўйлагандим. Хайрият, мени карликда тусмол қилган йигит ўтавер деб имо қилди.

Қисқаси, ҳамма тўсиқлардан омон-эсон ўтиб олдим. Аэропорт биносидан махсус автобус мен билан бирга юзлаб йўловчиларни самолёт зинапояси томон олиб келди.

Комрон «Самолётта чиқиб олдингизми, бу ёғи ҳеч гап эмас» деганди. Мана, тумшуғига «Турк ҳаво йўллари»нинг қирмизи тамфаси туширилган улкан ҳаво кемасининг «қорни»га кириб кетяпмиз. Демак, яна олти соатдан сўнг, Истанбулда бўламан. Комроннинг мени кутиб олаётган чоғидаги табассум балқиб турган нурли юзи кўз олдимга келди-ю йўл чарчоғи, кўнглимнинг бир четини чимчилаб турган фашлик тарқагандек бўлди.

Умримда биринчи марта самолётта чиқишим. Тавба! Ҳақиқатан ҳам мўъжизанинг ўзи. Ахир бир неча минг тонналик бу баҳайбат мослама ҳавога қандай кўтарилади-ю, минглаб километр масофани қандай босиб ўтади? Йўлда бензини тугаб қолса нима қиласи? Ҳавони булат қоплаб, учувчи йўлни йўқотиб қўйса-чи? Э, бунақа нарсаларни ўйлаганим билан бари бир ақлим етмайди. Муҳими эсон-омон етиб борсам бўлгани.

Менинг жойим самолёт ойнаси – иллюминатор ёнида экан. Аланглаб салон ичида юкларини жойлаштираётган одамларга кўз ташлайман. Қулоғимга туркча, тожикча, русча ва менга нотаниш тиллардаги гап-сўзлар чалинади.

Орқа тарафдаги икки эркакнинг сухбати қулоғимга алоҳида жаранглаб кирди. Улар ўзбекча гаплашаётган эдилар.

– Кўпчилик одамларимиз ўз ҳақини талаб қилишни билмайди. Бегона давлатлардаги элчихоналар нима учун очиб қўйилган? Биринчи навбатда ўша юрга борган фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун.

– Шуни айтинг, баъзи бировлар элчихона нималигини ҳам билишмайди. Кейин одам савдоси қурбонига айланишса ҳам, нафасини чиқармай, кўзини туздек қилиб ўтираверади.

– Э, барака топкур, аввал борадиган жойинг тилини, қонун-қоидасини, урф-одати, йўл-йўригини ўрган. Кейин ўша юртда ўз юртингнинг элчихонаси бор-йўқлиги билан қизиқ. Керак бўлса телефон рақамини топ. Бегона юртда сени бирор хафа қилдими, ишлатиб пулингни бермадими, жиноятчи деб ушлаб турмага тиқмоқчи бўлишяптими, ҳуқуқларинг бузиласптими, шартта ўз юртинг ваколатхонасига сим қоқ. Ахир ҳамма жойдаям ўзига яраша қонун бор. Халқаро ҳуқуқ деган гаплар бор...

– Шунаقا нарсаларни кўп одамларимиз билмайди-да, амаки!

Хўш, мен-чи? Мен биламанми? Ўзим бораётган юртнинг на тилини, на урф-одатини биламан. Элчихонани-ку айтмаса ҳам бўлади. Э, нималар деяпман? Мени ҳеч ким ушлаб турмага тиқмайди-ку! Ким ишлатиб пулимни бермаслиги мумкин? Ахир мени Комроннинг ўзи кутиб олади. У менга гард юқтирумайди. Акс ҳолда ялиниб-ёлвориб чақирти-рармиди? Бегона юртдан паспорт тузаттириб, са-молётга ўтқаздиришни амаллаган, қолган ҳаммасини уddyалайди.

Бувим кўп айтардилар «пул бўлса чангальда шўрва» деб. Ҳарқалай, менинг Маҳзунадан Нигинага айланишимга, шунча чифириқлардан эсономон ўтиб келишимга ҳам озмунча пул кетмагандир?

Айтганча, ёлғон оғир гуноҳ эди-ку! Мен сохта паспорт билан қанча одамни алдаб келяпман? Гуноҳ бўлмасмикин? Комрон «яхшиликка хизмат қиладиган ёлғонни кечирса бўлади» деганмиди? Ис-

танбулга боришим яхшиликками? Ойимни, бувими-ни, ҳамқишлоқдаримни бир оғиз огоҳлантиришсиз ташлаб кетишими-чи? Йўқ, мен ёмон ниятда йўлга чиқмадим. Ниятим тоза! Ўзим истаган пок, ҳа-лол, иймонлийигитга турмушга чиқаман. У ёқса боришим билан эътиқодга берилиб, гуноҳларимга астойдил тавба қиласман. Вақтимни ибодатга, илм олишга, севимли ёримнинг хизматини қилишга бағишилайман.

Мен ширин орзулар оғушида сархуш сузаётганимда самолёт ҳали паға-паға булувлар бағрини ёриб борарди. Ойнадан пастга қараб бошим айланниб кетди. Одамлар, уйлар, машиналар, кўчалар, умуман, ер мендан узоқлашиб бораётгандек туюлди.

Мен ҳамон учардим...

ИККИНЧИ ҚИСМ

«Отатурк» аэропортига киришим билан ўзимни худди қафасдан чиқиб қаёққа учишни билмай турган ожиз бир күш мисоли ҳис этдим. Комрон менга ёзган мактубида «одамлар оқими сизни ўзи керакли жойгача олиб боради. Паспорт текширувчидан ўтишингиз билан чиқиш эшиги тарафга қараб юрасиз. Мен сизни ўша ерда топиб оламан» деб ёзганди.

Паспорт назорати пункти олдида узундан-узоқ навбат вужудга келган, чамаси назоратчининг ўзи қаёққадир кетганди. Баъзилар ҳали-вери навбати келмаслигини билиб, четдаги ўриндиқларда ўтиришибди. Мен ҳам бўш ўриндиқлардан бирини эгалладим. Ёнимда ҳижобга ўранган, қорачадан келган ёшгина жувон ва тим-қора соқоли юзини янада қорамтириб кўрсатиб турган йигит ёнма-ён ўтиришибди. Эр мен тушунмайдиган тилда (арабча бўлса керак) хотинига бир нима деди-да, туриб қаёққадир кетди.

Аёл эрининг ортидан анча қараб тургач, бошидаги рўмолини ечиб, сумкасидан кўзгу чиқарди. Аёл чиндан ҳам бениҳоя гўзал эди. Ўзи ҳам ҳуснига бир зум маҳдиё бўлиб турди, худди ўз чиройини атрофга кўз-кўз қилмоқчи бўлгандек қаддини гоз тутиб, ўтиб-қайтаётганларни бир зум кибр билан кузатди. Юзида айёrona табассум ўйнади. Кейин нимадир эсига тушгандек, шартта рўмолини ўраб, соchlарини беркитди. Хавотири бежиз эмас экан, орадан саноқли сониялар ўтиб, эри қўлида ярим литрлик идишда сув билан пайдо бўлди.

Қизиқ, бу аёл рўмолни шунчаки эрининг кўзига ўраркан-да? Ахир ҳижоб эр учун эмас, аксинча,

номаҳрамлардан ўзини пана қилиш учун буюрилмаганми? Унда нега бу хонимча эри икки қадам нари кетиши билан рўмолини ечиб, ўзини ҳаммага кўз-кўз қилди экан? Дарвоқе, мен ҳам ҳозир аэропортдан чиқиб, Комронга рўбару келаман. Нима қилсам экан? Сумкамдан рўмолимни олиб, ўрасаммикин? Йўқ, мен ҳам манави гўзал хонимга ҳижобни хўжакўрсинга, кимларгадир яхши кўриниш учун ўрагандан кўра, ўрамай қўя қоламан. Ахир Комрон менга ўзи имконият берди-ку. То ўзинг чин диддан шу йўлни танламагунингча, сени ҳеч ким мажбурламайди, деб ёзди-ку!

Бир амаллаб паспорт назоратидан ҳам ўтиб олдим. Назоратчи қўйган муҳр менга, тўғрироги, Нигина Мақсадшоевага бу мамлакатда бир ой бемалол юриш ҳуқуқини бераркан.

Ажаб, ўша онда менинг йўқолиб қолганимдан хавотирга тушиб, бутун қишлоқни оёқقا турғизаётган яқинларим ҳақида эмас, мени бегона юртда қарши олиши лозим бўлган, ҳали умримда кўрмаган, билмаган бир инсон ҳақида кўпроқ ўйлардим. Аэропортнинг чиқиши эшиги томон юарканман, юрагим қинидан чиққудек шиддан билан тепа бошлади. Бир неча ойлик интизорлик барҳам топиб, мен хаёлларимни безаган, қалбимнинг беназир соҳиби билан кўришаман ҳозир.

Сафар халтамни елкалаб борараканман, ўзимча хаёллар осмонида сархуш парвоз этардим. Комрон эшик олдида кутиб ўтиргандир? Худди суратларидаги каби чиройли, келишган, хушсуратмикин? Қайси кийимида чиқаркин? Ҳалиги оқ-қора рангли свитери ўзига жуда ҳам ярашади. «Мерседес»да келармикин? Ахир унинг бир эмас, иккита машинаси бор. Иккинчисининг номи эсимда йўқ, «Рено»ми, «Пежо»ми деганди. Машинанинг олд ўринидигига ўтирасаммикин? Йўқ, «ўлиб турган экан»

демасин. Орқада ўтиравераман. Шунда пешойнадан уни ўғринча томоша қилиб кетаман. Кўзимиз тўқнашиб кетганида роса ҳаяжонлансан керак! Ўзи ҳозирдан юрагим бўғзимга тиқиляпти-ку! Йўқ, қарамайман. Ахир бу гуноҳ!

Кутиш залида одам тирбанд. Мана, мен билан ёнма-ён келаётган аёлга пешвоз чиққан қиз онасини маҳкам бағрига босганча юм-юм йифлаяпти. Айтганча, ойим... Ҳаммаси изига тушиб кетсин, ўзим ойижонимга «сюрприз» қиласман. Мен ҳам ойимни худди мана шу қиздек, худди мана шу ерда кўз-ёш билан кутиб олсам керак.

Эҳ-ҳе, мен сингари меҳмонларни кутиб олишга чиққанлар кўп экан. Айримлари қўлида исмлар битилган қофозларни кўтариб олишган. Комрон мени танийди-ку, ахир унга асл суратимни жўнатгаман. Мен ҳам уни танийман. Нега кўринмаяпти? Тинчликмикин?

Хаёлимга урилган нохуш ўйдан юрагим орқага тортиб кетди: у чиқмаган бўлса, мен нима қиласман? Ахир чўнтағимда ҳемири ҳам йўқ. Бу шаҳарда ундан бошқа таниш-билишим, хеш-таборим бўлмаса? Йўқ, мени шу ергача келишимни таъминладими, албатта чиқади. Мабодо йўл-пўлда... Худо сақласин!

– Сиз мабодо Нигина эмасмисиз? – ўзбек тилидаги бу савол менга қаратилганини дастлаб пайқамадим. Қирқ ёшлар чамаси, соchlари сийраклашиб, пешонаси очилиб қолган, худди тарихий фильмлар қаҳрамонлари сингари ингичка соқол-мўйлов қўйган, бошдан-оёқ оппоқ кийинган бўйи пастроқ бир киши менга зимдан разм солиб турарди.

– Мен... ҳалиги... йўқ... ҳа... билмадим...

– Тушунмадим, – жавобимнинг мантиқисизлигини, қаловланиб қолганимни у ҳам сездими, кулимсиради. Шундагина паспортдаги исмим Нигина эканини эслаб қолдим.

– Ҳа, менман, – дедим ниҳоят, ўзимни қўлга олиб. – Узр, сизни танимадим.

– Мен Комронбейнинг танишиман, – деди атрофга бир қур кўз ташлаб оларкан ҳалиги эркак.

– Ўзи иш юзасидан ушланиб қолди. Сизни кутиб қолмасин деб мени жўнатди.

Бирданига худди дами чиқиб кетган пуфакдек бўшашиб қолдим. Ахир бу қанақаси? Мен уни деб сарҳадлар оша бу ерга келсам-у, у бўлса?..

Ҳафсалам пир бўлганини пайқаган ҳалиги эркак қўнглимни кўтаришга уринди:

– Комронбей сизни ўзи кутиб ололмаганидан қаттиқ афсусда. Аммо унинг бошқа чораси йўқ эди. Бу ҳақда сизни хабардор қилмоқчи экан, лекин...

– Менинг телефоним ўчиқ... – дедим сумкамга имо қилиб. – Кечадан бери интернетга кирганим йўқ.

– Унда... метродада кетамизми?

Дастурхонга палов келтирилишини кутаётган меҳмоннинг олдига мастава сузиб келишса, худди мен сингари аҳволга тушса керак. Иштаҳам боя жа очилиб кетганди. Ўзимча «Мерседес»нинг орқа ўринидигида ястаниб кетмоқчи эдим. Начора. Дарвоҳе, метрода тушиш ҳам азалий орзуларимдан бири эди. Мұхсина бир марта холасиникига борганида метроға тушганини-ю, у ерда Самандарни кўриб қолганини камида йигирма марта айтган. Ўшанда биз курсдошлар «тавба, Самандар ҳам метроға юрарканми?» деб унинг устидан роса кулганмиз.

Ажабмас, мен ҳам Истанбул метросида Таркан ёки Иброҳим Татлисасни учратиб қолсам. Юзимга табассум ютурганини кўрди шекилли, ҳамсуҳбатим ҳам хижолатомуз илжайди.

– Истанбул метроси унча-мунча таксилардан қолишмайди. Енгил машина билан кетсан, соатлаб тирбандликда қолиб кетамиз, – шундай дея у сумкамга қўл узатди. (Бор экансан-ку, чарчага-

нимдан шу енгилгина юк ҳам зил-замбил туюла бошлаганди.)

У билан то метро станциясига қадар жим кетдик. Қизиқ, тақдир деганлари ғалати экан. Ўзимизда, Тошкентдаги метрони кўрмай туриб, чет давлатнинг метросига тушяпман. Муҳсина поезд фақат ер остида юради, деганди. Бу ерда бошқачароқ шекилли. Бир-икки марта туннелга кириб чиққанимизни айтмаса, асосан ер устидаги маҳсус темир излар бўйлаб кетдик. Мана, мен орзу қилган шаҳар: осмонўпар бинолар, тиқилинч кўчалар, ранг-баранг машиналар, ҳар тарафга ошиқаётган одамлар... Лекин негадир денгиз кўринмаяпти.

– Қаерга кетяпмиз? – сўрадим қаршимдаги бўш ўриндиқча ўтирганча мендан кўз узмай кетаётган ҳамроҳимдан. (Намунча еб қўйгудек тикилмаса?)

– «Оқсанор» бекатида тушамиз, – деди у ҳамон менга кўз қадаб. – Сизни Комронбейнинг ўша ердаги квартирасига жойлаштираман. Ўзи ишини битириши билан ёнингизга боради.

«Комронбей» билан унинг квартирасида ёлғиз қолишими үйлаб, энтикиб кетдим. Бугуноқ... никоҳ ўқитармикин? Ҳарқалай, никоҳсиз унинг уйида қололмайман-ку! Тавба, намунча тикилмаса манави одам? Комрон мени кутиб олишга нега айнан уни жўнатдийкин? Ахир «жуда рашичи-ман» демаганмиди? Нима, бу эркакдан рашик қиласмикин? Ҳарқалай, ярим соатдан бери у билан ёнма-ён юрибман. Ишқилиб квартирага ортимдан кириб... тавба қилдим, нега бунаقا ёмон ўйларга боряпман? Бу ҳам Комронга ўхшаш иймонли, эътиқодли инсон бўлса керак. Яна ким билсин! Уф, кўзлари одамни тешворай деяпти. Номаҳрамга тикилиб қарап гуноҳ эканини билмасмикин. Била-ди! Лекин бу унчалик катта гуноҳ эмасдир-да!

Нега манзилга тезроқ ета қолмадик? Квартирага етиб олишим билан кираман-у, эшикни ичкаридан құлфлаб, үзимни каравотга ташлайман. Йүқ, бирдан Комронбей келиб қолса-чи? Бориб, үзимни сал тартибга келтириб олишим керак! Жин урсин, әрталаб туриб, самолётда «мушук ювиниши» қилғанман, холос. Квартирада чўмилиб оларман...

«Оқсарой»да метродан чиқдик. Үзингиз билмаган жойга бориб қолсангиз, беихтиёр йўлбошчингизнинг измига тушиб қоласиз. Ўнқир-чўнқир демай, паст-баланд демай унинг оргидан кетаверасиз. Метродан чиқиб яна қанча юрганимиз эсимда йўқ. Қизиқ, бу ерда буюм бозори кўчанинг икки тарафида жойлашганми, дейман. Кўп қаватли уйларнинг тагида ёймачилар ўз молларини ёйиб ўтирибди. Бақир-чақир қулоқни тешворай дейди. Гоҳида-гоҳида қулоғимга ўзбекча хитоблар ҳам чалинниб қолади. Кейин билсам, бу ерни «Лолали» бозори дейишар, үзимиздан борганлар асосан шу ердан мол харид қиласкан.

Ниҳоят, ёйма дўқонлар ҳам ортда қолди. Кўп қаватли уйлар оралаб қияликка чиқиб боряпмиз. Оббо, бу қорасоқол мени кечгача орқасидан эргаштириб юрадими дейман? Мана, у тўрт қаватли, тепасида «Turgut Ozal caddesi 58» деб ёзилган лавҳа осилиб турган сарғиш иморат йўлагига қайрилди. У билан изма-из тўртинчи қаватга кўтарилидим. Ҳамроҳим чап томонда, тепасида 8 рақами ёпиштирилган эшикка калит солди. Комрон унга ишониб уйининг калитини ҳам топширган экан, демак, жуда яқин кишиси бўлиши керак. Қизиқ, нега шу пайтгача менга у ҳақида гапирмади экан?

Негадир ич-ичимда қўрқув уйғонди: ким ўзи бу эркак. Нега унинг изидан эргашиб юрибман ўзи? Яна ўзимга-ўзим таскин берган бўламан: ўзингни

бос, Маҳзуна, ҳаммаси олдинда! Комрон сени ногбакор кимсаларнинг қўлига топшириб қўймайди!

– Бемалол кириб, дамингизни олиб тураверинг, – деди тараддудимни пайқаган ҳамроҳим. – Комронбейга ҳаммасини етказаман. Фақат кўчага чиқманг, эшикни беркитиб олинг. Ҳа, айтганча, паспортингизни Комронбейга етказишим керак.

Сумкамнинг ён чўнтағида турган кўк муқовали ажнабий паспортни узатдим.

– Лекин бу паспорт...

– Биламан, – кулимсиради ҳалиги эркак, – сизники эмас. Майли, яхши дам олинг!

У чиқиши билан эшикни ичкаридан қулфлаб олдим. Кейин «уйим»ни томоша қилишга тушдим. Ўзимча дengиз соҳилидаги оқ мармардан ишланган қасрмонанд уйни орзу қилганмидим. Туя ҳамомни орзу қилгандек... уйни ҳафсаласизлик билан кўздан кечира бошладим. Ранги унниқиб қолган палослар, сандиқсимон таглик устига ўрнатилган ўртacha катталиқдаги телевизор, учта стол ва битта стул, бобом замонасидан қолган газ плитаси, анчадан бери ювилмагани қўриниб турган қозон-товоқлар, ётоқхонада кўкимтири адёл ёпилган икки кишилий каравот...

Наҳотки, Комрон мени алдаган бўлса? Ахир у менга шоҳона ҳаёт ваъда қилмаганими. Мен бу ерга ўз ватанимни, онамни, яқинларимни мана шу қақир-қуқирлар учун ташлаб келдимми? Балки бояги эркак мени бу ерга вақтинча жойлаб кетгандир? Дарров хulosса чиқаришга шошилмаслигим керак.

Шундагина мени излаб ойим қанчалик изтироб чекаётганини ўйлаб, ичимда оғриқ турди. Шартта телефонимни қўлга олдим. Жин урсин. Бу ерда ўзимизнинг сим-карта ишлармиди? Ахир мен бошқа мамлакатда, ўз қишлоғимдан минглаб чақирим

олисдаман. Бу ердан уйга қандай телефон қилишни ҳам билмайман. Лоақал интернет бўлганида ҳам, Фейсбуқка кириб, ё Шоҳсанам, ё Муҳсинага хат ёзар, уларга тириклигимни билдирардим.

Шу онда вужудимда иккиланиш юз берган, гўё-ки иккита Маҳзуна бир-бири билан жиққамушт бўлиб олишарди:

«Аҳмоқ, нималар қилиб қўйганингни биласанми?» – дерди бири.

«Нима қилган бўлсам тўғри қилдим. Мен бу ерга дунё ва охират саодатини кўзлаб келдим», – дерди ичимдаги иккинчи «мен».

«Йўқ, сен нафс илинжида келдинг. Бахтингни ўша ерда ҳам топа олардинг-ку!»

«Мен Комронни севаман! Бошқа нарса билан ишим йўқ. У ҳадемай келади ва барча ғашликларим унут бўлади!»

«Ойинг, бувинг сенинг йўқолганингдан қай аҳволга тушишганини тасаввур қиляпсанми?»

«Ҳаммаси яхши бўлади. Онамга ҳам, бувимга ҳам тушунтираман!»

...Ичимдаги ғалаёнларни бостириш учун бир зум деразадан ташқарига қарадим. Бу ер менинг тасаввуримдаги орзулар шаҳридан анча фарқ қиласкан. Кўчаларни тўлдириб юрган манави юпун, кир-чир болалар қаердан келди? Уларнинг отоналари бормикин? Анави йўл четида қоп-қора чодрага ўранганча тиланиб ўтирган кампир-чи? Наҳотки, унинг ҳам ҳеч кими йўқ? (Кейин билсан, уларнинг аксарияти суриялик қочоқлар экан).

Бу ерда бунчалик зерикаман деб ўйламагандим. Стол устида турган телевизор пультини қўлга олдим. Бирма-бир каналларни алмаштиришга тушдим. Битта каналда соқоли кўксига тушган домла туркчалаб диний мавзуда маъруза ўқияпти. Кейинги каналда фарб фильмни бериляпти. Ўзиям

йигит ва қизнинг ишқий муносабатлари акс этган саҳнага тўғри келиб қолибман. Бир-бирини чунонам ялаб-юлқашяптики... Вой... Вой бетингдан олгур шармандалар! Бир зум шайтоний ҳис нигоҳларимни экранга муҳрлашга ундаса-да, истигфор айтиб, пулт тутмасини босдим.

Қайсиdir канал қўй жунини қирқадиган қайчини роса мақтаб реклама қиляпти. Яна бир каналда маҳаллий янгиликлар берилапти. Кўчаларда ур-тўполон. Одамлар шиорларни кўтариб, телбаларча алланималарни талаб қилишяпти. Кимлардир полицияга тош отяпти, ора-сирада ўқ товушлари эшитилади.

Туркчадан оз-моз хабарим бор. Бу қардош халқнинг тили ва маданиятига болалигимдан қизиқаман. Шу боис, сухандон қизнинг тез ва равон нутқидан чала-ярим бўлса-да, нималарнидир тушиуняпман. Анқарада аллақайси мухолиф партия вакиллари намойиш ўтказаётган экан. Унинг ортидан мамлакатнинг қайсиdir ҳудудида юз берган теракт ҳақидаги лавҳа берилди. Ўрта ёшли бир аёл кўз ёш билан интервью беряпти. Терактда қурбон бўлганлардан бирининг хотини бўлса керак.

Мен тинч, осойишта мамлакатда туғилиб ўсганим учунми, дарров ичимни ваҳима босди. Эртага мен турган жойда ҳам бомба портласа нима қиламан? Худо сақласин. Ҳарқалай, Комроннинг таъсир туфайлими, кўпгина ҳолатларга диний нуқтаи назардан баҳо беришга ўрганиб қолибман. Инсон ҳаёти Яратганинг ихтиёрида. Жон унинг измида. Ўз омонатини истаган пайтда олиши мумкин. Шунинг учун ўлимдан қўрқишининг кераги йўқ. Эртами-кечми ҳамма бу ҳаётни тарк этади-ку!

Яна каналларни тез-тез алмаштира бошладим. Эҳ-ҳе, улар бунча кўп бўлмаса? Ие-ие тўхта! Мана-ви ким бўлди? Экранда... Комронни кўрдим-у қо-

тиб қолдим. Күзларимга ишонмасдим. У... телебошловчи экан-ку. Ҳа, адашган бўлишим мумкин эмас. Худди ўшанинг ўзи. Шоша-пиша телефонимнинг хотирасига Фейсбуқдан юклаб олганим – Комроннинг суратларини бирма-бир очиб кўра бошладим. Ҳа, мана, оқ-қора рангли свитерда тушган расми. Экранда ҳам худди шу кийимда! Чап юзидағи холи ҳам, кулгичлари ҳам, қош чимиришлари ҳам...

Комрон аллақандай шоу-дастурни олиб борарди. Туркчада сайрашни қойиллатарканлар! Бир оғиз менга телебошловчилик қобилияти борлигини айтмабди-я! Мен ҳам худди Мұхсинага ўхшаб оғизимни тўлдириб мақтантган бўлармидим?

Комрон аллакимни студияга тантанавор оҳангда таклиф этиши билан томошабинлар қийқириб юборишли. Оббо, бу жиблажибон ким бўлди? Этаги тиззасидан бир қарич баланд, ёқасининг кенглигини-чи? Ахир Комрон бунақа кийинадиган аёллардан нафратланарди-ку! Ие, ие ҳа? Манави қақилдоқ билан ўпишиб сўрашдими? Тавба, минг марта тавба! Одам ҳам шу даражада иккиюзламачи бўладими? Чамаси бу қиз ё актриса, ё хонанда бўлса керак! Комрон унга қизнинг сурати туширилган чинни вазани топшираркан, юзларидан яна бир бора ўпид қўйди.

Ичимдан нафрат тўғони тошиб келарди. Наҳотки, мен гўдакдек бегубор, фариштадек пок деб билганим Комрон... Худо ҳақи, бунақалигини билсам, бу ерга ўлсам ҳам келмасдим.

Нима, нима? Анави қақилдоқ нима деди? «Ташаккур, Метин бей», дедими? Йўқ мен хато эшитдим чамамда! Кўрсатув ниҳоясига етди чофи, бошловчи томошабинлар билан хайрлашяпти.

Азиз томошабинлар, дастуримиз яқунига етди. Мен, Метин Ўздемир сизга ўз эҳтиромимни йўллайман, омон бўлинг!

Ажабланманг, бу сўзлар менинг шууримни ўқ-дек ёриб кириб, хотирамга елимдек ёпишиб қолган! Ва ўша онда битта даҳшатли ҳақиқатни англаб етганман. Менинг тасаввуримда Комрон бўлиб жой олган, хаёлимни ўғирлаган, қалбимни забт этган қиёфа мутлақо бошқа, менинг борлигимдан ҳам бехабар бегона йигитга тегишли экан. Унда Комрон ким? Нега мени алдади? Нима ҳақи бор эди туйгуларим билан ўйнашишга? Наҳотки, шунча орзуладим, умидларим чилпарчин бўлса? Наҳотки, шу даражада осон аддандим?

Энди дод-фарёддан фойда йўқ эди. Мен тузоқقا тушгандим. Мени маккорларча, ғаддорларча алдашганди. Хўш, мендан нима исташади? Ким ва нима учун мени бунчалик аҳмоқ қилди?

Худди шу аснода эшик тақиллади. Ким экан-а? Ким бўлсаям келиши билан юзига чанг соламан! Кучим етганича юмдалайман. Кейин мени отиб ташламайдими?

Эшик зулфини туширганимда, бўсағада мени бу ерга олиб келган бояги кишини кўрдим-у, бир зум қотиб қолдим. У уйга кириб эшикни ёпди. Негадир ортга чекиниб унга йўл бердим.

– Комронбек... қани? – сўрадим яна кимдир келиши керакдек эшикка кўз тикиб. (Чамаси ҳозиргина телевизорда кўрганларим ёлғон бўлиб чиқишига умид қиласдим, ахир бу оламда бир-бирига икки томчи сувдек ўхшаш одамлар учрайди-ку!)

Қаршимдаги кимса деворга тақалиб турган эски курсига жойлашаркан, стол четида турган чинни кулдонни олдига сурди. Бу кулдонга боя эътибор бермаган эканман.

– Комрон – менман, – деди у лабига сигарета қистириб ўт олдиаркан, бир пайтлар менинг юрагимга ўт солган таниш мисраларни ўқишишга тушди:

*Юракка ботар бир түгүнча – гунох,
Құрқұв үйгөтәр бир түшүнча – гунох,
Агар гунох бўлса сизни ўйламоқ,
Ширин бўладими, оҳ шунча гунох?*

– Хўш, эсингга тушдими бу мисралар?

Кўз олдим тамаки тутунидан хира тортдими ёки миямга урилган навбатдаги кескин зарбаданми, англомасдим. Ҳарқалай, аччиқ тутун халқумимни хиппа бўға бошлаганини биламан. Ҳушимни йўқотаёзган эканман, юзимга урилган совуқ сув томчиларидан ҳушёр тортдим. Тепамда бояги кимсанинг сигарет қистирганча, бир қўлида стакан билан беўхшов тиржайиб турганини кўрдим.

Ҳа, бу ўша эди! Мен тамом бўлгандим. Боя экранда таниш чеҳрани кўриб, қанчалик фазабга мингтан бўлсан, энди шунчалар даҳшатга тушгандим. Наҳотки...

Наҳотки, мана шу, соchlари тўклилиб, пешонаси тиришган, юзини соқол босган кимсани деб мен бутун борлиғимдан, жону жаҳонимдан кечиб, ҳаётимни хатарга қўйиб, дунёнинг нариги четидан учиб келган бўлсан? Э, худо? Наҳотки, шунчалик осон алдандим, мени шу қадарчув туширишди.

Нима қилай энди? Ҳаётимни остин-устун қилган бу ярамасни нима қилай? Манави кулдон билан қоқ пешонасига тушириб, кейин жуфтакни ростласамми? Қочиб қаерга бораман? Ё дод солиб ёрдамга чақирсанми? Кимни чақираман?

Комрон худди хәёлимни уқиб олгандек кулдонни кафти билан тўсиб олди:

– Кутмаганмидинг? – дабдурустдан сенсирашга ўтди у. – Нима ўхшамайманми? – у сарғишишиларини кўрсатиб, менга золимона илжайди. – Рост, сен кўрган суратдаги йигит умуман бошқа. Лекин

уни бошингга урасанми? У – Метин Ўздемир, фаҳш ва шармандаликни тарғиб қилувчи кўрсатувнинг беҳаё башловчиси, бузуқ хотинбоз. Аслида бунақаларни тошбўрон қилиб ўлдирвориш керак. Мен эса Комронман! Ўша сен билган, сен севган, сен ишонган Комрон!

– Нега... – овозим титраб чиқди. – Нега мени алдадингиз? Нима ҳақингиз бор? Ахир... Ахир Яратганинг ғазабига учрашдан қўрқмадингизми? Ахир ёлғон кечирилмас гуноҳлардан бири деб менга ўргатган ўзингиз эмасмидингиз?

– Тўғри, мен ўша йигитнинг суратларини интернетдан олиб, ўз саҳифамда ўрнатганим рост, – деди у шифтга қараб тутун пуркаркан. – Лекин ўзинг айт, сенга бирор марта «шу менинг расмим» деб ёздимми? Ёки ўзинг «шу расмлар сизникими?» деб мендан бир оғиз сўрадингми?

Э, худо, шу гапларни эшитгунимча, қулоғим том битса бўлмасмиди? Айтинг, энди пешонамни қай тошга уриб ёрай? Ахир чиндан ҳам бир марта бўлсин, шу ўзингизнинг расмингизми, деб сўрамагандим-да! Бу гўрсўхта бошқа бировнинг ҳам расмини жойлаштириш мумкинлигини мен шарманда қаердан билибман!

– Интернет шунаقا нарса, – хунук кулимсираб гапида давом этди Комрон. – Кимдир ижтимоий тармоқдаги саҳифасида Пўлат Аламдарнинг расмини қўяди, кимдир Рональдуни, яна биров Арнольд Шварцнегрни жойлайди. Мана сен ўзинг, кимнинг расмини қўйдинг? Наҳотки, мен эронлик таниқли инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси, Гулруҳ Шерозийни танимасам? Дарров таниган бўлсам ҳам, сендан «бу сизмисиз?» деб сўрадим. Эсладингми? Сен эса, расм ўзингники эканини айтдинг. Хўш, бу ерда ким ёлғончи бўлиб чиқяпти?

– Ахир, бу ерга келишимдан олдин бор ҳақиқатни айтиб, сиздан узр сүрагандим-ку! – шу ўринда ўзимни тутолмай йиглаб юбордим.

– Яхши, – деди Комрон қўлидаги сигарет чўғига тикилиб. – Мен ҳам узр сўрайман. Биру бир. Бўлдими?

– Ахир мен сизни ҳалол, виждонли, иймонли, тақводор инсон, чин мусулмон деб билардим. Сиз эса... шунча ёлгонни қандай тўқидингиз? Ахир менга нималарни ваъда қилмадингиз? Қўйнимни пуч ёнфоқقا тўлдирдингиз... Айтинг, мендан нима истайсиз ўзи? Илтимос, мени...

– Алҳамдуиллоҳ мусулмонман, – кулди Комрон. – Очифи, баъзан ёлгон меъёридан ошиб кетгандир? Лекин, шариатимизга кўра, яхшиликка хизмат қилувчи ёлгон кечирилади, ҳатто савобга айланади. Масалан, сен билан мен тушган ушбу вазиятни таҳдил қиласайлик! – Комрон қисқарип қолган сигаретасининг қулдонга босиб ўчирди-да, курсига яхшироқ ўрнашиб олди. – Сени бу ерга нега олиб келтиридим? Чунки у ерда сени тўғри йўлга, ҳақиқатга бошлайдиган одамнинг ўзи йўқ. Бу ерда Яратганинг ўзи белгилаб берган мезонлар асосида яашинг учун озроқ бўлса-да, шароит бор. Сен у ерда bemalol ибодат қиломайсан, диний билимингни ошиrolмайсан. Эртага бир ландовур йигитга тегасан. Болаларинг ҳам шунаقا шароитда ўсади. Карабсанки, умринг шамолдек ўтиб кетади. Вақти соати етиб, Яратганинг қошига борганингда нима қиласан? Парвардигор «еб-ичишдан, бола туғиб, ўстиришдан, супур-сидир, пишир-куйдирдан бошқа яна нима қилдинг?» деса, қандай жавоб берасан? Йўқ! Инсон бу ҳаётда Яратганинг арконларига тўла риоя қилиб, унинг имтиҳонларидан аъло даражада ўтиш учун келади.

– Ахир сиз айтган ишларни мен ўз юртимда, ўз уйимда bemalol қила олардим. Бунинг учун оилам-

ни, яқинларимни ташлаб келишим шарт эмасди, – дедим бўғзимга алланима тиқилиб.

– Йўқ ва яна йўқ, – деди Комрон гапимни бўлиб. – У ерда сенга ҳақ йўлни кўрсатиб турадиган одамнинг ўзи йўқ. Мана ўзинг ҳам тан олдинг, сен у ерда намоз ҳам ўқимайсан, ўранмагансан, шариат ҳақидаги тушунчаларинг саёз. Инсон бу ҳаётда фақат нафсини рози қилиб яшамаслиги керак. Сен бу ерга ҳам айнан нафс ҳаловатини ўйлаб келдинг, тўғрими?

– Нималар деяпсиз? – дедим ўзимни йифидан тўхтатолмай. – Қанақа нафс?

– Ўша расмдаги йигитни ёқтириб қолдинг-ку. Ё ёлғонми? Сен унга тегишни, у билан яшашни, нафсингни қондиришни орзу қилмадингми?

Билмадим, уятданми, номусданми, аламданми, – ўқсиб-ўқсиб йифлардим. Ҳа, у ҳақ эди. Мен нафсимга эргашиб шундай мусибатга рўбару келган, охир-оқибат тузоққа тушгандим.

– Илтимос, – дедим унинг қаршисида тиз чўкиб. – Ҳаммаси учун тавба қилдим. Сиз ҳам мени кечиринг. Лекин мени ўз уйимга қайтаринг! Мен бу ерда қололмайман. Ойим мени излаб, ҳозир ўзини кўярга жой тополмай юргандир? Ақалли унга бир энлик хат ҳам ёзиб қолдирмадим. Худо хайрингизни берсин! Бутун умр дуои жонингизни қиласман! Мени юртимга, Ўзбекистонга қайтаринг!

Эҳтимол, менинг бу ҳолатимни кўрган ҳар қандай бағритошнинг кўнгли бузилиб кетармиди? Аммо Комроннинг бир туки ҳам қилт этмади.

– Нима? Ўзбекистонга? Мана шу паспорт билан-а? – у шундай дея кўкрак чўнтагидан кўк муқовали сохта паспортни чиқарди ва уни очиб ўқишига тушди. – «Шаҳрванди Чумхурии Тоҷикистон, Шиноснома, Мақсадшоева Нигина Муродшоевна». – Кейин эса қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. –

Хўш, сен ҳали шу паспорт билан Ўзбекистонга кирмоқчимисан? Сен бу ерга Тожикистон фуқароси бўлиб келганингни унутдингми? Бу паспорт ҳақиқий деб тан олинганда ҳам, у билан Ўзбекистонга киришинг учун виза керак бўлади. Бордию, паспортинг сохталигини сезиб қолишса, шу ерда, турк полициясининг ўзи сени қамоқча тиқади. Сохта ҳужжат билан бу мамлакатга кириб келганинг учун.

– Ахир.. ахир... сиз мени бу ерга олиб келишнинг йўлини топдингиз-ку! – дедим ҳали-ҳануз ундан яхшилик чиқишига умид қилиб. – Жон ака, илтимос, ҳеч бўлмаса, келган йўлим билан қайтиб кета оларман?

– Яхши фикр! – Комрон курсидан туриб, кафтини стол четига тираганча менга кўзини лўқ қилди. – Лекин сенинг бу ерга келишинг менга қанчага тушганини биласанми? Агар мен керакли одамларни юбормаганимда чегарадан оппо-осон ўтиб олармидинг? Биринчидан, сени икки соатда уйингга қайтариб жўнатиш учун шунча пул сарфлаб, таниш-билишларни ишга солмадим. Иккинчидан, нари борса Душанбегача қайтиб борасан. У ердан бир ўзинг икки дунёда ҳам ўз уйингга ўтломайсан. Йўқ, азизам! Энди ортга қайтишни ўйлама, бу ерда мендан бошқа ҳеч киминг йўқ. Шу боис, менинг гапимга қўнишга мажбурсан!

Мен ҳамон кўзимдан қўйилаётган шашқатор ёшларни тўхтатолмай минфирилаганча ундан шафқат сўрардим.

– Ахир мени бу ерда нима қиласиз? Сизга ортиқча юк бўламан-ку!

– Нега юк бўларкансан? Мен бугун кечқурун иккита танишим билан битта муллани чақиришиб қўйганман. Ҳозирча шаръий никоҳдан ўтамиз, кейин... қолганини иншооллоҳ Яратганинг ўзи тўғрилайди. Менга ишон! Сени кўз қорачифимдек

асрайман. Ўша ёзган гапларим – гап! Барча орзу-
ларинг ушалади.

Э, худо! Бу не кўргилик бўлди? Наҳотки, тақ-
дирим шу одам билан қўшилган бўлса? Ахир...
шу кўринишида у раҳматли отам билан тенгдош
кўринади-ку! Йўқ, ахир мен ҳали энди ўн саккиз-
га кирдим. Ортимдан не-не йигитлар юрмаганди!
Шу бадбуруш кимсанинг тузогига осонгина или-
ниб ўтирибман-а? Эҳ, лаънат шу интернетга ҳам,
бошқасига ҳам!

– Йўқ, – дедим овозим борича ҳайқириб. – Бун-
дай бўлиши мумкин эмас. Ахир сиз... сиз мендан
анча каттасиз!

– Шариат нуқтаи назаридан турмуш қуриш
учун ёш ҳеч қачон монелик қилмайди. Эр ҳам, хо-
тин ҳам балоғатга етган бўлса, бас.

– Мен сизга хотин бўлолмайман!

– Бошқа чоранг йўқ, – деди у мендан баттол
кўзларини узмасдан. – Бу ердан бошқа борадиган
жойинг ҳам йўқ. Ҳарқалай, бу уйда мен билан бе-
никоҳ яшашни истамасанг керак?

Шу чоғ дафъатан самолётда эшитганим – орқа
ўриндиқдаги икки йўловчининг ўзбекча суҳбатла-
рини эсладим.

«Ўша юртда ўз юртингнинг элчихонаси бор-йўқ-
лиги билан қизиқ. Керак бўлса телефон рақами-
ни топ. Бегона юртда сени бирор хафа қилдими,
ишлатиб пулингни бермадими, жиноятчи деб уш-
лаб турмага тиқмоқчи бўлишяптими, ҳуқуқларинг
бузилияптими, шартта ўз юртинг ваколатхонасига
сим қоқ. Ахир ҳамма жойдаям ўзига яраша қонун
бор. Халқаро ҳуқуқ деган гаплар бор...»

– Мен ўзимизнинг элчихонага бораман! Ҳамма-
сини айтаман. У ерда менинг ҳуқуқларимни ҳимоя
қилишади.

– Азизам, – Комрон яна сарғиши тишларини күрсатиб илжайды. – Бунчалар соддасан! Ҳозир нима дедим сенга? Сен Ўзбекистон фуқароси эканингни бу сохта паспортинг билан исбот этолмайсан! Ё ҳақиқий паспортинг ёнингдами?

Минг лаънат! Ўшанда нега паспортни ўзим билан олмадим-а? Яна шу Комроннинг гапига лақقا учдим-да! Паспортим бўлган тақдирда ҳам бари бир Комрон уни мендан тортиб олган, истаса йиртиб ё қуидириб ташлаган бўларди.

– Кейин сен айтган элчихона бу ердамас, Анқарада, минг чақирим нарида! Сен эса, уйдан бир қадам ҳам чиқолмайсан! Агар гапимга кирмай қайсарлик қиласверсанг, шартта полиция чақириб сени уларга бервораман. Мана бу нарса, – у паспортни силтаб кўрсатди, – сени қамашларига етарлича асос бўлади. Тушундингми? Ақдингни ишлат! Бундан бу ёғига фақат менинг измимга бўйсунасан! Агар йўриғимга юрсанг, ҳаммаси яхши бўлади, ишон! Акс ҳолда бошингга нималар тушишини ҳеч ким билмайди.

Юм-юм йифлаганча тақдиримга бош эгишдан бошқа чорам йўқлигини англадим.

Нима деган одам бўлдим? Ойим, бувим бу гаплардан хабар топишиса, қандай аҳволга тушишаркин? Дугоналарим-чи? Раҳми келиб йифлашармикин ё «баттар бўл» деб устимда кулишармикин? Нима бўлганда ҳам ойимни хабардор қилиб қўйишим керак. Бари бир Яратганинг ўзи меҳрибон!

Бундан бир неча соат илгари қандай бўлмасин, тезроқ Истанбулга етиб олишни, ўз орзуларим, баҳту иқболимга пешвоз чиқишини ўйлаган бўлсам, энди қандай бўлмасин, уйга қайтиб етиш ҳақида ўйлардим. Севги, гўзал ҳис-туйгулар, романтика... буларнинг ҳаммаси худди шам шуъласидек бир «пуф» билан йўққа чиқаркан.

* * *

Хуллас, мен инон-ихтиёrimни ўзини Комрон деб атаган шу нотаниш кимсага топширишдан бошқа чора тополмадим. Ўша куни кимларнидир чақириб никоҳ ўқитди. Ва ўша оқшом...

Не қилайки, салкам ўн тўққиз йил жонимдан эҳтиётлаб асраб келган бебаҳо хазинам – иффат ва номусим ёши мендан икки баравар катта мана шу одамга насиб экан.

Ҳар қанча ялиниб-ёлвормай, кўзларидан шаҳвоний хирс сачраб турган бу кимса то муроди ҳосил бўлмагунча, мени ўз ҳолимга қўймади. Инсон тақдирига нима битилганини билганида эди, ҳар қадамини ўйлаб босган, ҳеч қачон таваккалга қўл урмаган бўларди.

Мен нафақат ўз орзуладим, ўз бахтим, балки онамнинг ҳам орзу-умиддарини чилпарчин қилгандим. Ахир отам мени тагли-тугли хонадонга бекаму кўст, катта тўю томошалар билан узатиш учун ёт ўлкаларга мардикорлик қилгани кетиб, тобутда қайтиб келди. Мен эса, ўз қанотларим билан ўзимни мана шу тор қафасга урдим.

Ўша оқшом Комрон менинг қўлимдан телефонни тортиб олди. «Бу менинг отамдан қолган ягона ёдгорлик, у мен учун жуда азиз» дея ялиниб-ёлвормасам ҳам, гапимга қулоқ солмади.

Унинг айтишича, телефон ҳам, ундаги оҳанжамалар ҳам, шайтоннинг уяси, унинг макру ҳийлалари экан. Иймонли, тақводор аёл бунақа нарсалардан ўзин четга тортиши керак. (Тавба, унда бир пайлар ўзи мен билан ярим тунгача валақлаб чиқарди-ку.) Эрининг амрига итоат қилмаган аёл эса, худонинг қаҳрига учраркан.

Шу боис, у устимдан қулфлаб ишга отланар, мен эса кечгача шу диққинафас уйга қамалиб ўтирас-

дим. Биргина эрмагим мана шу эски телевизор! Каналларнинг деярли барчаси туркча. Нима ҳақида гап кетаётганини тушунгунимча, миям ғовлаб кетади.

Хуллас, ўша кундан бошлаб мен ташқи дунёдан тамомила узилиб қолдим. Бошида ўзимни бир нима қилиб қўйиш ҳақида ҳам кўп ўйладим. Аммо кишининг ўз жонига қасд қилиши гуноҳ эканини билганим учун, бу фикримдан қайтдим. Лоақал бир мартагина ойижонимнинг овозини эшитсам эди.

Эҳ ойижон, бу аҳмоқ қизингиз нималар қилиб қўйди? Қанийди ёнимда бўлсангизу, кўксингизга бошимни қўйиб тўйиб йиғласам! Бувижоним-чи? Тузалиб кетдимикин? Ўша пайт уйнинг тўрига биқиниб манави гўрсўхта билан ёзишиб ўтиргандан кўра, бувимга қараб дуоларини олсам бўларкан. «Аммаларим бор-ку, керак бўлса қарайди-да!» деб юраверибман. Ақалли бир кунда бир маҳал кириб ҳолларидан хабар олмабман! Балки ўша ўйинқароқлигим, лоқайдлигим, тентаклигим учун тангрим менга шу жазони лойиқ кўргандир?

Инсон боласи ҳар қандай маҳдудликка-да кўнкаркан. Кунлар ўтгани сари ўзим тушиб қолган бегона муҳитга мослаша бошладим. Ҳатто, айтсам ишонмайсиз, илк бор кўзимга таъвиядек кўринган соқолтой эримга нисбатан ҳам («мен унинг хотиниман» деган ҳақиқатни қабул қилганимга ҳам анча бўлганди) аста-секин мойиллик уйфона бошлаганди.

Бошида гарчи маҳбусликда ўтирсам ҳам, шунинг турқини кўрмасам бўлди, дея тезроқ тонг отишини, унинг уйдан чиқиб кетишини истардим, кейинги пайтларда сал кечикса деразадан йўлига кўз тикиб ўтирадиган бўлиб қолдим.

Имкон қадар унинг яхши тарафларини излашга интилганим учун у тобора менга ёқиб борарди. У

мени алдаб бу ерга чақириб олган бўлса-да, ҳарқалай, у туфайли ўзим орзу қилган шаҳарни кўра олдим. (Гарчи Истанбул менинг тасаввуримдагидан анча фарқ қилса ҳам.) Бу ерда ибодатларни муқаммал бажаришга одатландим. Комрон менга ўзбек, рус, турк тилларида кўплаб китоблар, дисклар, газета ва журналлар олиб келар, мен билан гоҳо ярим кечагача диний масалаларда суҳбатлашар, у назаримда бу соҳада ҳамма нарсани сув қилиб ичганди. Баъзан бу каби суҳбатлар кенгроқ доирада, Комроннинг яқин сафдошлари даврасида, аллақандай маҳфий ҳужраларда ҳам ўтарди.

Гоҳида у ишдан вақтлироқ қайтганда, мени ўзи билан сайдрга олиб чиқарди. У совфа қилган чиройли шаръий либосларни кийиб, унинг қўлларидан тутганча Истанбул кўчаларини кезардим. У билан шаҳарнинг кўплаб диққатга сазовор жойлари, тарихий обидаларини томоша қилдик. Долмабахче, Тўпқопи саройлари, Сулаймония масжиди, Султон Аҳмад майдони, икки қитъани боғлаб турувчи Босфор кўрфази... Гоҳида ўзимни баҳтили ҳис этгандек бўлардим. Майли, қимматбаҳо машинада юрмасам, оппоқ қасрда яшамасам, эрим суратда кўрганим каби ёш ва хушрўй бўлмаса-да, ҳарқалай, яхшими-ёмонми ўз оилас бор. Назаримда мен ҳаётда тўғри йўлни топиб олгандим.

Лекин Комрон бу ҳаётдан, бу шарт-шароитлардан қониқмасди. Унинг назарида ҳаётдаги барча қонун-қоидалар шариат аҳкомлари асосида тузилиши лозим эди. Менинг онгимга ҳам ўзининг ана шу ақидаларини босқичма-босқич сингдириб бораарди. Дастлаб, унинг баъзи фикрларини эшитиб, даҳшатга тушган бўлсам, аста-секин бундай қарашлар ҳам менга ўта одатий ва ҳаққоний кўрина бошлади.

Ҳа, мен аввал жисман унинг чангалига тушган бўлсам, у энди менинг ақду идроким, туйгуларим,

қарашларимни ҳам батамом ўз измига солганди. Энди мен у билан ҳамфир эдим. Биз яшаб турган бу ҳаёт, бу дунё жиддий ислоҳга муҳтоҷ. Бунинг учун ҳаммамиз кўзимизни очишими, курашишимиз керак. Ҳатто бу кураш бизнинг ҳаётимизга хавф солган, яқинларимиздан айирган, жонимизни талаб қилган тақдирда ҳам чекинмаслигимиз керак!

Мен ана шундай мудҳиш ва шафқатсиз фикрлашга ўрганиб борардим. Заргарликдан бехабар одамнинг қўлига қўрғошинни тутқазиб, унинг олтин эканлигига ишонтиришса, нима бўлади? Унинг зар ҳақидаги қарашлари шу қўрғошин билан боғлиқ бўлиб қолади. Чунки у ҳеч қачон ҳақиқий тиллани кўрмаган. Менинг эътиқод ҳақидаги тушунчаларим ҳам худди шу одамники сингари эди. Бу хато тушунчалар миямга қўрғошиндек қуюлиб, онгимни заҳарлаб бораётганини билмасдим. Мен шу тариқа ўзим ўйлагандек комил инсонга эмас, ақидапарастга айланана борардим.

Комроннинг никоҳига кирган пайтларимда уйимизга келадиган турқи совуқ, шубҳали кишиларни кўриб, ич-ичимдан қўрқув ҳиссини туйган бўлсам, эндиликда ўзим ҳам уларнинг даврасига қўшилиб, бугунги ҳаёт, ички ва ташқи сиёsat, диний ва дунёвий масалалар ҳақида бемалол баҳслашадиган бўлиб қолгандим.

Комрондан алданганимни англаган, Истанбулда кечган дастлабки кунлардан мен бутунлай бошқа Маҳзуна эдим. Ўшанда мен чиндан ҳам нафс йўриғига кириб, бу шаҳарга ўз ихтиёрим билан келганимни, энди эса, беихтиёр ана шу шароитга тушганим учун ўзимдан қониқиши ҳиссини туя бошлаганимни англадим.

Ҳатто ойимни ҳам, бувимни ҳам ўйламай қўйдим. Назаримда, мен уларнинг олдида заррача жавобгар эмасдим. Ахир ҳар ким – ойим ҳам, бу-

вим ҳам пешонасида битилганини кўради. Афсуски, улар мен билган, мен англаган «ҳақиқат»ларни билишмайди-да! Улар бу ҳаётга нима мақсадда келишганию, қандай яшаш кераклигини билганларида эди? Дадамга ҳам, мени деб жонини қурбон қилгани учун эмас, пешонаси ерга тегмасдан бу дунёни тарк этгани учун ачинардим.

Ҳа, инсон онги, қарашларини жуда тез ўзгартириб юбориш мумкин экан. Ўша пайтда мен ҳидоят деб билган йўл залолат кўчаси эканини, адолат деб қабул қилганим зулм ва ваҳшийликдан бошқа нарса эмаслигини қаердан билай?

...Кунлар шу тахлит ўтиб борарди. Вақт ўтгани сайин мен мутлақо бошқа одамнинг қиёфасига кириб бораётганимнинг фарқига бормасдим. Мен сарҳадлар оша бу гавжум шаҳарга ёлғон ваъдаларга учиб, ўз баҳтимни излаб, фаровон келажагимни қуриш учун келгандим. Аммо бора-бора мен учун ҳаёт мазмуни, ўз олдимга қўйган мақсадларим ўзгариб кетди.

Бир пайтлар телевизорда деярли ҳар куни кўрсатиладиган террор хуружлари ҳақидаги лавҳаларни кўриб, унинг қурбонларига ич-ичимдан ачинар, бу фожианинг сабабчиларидан нафратланниб кетардим.

Кунларнинг бирида, кечки пайт Комрон билан телевизор кўриб ўтирганимизда Африка давлатида юз берган террористик хуруж тафсилотлари кўрсатилди. Энг ачинарлиси, бу терактни ўн уч ёшли қиз содир этган. Янаям аниқроғи, аҳоли гавжум ҳудудларнинг бирида қорнига боғланган бомбани портлатиб юборган.

– Шунчалик ҳам ваҳшийлик бўладими? – дедим ўзимни тутолмасдан. – Ўн уч ёшли гўдак нимани тушунарди? Бу норасиданинг қорнига ким боғла-

ди бомбани? Нега унинг раҳнамолари шу ишни ўзи қилмайди?

– Тушунмасанг, гапирма! – бепарво сигарет тутатди Комрон. – Бу болалар тўғри жаннатга тушади. Бу дунёда яшагани билан нимани кўрарди? Улар учун шундоғам бу ҳаётнинг турган-битгани азоб, мاشаққат!

– Лекин бир нарсани тушунолмайман, – тувақиб кетдим мен. – Ахир, терактда қурбон бўлаётганларнинг кўпчилиги бегуноҳ одамлар-ку! Улар кимга ёмонлик қилди?

– Айтяпман-ку, бегуноҳлар тўғри жаннатга тушади, деб.

Хуллас, Комрон билан бундай мавзулардаги баҳс-мунозараларимиз асосан унинг фойдасига ҳал бўларди, менинг билим доирам, дунёқарашиб унга қарши чиқишим учун ожизлик қиласарди.

У менга ўз гояларини шу қадар усталик билан сингдирдики, кунда-кунора бўлиб турадиган бундай террористик хуружларга бўлган муносабатим ҳам бошқача тус олди. Теракт қурбонларига ҳам камроқ ачина бошладим. Ахир бегуноҳлар бари бир жаннатга тушаркан-ку, дея ўз-ўзимга таскин берардим. Фақат миямда гоҳ-гоҳида саркаш фикрлар, ўжар саволлар туғилиб, иродам, қатъиятим сустлашарди.

...Комрон билан яшай бошлаганимга ҳам беш ойдан ошган, кейинги пайтларда уйдагилар, ойим, бувим ҳақида ҳам камдан-кам эслайдиган бўлиб қолдим.

Одатда жуда кам туш кўраман. Лекин яқин орада кўрган тушим таъсиридан анчагача ўзимга келолмай юрдим. Уйимиз орқасида боғда, отам эккан саданинг тагида ўтирган эмишман. Шу пайт аллақандай қора соқолли, қора саллали кишилар пайдо бўлиб, дарахтни арралай бошлишибди.

Шунда онам дод солганча уларнинг олдига югуриб, дарахтни кесмасликни сўрабди. «Бу дарахт хўжайинимдан қолган ёдгорлик, илтимос, тегманлар, ундан кўра, мени ўлдиринглар!» Ҳалиги одамлар бир-бири билан номаълум тиlda алланималарни муҳокама қилишга тушиб кетишибди. «Дарахтни кесманлар, – чинқирибди онам. – Ундан кўра мана, қизимни ола қолинглар! Менга бунаقا бетайин фарзанднинг кераги йўқ. Ахир у мени ташлаб кетди, ҳатто шу дарахтчалик ҳам садоқати йўқ экан!» Мен жонҳолатда ойимга бақирибман: «Ойи, нималар деяпсиз, ахир! Мен сизнинг қизингизман-ку! Наҳотки, битта дарахтчалик қадрим бўлмаса!» Бироқ ойим мени эшитишни ҳам истамай дарахтни қучоқдаб олибди: «Майли, қизим сизларники бўла қолсин! Аммо бу дарахтни сизларга бермайман!» Қора соқоллилар менинг бақир-чақиримга қарамасдан четга судраб чиқишибди. Кейин қорнимга аллақандай мосламани боғлашибди. «Бу нима?» деб бақирибман жон ҳолатда. «Бу бомба! Ҳозир тўғри ўзинг ўқиётган синфга кирасан-да, мана бу тутгани босасан!» «Йўқ, – дея чирана бошлабман. – Ахир уларнинг нима гуноҳи бор?» «Сен бизнинг гапимизга киришинг шарт! Улар бегуноҳ бўлса, сен билан тўғри жаннатга тушишади. Агар бош тортадиган бўлсанг, онангни нимталаб ташлаймиз!..»

Дод солганча уйғониб кетдим. Бу пайтда уйимиз яқинидаги жомедан бомдод азони янграмоқда эди. Қарасам, ёстигим кўз ёшларимдан ҳўл бўлиб кетибди. Аксига олиб, Комрон ҳам йўқ. Мени уйғотмасдан чиқиб кетибди. Чамаси эрталабки ибодатни адо этиш учун масжидга чиққан бўлса керак. Мен ҳам тезроқ туришим керак.

Беихтиёр каравотга тақаб қўйилган тумбочка устидаги планшетга кўзим тушди. Комрон менинг телефонимни беркитиб ташлаган, ўзининг «ма-

тоҳ»ига эса қўл теккизгани қўймасди. Ҳатто эрталаб масжидга чиққанида ҳам ўзи билан олиб кетарди. Бу гал эсидан чиққан кўринади.

Бу шаҳарга келганимдан бери на интернет, на телефонга яқин боргандим. Мана, телефон ҳам, интенет ҳам қўлимда! Комрон келмасдан туриб, уйимга телефон қилсан-чи?

Негадир юрагим тез-тез уриб кетди. Одатда нимадир сабаб билан бир-икки кун коллежга боролмай қолсам, ичкари киришга юрагим безиллаб, анчагача йўлакда иккиланиб турардим. Ҳозир ҳам худди шу аҳволдаман. Ойимниг рақамлари эсимда. Лекин ҳозир унга нима дейман? Мен йўғимда нималар юз бердийкин? Э худо! Юрагим намунча безовта? Ахир уйдан қочиб чиққанимга беш ойдан ошди. Бу вақт ичидан бувимга бир нима бўлган бўлса-чи? Ёки ойимга! Йўқ, парвардиғорим, уларни ўз паноҳингда асра!

Коллежда нималар бўлдийкин? Балки мени милиция қидираётгандир? Дугоналарим мен ҳақимда қандай фийбатларни бичиб тўқишидийкин? Нега қўлим қалтирайди? Комрон келмасидан тезроқ гаплашиб олишим керак.

Ойимнинг рақамларини тергандим, мобил операторнинг маълумот хизматидаги қизнинг турктилидаги бурро жавоби эшитилди: «Сиз мавжуд бўлмаган рақамни тердингиз! Жин урсин, нотўғри рақамга қўнфироқ қилдингиз, деяпти! Дарвоҳе, мен бу ердан туриб, Ўзбекистондаги рақамларга қандай телефон қилиш кераклигини билмайман-ку!

Қайтага яхши бўлди. Ҳозир ойимдан бирор ноҳуш гап эшитсам юрагим ёрилиб кетарди. Яххиси Фейсбуқка кириб, Муҳсина ёки Шоҳсанамга ёзман.

Шу ўринда ҳам ахборот технологиялари ҳақида билимим саёзлиги панд берди. Ахир менга Фейсбук саҳифасини дугоналарим очиб беришган. Ўзимнинг телефонимдан Фейсбуқдаги саҳифамга тўғридан-тўғри кириб кетардим. Ўша пайтда саҳифамга кириш учун парол қўйиб беришганди. Қаранг, шу пайтда ҳар қанча бош қотирмай, ми-ямга ўша парол келмаса денг?

Бу планшет эса, Комроннинг Фейсбуқдаги шахсий саҳифасига тўғридан тўғри уланган экан. Бир пайтлар мана шу саҳифа орқали Комрон бей менинг қулоғимга қулоч-қулоч лағмонлар илиб, қўйнимни пуч ёнғоқларга тўлдирган эди.

Ие, менимча, адашиб қолдим. Бу саҳифа Комронга тегишли эмас экан! Саҳифа соҳибининг исми «Абдуллоҳ». Эрим бошқа бировнинг планшетини олиб келган кўринади! Йўғ-е, бу планшетни яхши танийман. Комронники эканига шубҳа йўқ.

Гарчи бировнинг ижтимоий тармоқдаги саҳифасига кириш худди унинг хатини сўроқсиз ўқиш сингари одобсизлик саналса-да, қизиқиб, саҳифани кавлаштиришга тушдим. Саҳифа «муқова»сидаги расмни ҳам алмаштирибдими? Бу гал кимнинг расмини қўйдилар экан! Ҳа, танидим бу расмдаги йигитни! У АТВ каналида намойиш этилаётган «Қора нон» сериали бош қаҳрамонларидан бири! Сериалдаги исми Четин, актёрнинг асл исми нима эди-я? Ҳа бўлди эсладим. Усҳан Чакир-ку бу! Эсламай бўладими? Ҳар жума куни бу сериални қолдирмай томоша қиласардим. Гарчи Комрон ўта мутаассиб бўлса-да, ҳарқалай сериал томоша қилишимга жиддий қаршилик қилас, лекин ҳар-ҳар замонда сериал қаҳрамонларининг ҳаракатларини диний нуқтаи назардан шарҳлаб турарди.

Гоҳида сериал қаҳрамони – Четинга ҳавас билан қараётганимни сезиб, Комроннинг жаҳди чиқар,

«назарга назарни эргаштириш гуноҳ бўлади», деб танбеҳ бериб қўярди. Кейин эса, мана шу пахмоқ соч йигитга ошкора ҳасадини сездириб гудранарди: «Тавба, анави чиройли қиз шу типратиконнинг нимасини ёқтиридийкин? Ўзинг айт, шу йигит ростдан ҳам чиройлими?»

Унда нимага шахсий саҳифасига унинг суратини жойладиийкин? Дафъатан миямга урилган фикрдан қалқиб кетдим. У худди мен сингари яна бирорта шўринг қурғур қизнинг бошини айлантираётган бўлмасин? Дарҳол сўнгти ёзишмаларга кирдим-у, қотиб қолдим! Шубҳам тўғри чиқди: у сўнгги пайтларда асосан Гулруҳ Бону деган қиз билан ёзишган экан. Мулоқот архивини очиб, ич-ичимдан нимадир портлагандек бўлди. Таниш жумлалар, таниш дил изҳорлари, таниш шеърий мисралар... нотаниш қиз томон йўлланган!

«Абдуллоҳ aka, сизнинг барча гапларингиз ҳақиқат! Лекин мен бу ҳақда ота-онамга қандай айтаман?»

«Сиз бу ерга келиб хато қилмайсиз, Бону! Мен Сизни қанчалик севишимга ўзингиз амин бўласиз! Иккимиз ҳамма ҳавас қиласиган исломий оила қурамиз! Иншоolloҳ, фарзандларимизни ҳам ана шундай муҳитда тарбия қиласиз».

«Бари бир бу ишда ота-онанинг розилиги керак-ку!»

«Албатта, уларга ҳам айтамиз. Фақат ҳозир эмас. Сизни улар бошқа мамлакатга юборишмаслиги мумкин. Ҳамма режаларимиз барбод бўлади».

«Менга ҳаммасини бир бошдан ўйлаб кўришим учун муҳдалат берасизми?»

«Майли, Бону, сиз нима десангиз шу! Фақат тезроқ! Хайрли ишга шошилмоқ...»

Кўз олдим қоронfilaшиб кетди. Мулоқотнинг давомини ўқий олмадим. Мен Комроннинг яхши

одам эмаслигини билардим, аммо унинг разиллигини шу даражада деб ўйламаган эканман! Демак, у менгача қанча ёш, тажрибасиз, содда қизларни тузогига илинтирган, уни чақириб олган. Мендан кейин ҳам... Лекин бу қизларнинг кейинги тақдири қандай кечади? Ўз уйига қайтариб юборганми?

Тўғри, у мени алдади, туйгуларимни оёқости қилди. Лекин мажбурият юзасидан бўлса ҳам, бир неча ой у билан бир том остида яшаб, уни ўз жуфти ҳалолим ўрнида кўра бошлагандим. Ўз қисматимга кўниккан, эрга хизмат қилишга муслима аёлнинг бурчи сифатида қараб, унинг ҳар бир амрини сўзсиз бажариб келардим. Лекин у...

Худди шу аснода эшикка ташқаридан калит солинганини пайқадим. Нима қилсан экан? Мана шу планшет билан бошига туширсанми? Э, қаёқда? Кўлимдан келмайди. Мана, у остона ҳатлаши билан баданимга титроқ киргандек бўлди.

Бу пайтда тонг ёришиб қолганди. Оббо, худонинг ўзи кечирсин! Шу ярамас интернетни деб, намозни ҳам қазо қилганга ўхшайман.

Комрон кела солиб, планшетни қўлига олди:

– Менинг нарсаларимга рухсатсиз тегмагин деб айтмаганмидим? – дея ўшқирди планшет экрани бўйлаб, бармогини юргизаркан. – Сенга телефон, интернет деган нарсалардан йироқ бўл деганим эсингдан чиқдими? А! – Комроннинг кўзлари менга қараб чақчайди. – Эрга итоатсизлик қанчалик оғир гуноҳ эканини биласанми? Худодан қўрқмайсанми?

Чидаб туролмадим.

– Сиз чи? Сиз нега худодан қўрқмай, яна бир begunoҳ қизнинг бошини айлантиряпсиз? Менгача яна қанчасининг ҳаётини худди шу тахлит ўйинчоқ қилгансиз? Айтинг, уларнинг сони қанча? Уларни қаерга гумдон қилдингиз?

Комрон бирпас юзимга тикилиб турди. Кейин кутилмаганда бирдан мулойимлашди.

– Гоҳида сиртдан қараганда пасткашлик, разолат, қабоҳат бўлиб туюлган нарсаларнинг ортида яхшилик ётган бўлади. Мен кимнидир алдаган бўлсам, ўша инсоннинг бахтини, охиратини ўйлаб шу ишни қилдим. Мана сени чақириб нотўғри қилдимми? Анча-мунча нарсаларни тушуниб қолдинг. Оқ ва қоранинг фарқига борадиган бўлдинг! Иймонинг мустаҳкамланди.

– Хўш, энди мен нима қиласман? – дедим хўрлигим келиб. – Бошқа бирорни чақириб мени кўчага қувиб соласизми?

Комрон мени бағрига тортмоқчи бўлганида, уни силтаб терс ўтирилиб олдим. Наҳотки, эндиғина ҳаётим бир ўзанга туша бошлаганида, яна ҳаммаси барбод бўлса? Мен уйга қай юз билан қайтаман? Ҳамқишлоқларим олдида нима деган одам бўламан?

– Кўрқма, сен ҳеч қачон кўчада қолмайсан, – деди Комрон лабига сигарет қистириб. – Сенга ўзи бу ҳақда анчадан бери айтаман деб юргандим. Хабаринг бор: Ироқ ва Сурия ҳудудида бизнинг сафдошларимиз «Муқаддас халифалик давлати»ни барпо этишди. Тўғри, ҳали бу давлат жуда ёш. Лекин мужоҳидларимиз айни пайтгacha бир нечта шаҳарни қўлга киритиб, у ердан бадният кофирларни қувиб чиқаришга ҳам улгуришди. Бу давлатнинг оёққа туриш, куч тўплаши учун дунёнинг турли ҳудудларидан динимиз учун жонини беришга тайёр йигит-қизлар келишмоқда. Сени ҳам асли шу мақсадда чақиргандим. Агар ижтимоий тармоқда ким билан алоқа боғлаб, мақсадни дарҳол айтсан, ҳамма ўзини четга олади. Бунақа пайтда керак бўлса ёлғон, макр-ҳийла ишлатиш лозим.

– Нега ўзингиз бориб қўя қолмадингиз ўша давлатга? – дарҳол найзамни санчиб олдим.

– Мен ҳам албатта бораман! – Комрон бармоқда-ри орасига қистирилган сигарет чўғига тикилиб қолди. – Мен ҳаётимни шу мақсад йўлига тик-канман. Агар раҳбарларимиз ҳозир чақиришса, ҳозирнинг ўзида жангга кириб, шаҳид бўлишим мумкин. Лекин менга бошқа вазифа юклатилган. Мен сафимизнинг кенгайиши учун ўз қалбида ий-мон учқуни бор инсонларни топиб, ўзимизга тортишим керак!

Унинг серажин юзларига, сарфиш тишларига, қувлик ва зулм учқунлари сачраб турган қўзларига тикилдим. Шу кўринишида у ўзи айтгандек қатъий ниятли мужоҳидни эмас, ёвуз ниятли жодугарни эслатарди:

– Ишингиз яхши экан, – дедим истеҳзо билан.
– Фақат қизларни чақирсангиз керак, тўгрими?
«Куйиб қолгунча исиниб қол» деганлариdek, шўрлик қизларни не-не ваъдалар билан манави қафа-сингизга киритасиз. Уларни вақтинча никоҳингизга олиб, бир неча ой майшат қиласиз. Кейин эса... Хўш, кейин нима?

– Ҳаддингдан ошма, – деди Комрон паст, аммо таҳдиидли овозда. – Ким билан гаплашаётганингни унутма! Ҳарқалай, мен сенинг жуфти ҳалолингман! Ихтиёering менинг қўлимда!

– Хўш, энди мен нима қиласман? Ўша сиз айтган давлатга бориб, автомат кўтариб жангга кираманми, ё ўзимни портлатаманми? Ахир шариат бўйича аёлнинг ёлғиз ўзи узоқ сафарга чиқиши жоизми? Сиз ҳам мен билан кетишигиз керак эмасми?

– Айтдим-ку, мен ўз раҳбарларимнинг кўрсатма-сига биноан ишлайман! Ҳозир Истанбулда ҳудди сенга ўҳшаган, турли давлатлардан келган ўнлаб қизлар ҳижратга ҳозирлик кўраётир. Бир-икки кунда улардан бир қанчасини янги давлатга жўнатишиди. Сени ҳам уларга қўшиб жўнатмоқчи эдим.

Беихтиёр бояги кўрган тушим кўз олдимда қайта жонланди. Демак, мен ҳам қорнимга бомба боғлаб, бирор мактаб ё коллежда ўзимни портлатаман! Ахир бу даҳшат-ку!

Мен кетганим билан Комроннинг бағри ҳувиллаб қолмайди. Балки эрта ёки индин мени она қишлоғимдан қандай сугуриб олган бўлса, уни ҳам шу йўл билан мана шу икки хонали катагига опкелиб жойлаштиради. Шўрлик қиз эҳтимол, Усҳан Чакирнинг сиймосида ўз шаҳзодасини севиб, ич-этига сифмай юргандир? Аввалита аэропортда қулгичи ўзига ярашиб тушган ёқимтойгина йигитчанинг ўрнига отаси тенги сўлақмонни кўриб, ҳафсаласи пир бўлади. Бутун орзулари поймол бўлганини англаб, менга ўхшаб еру кўкни титратиб дод солади. Кейин ҳаммасига қўникади ва қирғинбарот авж олган ҳудудга – ажал қуочигига йўл олади...

Комрон мендаги тараффудни пайқаб, ўзи ўтирган стулни менга яқинроқ сурди. Кейин бир соатча унинг тамаки ҳиди анқиб турган оғзидан жиҳод, ҳижрат, Яратганнинг розилиги, шаҳидлик ҳақидағи ваъз-насиҳатларни тингладим. Мен бу мавзуда жуда кўп эшигтан, ўқиган бўлсанм-да, бу тушунчалар онгу шууримга анчайин чуқур ўрнашган эсада, бари бир ич-ичимдан недир исён, норозилик шуъласи липиллаб туради. Мен бари бир динимизнинг одамни одам ўлдиришга ундаши мумкинлигини ҳазм қилолмасдим.

Ахир бувим ўз қарашлари доирасида менга дин, иймон-эътиқод, мусулмончиликнинг моҳиятини ўргатган. Бувимдан «жаннатга тушиш учун нима қилиш керак?» деб сўраганимда, «бировнинг ҳақини емасанг, ноҳақ қон тўкмасанг, ҳаром-ҳариш ишлардан узоқ юрсанг, бировларнинг дилини бесабаб оғритмасанг, Яратганга шак келтирмасанг, албатта, жаннатга тушасан», деб жавоб берганди-да.

Хозир орадан маълум муддат ўтиб, қилган хатоларим оқибатини англаб етган бир пайтимда қанчалик гафлатга, жаҳолатга берилганимни тушуниб турибман. Аммо ўша пайтда ҳаёт ҳақидаги тушунчаларим Комрон ва унинг «сафдошлари» фояларидан унча фарқ қиласди.

Хуллас, Комрон бутун маҳоратини ишга солиб, мени Сурияга, қон ҳиди анқиб турган уруш ўчогига боришга кўндириди.

Гарчи, икки-уч кун ўтиб, бу хонадонга менинг ўрнимга бегона бир ожиза келиши юрагимни хийла ғашлантирса-да, мен бандасининг эмас, Яратганнинг ризоси учун машаққатли, ўлим билан тенг бу сафарни ихтиёр этдим.

– Жоним, мен албатта ортингдан бораман, балки ишонмассан? Лекин ҳали ҳеч бир аёлни сенчалик севмаганман. Агар бу дунёда сен билан қайта кўришмоқ насиб этмаса, балки жаннатда бирга бўлармиз?

Эҳтимол,... Лекин очиги, бу дунёда ҳам, жаннатда ҳам у билан қайта топишмоқقا унчалик ҳавасманд эмасдим. Лекин агар шу ишим билан Яратганни рози қилолсам, майли, ҳаётимни Унинг йўлига тикканим бўлсин! Ахир, жон бергувчи ҳам, олгувчи ҳам Унинг ўзи...

Орадан икки кун ўтиб, Комрон ҳамроҳлар сафарга тайёр эканини, мен билан яна саккиз нафар хотин-қиз йўлга чиқишини маълум қилди. Эртасига бомдод намозидан сўнг, Комрон такси чақирди. Лаш-лушларимни аллақачон сафар халтага жойлаб қўйгандим. Бизни Султон Аҳмад майдонида «Форд» микроавтобуси кутиб турарди.

Комрон сумкамни юхонага жойларкан, мени кал ҳайдовчи ва унинг пахмоқ шериги билан таништирди. Кейин пешонамдан енгил ўпиди хайрлашди:

– Агар... қайта кўришолмасак... мендан рози бўл!

Сўнгги бор Комроннинг юзларига тик боқдим. Мана, менинг ҳаёт йўлимни бутунлай бошқа ўзанга солган, ҳисларимни топтаган ва қайсиdir маънода бир чимдим меҳримни ҳам қозонган бир кимса! Ўшанда уни ким деб аташни билмасдим: дўстми ё душман? Эрми ё бегона? Унинг юзларида шу топда негадир пушаймонлик, изтироб, иқрор изларини қидирдим. Йўқ, унинг совуқ, ҳиссиз юзларидан бирор маъно уқиб бўлмасди.

Машина йўлга тушди. Чамаси салондаги қизлар бир-бирини яхши танимас, фақат ора-сирада ҳайдовчи ёнидаги шериги билан нималарнидир гаплашиб қоларди.

Мен эса умидсиз машина ойнасидан ташқарига кўз ташладим. Бир пайтлар тушларимда кўрган, хаёлларимни ўғирлаган, мени ўзига оҳанрабодек тортган шаҳар ҳам мени лоқайдлик билан кузатиб қолмоқда. Шаҳар худди мен келган кунимдаги каби гавжум, сершовқин, бесаранжом. Олисдан Авлиё София жомесининг баланд миноралари уч бериб турибди. Машинамиз эса, имиллаганча, икки соатдан бери шаҳарнинг тирбанд кўчаларидан чиқиб кетолмайди.

Ниҳоят, мамлакатнинг энг иирик шаҳри ўзининг 15 миллионга яқин нуфуси билан ортда қолди. Машиналар оқими ҳам хийла сийраклашиб, ҳайдовчи тезликни оширди. Йўл-йўлакай, ҳамроҳларимнинг кимлигини ҳам билиб олдим. Улардан икки нафари россиялик – бири татар, иккинчиси чечен эди. Оддинда яна икки кипрлик қиз телефонда алланималарни кўриб, туркча гаплашиб кетишарди. Қолган тўрт қиз албаниялик экан.

Қизиқ, уларни ҳам менга ўхшаб кимдир алдаб-сулдаб чақириб олдимикин ё ўzlари ҳамма нарсани бўйнига олиб йўлга чиқищдимикин?

Уларни олдинда нималар кутаётганини билишармикин? Ўзим-чи? Бугун кечқурун, йўғ-е, бир соат, бир дақиқадан кейин нималар юз беришини биламанми? Ҳарқалай, бундан тўрт ярим ой илгари ўз қишлоғимдан йўлга чиққан пайтимда ҳам қаерга, кимнинг олдига боришимни тахминан бўлса-да билардим. Олдимда (гарчи ҳаммаси пуч бўлиб чиққан эса-да) ўз мақсадларим бор эди. Энди эса, олдимда оппоқ тумандан бошқа ҳеч нарса кўринмайди.

«Нималар деяпман? Ахир, мен ҳижратга чиққанман-ку! Нега иккиланишим керак? Мен бандаси-нинг эмас, Яратганнинг амрига бўйсунган ҳолда буюк ва муқаддас сафарни ихтиёр этганман. Ер юзида Унинг қонуnlари барқарор бўлиши учун мен ҳам жонимни тикканман. Нега энди иккиланяпман? Наҳотки, иродам панд бераётган бўлса!»

Ичимда шу сўзларни такрорлаб, ўзимга далда беришга уриндим. Зоро, мен ўқиган, эшитган ва ўрганган foялар ўз-ўзимни шу тарзда ишонтиришимни тақозо этарди.

– Хонимлар, ҳозир биз Невшеҳирга киряпмиз, масжидда намоз ўқимоқчи бўлганлар учун тушишлари мумкин, – деди ҳайдовчининг пахмоқсоҷ шериги турк тилида қизларга хушомадомуз илжайиб.

– Что он говорит? – сўради чечен қиз дугонасига юзланиб.

– Там мечеть есть, – йўл четидаги оппоқ минора-ли масжидга имо қилди татар қиз. – Намаз будешъ читать?

– Я ешё читат не умею, – елка қисди биринчи қиз.

Тавба, ҳали намоз ўқишни билмай туриб, булар қаерга кетяпти ўзи? Кўринишидан мендан сал каттароқ бўлишса керак. Балки ўзларича кимларнингдир эртакларига ишониб, қаҳрамонлик кўрсатиш учун йўлга чиқишигандир?

Олдинги ўриндиқдаги турк қиз мендан масжид-га кириш-кирмасликни сўради. Негадир менинг ҳам оёғим тортмай турарди. «Биз тарафларда аёллар масжидга киришмайди» деган баҳона билан машинада қолдим. Яратганнинг ўзи кечирсин-у, гоҳида эринчоқдигим тутибми, намозларни кўп мартараб «унутиб» қолдирардим. Комрон ҳам, «бизнинг бугунги кундаги вазифамиз намоз ва рӯздан ҳам аввал жиҳод қилишдир», дея уқтирарди. Ўзи ҳам мунтазам ўқимасди.

Машинада қолган россиялик икки дугона билан яқинроқ танишиб олдим. Фотима Краснодардан, Тамара – қозонлик экан. Ҳарқалай, мактабда ҳам, коллежда ҳам рус тилидан фақат «беш» олганман. Шу боис, улар билан bemalol гаплашиб кетдик.

Фотима «одноклассники» сайтида Умар исмли чечен йигит билан танишиб қолганини, йигит ҳар жиҳатдан унинг диидига мос тушганини айтди.

– Умар жуда ҳам чиройли, мард, жасур, – севгилиси ҳақида гапираётган қизнинг кўзларида орзумандлик ифодаси чақнарди. – У худди ўзи сингари иймонли, дин учун ўз жонидан кечишга тайёр муслима қиз билан никоҳ риштасини боғламоқчи эканини айтгач, ўзимни унинг орзуидаги қиздек тасаввур қила бошладим. У ҳозир даҳшатли жангларда жиҳод қилиб юрибди. «Мен эҳтимол, бугун, ё эртага шаҳид бўларман, бироқ унгача лоақал биргина зурриёт қолдирсам, у ҳам ислом учун жонини тиккан баҳодир бўлиб улгайса, дейман» деб ёзганидан кейин унинг орзусини амалга ошириш учун таваккал қилдим. Хуллас, бир-биrimizни севиб қолдик. Уйдан қочиб чиқдим. Умарнинг Краснодардаги танишлари ёрдамида Истанбулга учдим. У ерда бир ойча тайёргарлик кўриб, энди йўлга чиқдик.

Тамаранинг ҳикояси ҳам дугонасиликнига ўхшаб кетар, фақат ижтимоий тармоқ орқали у ўз

миллатдошини эмас, косоволик бир йигитни ёқтириб қолганди.

– Мен ҳар доим Мэл Гибсон иштирокидаги «Шерюрак» фильмини ҳаяжонланиб кўрар, унинг қаҳрамонлиги менинг меҳримни, ҳатто... гоҳида эҳтиросимни ҳам ошириб юборарди. «Қанийди худди шундай, мард, жасур, кўрқмас йигитни учратсан» деб ўйлардим. Ибрагим назаримда худди ўша кинодаги Уильям Уоллесга жуда ўхшаб кетади. 1995 йил у етти ёшда бўлган экан. Ўша йили Болқон урушида душманлар унинг қўз ўнгида ота-онасини ўлдириб кетишган. Бундан беш йилча илгари яхши кўрган қизини ҳам файдидин йигитлар ўғирлаб кетиб зўрлашган, номусига чидолмаган қиз жонига қасд қилган... Ибрагим душманларидан ўч олиш учун шу йўлни танлаган. Унинг севги қиссаси мени бутунлай ўзига ром қилиб қўйди. Ибрагимнинг ёнида бўлгим, унинг ярадор қалбига малҳам қўйиб, ёлғизлик домидан қутқаришни олдимга мақсад қилдим.

Тамара билан Фотима Истанбулда «тайёргарлик» дарсларида танишиб қолишибди. Мен ҳам улар билан тез киришиб кетдим. Ахир менинг ҳам кечмишим уларнига ўхшаб кетарди. Фарқ шундаки, менинг «романтик» саргузашларим Истанбулга келиб, «севгилим»ни таниган пайтимдаёқ ўз интиҳосига етганди. Ким билсин, балки уларни ҳам борган манзилимизда соқоли кўксига тушган, ёши қирқ-элликка бориб қолган амакилар қарши олишар? Мен ҳам улар сингари ўз кечмишларимни ҳикоя қилмоқчи эдим, лекин айрим сабабларга кўра жим қолишини афзал билдим. Майли, шўрликларнинг ҳафсаласини пир қилмаганим маъқул. Эҳтимол, уларнинг йигитлари Комронга ўхшаб, қизларнинг қўйинини пуч ёнгоққа тўлдирмагандир.

Кўп ўтмай, ҳамроҳларимиз ҳам қайтиб келишиди. Фақат бу гал кал ҳайдовчи пахмоқ шериги билан ўрин алмашди. Кал ҳайдовчи биз – қизларни биттадан дурум ва бир шишадан лимонад билан сийлади. Тушунишимча бу биз учун ҳозирланган камтарона тушлик эди.

Гарчи кун пешиндан оққан бўлса-да, негадир иштаҳам йўқ эди. Гарчи дурумни ёқтирсам-да, негадир ҳозир унинг ўткир ҳиди кўнглимни айнитгудек бўлди. Нордон лимонадни ичганимдан сўнг, кўнгил айниши сал босилди. Лекин бари бир ҳеч нарса егим келмасди.

– Қурумсоқлар, бу ҳали тушликми? – деди Фотима ўз тилида кавшаниб, норози оҳангда. – Ҳатто чап ичакка ҳам юқ бўлмайди-ку!

Мен шу заҳоти ҳали устидаги қоғоз ўрами очилмаган овқатни унга узатдим:

– Ма, ола қол, мен қўл теккизганим ҳам йўқ.

Фотима аввал тортиниб турди, кейин раҳмат айтиб, дурумни қўлимдан шартта юлиб олди, ҳашпаш дегунча паққос туширди. Бу марҳаматимдан орқада ўтириб кетаётган албан қизлар ҳам ажабланиб, ўз тилларида нимадир дея чулдираб қўйишиди.

Олдинроқда ўтирган кипрлик қиз ҳайдовчидан манзилга қачон етишимизни сўради. Пахмоқнинг айтишича, кечқурун Шонлиурфага кириб борамиз. У ерда бир оз дам олиб, ярим тунда Суриянинг Тал Абёд туманига киарканмиз.

...Хуллас ўша куни кечгача машинада йўл босдик. Шонлиурфа гарчи Истанбулдек гавжум, сершовқин бўлмаса-да, ҳарқалай, каттагина шаҳар экан. Ҳамма турк шаҳарларида бўлганидек, бу ерда ҳам тўрт томонида узун минораси, ўртасида гумбази бор оқ тусли масжидларни тез-тез учрашиш мумкин. Ана шундай масжидларнинг бирида

яна беш дугона икки ҳайдовчи эшлигига кириб чиқишиди.

Пахмоқ ҳайдовчи намоздан сўнг ҳаммамизни масжид яқинидаги кичик бир қаҳвахонага бошлаб кирди. Тушликдан воз кечганим учун кечга бориб қорним сурнай чала бошлаганди. Аслини олганда, йўл босиб ҳаммамиз яхшигина очиққандик, ярим косадан мержимек ўрваси, биттадан урфа-кабони паққос туширдик.

Кечки овқатдан кейин ҳам ҳайдовчиларимиз туришга ошиқишмади. Афтидан улар кимнидир кутишарди. Кал ҳайдовчи бир-икки марта номаълум тилда ким биландир гаплашди. Кейин билсам, у курдча гаплашган экан. Зотан бу ҳудудда курдлар кўпчиликни ташкил этади. Эндинана туриб, қаҳвахона ёнида турган машинамизга яқинлашганимизда, бошига дўппи кийиб олган, қошлари ўсиқ, хомсемиз амаки келиб сафимизга қўшилди. Икки ҳайдовчининг ўзаро сухбатидан анлаганим шу бўлдики, тунда чегарарадан ўтиш анча осон бўларкан. У бизни чегарагача кузатиб қўядиган бўлди.

Машинада фақат менинг ёнимда битта бўш ўриндиқ бор эди, холос. Оқ дўппили эркак мен билан ёнма-ён кетишини билиб, фаш тортдим. Янги ҳамроҳим анча семиз бўлгани учун бир оз қиси-либ кетишимизга тўғри келди. Димоғимга тамаки ва хийла эскирган гўштнинг нохуш ҳиди урилиб, кўнглим беҳузур тортди. Хайриятки, ойна очиларкан. Юзимга саррин, ёқимли ҳаво ва жуда таниш, ёқимли ҳид урилди. Эҳ, бу ниманинг ҳиди десам, жийда гуллабди-ку!

Анави тепаликларда қатор экиб қўйилган пастқам дарахтлар жийда эканини узоқдан, оқиши баргларидан яққол билиш мумкин эди. Бу ерда ҳам ҳудди ўзимиздагидек жийда кўп ўсаркан. Бизнинг ўйимиз орқасидан катта ариқ оқиб ўтар, унинг ла-

бига қатор жийда экилганди. Майнинг ўрталарида күчамизни жийда гулининг ширин ҳиди тутиб кетарди.

Негадир айни шу пайтда қизларимиз ҳам очилиб, шўх, шаддод, қувноқ бўлиб кетишар, йигитлар «ҳа, жийда гуллабди-да, жа қийшанглаб қолибсан ҳамманг», дея ҳазил қилишарди. Эҳ, ҳозир коллеждаги курсдошларим нима қилаётган экан-а? Юрагим алланечук орзиқиб кетди. Беихтиёр тилимда севимли ҳофизимнинг қўшиғи мисралари айланана бошлади:

*Жийда гулим, жийда гулим,
Жийдалари майдада гулим,
Онам багрин согиндим мен,
Онамдек бир суй-да, гулим...*

Ростдан ҳам мўъжиза юз бериб бир зумгина ойижонимнинг иссиқ бағрида пайдо бўлиб қолиш учун бутун ҳаётимни бахш этган бўлардим. Ойижоним ўзимнинг! Бу телба қизингиз нималар қилиб қўйди? Қаерларга келиб қолдим? Беихтиёр кўзимга икки томчи ёш қалққанини сездим.

– Ты чего? Плачешь? – елкам оша Фотиманинг хайриҳоҳ овози эшитилди.

– Да нет, – негадир ҳис-туйгуларга берилганимни англаб, шартта кўз ёшларимни артдим. – Просто так...

...Кун бўйи юриб чарчаган эмасманми, кўзим илинибди. Бир пайтда тиззам устида нимадир гимирлаётганини пайқаб сергак тортдим. Қарасам... Бояги хомсемиз эркакнинг сержун қўли тиззам бўйлаб тепага томон ўрмалааяпти. Ҳай-ҳай демасам... Жонҳолатда унинг қўлларини четга сурдим. Ҳалиги эркак бошини суюнчиқقا ташлаганча кўзларини юмиб олди. Вой, тусингни ел олсин! Ўзини

ухлагандек кўрсатмоқчи. Дод солиб шармандаси-ни чиқарсамми? Лекин... нима фойда? Ахир ҳо-зир ҳаммамиз унинг ихтиёридамиз. Қайтага ўзим шунча қизнинг ичидаги шарманда бўлиб қолсан-чи? Ёки айбни ўзимга афдариб, машинадан тушировро-ришса нима қиласан? Қаерга бораман? Яхшиси дамимни чиқармаганим маъқул.

...То манзилга етгунча тишимни тишимга босдим.

Машинамиз ярим соатча ям-яшил далалардан ўтиб, яна қандайдир кичикроқ шаҳарчага кириб келганди. Мана, ниҳоят, икки давлат ўртасидаги чегара. Ёнимдаги хомсемиз курд ҳам туриш учун кўзғалгач, енгил нафас олдим.

Ташқарига кўз ташладим. Чегаранинг нариги тарафидан кириб келаётган тўп-тўп одамлар кўзга ташланади. Афтидан, қочоқлар бўлишса керак. Улар орасида кексалар, болалар ҳам анчагина. Аёлларнинг кўпчилиги рўдапо кийимда, болаларни опичлаб олган. Оғир-оғир жандаси чиқиб кетган қопларни орқалаб олган соқоллари ўсиқ эркаклар ҳам кўринади. Улар нимаси биландир қишлоғи-мизда уйма-уй тиланиб юрадиган лўлиларни ҳам эсга соларди. Эҳ, ночорлик одамни не куйларга солмайди? Ким билсин, бир пайтлар мана шу бе-чоралар ҳам биздек тўкин-сочин, ҳеч нарсадан зо-риқмай яшагандир? Ҳамма қатори кийингандир, еб-ичгандир? Энди эса...

Ўша пайтда мен аҳмоқ нега бир оғиз ўзимга- ўзим савол бериб кўрмадим. Э, хом сут эмган бенда, ҳамма у тарафдан бу томонга қочиб ўтаётган пайтда сенга чегаранинг нариёфида пишириб қўйибдими? Агар сен бораётган жой ростдан ҳам бо-ришга арзиса, нега одамлар у ердан худди инига чўп суқилган арилардек тўзғиб ўзларини ҳар та-рафга уришмоқда? Бу саволларни мендан ташқа-

ри автобусдаги яна саккизта қыз ҳам ўзига-ўзи бе-
риб күрмагани аниқ.

Бояги хомсемиз машинадан түшиб, постда тур-
ган бир ўрта ёшли офицер билан қуюқ сўрашди.
Кейин иккита ҳарбий машина эшиги олдида ту-
риб, қизларнинг паспортларини текширган бў-
лишди. Комрон «чегарадан ўтишда керак бўлади»
деб қўлимга ҳалиги сохта паспортни тутқазганди.
Шоп мўйловчи бир паспортга, бир менга қараб
«тожикмисан?» дея сўради ва жавобини ҳам ку-
тиб ўтирмай паспортни қайтариб, ортига бурилиб
кетди.

Чегарадаги расмиятчилик узоққа чўзилмади.
Хомсемиз биз билан хайрлашиш учун яна бошини
салон ичига суқди. Бизга бузуқ туркчада оқ йўл ва
Яратганинг марҳаматини тиларкан, менга қараб
беўхшов кўз қисиб қўйди. Илойим кўзингни ҳакка
чўқисин! Бираам хунук! Қанийди бояги беҳаё қи-
лиқлари учун юзига ўхшатиб тупура олсан...

УЧИНЧИ ҚИСМ

Чегаранинг нариги тарафи Суриянинг Раққа муҳофазига қарашли Тал Абёд тумани экан. Сурия чегарасини қўриқлаб турган қоп-қора кийимли посбонлар орасидан чиқиб келган, юзигача соқол қоплаб олган бўлса-да, ҳали анчагина ёш экани кўриниб турган, елкасига автомат осган йигит бизнинг кал ҳайдовчимиз билан қучоқдашиб қўришиди. Кейин икковлашиб машина тарафга юришиди. Оббо, бунисиям ёнимга тиқилиб олиши аниқ. Машинада бошқа бўш жой бўлмас...

Соқолли йигит машинага чиқаркан қироат билан салом берди. Қиррадор бурни, жингалак сочлари, дўрдоқ лаблари ва «ҳ» ҳарфини бўғизда талаффуз қилишидан унинг араб экани яққол сезилиб турарди. Кал ҳайдовчимиз курдчани қойиллатганидек, арабчани ҳам қотиаркан. (Сочи бекорга тўкилмаган шекилли.) Икковлари йўл-йўлакай гаплашиб боришарди.

Бояги бадбўй хомсемиздан фарқли ўлароқ, соқолдор йигит ёнимга ўтириши билан димоғимга қимматбаҳо француз атрининг бошни сархуш қилувчи ёқимли ҳиди урилди. Ишқилиб буям бояги сўлақмонга ўхшаб, тегажоқлик қиласин-да! Автоматининг қўндоғи шундоққина елкамга тегиб турибди. Умрим бино бўлиб, қуролни яқиндан қўрмагандим. Бу машъум қурол шу пайтгача нечта инсонни ер тишлатди экан? Бунчалар қаттиқ ва совуқ бўлмаса? Елкамни музлатворай деяпти... Агар бунисиям тегишса нима қиласан? Анави хомсемизнинг-ку қўлида ҳеч балоси йўқ эди. Бу соқолтойнинг қуроли бор. Бир нима десам, нақ

пешонамдан дарча очворар? Начора Маҳзуна, чи-дайсан энди...

Йўқ, хайриятки, у менга қайрилиб ҳам қарамади.

Чегарадан ўтиб олишимиз билан манзаралар ҳам бирдан ўзгарди. Ҳарқалай, чегарага етгунимизга қадар ташқаридаги манзараларга қараб, ўз юртимиздагидек тинчлик, фаровонлик, хотиржамлик нишоналарини сезиш мумкин эди. Аммо чегаранинг бу ёғида чинакам уруш ҳиди анқиб турибди. Олислардан мильтираб қоладиган битта-иккита чироқларни айтмаса атроф гўристондек қоп-қоронфи. Ҳар-ҳар замонда қаршимизда аллақандай ваҳимали юқ машиналари чиқиб қолади. Ҳатто битта танк ҳам ўтиб кетди. Аллақаердан-дир ниманингдир чийиллагани, кейин гумбурлаб портлагани эшитилди. Кўрқанимдан кўзларимни юмиб, қулоқларимни беркитиб олдим.

Чамаси кичикроқ бир шаҳарга – туман марказига кириб келдик. Тор кўчаларнинг икки четида сийрак чироқлар кўзга ташланди. Тавба, бунаقا хароба кўчаларни биринчи кўришим! Йўл четидаги уйларнинг аксарияти титилиб кетган, бетон парчалари ҳар тарафда сочилиб ётибди. Кўчада қоп-қора кийинган қуролли жангарилардан бошқа одамнинг қораси учрамайди. Қаршимиздан келаётган битта машина тўхтаб, ичидан яна бир жангари тушди-да, бизга ҳам тўхташни буюрди.

– Ман антум? (кимсизлар?) – сўради у бошини ойнадан тиқиб.

– Масаъ ал-хайр йа қоъид! (Хайрли тун, командир!)

Гоҳида бегона тилдаги бурро-бурро гаплар ҳам гарчи тушунмасамда, ана шундай хотирамга муҳрланиб қолади.

Командир ёнимда ўтирган жангарини таниб унга қўл узатди. Кейин менга имо қилиб, нимадир деди. Ҳарқалай бетамизоқ гап айтди шекилли, икки жангарига қўшилиб, кал ҳайдовчимиз ҳам кулиб юборди. Турқинг қурсин сенларнинг! Аниқ мен ҳақимда гапиришди!

Шаҳарнинг вайроналарга тўла жин қўчалари бўйлаб борарканмиз, бир неча бор ўқ товушларини эшитдим. Юрагимни ваҳм босиб бораради: Ўқлар ваҳшиёна чинқираётган бу «мамлакат»дан омон чиқиб кета олмасам керак. Бу ерга келиб тўғри қилдимми ўзи? Комрон айтганидек, бу ишим чиндан ҳам Яратганинг розилигига арзирмикин? Борди-ю, шу йўлда ўлиб кетсам, шаҳидлик дара-жасига эришармикинман?

Мен ўз хаёлларим гирдобида эканман, машина-миз қорамтири, икки қаватли бинонинг олдига ке-либ тўхтаганини ҳам сезмай қолдик. Бирин-кетин машинадан тушдик. Кал юхонадан ҳар биримиз-нинг юкларимизни олиб, қўлимизга тутқазди.

– Хонимлар рухсатингиз билан биз ортга қайтамиз, биздан рози бўлинглар, – деди пахмоқ ҳайдовчи турк тилида биз тарафга ўгирилиб.

Бино эшиги олдида икки нафар қуролланган соқолдор жангари ва қоп-қора кийиниб олган икки аёл турарди. Кал ҳайдовчи улардан бири билан арабчада гаплашаркан, кейин қўлидаги қофозни, чамаси, бизнинг исмларимиз ёзилган рўйхатни топширди. Ичкарига киарканмиз, аёл соқчилар ҳар бир қизни пайпаслаб текшира бошлишди. Улардан бири дағал қўллари билан мени бошдан-оёқ сийпалаб чиқаркан, уятданми, қўрқувданми, бутун баданим қалтираб кетди.

Биз қўнган жой гаригина меҳмонхона экан. Поллар анчадан бери артилмаган. Ҳавода чучмал, қўланса ис сузиг юрибди. Чивинлар гужгон ўйнай-

ди. Меҳмонхона маъмури ёшгина, соқол-мўйлаби эндиғина сабза ура бошлаган оёқ-қўли шалвиралан бола экан. Тавба, булар умрида қиз кўрмаганми, ҳаммаси худди еб қўйгудек қарайди-я. Маъмур йигит ҳар биримизга биттадан калит берди. Менга «ресепшин»нинг шундоққина ёнидаги 13-хона-нинг калити тушди (бахтимдан ўргилай).

Умримда меҳмонхонада тунамаган бўлсам ҳам, ҳарқалай, улардаги шарт-шароитларни киноларда кўриб, оғзим очилиб қоларди. Кўзни оладиган жиҳозлар, текис экранли телевизорлар, одам ётса ботиб кетадиган диванлар, чўғдек ёнадиган пардалар, ярақлаб турган ванналар... Лекин мен умримда илк кўриб турган меҳмонхона ҳужрасида уларнинг ҳеч бирини кўрмадим. Торгина хона, устига битта эски кўрпа ва кир чойшаб ёпилган каравот, эшиги синиб тушган шкаф ва унга илифлиқ турган иккита-учта ёғоч кийимилгич. Ваннахонадаги каттароқ елим идишда совуқ сув ва дўлча турибди. Табиийки, жўмракдан бир томчи ҳам сув тушмади. Бу сув ювиниш учун кўйилганми ё ичишгами, билолмадим. Ҳарқалай, томофим қақраб турганди. Бу сувни ичса бўлармикин? Қўлимга дўлчани олдим-у, ичини қурум босиб ётганини кўриб, кўнглим айниб дарҳол жойига қўйдим. Яхшиси бояги йигитдан сўрайман. Ҳарқалай, ичишга бир қултум сув берар?

Йигитча ўз ўрнида китоб ўқиб ўтиради.

– Ассалому алайкум, – дедим гарчи боя у билан саломлашган бўлсак-да, гапни нимадан бошлишни билмай.

– Ваалайкум уссалам! – йигитчанинг қоп-қора кўзларида қувонч уйғонгандек бўлди.

– Ҳалиги... сув борми? – Бу ерда ўзбекчани ўзимдан бошқа бирор тушунмаслиги ўшанда хаёлимга ҳам келмабди. Йигитча тушунмадим дегандек елка

қисди. – Вода есть?.. Su var mi?.. Оббо фирт ғалча экансан-ку. I would like water! (мен сув ичмоқчиман – ингл.) – шундай дея қўлимда стакан билан сув ич-гандек ишора қилдим.

– O water? You can find it in your room! (Ҳа, сувми, хонангизда бор-ку!)

«Хонамдаги сувни катта холангга обор», – ўйладим фижиниб ва бир амаллаб, бунақа сувни ичол-маслигимни тушунтирдим. Шунда йигитча тортмасини тортиб, бир шиша кола олди-да, тиши билан қопқоғини чиқариб, қўлимга тутқазди. Шундагина эътибор бердим: боланинг битта қўли елкасидан узилиб тушган, шунинг учун кўйлагининг бир енги шалвираб турарди. Томогимга нимадир тиқилгандек бўлди. Шишани олиб, хонамга кириб кетдим. Бечора бола! Қўлига нима бўлдийкин? Ўқ юлиб кетдимикин? Бомбанинг тагида қолдимикин, ё кимдир чопиб ташлаганми? Бу савол мен учун жавобсизлигича қолиб кетди. Аммо бу бола ўша машъум салтанатда менга дуч келган саноқлигина яхши одамлардан бири сифатида хотиррамда муҳрланиб қолди.

Чанқоғимни қондириб, кийимларимни бирма-бир илгичга ила бошладим. Кийимимга илиниб чиққан тўрт буклоғлиқ қофозни кўриб, сергак тортдим. Бу нима бўлди? Чироқнинг хира ёруғида дона-дона ҳарфлар билан ёзилган битиклар кўзга ташланди:

«*Маҳзуна!*

Бу хатни ўқиб, қай аҳволга тушишинг менга қоронги. Мендан хурсандмисан ё хафамисан, буни ҳам билмайман. Лекин мен аввало ўз раббим ва раҳбарларим буюрган ишни қилдим, деб ҳисоблайман. Сен бу йўлни танлаганингдан асло иккиласман! Ортга қайтиши ҳақида ўйлама. Сен ўтган кўпприк аллақачон куйиб кул бўлди. Бир амаллаб

ортга қайтганингда ҳам сени ҳеч ким қүчоқ очиб куттиб олмайди. Фақат тергов, суд, қамоқ, хорлик ва хўрликлар... Иродали бўл! У ерда сенга нимани буюришса, сўзсиз итоат қил. Қаршилик кўрсатма. Борди-ю, сени кимгадир никоҳлаб бермоқчи бўлишса «менинг эрим бор» деб оёқ тираф олма. Ушибу хатни талоқ хати деб бил! Уни очиб ўқиган бўлсанг, демак, сен уч талоқсан! Бошинг очик! Сени Аллоҳнинг паноҳига топширдим, Комрон!»

Ярамас, итвачча!

Хатни фижимлаб, каравотнинг тагига улоқтиридим. Ич-ичимдан хўрлик тўлқини босиб келарди. Ҳўнграғанча ўзимни каравотга ташладим. Энтикиб, елкаларим силкиниб йифлардим. Нега йиғлаяпман ўзи? Наҳот ўша исқиprt кўз ёшимга арзиса? Ахир мен уни севмасдим-ку! Мен фақат у жўнатган суратларгагина маҳлиё бўлдим, алдандим, холос. Лекин бари бир ўзимни тўхтатолмаяпман. Балки кимларнингдир кўлида қўғирчоққа айланганим, ҳис-туйгуларим, шаъним, ор-номусим гаддорларча топталаётгани учун йиғлаётгандирман?

Гумбурлаган товуш қулоқни қоматга келтирди. Дод солганча ўзимни йўлакка урдим. Мен билан келган қизлар ҳам югуриб чиқишганди. Чамаси Тамара ухлаш учун ечиниб ётган бўлса керак, жон талвасасида эгнига бирор нарса ёпинишга ҳам улгурмай қочиб чиққанди. Бояги йигитча худди ҳеч нарсани эшитмагандек бамайлихотир китоб ўқиб ўтиради. «Нима бўляпти ўзи» дегандек ҳар бири мизга қараб чиқди. Кейин ярим-ялангоч Тамара-га кўзи тушди-ю қотиб қолди. Бегона йигитнинг ўқдек қарашларидан ҳушига келдими, Тамара яна ўзини ичкарига урди.

Кейин йигитча хижолатомуз йўталиб олди-да, инглизчалаб бизга таскин берган бўлди. Ё у инглизчани бузиб гапирди, ё мен яхши тушунмадим,

унинг гапларидан англағаним шу бўлдики, ҳозир шаҳарни курдларнинг «Йе-Пе-Ге» тўдаси қуршаб олган, мужоҳидлар ҳозир уларни қувиб солиш учун жиҳод қилишмоқда экан. Ҳозир портлаган бомба ҳам ўша «коғир курдлар»нинг иши эканини тушунтириди. Э, қуриб кетсин, эрталабгача тирик қолармикинман ўзи? Майли, ҳар ким пешонасига ёзилганини кўради. Комрон ёзганидек, энди ортга йўл йўқ.

Қизлар яна ўз хоналарига йўл олишди. Мен ҳам кийимимни ечмасдан кўрпага кирдим. Яна бир кор-ҳол юз берса, Тамаранинг ҳолига тушиб қолмай!

Хайрият, тонггача бошқа ҳеч нарса гумбурламади. Лекин ўқтинг-ўқтинг ўқ овозлари эшитилиб қоларди. Ҳарқалай, бир қуналик йўл азоби ўз ишини қилди. Бирпасда ухлаб қолибман.

...Осмонни булат қоплаганди. Кутимаганда момақалдироқ гумбурлади. Кейин эса шаррос ёмғир қуиди. Йўқ, осмондаги булат эмас, қуюқ тутун экан. Портлаган ҳам момақалдироқ эмасди. Бомба эди, бомба! Осмондан ёмғир эмас, сон-саноқсиз ўқлар ёғарди. Қизифи, бу ўқлар баданимни илма-тешик қилиб ташлаган бўлса-да, ҳеч қандай оғриқни сезмасдим. Қаёқقا кетаётганимни ўзим ҳам билмас, лекин оёғимни қўлимга олганча аллақаерга шошилардим.

Шу пайт қаердандир темир қанотли баҳайбат қуш учиб келди-да, мени ердан узиб самога кўтарилиди. Дод солай дейман-у фарёдим томоғимдан нарига ўтмайди. Пастга қарадим-у кўзларим тиниб кетди. Кўз олдимда култепага айланган уйлар, маҳаллалар, қишлоқлар, тутаётган далалар, ҳар томонга гугурт чўпларида бетартиб сочиған жонсиз жасадлар яққол кўриниб турарди. Темирқанот қуш мени ҳамон чангалига олиб учарди. Пастдан

күм-күк денгиз манзараси намоён бўлди. Ҳозир мени сувга ташлаворса-я? Начора, бомбалар тагида қолиб ўлганимдан кўра балиқдарга ем бўлганим яхшироқ. Мана, қуш мени чангалидан тушириб юборди. Фақат сувга эмас, қум устига тушдим. Ҳамма ёқ қум, қум, қум... Денгиз қани? Энди қаёққа бораман? Бу саҳрода бир ўзим қандай кун кечираман? Нима ейман?

Шу пайт бояги темирқанот яна бошим узра пайдо бўлди. Ярамас қуш, мендан нима истайсан ўзи? Балки мени шу ерда нимталаб емоқчиидир? Йўқ, тушмуғида нимадир бор! Ие, бу қанақа тугун? Яратганинг марҳамати кенг! Ҳатто саҳронинг қоқ ўртасида ҳам ўз бандасини ночор ташлаб қўймайди.

Тугунни очарканман, унинг ичидаги нонни ҳам, у ўралган рўмолчани ҳам танидим. Бу рўмолни ҳар доим бувим бошига ўраб юрарди-ку! Нон ҳам таниш. Бу нонни бувим пул топиш учун қўшни давлатга кетаётган чоғида отамга тишлиғанди. Мана, отажоним тишлирининг изи яққол кўриниб турибди. Темир қанот қуш нонни олишим билан рўмолни чангллаганча учиб кетди. Эҳ, ахир бу бувимнинг рўмоли эди-ку! Қуш нега бувимнинг рўмолини опқочди? Ҳа, майли, муҳими ҳали ризқим узилмаган экан.

Нонни паққос туширдим. Очлик босиди. Аммо, бошимдан саратон офтоби олов сочарди. Э, худо, қилт этган соя йўғ-а. Ким айтди соя йўқ деб? Мана-ви дараҳт қаердан келди? Бу дараҳт ҳам таниш. Бу дадам бофимизга экиб кетган саданинг ўзгинаси-ку!

Бир муддат саданинг соясида тин олдим. Энди чанқоқ азоб бера бошлади. Бир қултумгина сув бўлсайди. Тавба! Шу фикр хаёлимдан ўтиши билан қаршимда... «ресепшин»да ўтирган бояги бола қўлида бир шиша кола билан пайдо бўлди. Ие, у боланинг битта қўли йўқ эди-ку! Бунинг икки қўли

ҳам бутун. Адашдим. Бир қўлли бола қўримсизги-на, пачоққина эди. Бу эса, қадди расо, тўрт мучаси соғ алпқомат бир эркак-ку! Қарашлари бунча ўткир, юзлари бунча тиник? Ҳатто узун соч-соқоллари ҳам ўзига ярашиб турибди. У кулимсираб қў-лидаги шишани менга тутқазди. Жилмайса янаям чиройли бўлиб кетаркан. Ҳа, бу қиёфа менинг кўз ўнгимда шу қадар аниқ-тиник сақданиб қолдики, чамамда минг йилдан кейин ҳам уни бир қўришда танийдигандек эдим.

Колани ичарканман, вужудимга фавқулодда қувват, шу билан бирга, сўз билан таърифлаб бўлмайдиган даражадаги лаззат оқиб киргандек бўлди. Шу аснода ўзимни ўша бегона, хушсурат йигитнинг қу-чогида кўрдим. Аввалига бор кучим билан қаршилик кўрсатдим. Унинг бағридан юлқиниб қочишга уриндим. Кейин эса.. Кейин...

...Меҳмонхонанинг яқинидан овозкучайтиргич-дан келаётган аzon товушидан уйғониб кетдим... Оббо, шунақаям даҳшатли, шунақаям аниқ-равшан, шунақаям... бемаъни туш бўладими? Яратган эгам, Ўзинг мени лаънатга учраган шайтоннинг макру ҳийлаларидан асрарин. Шартта туриб, ваннахонага кирдим. Табиийки, иссиқ сув йўқ. Кечаги елим идишдаги сув билан бошдан-оёқ покланиб бўлгач, тонгги ибодатни бажо келтирдим.

Эрта тонгда, ибодатдан сўнг қилинган дуолар ижобат бўлади, дейишади. Мен ҳам қўлимни дуога очиб, Яратганга муножот қилдим:

– Э Яратган Эгам! Мен оқ-қорани танимаган, бир гумроҳ бандангман! Билиб-бilmай қилган хатоларимни ўзинг кечир! Нима иш қилаётганимни, қаёққа бораётганимни билмайман! Сендан ўтиниб сўрайман! Менга Ўзинг тўғри йўлни кўрсат. Агар Сен қилаётган амалларимдан рози бўлсанг, мен ҳам шу йўлда Сенинг ризолигинг учун жонимни фидо

қиласман. Борди-ю, хато йўлда бўлсам, Ўзинг менга ҳақ йўлни кўрсатувчи раҳнамони рўбару қил. Токи залолат сабабли икки дунёим куйиб кетмасин!

...Меҳмонхонадаги фақирона нонуштадан сўнг, ҳаммамизни машинага ўтказиб, қаергадир олиб кетишиди. Кеча кўп нарса қоронги тун пардаси ортидан унча аниқ кўринмаганди. Аҳвол мен йўлаганимдан ҳам қўрқинчлироқ экан. Шаҳарда ўқ ёки бомба тегмаган бирорта бутун уйга кўзим тушмади. Ҳамма ёқ вайроналардан иборат. Сал бутунроқ иморатларнинг тепасида ой-юлдуз тасвири туширилган ва аллақандай битиклар битилган қора рангли байроқлар кўзга ташланади.

Айтганча, Фотимани эрталаб интернетда тошишган йигити келиб опкетибди. Буни дугонаси Тамарадан эшийтдим. Ўзининг йигити эса бошқа шаҳарга курдлар билан жиҳод қилгани чиқиб кетганмиш. Унинг юзидан умидсиз ва паришон кайфиятини уқиб олиш қийин эмасди.

Мен ҳаробаларга тўла давлатнинг машъум манзараларини кузатишида давом этаман: бетон парчалари, пачоқланган, ағдарилиб ётган машиналар, қоп-қора кийимдаги, соқолдор жангарилар... Ора-сирада яқин маҳрамлари етовида йўлга чиққан, бошдан-оёқ қора лиbosга бурканиб олган аёллар, кир-чир, ялангоёқ чопқиллаб турган болалар кўзга ташланади.

Ҳа, дунёning ҳар тарафида бола ўз оти билан бола. У ҳатто уруш, қирғинбарот авж олган ҳудудларда ҳам ўйнагиси, ўзхлик қилгиси келади. Ана, бир тўда иштончан болалар қийқирганча йўл четидаги ялангликда футбол ўйнашяпти. Уйимиз орқасидаги майдончада худди шулар каби дунёни бошларига кўтариб тўп тепадиган қишлоғимиз болалари эсимга тушди.

– Смотри, что у них под ногах! – кутилмаганда қичқириб юборди Тамара. – Смотри!

Қарадим-у тош қотдим. Даставвал эътибор қилмаган эканман. Болалар тепиб юрган дум-думалоқ қора нарса... одам боши эди! Сал бўлмаса ҳушимни йўқотаёздим. Бу пайтда даҳшатли манзара ортда қолган, машинамиз ўнқир-чўнқир кўчалардан илгарила борарди. Йўқ, алаҳлаяпман шекилли! Кечаги чарчоқ, алоқ-чалоқ тушларнинг таъсирими? Йўқ, ахир аниқ кўрдим, болаларнинг оёқларни остида думалаб бораётган, қорайиб кетган, сочсиз каллани...

– Эта была человеческая голова? – аранг куч то-пиб, ҳамроҳимдан сўрадим. Тамаранинг кўзлари-даги даҳшат учқунлари ҳали сўнмаганди.

– Да, точно!

Э, худо! Қайси бечоранинг боши экан у? Нега уни танасидан жудо қилиб, болаларнинг оёқлари остига ташлашди экан? Инсон боласини шу қадар ҳўрлаш мумкинми! Бояги болалар-чи! Улар ким бўлиб вояга этишяпти. Уларнинг келажагига умид борми?

Бояги манзара қайта кўз олдимда жонланди-ю, кўнглим беҳузур бўлиб кетди. Қайт қилиб юбор-маслик учун икки кафтим билан бўғзимни фиппа бўғиб олдим.

Бу пайтда бояги шаҳарча ортда қолган, машинамиз қизғиши, тап-тақир далалар бўйлаб елиб борарди. Ниҳоят, манзилга етдик чамаси, машинамиз баланд девор билан ўраб олинган иморат олдида тўхтади. Маълум бўлишича, бу иморат пойтакт Раққа яқинидаги ҳарбий қароргоҳ бўлиб, мужоҳидлар сафига янги келиб қўшилганлар аввал ана шу ерга тўпланар, кейин уларнинг қиладиган ишлари тушунтирилиб, турли ҳудудларга тарқатиб юбориларкан. Ҳар ерда бўлганидек, бу иморатнинг тепасида ҳам ўша қора байроқ совуқ ва

таҳдидли ҳилпирайди. Кириш эшиги олдида ўнлаб соч-соқоли ўсган қўриқчилар саф тортиб турарди.

«Хозир кечагидек ҳар биримизни силаб-сийпаб ичкарига киритишса керак» деган андишада эдим. Аммо бу гал текширув у даражада қаттиқ бўлмади. Ичкарида худди бизга ўхшаб дунёning турли ҳудудларидан келган қизлар кўп экан. Энг ёши 15-16 ларда, энг катталари ўтгизнинг нари-берисида эди. Соқолдор жангариладан бири баланд овозда қизларнинг исм-шарифини ўқир, шеригиси гуруҳдан ажралиб чиқсан қизларни алоҳида гуруҳларга жамларди. Мен билан Тамара битта гуруҳга тушдик. Гуруҳимизда йигирмага яқин қиз бор эди. Бизни иморатнинг қуи қаватидаги битта хонага киритишди. Хона тўрида бошқа жангариладан фарқли ўлароқ соч-соқолидан тортиб, ҳатто қош ва киприкларигачаmallаранг бўлгани учун жангариладан қоп-қора либоси ўзига хийла ярашмай турган, қирқ ёшлардаги бир эркак ўтиради. Ҳаммамиз унга салом бердик.

Маълум бўлишибча, боя қизларни қайси тилни билишларига қараб гуруҳларга ажратишган экан. Тамара билан мени, табиийки, рус гуруҳига қўшишган. Бояги мallasoch биз билан соф рус тилида сўрашди. Ҳар биримизнинг асл исм-фамилиямиз, миллатимиз ва қайси юртдан эканимизни бирма-бир сўраб, дафтариға қайд қилиб олди.

Гуруҳда мен ўзбекистонлик ягона қиз эканман. Орамизда тожик, қозоқ, озарбайжон, чечен, татар, рус, ҳатто украин ва грузин қизлари ҳам бор экан. Мallasoch раҳбаримиз ўзини Абу Саид Русий деб таништириди. (Қизиги, бу мамлакатда ҳар бир эркакнинг исми «Абу» билан бошланаркан).

– Азизларим, – танишувдан сўнг, ўз нутқини бошлиди раҳбаримиз. – Аввало барчангизни муқаддас халифалик давлати ҳудудига қадам қўйганинг

гиз билан табриклайман. Бу ерга келгунингизча қанча азиятлар чекканингиз ҳам маълум. Зеро, бу чеккан заҳматларингиз эвазига Яратганнинг беҳад улуғ мукофотларига ноил бўласизлар. Бизнинг мақсадимиз – Ер юзидағи барча ҳалқларни ягона ҳалифалик байроби остида бирлаштиришдан иборат. Бу йўлда ҳеч қандай тўсиқ тан олинмайди. Бизга қўшилмаганлар, бизни инкор этганлар ашаддий душманларимиздир. Душманларимизни эса, хоҳ бегона, хоҳ таниш-билишимиз, хоҳ қариндошимиз бўлсин, топган жойимизда ўлдирамиз. Ана шундай шарафли ишимизга ҳисса қўшиш учун сафимизга келиб қўшилганингиз таҳсинга лойик. Бугун не-не йигитларимиз бу шарафли йўлда душманларга қарши мардонавор жанг қилишмоқда. Эр-как зоти эса ҳамиша аёлнинг меҳрига, мададига, тафтига муҳтож. Сиз мужоҳидларимизга ўз вужудингиз ила хизмат қилиб, уларнинг эҳтиёжларини қондиришингиз ҳам беҳад савобли ишдир. Балки кўлга қурол олиб ёки белга шаҳидлик камарини боғлаб, ўз мардлигинингизни кўрсатарсиз? Динимиз тарихида фанимларга қарши тиф кўтариб, майдонга тушган, ёвнинг бошини сапчадек узган ёки шу жангда шаҳид бўлган оналаримиз кўп бўлган. Сиз ҳам уларнинг изидан боринг. Бу йўлда не-не улуғ зотлар жон беришган. Сизу бизнинг жонимиз нима деган гап?

Хуллас, бу ерга ўз ихтиёри билан келган ожизаларга ё мужоҳидларнинг никоҳига кириб, уларнинг нафсини қондириш, ё эркаклар қатори жангга кириш вазифаси юклатиларди. Абу Сайднинг айтган кўп гаплари Комроннинг фикрларига ҳамоҳанг эди. «Шундан бошқа йўл йўқ. Олдинга юрсанг ҳам, ортга қайтмоқчи бўлсанг ҳам ўлишинг мумкин. Фарқи шундаки, олдинга интилиб ўлганлар жан-

натга, ортга чекиниб жон берганлар жаҳаннамга равона бўлади».

– Саволлар борми? – сўради Абу Сайд маърузасини тутатиб.

– Менда бор, – худди мактаб партасида ўтиргандек қўйл кўтарди Тамара. – Мен бу ерга ўз севганинг йигитимнинг ёнида бўлиш, унга маънан мадад бериш учун келганман. Лекин у ҳозир бошқа жойда жанг қилаётган экан. Мени бошқа бирорвга никоҳлаб беришмайдими?

– Синглим, – деди Абу Сайд малла соқолини турамлаб. – Сиз дунёвий ҳавасларга берилган кўринасиз. Кимнинг никоҳида ёки хизматида бўлиш бу иккинчи даражали масала. Сиз йигитингизнинг эмас, Аллоҳнинг розилиги учун курашинг. Эҳтимол, ўша йигит билан бирга бўларсиз, балки бошқа бир биродаримизнинг завжасига айланарсиз. Ким билан бўлсангиз ҳам, асл мақсадни – Яратганинг розилигини олишни унутманг! – шундай дея Абу Сайд билагидаги ярқираб, қимматбаҳолиги сезилиб турган соатга қаради. – Вақтимиз кам қолибди. Бошқа саволлар бўлмаса, сиз билан ибрат дарсини томоша қилишга ўтамиш.

Ҳаммамиз унинг ортидан эргашиб, иморатнинг кунгай томондаги эшигидан ташқарига, катта ялангликка чиқдик. Бу ерда мен кўравериб кўзим ўргана бошлаган қиёфадаги – соч-соқоли ўсган, қоп-қора кийинган эллик-олтмиш нафар эркак жамланган. Майдоннинг бир бурчагида каттагина чуқур кавлаб қўйилган, ундан сал берироқда ёғочдан минбар тикланган эди.

Зум ўтмай майдонга боя бинонинг ҳовлисида тўпланиб турган қиз-жуvonлар чиқиб кела бошлашди. Майдоннинг чеккасида икки мужоҳид ҳаммамизни ярим доира шаклида тизиб чиқди.

Ҳарқалай, бирор кўнгилсиз воқеа юз беришини кўнглим сезиб турарди.

Бир оздан сўнг қора саллали, қўлтифига китоб қистириб олган семиз домла бир қўлида тасбех билан чиқиб келди. Иккита ўспирин қурилишда ишлатиладиган замбилғалтакда ҳар хил катталикдаги тошларни эркаклар тўпланиб турган жойга тўкиб кетишиди. Бояги қора саллали муллага кам кўринди шекилли, ўспириналарга нимадир деганди, ҳар иккови аравасини зинфиллатганча яна тош олиб келгани кетишиди.

Сўнг қора саллалининг ўнг тарафидан ўзи тенги, кўринишидан европалик экани билиниб турган ёшгина йигит, чап тарафидан бизнинг раҳбаримиз Абу Сайд Русий жой олди. Эркак аввал узун бир сурани тиловат қилди. Орқасидан араб тилида алланималарни бўғриқиб, фазабга тўлиб, тушунтиришга тушди. Мулланинг ўнг тарафидаги йигит унинг гаплари ни инглизчага ўғирди. Абу Сайднинг таржимасидан сўнг масала тўла-тўкис ойдинлашди.

Маълум бўлишибича, тал-абёдлик ўн саккиз яшар аёл Асад кучларида хизмат қиласидиган жосус йигит билан мамлакат ҳудудидан қочиб кетаётган пайтда қўлга олинган. Йигит мужоҳидарга қаршилик кўрсатишга уринган пайтда ўлдирилган. Аёлни ҳибсга олишган. Уни отаси бир йилча аввал катта ёшли дала командирига учинчи хотин қилиб никоҳлаб берган экан.

Аввалига аёл эрига хиёнат қилмаганини, йигит билан қочишга уринган бўлса-да, зинога қўл урмаганини айтиб қасам ичган. Бироқ аёлнинг эри шариат судига рад этиб бўлмас далилларни тақдим этгач, ҳатто гувоҳларнинг ҳам кўрсатмасига ўрин қолмаган. Командирнинг ётогига кузатув камера-си ўрнатилган, бундан шўрлик аёлнинг хабари йўқ экан...

Мана, қонунан айбдор деб топилган маҳкума энди ўз қисматида битилган жазони олади. Бечорани тошбўрон қилишади...

Мен худди шундай ҳолатни бир хориж фильмида кўргандим. Фильм воқеалари қайсиdir шарқ мамлакатида юз берган, ўз аёлидан қонуний ажрасша олмаслигини англаган номард эр уни хиёнатда айبلاغан, шариат пешволари ноҳақ кўрсатмаларга асосланиб, ёшгина аёлни тошбўрон қилиш ҳақида қарор чиқарганди.

Мен бу фильмни кўрганимдан сўнг қарийб бир ҳафта ухломай юрганман. Кўзимни юмишим билан фильм бош қаҳрамонининг қонга ботган юзлари, қаҳр ва нафрат тўлиб тошган нигоҳлари жонланарди. Гарчи экранда кўрганларим ҳаммаси томоша, унинг иштирокчилари оддий артистлар эканига ўзимни ишонтирусанда, бу қонли манзара узоқ муддат онгу шууримни банд этиб келган.

Ўша пайтлар қачондир худди шундай воқеани ўз кўзларим билан кўришим мумкинлигини хаёлимга ҳам келтирмаганман.

Албатта, оиласа хиёнат қилиш оғир гуноҳ. Бу гуноҳни Яратган ҳам, бандаси ҳам кечиролмаслиги турган гап. Аммо ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган қизнинг бу тахлит аянчли ўлим топиши...

Мана, қўли орқасига қайрилиб боғланган, қоп-қора кийим кийган, бошига ҳам қора қоп кийгизилган аёлни иккита мужоҳид қатл майдонига етаклаб кирди. Уларнинг ортида қадди букчайиб қолган, соқолларига оқ оралаган киши оқсоқланганча эргашиб келарди.

– Қули, ла илаҳа иллаллоҳ! (*Аллоҳдан бошқа илоҳ ўйқ*» деб айт. – араб.) – хитоб қилди мужоҳидлардан бири аёлнинг елкасига автомат кўндоғи билан нуқиб. Аёл чамаси паст овозда унинг гапларини

такрорлади. Кейин маҳкумани чуқурга тушириб, белигача ерга кўмишди.

«Бошловчи» аввал маҳкуманинг отасига сўз берди. Отаси ердан кўз узмасдан, юзини ерга қаратган бу нонкўр қизидан воз кечганини айтди. Маҳкуманинг эри ҳам ўз кўрсатмаларини оломон олдида яна бир карра қасам билан тасдиқлаб, хиёнаткор аёл жазога лойиқдигини таъкидлади.

Эҳ, сиз эркаклар! Қонун-қоидаларни ўзингизга мослаштиришга бунчалар ўчиз. Бугун ўзи қизидан тониб турган мана бу бадбахт ота қизини ўзи тенги чолга узатишдан аввал бир оғиз унинг кўнглини сўраб кўрдимикин. Ўзини жабрдийда кўрсатиб, «хиёнаткор» аёлига ўлим тилаётган кекса командир-чи? Қизи тенги (эҳтимол, ундан ҳам кичкинадир) бир ожизанинг вужудига куч билан эга чиқишини уддаласа-да, унинг қалбини забт этолмаслигини наҳот хотин устига хотин олишдан илгари ўйлаб кўрмади? Ахир бу бечора ҳам инсон, унда ҳам юрак бор, орзу-ҳавас бор, ҳис-туйфу бор. Тўғрироғи бор эди...

Мен гарчи ўз ҳисларини жиловлай билмаган бу шўрпешонанинг қилмишини оқламасам-да, бу борадаги шариат ҳукмига қарши боролмасам-да, ич-ичимда бир исён аланга олгандек эди.

Шу чоқ мулла нимадир деди шекилли, оломон уввос солганча унинг гапларини қўллаб-қувватлашга тушди. Биринчи тошни ҳукм ўқиган мулланинг ўзи отди. Ёнгоқдек келадиган тош аёлнинг бошига урилди. Аёлнинг жон ҳайбатида оҳ тортгани эшитилди. Кейин иккинчи, учинчи тош маҳкуманинг гулдек вужудига бориб урилди. Одамларнинг ваҳшиёна хитоблари шўрлик аёлнинг оҳу ноаларини кўмиб юборди.

Боягина болалар оёғи остида думалаётган инсон бошини кўриб, ҳушим бошимдан учганди. Энди

эса... кўз ўнгимда ўзим тенги бир қизни минг бир уқубатлар ичида қийнаб ўлдиришмоқда. Бечоранинг жони қанчалик азоб чекаётган экан-а?

Э, худо, нима бўлди? Ахир... ахир тошбўрон қилинаётган аёл... менман-ку! Мени ким белимгача ерга кўмиб қўйди. Юзини соқол босган бу кимсалар мендан нима истайди ўзи? Оҳ, бошимга тош келиб тегди! Яна битта тош тишларимни синдириди. Оғзимда қоннинг чучмал таъмини ҳис этиб, кўнглим озгудек бўлди. Навбатдаги тош кўксимга келиб урилди ва худди ўқдек юрагимга қадалди. Ҳушимни йўқота бошлаганимни элас-элас эслайман.

...Аввал ҳаммаси оппоқ тумандан иборат эди. Кейин нималардир гира-шира кўрина бошлади. Қулоғимга икки аёлнинг араб тилидаги суҳбати чалинди. Кейин улардан бири хонани тарк этди. Бу пайтда мен тўла ҳушимга келиб бўлгандим. Шунда устимга енгилроқ чойшаб ёпиб қўйилгани, маҳрам либосларим ечиб олинганини англаб қўрқиб кетдим. Нима бўлдийкин? Қаердаман ўзи? Ие, шарманда! Мени... нега ечинтиришдийкин?

Бора-бора кўз олдимдаги манзаралар тиниқлаша бошлади. Бошим устида эгилган аёлнинг кулгичлари, кўзлари, лаблари менга таниш, қадрдондек туюлди.

– Ты узбечка? – сўради аёл аввал менга, кейин атрофга бир оз олазарак қараб.

– Да, – дедим бошимни кўтариб. Чамаси боя ҳушимни йўқотганим учун мени аллақайси шифохонага олиб келишганди. Тавба шунча пайт ҳеч нарсани билмай ётибман-да. Қўл-оёғим бут, ўзимни яхши ҳис қиляпман.

Фақат кўнглим айниброқ турибди. Шу очиқ бояги қатл манзараси кўз олдимга келди. Яна бошим оғирлашиб ўзимни ёстиқقا ташладим. Бечора

аёлни аллақачон ўлдириб бўлишгандир? Шўринг курфурнинг бадани илма-тешик бўлиб кетгандир?

Тепамда турган аёл оқ перчатка кийган қўли билан қорнимни босиб кўрди. Қовуғимдан тепароқда ўткир оғриқни ҳис қилиб, ожиз инградим. Кейин... у бармоғини авайлаб ичимга киритаётганида кўз олдимда ўт чақнагандек бўлди.

– Ўзингни яхши ҳис қиляпсанми?

Худди ток ургандек сапчиб тушдим. Бу ерга келиб, ҳали бир оғиз ҳам ўзбекча гап эшитмагандим-да! Бу аёл нега менга бунча таниш кўриняпти, десам...

– Сизам ўзбекмисиз? – дедим тўлқинланиб.

Ёши қирқлардан ошиб юзларига, кўз остига билинар-билинмас ажин юргурган, қошлари асабий чимирилган бу аёл саволимни эшитмагандек, ишини тугатиб, қўлидаги перчаткани ечиб, бир четга қўйди.

– Қизим, сен бу ерларда нима қилиб юрибсан? – сўради эритиб юборишга қодир хайриҳоҳ овозда.

Титраб кетдим. Овози, гапириш оҳангига худди ойимникуига ўхшаб кетаркан. Гоҳида бирор ишимдан қаттиқ норози бўлса, ойим худди ана шу оҳангда менга танбеҳ берарди:

«Қизим, нима қилиб юрибсан?»

Ҳатто, юзи, қошлари, кулгичлари ҳам ойижонимга ўхшаб кетаркан. Киприкларимга кўз ёш парда боғлаб, кўз олдимдаги манзаралар, ранглар бир-бирига чаплашиб кетгандек бўлди.

– Бу ерга нима мақсадда келдинг? Ўз ихтиёринг биланми?

Қизиқ, ўзимдан бошқа ҳеч ким шу пайтгacha менга бу саволни бермаганди. Даствор мен ўзими алданганлар қаторида кўрардим. Кейинчалик Комроннинг дарслари таъсирида ҳаётий мақсадларимни белгилаб олгандек бўлдим. Аммо мен бу давлатда кечирган саноқди соатлардаёқ туғилган

иккиланиш, тараддуд аллақачон таассуф ва пушайммон күринишига кирганди. Фақат буни мана бу аёлга айтишим түгриимикин? Балким, улар менинг қарорим қанчалик қатъий эканини шу орқали билиб олишмоқчиидир?

– Қароринг қатъийми?

Аёлнинг иккинчи саволи яна ҳушимни ўзимга қайтарди. Негадир шу онда унга дилимдан кечеётган бор гапларни тўкиб солиш истаги туулганди. Бари бир бу машъум ҳудуддан тирик кетолмаслигим аниқ. Буни боягиmallасоқол Русий ҳам тан олди.

– Қизим, мендан ҳеч нарсани яшириб ўтирма, кўнглингда борини айтавер!

Қай аҳволда турганим эсимга тушиб, хийла қизариндим.

– Опа, узр, кийиниб олсам...

Аёл жилмайиб, дераза тарафга қайрилди.

– Бу ерда сен билан нима ҳақда гаплашаётганимизни иккимиздан бошқа ҳеч ким тушунмайди. Гапиравер!

Тавба, нима қилсам экан? Мендан гап олмоқчи бу аёл, ё ростдан ҳам ичи ачияптиимикин? Таваккал, ростини айтавераман. Ахир мен уйдан чиқаётганимда террорчиларга қўшиламан, ё уларнинг бирига учинчими-тўртинчи хотин бўлиб тегаман, ё улар кўрсатган жойга бориб, ўзимни портлатаман деб чиқмаганман-ку! Қолаверса, ҳозир ҳам бу маконда қилинаётган ишлар чиндан ҳам Яраганинг арконларига тўла мос келадими, йўқми, билмайман...

Хуллас, кимгадир ҳақиқатни айтишим керак-ку, деган андиша билан ўз кечмишими – отамнинг ўлимидан бошлаб, то бугун, даҳшатли қатл манзарасини кўриб, ҳушимни йўқотгунимгacha бўлган воқеалар силсиласини ихчамроқ шаклда баён қилдим.

– Ўзим ҳам шунақа деб ўйлагандим, – эшикка қараб уф тортди шифокор аёл. – Сенга ўхшаб, бу қафасга ўз нодонлиги сабаб тушиб, умрини жувонмарг қилганлар кўп.

«Сен ҳам ўшалар қатори жувонмарг бўлиб кетсан!»

Опанинг сўзларидан худди шу маънони уқиш мумкин эди.

Унинг айтишича, мен ҳозир Суриянинг мужоҳидлар тасарруфидаги марказий шаҳри – Раққада эканман. Ҳалиги қатл намойишгоҳи бу шаҳардан уч-тўрт чақирим масофада экан. Томоша пайтида ҳушимдан кетиб қолганимдан сўнг мени машинада шу ерга – шаҳардаги ягона аёллар касалхонасига олиб келишибди.

Шундан сўнг аёл билан яқиндан танишиб олдим. Опанинг исми Хуршида экан. Ўзининг айтишича, отаси асли андижонлик, врач бўлган, шўро даврида қабул қилинган стратегик дастурга биноан, бир гурӯҳ ҳарбий мутахассислар сафида Дамашққа юборилган. Шўро тузуми парокандага учрагач, Хуршида опа Дамашққа кўчиб келишганида уч ёшли қизалоқ экан. Бир пайлар коммунистик тузумга хизмат қилган отаси кейинги йилларда тақвога берилиб, қизини Дамашқ илоҳиёт лицейига берган. Хуршида опа шу ерда ўтгиз пора Куръонни ёд олиб, лицейни атло баҳоларда битирган.

Опа олий таълимни Дамашқ университетининг тиббиёт бўлимида олган. Ўқишини битирган йили пойтахт тугруқхоналаридан бирига ишга жойлашган. Ўша йили келиб чиқиши Шом туркманларидан бўлган ҳарбий йигит билан турмуш қурган. Иккинчи фарзандлари туғилган йили қўмондонлик буйруғи билан эрини Раққадаги ҳарбий қисмлардан бирига раҳбар қилиб жўнатишган ва шу

тариқа бутун оила мамлакат шимолидаги ушбу вилоятга кўчиб келган. Хуршида опа Раққадаги «Араб баҳори» тўлқинлари бошлангунча, миллионлаб суряликлар қатори тинч тотув турмуш кечиришган.

2011 йил баҳорида бошланган тўполонлар фуқаролар урушини келтириб чиқарган, ички ва ташқи низолар сабаб мамлакат турии кучлар томонидан парчалаб ташланган. Ўзларини «Озодлик армияси» деб атаган исёнчилар билан бўлган қуроли тўқнашув ҷоғида Хуршида опанинг эри ҳалок бўлган.

Опанинг айтишича, вилоятни бир муддат «Озодлик армияси» бошқариб турган. Орадан икки ой ўтмай шаҳарга Ироқ ҳудудида ўзларича шаръий давлат тузиб олган мужоҳидлардан иборат катта куч бостириб кирган. Аввалига эрини ўлдирган «Озодлик армияси»га нисбатан адоват ҳисси билан яшаган Хуршида опа янги ҳукуматга умид кўзи билан боққан экан. Кейин барча умидлари пучга чиқади. Мужоҳидлар давлат идораларига ишловчи барча ходимларидан ўзларига бўйсунишни талаб этишади. Рози бўлмаганларни шафқатсизларча отиб ташлашади ёки зиндоналарга тиқишиади. Омади чопганлар амаллаб бу давлат ҳудудига қочиб кетади.

Опанинг катта қизини давлат тепасидаги мужоҳидлардан бири ўз никоҳига олган, ўғли ҳам ҳозирги кунда мажбуран мужоҳидлар сафига жалб қилинган экан.

– Мен Ўзбекистонда туғилганман, – орзумандлик билан сўзида давом этари аёл. – Бу мамлакатга тақдир тақозоси билан, ўзим истамаган ҳолда келиб қолганман. Ҳарқалай, шу юртнинг нон-тузини еб катта бўлдим. Билим олдим, баҳт топдим, орзу-ҳавас кўрдим.... Лекин бари бир мен ҳам худди отам сингари ўзимни бу юртда мусо-

фир санаб келдим. Отам маълум сабабларга кўра, Ватанга қайтолмади. Ёт ўлкада армон билан кўз юмди. Аммо менинг Ватанга қайтишимни жуда истаганди. Мен интернет орқали қариндошларимни топиб, Ўзбекистонга бориш учун керакли ҳужжатларни йигиб юрган пайтимда уруш бошлиниб қолди. Қисқа вақт ичидаги мен меҳр қўйган бу мамлакат тўрт-беш қисмга бўлинниб кетди. Энди жаннатмонанд Ватанимизни кўра оламанми-йўқми, Аллоҳ билади. Лекин сенга ўхшаган айрим фур, тажрибасиз ёшларнинг бу тарафга келиб қолаётганини эшитсам, жаҳлим чиқади. Ахир қайси ақл билан ўшандоқ тинч, осойишта, Аллоҳнинг назари тушган юртни ташлаб, бу зулматга келасанлар?

Хуршида опанинг гапларини эшитиб, ўзимнинг қанчалик янгишганим, хатога йўл қўйганимни англаб борардим.

– Опа, сиз булар тутган йўлни бутунлай нотўғри деб биласизми?

– Э, қизим, гоҳида ҳаммасини кўра била туриб уларнинг ноғорасига ўйнаётганим учун ўзимдан хафа бўлиб кетаман. Аммо иложим қанча. Иккита болам, жигарпораларим уларнинг қўлида. Мен уларга хизмат қилишдан бўйин товласам, болаларимнинг бошига не кунлар тушишини тасаввур ҳам қиломайман. Ҳар куни олдимга гулдек қизларни, жувонларни олиб келишади. Биз саноқли шифокор ва ҳамширалар билан уларнинг асосан ифратини, ҳомиласи бор ёки йўқлигини аниқдаб берамиз.

Боя бу ерда қай ҳолатда ётганимни эсладим-у, ниманидир тушунгандек бўлдим:

– Буни кимга нима қизифи бор?

Аёл қайгули жилмайди, шу аснода унинг юзларидаги ажинлар мен ўйлаганимдан ҳам кўпроқ экани ойдинлашди.

– Э, қизим, сен бу ернинг шафқатсиз қонунларини билмайсан. Ҳомиладор аёллар бу ерда фақат ортиқча ташвиш туғдиради. Айниқса, бўйида бўлиб, бева қолган аёлларнинг мужоҳидларга кераги йўқ. Чунки ҳозирги уруш шароитида ҳомиладор аёлни то түққунича парваришлаш, туғилганидан кейин она-болани боқишининг ўзи бўлмайди. Дунёнинг ҳар тарафидан келаётган аёллар билан оила қурган мужоҳидлар ҳам иложи борича бола ортириласликка ҳаракат қилишади. Борди-ю, урушда ўлиб-нетиб қолишса, бари бир боласини боқадиган одам топилмайди.

– Борди-ю, ҳомиладор бўлиб қолса-чи?

Хуршида опа оғир хўрсинди:

– Яқинда сен тенги чеченистонлик қиз ана шу мужоҳидларнинг ваъдаларига учиб, ўз юртини ташлаб келганди. Бир йигит билан никоҳ ўқитиб, уч ойча бирга яшашди. Йигит қайсиdir жангда нобуд бўлгач, унинг хотинини текширувга олиб келишди. Икки ойлик ҳомиласи бор экан.

– Хўш, кейин нима бўлди? – сўрадим юрак ҳовчулаб.

– Табиийки, шариат ҳукмига кўра, ҳомиладор аёлга уйланиш мумкин эмас. Шу боис, уни ҳеч бир эркак никоҳига олмади. Кейин амирнинг топшириғига кўра, ҳалиги аёлга Истанбулга бориб, сайёҳлик маркази биносининг олдида ўзини портлашиб топширилди.

Бўлди, эсладим. Ўша ҳодиса юз берганда мен Комроннинг уйида эдим. Турк телеканалларида бу воқеа анча шов-шувуга сабаб бўлганди. Ўшанда ҳомиладор қизнинг бу тахлит ўз жонига қасд қилишиб, яна бир неча инсоннинг умрига зомин бўлиши менга эриш туюлган, лекин Комрон сигаретаси тутунини шифтга пуркаганча «Аллоҳ раҳмат қилсин, жуда мард қиз экан», деб қўйганди.

Беихтиёр Комроннинг гапларини эсладим:

– Балки... балки бу аёллар тўғри жаннатга тушишар? Ахир улар Аллоҳ йўлида жон беришяпти-ку!

– Кўрдингми, сенинг ҳам онгинг аллақачон заҳарланган, – уф тортди Хуршида опа. – Аввало инсоннинг ўз жонига қасд қилиши энг оғир гуноҳлардан бири. Мен Куръонни ёд биламан-ку! Парвардигор «Нисо сураси» 29-оятида **«ва даа тақтулув анфусакум»** дея марҳамат қилади. Бу ояти кариманинг мазмуни «ўзларингизни ва бир-бирингизни ўлдирманг» деганидир. Ёхуд «Моида» сурасининг 32-оятида бир бегуноҳ инсонни ўлдириш бутун инсониятни ўлдириш билан тенг экани айтилади. Булар минглааб бегуноҳ инсонларни ўлдиргани ҳолда қандай қилиб, ўзларини дин ҳомийлари деб аташади?! Шундай экан, қизим, ўзига қўшиб, қанчадан-қанча бегуноҳ одамларни портлатиб юбораётган кимсаларнинг жаннатга тушишига ишонмайман. Чунки мен «Куръон»да ҳам, ҳадисда ҳам бу ҳолатни оқладиган бирор далил тополмадим...

«Эҳ, нега бу гапларни аввалроқ эшитмадим? Наҳотки, мен ҳам ана шу опа айтган кимсаларга ўхшаб бекордан-бекорга ўлиб кетаверсам? Энди мен нима қиласман? Тўғрироғи, мени нима қилишади?»

– Сени касалхонага олиб келишганида ҳушинг ўзингда эмасди. Сени кўришим биланоқ ўзбек қизи эканингни билдим. Содда, бегубор юзларинга қараб, нокас кимсаларнинг қўлида қўғирчоқча айланганингни тушундим. Сени текширишдан олдин «ишқилиб, ҳомиладор бўлмасин-да» дегандим. Текширув натижасини билиб қолмасин деб, шеригимни иш билан ташқарига жўнатдим. Афсус, сен... ҳомиладор экансан. Беш ҳафталик ҳомиланг бор...

Бу гапни эшитдим-у, ҳушим бошимдан учди.

Ҳомиладорман! Кейинги пайтларда ҳолсизланыб, ҳар нарсага күнглим айниб, бошим айланиб юргани бежиз эмас экан-да?

Ҳомиладорман? Наҳотки, наҳотки, пешонамга ўзим кутмаган жойда, ўзим хоҳламаган пайтда, ўзим севмаган одамдан фарзанд кўриш битилган бўлса?

Ҳомиладорман... Кимлардир ойлаб, йиллаб, интизорлик билан кутадиган бу хабарни мен қандай қарши олишим керак? Қувонайми? Қайгурайми? Ахир бу табиий ҳол эди-ку! Мен Комрон билан нақ тўрт ярим ой эр-хотин бўлиб яшадим, бунинг нимасига ажабланишим керак?

Агар Хуршида опанинг гапларига ишонадиган бўлсам, бу янгилик мен учун қувонч эмас, фақат ташвиш тугдириши мумкин. Ахир «эрим» вужудимдаги зурриёди билан қизиқиб ҳам ўтирмай, аллақачон жавобимни берган бўлса! Бундан буён кимнинг ҳисобидан, қаерда, қандай кун кўришим ноаён бўлса...

Бу аҳволда мени бирор хотинликка олмаслиги аниқ. Демак, мени ҳам ўша чечен қизга ўхшаб бирор шаҳарга, оломон ўртасида ўзимни портлатиш учун юборишадими? Қандай даҳшат!

– Хуллас... бу ҳомиланг сенга фақат зарап келтиради, – деди Хуршида опа бир нуқтага тикилганча.

– Агар сенинг юзларингда бу жаҳаннамга тушиб қолганингдан пушаймонлик аломатини кўрмаганимда ҳам, «ўзи шуни ихтиёр этибди, мен нима ҳам қиласдим», деб ўзимни четга олишим мумкин эди. Лекин кўриниб турибди, сеничув туширишган, ёшлигингдан, хомлигингдан фойдаланиб, тузоққа илинтиришган...

– Айтинг, опажон, – дедим титраб. – Бу ерда Аллоҳдан ва сиздан бўлак ишонадиган, суюнадиган одамим йўқ. Нима қилишим керак?

– Бир муслима аёл ва шифокор сифатида сенга бу гапни айтишга ҳаққим йўқ, аммо вазият шуни тақозо қиласди. Нима деяётганимни тушуняпсанми? – Опанинг сермаъно кўзларида қатъият чақнаради.

– Абортми? – дедим юрагимни ҳовучлаб.

Хуршида опа бармоғини лабларига босди:

– Бирор эшитиб қолмасин... Акс ҳолда нима бўлишини айтдим-ку сенга!

Э, худо! Бу не кўргилик? Коллежда, тиббиёт дарсида ўқитувчимиз илк ҳомилани олдириш бир умр бепуштликка сабаб бўлиши мумкинлигини айтишганди. Қолаверса, нега энди вужудимда нафас ола бошлаган митти жон мен тушиб қолган аҳмоқона вазият қурбони бўлиши керак? Ахир отаси ким бўлишидан қатъи назар, у менинг вужудимда бино бўлган тирик жон-ку!

– Наҳотки, бошқа йўли бўлмаса, опажон? – қақшадим кўлларимни одинга чўзиб...

– Ёки тезроқ бирортасига эрга тегишинг, кейин имкон туғилиши билан бу ердан қочишинг керак...

– Нималар деяпсиз? Кимга тегаман. Ахир... қорнимдаги бола билан-а. Идда муддати ўтмасдан-а. Бу гуноҳ-ку!

– Тўғри, лекин иккимиз ҳам шу гуноҳни четлаб ўтамиз десак, сени муқаррап ҳалокат кутади. Муқаддас динимизда жонни сақлаб қолиш учун мажбуран қўл уриладиган айрим гуноҳлар, ҳатто очликдан ўлмаслик учун ҳаром қилинган жонзорнинг этини ейиш ҳам кечирилади. Шундай экан, сени ҳам тирик қолиш учун ҳомилангни яширишинг гуноҳ бўлмас, иншооллоҳ. Гуноҳ бўлса ҳам... мен бошқа бирор йўлни кўрмаяпман. Тезроқ қатор қабул қилишимиз керак. Кимга тегишинг масаласи эса, менимча, аллақачон ҳал этилган. Сени «эгаллаб» бўлишган...

Охирги гапни кутмагандим, очиғи! Аслида, кейинги пайтда ҳаётимда фақат кутилмаган ишлар содир бўлаётганди. Лекин бари бир... Хўш, ким бўлдийкин менинг янги соҳибим?

Хаёлимни яқин орада портлаган снаряднинг қулоқни қоматга келтирувчи чинқириғи бузди. Чамаси, опа бундай портлашларни аввал ҳам кўп эшигтан шекилли, хийла хавотир билан деразага қараб қўйганча, гапини давом эттирди.

– Уям... бегонамас. Ўз юртига қарши бош кўтарган нобакорлардан биттаси. Манавиларга, – опа деразадан ташқарига имо қилди, – келиб қўшилган ўзбек террорчи гуруҳларидан бирининг раҳбарларидан. Асли исмини мен ҳам билмайман. Уни бу ерда Абу Жаъфар Узбакий номи билан аташади. Шу пайтгача қанчадан-қанча гулдек қизларнинг бошига етди ифлос. Навбат сенга етган кўринади.

Аёлнинг совуқ оҳангдаги гапларидан мен олдинда қандай нохушликлар кутаётганини англадим. Аммо нима ҳам қила олардим? Зотан, мен бу қафастга ўз ихтиёrim билан бош урдим. Энди бошимга не келса барчасига қўз юмишга маҳкумман.

Лекин кўнглимнинг бир четида бари бир умид шуъласи лишиллаб турарди. Ахир, бугун эрталаб Яратгандан ҳақ йўлни кўрсата оладиган раҳнамога рўпара қилишини сўраган эдим-ку! Эҳтимол, бу аёлни менга Парвардигорнинг ўзи ҳақ ва ноҳақни ажратса билишим учун рўпара қилгандир. Балки у орқали меҳрибон ва раҳмли Аллоҳим мени бу азоб-уқубатлардан халос этмоқчиdir.

– Опажон, – дедим овозим титраб. – Мен диннинг асл моҳиятини тўла тушуниб етмаган, тажрибасиз, фўр бир бандаман. Сиз айтган гапларни аввал менга ҳеч ким айтмаганди. Менинг бу дунёдан умидим қолмади. Фақат Яратганнинг ризолигини истайман, холос. Тузалмас хатога йўл қўйдимми,

деб қўрқяпман. Агар бу йўл мутлақо хато бўлса, мен нима қилишим керак? Булар кўрсатаётган иўл жаҳолат эканига аниқ ишонсангиз, мен сизнинг этагингиздан тутай. Менга тўғри йўлни кўрсатинг.

Хуршида опа хавотир билан йўлакка қараб қўйди.

– Ҳали унчалик кеч эмас. Яратганинг карами кенг. Ўзи тўғри йўлни кўрсатади, – шу пайт боя, Хуршида опа билан тепамда гаплашиб турган араб хотин келиши билан суҳбатимиз узилиб қолди.

* * *

Ўша куни кечқурун Хуршида опа раҳбариятнинг розилиги билан ўғлининг машинасида мени аёллар шифохонасидан Раққа марказидаги квартирасига олиб кетди.

Раққа Тал Абёддан каттароқ шаҳар, шунинг учун бўлса керак, бу ерда вайроналар, абжаги чиққан машиналару, жангариларнинг ҳам сони кўпроқ эди.

Йўл-йўлакай қаровсиз ҳолда ётган ўнлаб ўликларга қўзим тушди. Шаҳар марказидаги майдонда беш-олтида бошсиз жасадни териб қўйишибди. Ҳар ҳар замонда граната ва ўқ овозлари эшитилади. Яқин орадаги масжид минорасидан аzon саслари янграйди...

Хуршида опанинг ўғли Махтумкули мендан тўрт-беш ёшлар чамаси каттароқ, думалоқ юзлар, юпқа лаблари билан онасига ўҳшаб кетадиган сийрак соқолли, камгап йигит экан. У бизни олд-орқаси пачоқланган эски «БМВ» машинасида илма-тешик уйлар оралаб, тўрт қаватли сарғиш бинонинг тагига олиб келди.

Бинонинг йўлагини худди у сингари соқолдор, тиши-тирногигача қуролланган мужоҳидлар қўриқлаб туради. Опа ва унинг ўғлини танишгани учун ортиқча оворагарчиликсиз бизни ичкарига киритишиди.

— Опа, менинг сумкам, кийимларим меҳмонхонада қолганди, — дедим шу пайтгача эсимга келмаган нарсаларни эслаб. — Уларни олиб келишнинг иложи бормикин?

Очиғи, менинг бор-йўқ бисотим, Истанбулдан Комрон олиб берган кийим-кечаклар, шахсий буюмларим, ҳатто менга «йўл очиб келган» сохта паспорт ҳам сумкада, Тал Абёддаги меҳмонхонада қолиб кетганди.

— Нарсаларингга ҳеч ким тегмайди, — деди Хуршида опа бамайлихотир. — Булар гайридинларни истаганча талашади, ўлдиришади, зўрлашади, аммо ўз сафдошларининг игнасига ҳам тегишмайди. Борди-ю кимдир сенинг нарсаларингни ўғирлайдиган бўлса, қўлини чопиб ташлашади. Қолаверса, Тал Абёд унча узоқ эмас, бир соатлик йўл. Нарсаларингни Махтумқули опкелиб беради.

...Опанинг уйи фақирона бўлса-да, тоза ва ораста эди. Стол устида Қуръон, ҳадис китобидан ташқари бир қанча илмий, бадиий китоблар териб қўйилган. Деворда ҳарбий кийимлари, қалдирғоч мўйлови ўзига ярашган йигит ва соҳибжамол келиннинг ёнма-ён тушган сурати осифлиқ турарди. Хуршида опа ёшлигидаги кўрку тароватини анчагина йўқотибди.

— Тўй куни тушганмиз, — суратга тикилиб турганимни кўриб, изоҳ берди Хуршида опа. — Ҳарбий бўлсалар ҳам адабиётни, айниқса, Махтумқулининг шайдоси эдилар. Ўғлимизга ҳам шу удуғ туркман шоирининг исмини қўйгандилар...

Хонада ноқулай жимлик чўқди. Мен бу жимликни бузишга журъатим етмай, девордаги суратларни кузатишда давом этдим. Қарама-қарши деворда Самарқанддаги муҳташам Регистон майдони тасвири акс этганди.

Дадам билан уч-тўрт йил олдин боргандим Сармарқандга! Бир-бирига ўхшаб кетадиган учта музаззам мадрасани томоша қиласканман, ўзимча ана шундай қудратли, буюк миллатнинг фарзанди эканимдан фаҳрлангандим. Ҳозир эса... негадир хўрлигим келди. Йифлаб юбормаслик учун лабларимни қаттиқ тишлаб олдим.

Хуршида опа билан кечки овқатни бирга тайёрладик. Опа ўзбекча палов қилишни унутмаган экан. Ўзининг айтишича, у фақат андижонча палов пиширишни биларкан.

Ниҳоят, овқат сузилди. Лекин ҳар иккимизда иштаҳа йўқ эди. Опа дастурхон бошида ҳам бу мамлакатда юз бераётган, на ақдга, на мантиқҳа сифадиган ишлардан анчасини гапириб берди. Бу ишларнинг диний аҳкомлардан қанчалик узоқлигини аниқ далиллар билан тушунтириди.

Мен фақат бир нарсага тушунмасдим. Ахир, уларнинг қилаётган ишлари динимиз талабларига зид экан, уларнинг дин номидан иш кўришдан, одамларни йўлдан уришдан мақсади нима?

– Мақсад аён-ку, – изоҳ берди Хуршида опа. – Пул, ҳокимият, мансаб.... Улар ҳозир битта ўртача катталикдаги давлат майдони ва аҳолисига teng ҳудудни ишғол этишган. Бу ҳудуддаги бутун бойликларни, банклардаги миллионлаб пулларни, нефть захиралини, экинзорларни, завод ва фабрикаларни қўлга киритишиди, одамларни ўзларига тобе қилишиди. Насронийлар, шиалар, алавийлар, язидийлар, ҳатто уларга бўйсунмаган мусулмон суннийларнинг ҳам мол-мулкларини горат қилишиди. Пулдор одамларни гаровга олиб, эвазига катта пулларни ундириб олишмоқда. Шўрлик ҳалқнинг ўғилларини ўз жангари тўдалари, қизларини эса, ҳарамлари учун олиб кетишияпти. Мақсадлари бу ҳудудни янада кенгайтириб, кўпроқ бойлик орттириш, қуллари ва жо-

риялари сонини ўн, юз баравар кўпайтириш. Улар «жиход», «шаҳидлик», «ҳижрат» каби улуғвор атамалар билан дунёнинг турли бурчакларидан сенга ўхшаган ёшларни чорлаб, ўз сафларида уришишга, ўз нафсларини қондиришга ҳаракат қилишади. Бу ёшлар соxта даъватларга алданиб, жангариларнинг ўйинчогига айланадилар, жангта кирадилар, қон тўқадилар, керак бўлса жаннат умидида ўзларини оломон ичида портлатадилар. Бу катта ўйиннинг тепасида турганлар эса, ўзлари учун жаннатни шу дунёнинг ўзида қуриб олишга интилоқда. Зотан, нариги дунёда уларни нима кутаётганини ўзлари ҳам англамайдилар...

Опанинг куюниб айтиётган ҳар бир сўзини диққат билан тинглардим, назаримда Ер юзидан ундан кўра доно, билимдон, ҳақгўй инсон йўқдек эди. Ҳа, ана шундай ҳаққоний гапларни мен ўз уйимда, ҳеч бўлмагандა, ҳали бу мамлакат сарҳадини кечиб ўтмаган пайтимда эшитганимда эди...

Бу мамлакатдаги асосий ахборот воситаси «Ас-савт ал-Ислам» «Ислом овози» радиоси бўлиб, унда ҳар куни мужоҳидларнинг жанговар ҳаракатлари, шариат суди чиқарган ҳукмлар, шўро ва амирнинг фармон ва қарорлари ўқиб эшиттириларкан.

Хуршида опа араб тилидаги янгиликларни диққат билан эшитаркан, асабий қулимсиради.

– Ростдан ҳам Яратганинг ўзи сени асраяпти, шекиlli.

Ажабландим. Наҳотки, ҳозир радиода менга тегишли бирор янгиликни ўқиб эшиттиришган бўлса?

– Икки соат олдин курд жангарилари Тал Абёдни бомбардимон қилиб, шаҳарни эгаллашибди. Сен қўнган меҳмонхона ҳам ер билан яксон бўлибди.

– А? – негадир шу топда кўз олдимда мени «кола» билан сийлаган бир қўлли бола келди. – Аниқ... ўша меҳмонхонами?

– Ҳа, Тал Абёдда ўзи битта икки қаватли меҳон-хона бор эди. Чегарадан энди кириб келганлар дастлаб ўша ерга жойлаштириларди. Ракета зарбаси туфайли бино буткул вайронага айланган, унинг ичиди бўлган етти нафар мухожир аёл ва тўрт нафар меҳмонхона ходими ҳалок бўлган. Радиодан шунақа дейишиди...

– Йўқ, – дея бақириб юбордим. Наҳотки, кечагина мен билан бирга келган қизлар...

Ҳаммаси тушунарли. Бояги қатлдан кейин қизларимизни яна ўша меҳмонхонага олиб боришган. Эрталаб Фотимани йигити олиб кетган, мен эса бу ёқдаман. Қолганлар... Мен билан ҳамроҳ бўлиб келган қизларнинг ҳаммаси бир-бир кўз олдимдан ўтди. Олд ўриндиқдаги икки кипрлик қиз, орқа ўриндиқда қаторлашиб ўтирган албаниялик дугоналар, яйниқса, ярим кечаси портлаш овозини эшитиб, ярим-ялангоч йўлакка югуриб чиқсан Тамара...

Шўрлик қиз! Ўзича Мэл Гибсонга қиёслаган севгилиси висолига етиш учун минглаб чақирим йўл босиб келганди. Менга ўҳшаб нималарни дир хомхаёл қилган эди. У шўрликни бу ерга ўша косоволик қасоскор Ибрагим эмас, Азроилнинг ўзи чақирган экан-да!

Ҳалиги бир қўли узилиб тушган бола-чи. Демак, қурбонлар сафида у ҳам бор. Куни кеча ярим кечаси портлаш овозидан сўнг унинг бепарво китоб ўқиб ўтирган ҳолати кўз олдимга келди. Ўлимни худди ўшандай бефарқ ва лоқайд қиёфада қарши олгандир?

Улар орасидан фақат мен билан Фотиманинг омади чопган, холос. Агар буни омад деб аташ тўғри бўлса... Ким билсин, бу худо қарғаган давлатда ҳар қадамда юзлаб балою офатлар пайт пойлаб туради. Балки менинг ҳам бир неча сониялик умрим қолганини ўзим сезмаётгандирман?

Мана, «Муқаддас халифалик давлати» ҳудудидағи иккинчи кечани минг бир таҳлика билан қарши олдим. Олдинда яна қанчадан-қанча беҳаловат кунлар, уйқусиз тунларни кўриш пешонамда борлигини фақат Яратганинг ўзи билади, холос. Балки бу тонгни қарши олиш менга насиб этмас. Эй қудратли Эгам! Ёлғиз мададкорим – Ўзинг! Ота маконимга, онажоним қучогига қайтишим учун ўзинг мадад бер! Майли, ўладиган бўлсам ўз Ватаним, ўз уйимда жон берай, токи ўлигим ёт тупроқда қузгуналарга ем бўлмасин.

* * *

Эртаси куни жума бўлгани учун опа ишга чиқмади. Бомдоддан сўнг Хуршида опа: «тайёргарлигингни кўр, ҳозир сени никоҳлаб, опкетгани келишади», деб қолди. Ортиқча саволга ўрин қолмаганди. Ахир мен эгалиман-ку! Демак, мени яна эрга беришади. Оти ўчкур Абу Жаъфармиди.

Нима, у менинг севгилимиди, пардоз-андоз билан унга пешвоз чиқсан? Бўлганим шу! Хоҳламаса, катта кўча! Аввал қўрслигим тутиб қимир этмай ўтиromoқчи ҳам бўлдим. Лекин Хуршида опанинг раъйини қайтара олмаганим учун сал у ёқ бу ёгимни эпақага келтириб олдим. Хуршида опа берган қора рангли абори кийиб, юзимга маҳсус тўр – ниқоб тақдим.

...Улар шомдан кейин тўрт киши бўлиб келишди. Мулла, иккита гувоҳ, кейин «куёв бола». Тавба, куёв бунчалик бесўнақай бўлмаса. Худди айиқقا ўхшайди. Юзлари қип-қизил, қошлиари ўсиқ, елкалари кенг, муштлари худди гурзидек келади. Бир муштига дош беролмасам керак. Қўлида тасбехини шиқирлатиб ўтирган мулла кўзлари бўртиб чиқсан, кекса ёшли одам экан. Гувоҳларнинг бири Хуршида опанинг ўғли Махтумқули, иккинчиси

эса... Ажаб, бу келишган, соч-соқоли ҳам ўзига ярашиб тушган, оқ-сариқдан келган ёқимтой йигитни мен қаерда кўргандим.

Хуршида опа уларни алоҳида жиҳозлаб қўйилган хонага таклиф этди. Ўзимиз кўшни хонада ўтиридик. Вақт оз бўлгани учунми, мулла шу заҳоти ишга киришди. Мулланинг арабчалаб берган саволини таржимасиз ҳам тушундим: «Сиз фалончи қизи пистончига тан маҳрамликка розимисиз?» Розимасман деб кўрай-чи? Күёвдан бу саволни сўрамаса ҳам бўларди. Рози бўлмаса бу ерда пишириб қўйибдими унга?

Лекин айни пайтда мен фақат боя, биргина кўзим тушиши билан юрагимни жизиллатган йигитча ҳақида ўйлардим. Тавба, бу газанда кўзимга намунча иссиқ кўринмаса? Оқ ит-қора ит – бари бир эмасми? Буям анави барзангига ўхшаган бир каллакесар-да! Истараси иссиқ бўлса нима. Чиройига нон ботириб ермидим?

Шу топда хаёлига бир бемаъни фикр келди: қанийди мени шу бесўнақай барзангига эмас, ўша гувоҳга никоҳлаб беришганда эди! Минг лаънат, шу ерда яна нафсимга қулоқ соляпман. Ахир ана шу нафснинг гапига кириб, шу жойларга улоқиб келмадимми?

Ниҳоят, улар қўзгалишди. Мен ниқоб орасидан ўғринча ҳалиги гувоҳ йигитга кўз ташладим. Э, худо, ўзинг кечир! Ахир номаҳрамга тикилиш гуноҳ-ку! Лекин нима қиласай, аллақандай шайтоний қувват унга қарашга мени ундейверса. У ҳам менга қарадими? Қарашлари бунча ўтли бўлмаса? Бу ҳароратли нигоҳлар билан мен яқиндагина тўқнашдим-ку.

Во ажаб! Ахир бу икки кун илгари тушимга кирган, сувсиз саҳрова мени ташналиқдан халос этиб, жисмимга сўнгсиз ором бахш этган, мени...

ўз бағрига сингдирған ўша йигит-ку. Бу не синоат бўлди? Инсон фақат тушидагина кўрган одамини вақти келиб ўнгидა ҳам кўраркан-да? Беихтиёр ўша жонсўз туш тафсилотлари кўз ўнгимда гавдаданиб, вужудимда ўжар ҳислар уйфона бошлади. Лекин истиғфор айтиб, ўзимни қўлга олдим.

– Маҳзуна, сен ҳам улар билан борасан, – шивирлади қулоғимга Хуршида опа.

– Сиз-чи?

– Мен боролмайман. Сендан ўзим хабар олиб турман. Гапларим эсингдан чиқмасин, хўпми? – у янада пастроқ овозда пичирлади. – Мана бунда телефон рақамим, – у шундай дея яширинча қўлимга кичкина қоғоз парчасини қистирди.

...Эшик олдида Махтумқулига тегишли эски «БМВ» ҳамда қоп-қора рангли «жип» машинаси турарди. Махтумқули муллани машинасига миндириб кетди. Биз «жипга ўтирдик. Ҳалиги йигит рулда, мен билан куёв орқада...

Машина пешойнасида йигитнинг жиддий, аммо мулоим қиёфаси менга яққол кўриниб турарди. Демак, у ҳам мени кўриб турибди. Нигоҳларимиз бир-икки марта тўқнашиб кетди. Ундан кўз узмай кетаётганимни сезиб қолдимикин? Йўқ, никоб ортидан унча билинмаса керак.

Шу чоқ ёнимдаги сўлоқмон қўлимни оҳиста сиқаётганини пайқаб, худди баданимда илон ўрмалаётгандек сесканиб кетдим. Қанча уринмай ёнимда кетаётган кимса шаръян менинг эримга айланганини тасаввур қилолмасдим. Иккинчи эр! Ўн тўққиз ёшимда тўрт ярим ой ичидаги иккита эрга тегдим-а. Яна... оғироёқ ҳолимда... Нималар қиляпман ўзи. Балки ҳаммасини тан олиб қўя қолганим маъқулмиди? Йўқ, энди кеч! Сир очилгудек бўлса, нафақат ўзим, балки Хуршида опанинг ҳам ҳаёти хавф остида қолади.

Агар опанинг режаси иш бергудек бўлса, мен албатта бу «мамлакат»дан қочиб кетаман. Бунинг учун ҳали ҳомилам унча каттармасдан ҳаракат қилишим керак. Борди-ю бунинг иложини қилолмасам, шу эркакнинг никоҳида кўзим ёрийди. Опа мени текшириб кўриб, «ҳомиласи йўқ» деб холоса берган. Агар Абу Жаъфар сўраб қолса, ҳар эҳтимолга қарши уни «уч яrim ой аввал эрим билан ажрашганман» деб алдашим керак. Гуноҳларимни ўзинг кечир, худойим! Хуллас, энди ҳаммаси Яратганинг изми ихтиёрида!

– Сал тезроқ ҳайдасанг ўласанми? – бақирди Абу Жаъфар рулдаги йигиттга. Ҳайдовчи йигит итоаткорлик билан бош иргаб, тезликни оширди. Аҳа, демак, бу ҳам ўзбек... Айтдим-а, кўзимга бунча оловдек кўринмаса деб. Мана шу давангирнинг югурдаги экан-да, савил!

Бари бир, бу жумбоқнинг сирига ҳалигача етолмайман. Қанақасига умримда кўрмаган бир кимсани тушимда ҳам худди ҳозир кўриб турганимдек аниқ-тиник кўра олдим экан? Яна лабларини чимириб машина ҳайдашига ўласанми? Худди машина ўзиникидек кибр билан ҳайдашига қара бунинг! Оббо, юрагим бунча бетоқат типирчиласа? Нималар қиляпман ўзи? Ҳозиргина мени бир одамга, ёнимда ўтирган давангирга никоҳлаб беришди. Ундан бошқасига қарашим, ҳатто ўйлашим ҳам тўғри эмас.

– Етиб келдик!

Абу Жаъфарнинг йўғон, илтифотсиз овозидан ўзимга келдим. Чамаси, машина тўхтаганини ҳам сезмай қолибман. Ҳайдовчи йигит машинадан тушиб, мен тарафдаги эшикни очди. Ташқарига чиқарканман, беихтиёр у билан кўзларимиз тўқнашиб кетди. Яна лоп этиб хаёлимда ўша бемаъни туш манзаралари жонланди. Юзларим лов-лов

ёнганини сездим. Қоронғида юзларим қизаргани унга сезилдимикан? Шайтоннинг макру ҳийлала-ридан Ўзинг асра, Эгам!

Бир қаватли, яқиндагина тикланган бўлса-да, деворида уруш излари, ўқлардан қолган тешиклар элас-элас кўриниб турган бир қаватли, ихчамгина уй олдида туардик. Бизни эшик олдида қадди-ни гоз тутиб турган иккита қуролли жангари кутиб олди. Абу Жаъфар улар билан бирпас номаъ-лум тилда гаплашиб турди. Жангарилардан бири у билан хайрлашиб, йўл четида турган машинаси томон юрди. Унинг ўрнини бизнинг ҳайдовчимиз эгаллади.

Шу онда Комроннинг уйига кириб борган биринчи кун эсимга тушди. Ўшандада юрагимда не-не орзу-ҳаваслар мавж ураётганди. Энди эса... юрагим ҳувиллаб ётибди. Бу оқшом бошимга манави барзанги не кунларни соларкин? Очиги, ношукурлик бўлмасин-у, ўшандада аёл бўлиб яралганимдан хафа бўлиб кетдим. Наҳотки, бир жангарининг нафсини қондириш билан Парвардигорнинг розилигига эришиш мумкин бўлса?

Ҳовлининг ичида иккита алавий қиз – кейин билсан улар хонадон эгасининг жориялари экан, – кутиб олди. Бизни дастурхон тузалган бир хонага бошлиб киришди. Лекин шуни биламанки, ҳозир томоғимдан сув ҳам ўтмайди.

Абу Жаъфар устки кийимларини ечиб жориялардан бирига тутқазди. Унинг норғил гавдасига қараб, оғзим очилиб қолди. Нима бало, илгари полвонлик билан шуғулланганми? Бунча қўпол, бесўнақай бўлмаса? Жориялар чиқиб кетишгач, у менга яқинроқ келди:

– Хуш келибсан! – бу мен эшитган илк калом эди, – бу дастурхонни биз учун тузалишибди. Қани, ол!

Индамадим. Абу Жаъфар бошқа манзират қи-либ ўтирмади. Мен бошимни қуий солганча жим ўтирардим, хонадон унинг чапиллатиб овқат ей-иши эшитиларди холос. Шу пайт кўча тарафдан аzon овози эштилди. Абу Жаъфар қўлидаги қо-шиқни дастурхоннинг бир четига иргитиб, ёғли лаб-лунжини қофозсочиқقا артаркан, ўрнидан ту-риб, қозиқдаги чакмонини елкасига илди:

— Мен масжидга чиқиб келаман, сен намозинг-ни қизлар билан бирга ўқиб, мени ётоқда кутасан, тушундингми?

Ётоқхона деворларини хушбўй шамлар фи-ра-шира ёритиб турарди. Икки кишилик ётоқ ди-вани устига қимматбаҳо ипак ёпчиқлар ташлан-ган, иккита пар ёстиқ конус кўринишида – бир учини шифтга қаратиб тиклаб қўйилган. Нега бунча қалтираяпман? Бокира қиз эмасман-ку! Унинг баҳайбат жуссасидан қўрқяпманми, ё отни ҳуркитадиган қаҳрли овозидан, баджаҳл қиёфаси-данми, билмайман. Лекин шу тобда кечки намоз узоқроқ давом этиши, Абу Жаъфар имкон қадар кечроқ келишини истардим. Лекин одатда ваqt секинроқ ўтишини истаганинг сари, сониялар ҳар доимгидан тезроқ югуради.

Мана, келди! Мен хонанинг бир четидаги ёғоч курсида омонатгина ўтирибман. Липиллаб ёнаёт-ган шамлар ёргуфида унинг деворга тушаётган со-яси янада баҳайбат кўринади. Аввал устидаги оп-поқ кийимларини ечиб, бир четга иргитди. Кейин мени худди латта қўғирчоқдек даст қўтарди-да, диван томонга юрди.

— Илтимос, ҳозирмас... мен... кейинроқ... – дея типирчилаб ёлвордим.

У менинг таваллоларимга қулоқ соладиган аҳволда эмасди. Мен унинг девдек жуссаси остида кучли оғриқ ва азобдан ингранар, ҳаммаси тезроқ

тугашини истар, димоғимга урилаётган ўткир мушки анбар ва қовурилган гүштнинг қоришиқ ҳидидан кўнглим озгудек бўлардим. Ҳатто унинг юзига қараб ўқчиб юборишимга сал қолди.

Аёллик вазифаси бу қадар азобли бўлиши мумкинлигини илк бор ҳис этиб турибман. Бутун сувагим қолмади-ёв! Э, худо, бу азобдан кўра, мени отиб ташлагани яхшироқ эмасми? Зору таваллоларим уни тобора кўпроқ жазавага соларди. Ҳушшимни йўқотаёзганимда... у мени бир четга суриб, ўрнидан туратганини ҳис қилдим.

Аъзойи баданим, суюкларим зирқираб оғрирди. Ўзимни худди тегирмонга тушиб бутун чиққандек ҳис этдим. Қаршимда пишиллаганча кийинаётган барзанги нақ Азроилнинг ўзи бўлиб туюлди менга. Наҳотки, унинг зарбасидан омон чиққан бўлсам? Кийиниб бўлгач, бир сўз демай, ётоқни тарк этди.

Рост, бундай ҳолатни биринчи бор бошдан кечираётганим йўқ. Лекин Комрон, гарчи унга ҳам мажбуран никоҳланган бўлсам-да, менинг раъйимга қарап, хоҳишим билан ҳисоблашарди, гоҳида эркалаб, ширин сўзлар, навозишлар билан кўнглимни олишга интиларди.

Бу барзанги эса, боя овқатланиб, нафсини қондирдигач, дастурхоннинг бир четига ташлаб кетган қошиқдек мени ҳам четга суриб, ҳеч нарса бўлмагандек, кўчага отланди. Қанийди кўчада ё дайди ўқ тегиб, ё бомбанинг тагида қолиб ўлиб кетса...

Эртасига баданимдаги оғриқлар кун бўйи тинмади. Намозларимни ҳам аранг ўқидим. Бунчалик ваҳший, бунчалик шафқатсиз ва қўпол бўлмаса бу одам? Ўлдириб қўйишига оз қолди. Рост, бу маконда ўлимдан қўрқиши қулгили. Зотан, ҳар қадамда ўлим таҳлика солиб турари. Аммо кечагидек азобли ва таҳқирили ҳаракатлар олдида ўлим ҳеч нар-

са эмасдек туюларди. Бугун ҳам кечаги уқубатлар тақрорланишини ўйласам...

Болалигимда, адашмасам уч ёшлигимда қаттиқ шамоллаб қолган эканман. Уйимиз шифохонадан анча узоқ бўлгани учун ҳар кеч қўшнимиз, Малоҳат опа менга укол қилгани чиқар, шунинг учун ҳар куни кеч тушишини юрагим безиллаб кутардим. Ҳозир ҳам худди болаликдаги ўша дилгир дамларимга қайтгандекман. Лекин, ҳали айтганимдек, вақт бизнинг кайфиятимизга терс ҳаракат қиласди гўё. Бугун ҳам бирпасда кеч тушиб қолди. Билмадим-у, тун асрларга чўзилса керак...

Дафъатан миямга бир ақлли фикр урилди. Абу Жаъфарни алдасаммикин? Зотан, бир марта уни Хуршида опа билан бирга алдадик. Энди эса... Опа «жонни асраб қолиш мақсадида айтилган ёлғон ке-чирилади», деди-ку. Қовушиш мен учун ўлимдан ҳам оғирроқ бўлиб кўринаётган бир пайтда алдасам, гуноҳимни кечирар?

Бу гал жуда кеч келди. Анча ҳоргин, кайфияти ҳам тушкун. Кечагидек иштаҳа билан овқатлангани ҳам йўқ. Одига ёзилган дастурхондан ул-бул totинган бўлди, холос. Унинг биргина имоси билан дастурхонни йиғиб, ётоққа кирдим...

Оқ яктагини ечаётган чогида, тилим аранг қалимага келди:

– Ҳалиги, бугун... алоҳида ётсакмикин?

– Нега? – ҳафсаласизлик билан сўради Абу Жаъфар.

– Бугун... ой кўрувдим... Бир ҳафтача... нариги хонада тунасаммикин дегандим...

– Шу ерда ётасан, – иржайди Абу Жаъфар миқти гавдасини диван устига отаркан. – Ҳеч нарса қилмайди. Пайғамбаримиз бундай кунларда «жимоъдан бошқа ҳамма нарсани қилаверинглар», деб марҳамат қилганлар.

...Унинг жирканч қилиқларига тишимни тишимга босиб чидаганча, амаллаб тонг оттирдим. Яна бир жон сиқувчи, зерикарли, таҳдиқали кун бошланди. У кун ёришиши билан уйдан чиқиб кетади, шунинг учун тонг отишини орзиқиб кутаман.

Амалдаги қонунларга кўра, аёл киши уйдан ташқарига ёлғиз чиқиши мумкин эмас. Эшик олдиди қуролланган соқчилар турибди. Уй ишлари икки жориядан ортмайди. Эрталаб, туш пайти хонамга кириб, дастурхонга ул-бул егулик қўйиб, кейин бир сўз демасдан чиқиб кетишади. Уларнинг тилини билмайман, шу боис гаплашиб, қўнгил ёзишнинг имкони йўқ.

Кейинроқ суриштириб билишимча, уларнинг ҳар иккиси Ҳалабдан асир олиб келтирилган экан. Алавийлар ҳам мусулмон бўлишса-да, уларнинг айрим қараашлари, турмуш тарзи бизникидан фарқланаркан.

Дарвоҷе, бу «мамлакат» тартибларига кўра, унинг ҳудудида яшайдиган ва унинг қонунларини қабул қилган, амирга байъат қилган (унга содиқ бўлиш учун қасам ичган) сунний мусулмонлардан бошқалар кофир саналаркан. Ҳар куни «Ас-савт ал-ислам» радиоси асир олинган расмий ҳукумат ходимлари, мухолиф гуруҳларга мансуб жангарилар, алавий, шиа эътиқодидаги мусулмонлар, язидийлар ва насронийлар устидан чиқарилган ўлим ҳукмларини бир қанча тилларда, хусусан, рус тилида ҳам ўқиб эшилтиради. Уларнинг қизлари ёки аёллари худди мана шу хонадондаги жориялар сингари «мамлакат»га хизмат қилувчи жангариларга тақсимланади. Жангарилар бу «ўлжа»ларидан маълум муддат фойдаланиб, кейин уни Раққа ёки бошқа шаҳарлардаги қул бозорларида 100 – 200 долларга сотиб юборишади ёки бошқаларига айирбошлашади.

Манави икки камгап, қорамагиз қиз ҳам бир пайтлар ўз уйида, ота-онасининг бағрида эркаланниб, чопқиллаб юргандир? Аммо ҳозир уларнинг мавқеи меникидан ҳам паст. Мен-ку, «мамлакат» миқёсида етарлича нуфузга эга бўлган бир муъжоҳиднинг никоҳдаги хотиниман. Улар эса, оддий чўри, жонли буюм.

Мен узрли сабаб кўрсатганимдан сўнг, Абу Жаъфар уч-тўрт кун ўша шўрлик жориялар билан «овуниб» юрди. Биламан, у бечораларга ҳам осон тутиб бўлмайди. Хожасининг кўнглини овлаш уларга ҳам ёқмаслигини юз-кўзларидан билиб турман. Гоҳида худбинлигим бошқаларга азият келтираётганини ўйлаб, виждоним ҳам қийналади. Аммо нима қиласай, эримнинг ҳатто нафасига ҳам тоқат қилолмайман.

...Мана, кеч тушияпти. Ҳадемай шом киради. Ҳозир қишлоғимизда ҳам қоронфи тушгандир? Ҳудди шу пайтда бофимиздаги дараҳтлар тепасига қўниб олган чумчуқлар оламни бузиб чирқиллашарди. Ойим сигир соғаётган бўлсалар керак. Бувим тузалиб кетдилармикин?

Ёзниг чилласида ҳам кеч тушиши билан ҳовлимизда ажиб бир шабада эсарди. Тавба, шуни эслашим билан юзимга ёқимли шабада урилди. Кулогимга аллақаердан мунгли, аммо юракларни жунбишга келтирадиган қўшиқ оҳанглари чалинди.

*Нега чаман истамас янтоқ,
Саҳросидан келмайди бери,
Ахир қўмсар – ёнган шу овлоқ,
Не қиласа ҳам унинг ватани.
Хизматингда турмасам сени,
Болам дема, Ватаним мени...*

Қулоқларимга ишонмадим. Бўлиши мумкин эмас. Бу ўтли, дардли қўшиқ дунёнинг ҳамма ерида куйланиши, тингланиши мумкин. Аммо бу ерда эмас. Балки миямнинг аллақайси пучмоғида муҳрланиб қолган тарона юрагимдаги соғинч ҳисса билан бирга уйғониб, жаранг сочаётгандир?

*Бешигимсан, аллалар айтган,
Эшигимсан, кузатиб кутган,
Ҳар балодан авайлаб-асраб,
Эркалатиб кафтида тутган.
Хизматингда турмасам сени,
Болам дема, Ватаним мени...*

Тавба! Ахир бу ердаги «ватандошларимиз» ўз Ватанидан юз буриб, тузлиғига тупурган кимсалар эмасми? Улар Ватан ҳақида қўшиқ куйлаши, тинглаши мумкинми? Қаердан келаётир бу соҳир қўшиқ оҳанглари? Жаҳолат ҳиди уфуриб турган дикқина-фас хонамга бу ифорли ҳаво қаердан оқиб киряпти?

Ҳа, топдим, бу уйга ҳали кирмасимдан туриб, деворлардаги ўқ изларига кўзим тушганди. Бу тирқиши ҳам ана ўшандай дайди ўқлардан қолган бўлса керак. Шабада ҳам, таниш, қўшиқ оҳанглари ҳам шу митти туйнуқдан кираётганди.

*Буюк сафар бошлидинг мана,
Ҳар қадамда қилдинг тантана,
Фарзандларинг бошин силаган,
Сендаин юрт топмадим яна...*

Юрагимда анчадан бери тўнгиб ётган музлар эрий бошлиди. Айни дамда нафақат ўз эътиқодимга, ҳаётимга, яқинларимга, ўз Ватанимга ҳам кечирилмас хиёнат қилганимни бутун даҳшати билан англаб етдим. Нималар қилиб қўйдим-а?

Ахир ўқитувчиларим ҳар гал мени чақириб «сен ўқишинг керак, билиминг бор, истеъдодинг бор, бу иқтидоринг увол кетмасин, сендай қизлар Ватанимизга керак бўлади», деб уқтиришарди. Бир олам орзуларим бор эди. Ўқиб, шу юртнинг, Ватанинг муносиб фарзанди бўлмоқчи эдим. Лекин ҳамма тенгдошларим қатори ўқиб, таълим-тарбия олиш ўрнига битта ватангадо жангаришинг ифлос нафсини қондириб ўтирибман... Наҳот мен фақат шунинг учунгина яралган бўлсам...

*Агар қадринг билмасам сени,
Болам дема, Ватаним мени,
Хизматингда турмасам сени,
Болам дема, Ватаним мени...*

Эҳ, Маҳзуна! Ватанинг энди ҳеч қачон сени «болам» демаса керак! Сен хоинсан, ўз ватанинг туzinи еб тузлигига тупурган нонкўрсан, ўзи ўтирган шохга болта урган нодонсан! Шундай экан, бошингта тушаётган бу нохушликлардан нега ажабланасан? Сен аслида бундан ҳам баттар жазоларга лойиқсан-ку!

Ниҳоят, қўшиқ тинди. Аммо менинг қалбимдаги түғёнлар, тўфонлар тиним билмас, кўзларимдан оқаётган шашқатор ёш юзларимни шаррос юварди. Нега бунча тез тугаб қолди бу тарона? Яна бир марта, ақалли бир мартағина эшитсам эди... Ё, тавба! Дилемдан ўтган бу истак Яратганга шу қадар тез бориб етдими. Кўп ўтмай, қўшиқ қайтадан янграй бошлади. Демак, яқин орада кимдир бу қўшиқни қалбини ўртаётган сўнгсиз изтироблар жўрлигида такрор-такрор эшитяпти. Ким?

Ким бўлса-да, у узоқда эмас! Беихтиёр ҳалиги ҳайдовчи йигит эсимга тушди! Ҳа, худди ўша! Чунки уни охирги марта дарвоза олдидағи соқчи билан

ўурин алмашганини күргандим. Демак, у Абу Жаъ-фарнинг қўриқчиларидан бири. Ҳозир ҳам шу ерда!

Оғзимни ҳалиги туйнукка тўғирлаб, секин овоз бердим:

– Ҳой, ким бу ерда?..

Ҳеч ким жавоб бермади. Қайтага қўшиқ тўхтади. Тушунарли, ўтакаси ёрилиб, қўшиқни ўчириб қўйди, чамамда. Тавба, чумчуқнидек юрак билан жангарилар мулкида туриб, Ватан ҳақида қўшиқ эшитишга бало бормиди?

Негадир унга раҳмим келиб кетди. Мен уни қўрмасам-да, дилидан нима ўтаётганини англаб турардим. Ҳатто энг абллаҳ одамни ҳам лоақал умрида бир маротаба бўлсин, виждан азоби қийнайди, деб эшитгандим. Ким бўлишидан қатъи назар, бу қўшиқни тинглаётган инсон ич-ичидан пушаймонлик оташида ёнаётгани аниқ. Балки ҳеч кимга қўрсатмасдан йиглаётгандир?

– Нега жимсиз? Нега қўшиқни ўчириб қўйдингиз? Мен уни эшитмоқчи эдим.

Кутимаганда яна ўша дилсўз, соҳир оҳанглар митти туйнукдан хонамга оқиб кирди.

*Фаҳрим менинг шашмақомларинг,
Чоргоҳларинг, сараҳборларинг.
Савлатига дунё бош эзган,
Самарқанду Бухороларинг...*

Чидаб туролмадим:

– Бу қўшиқни эшитишга ҳаққим бор, деб ўйлай-сизми?

Яна қўшиқ садолари тинди.

– Келинойи, илтимос, мен хизматдаги одамман. Номаҳрамлар билан гаплашиш ман этилган.

Ҳа, бу ўша йигит, овозини эслаб қолгандим. Ахир мен бу овозни илк бор тушимда эшитганман.

Ҳар қанча ғалати туюлмасин, мен бу ярамасни тушимда кўргандим. Туш бўлганда ҳам... Бу жумбоқнинг тагига ҳалигача етолмайман.

Билиб турибман, у билан гаплашишим ҳар иккимиз учун зиён келтиришини. Лекин шу лаҳзада қанчалик аҳмоқона туюлмасин шайтоний, ўжар бир ҳис бу қўриқчи йигитнинг ғашига тегишга, асабларини чайнашга ундарди:

– О, юракдан ҳам берган экан-ку! Шу қўрқоқли-гингиз билан жиҳод қилиб юрибман, денг.

– Мен ўзимни эмас, сизни ўйляяпман, келинойи, – девор ортидаги йигит туйнукка пичирлади. – Сиз жаноб Абу Жаъфарнинг қанақалигини билмайсиз. У кишининг бир оғиз гапи билан, ҳеч қандай далил-исботсиз сизни тошбўрон қилишади ёки отиб ташлашади.

«Вой-во-ей, ғамхўрликни қаранг! Жа олижаноб эканларми, ё қўзичноқ терисини ёпиниб олган қашқирнинг ўзгинасими бу?»

– Ўлдиришса мени ўлдиришади-ку!

– Нима, жонингиз шунчалик савилми? Ҳуда-бехудага ўлиб кетаверасизми? – девор ортидан йигитнинг хўрсингани эшитилди.

– Шунча одам бекорга ўлиб кетяпти-ку! Битта менинг жоним нима деган гап?

– Ҳар бир жон бекорга эмас, Яратганинг амри билан ўлади.

– Сиздан бир нарса сўрасам майлими? – атайлаб гапни бошқа ёққа бурдим.

– Сўранг, фақат тезроқ.

– Сиз ҳалиги... тунов кунги ҳайдовчи йигитмасмисиз? Фақат, мени бирорвга ўхшатяпсиз, деманг.

– Десам-чи? – йигитнинг жавобида хийла қувлик оҳангини сезиб дадилландим.

– Фойдаси йўқ, бари бир сизни таниб турибман.

– Жуда зийрак экансиз-да унда... – чақиб олди сирли суҳбатдошим.

Негадир шу тариқа девор ортидаги ҳамсұхбатим билан гапимиз бир жойдан чиққандек бўлди. У аввалига бир оз хавфсираб турган бўлса-да, кейин суҳбатга киришиб кетди. Ўзиям шўринг қурғурнинг ичида гап тўлиб кетган, дардини тўккани одам тополмай юрган бўлса керак. Рост, ни-мадандир чўчияпти. Ҳар икки гапнинг бирида «алҳамдуиллоҳ», «субҳоналлоҳ», «астағфуриллоҳ» сингари ибораларни ишлатади. Аммо гап-сўзларидан бу тўдага қўшилганидан афсусда эканини пайқаш қийин эмасди. Лекин бари бир шу куни унинг оғзидан ҳамма гапни суғуриб олишнинг иложи бўлмади. Нима бўлганда ҳам ғам-андуҳ, армон пушаймонга тўла ҳаётимда негадир бир ўзгариш юз берганди.

– Келинойи, ҳозир хўжайининг келадилар, ўзингизни эҳтиёт қилинг, эсингизда турсин: биз сиз билан гаплашмадик! Келишдикми?

– Йўқ, – дедим эркалик билан. – Битта шартим бор.

– Қанақа шарт, келинойи? – ажабланди у.

– Мени бундан кейин келинойи демайсиз, Исмим Маҳзуна!

Шу баҳона танишиб олдик. Унинг исми Фаррух, (бу унинг ҳақиқий исми эканига шубҳа қилмадим), асли водийлик экан. Шу билан вақтинча хайрлашдик. Бир неча дақиқадан сўнг «пост»ини бошқа соқчига топшириб, ўзи «штаб»га кетиши керак экан.

...Негадир ўзимда йўқ хурсанд эдим. Биламан, у билан гаплашиб тўғри иш қилмадим. Ҳарқалай, яхшиими-ёмонми, бир эркакнинг завжасиман. Эҳтимол, иблиснинг васвасасига учгандирман? Ҳис-туйгуларимга бир зум эрк бергандирман? Лекин ҳатто умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинган инсоннинг

ҳам ким биландир гаплашиб кўнглини очишга, дидаги губорини тўкишга ҳаққи бор-ку!

Мен-чи, бу фурбатхонада кимга кўнглимни ёраман? Анави икки алавий қизнинг тилини умуман тушунмасам. Абу Жаъфар билан гаплашиш у ёқда турсин, ҳатто у билан бир хонада бўлсан, нафасим сиқилади. Эҳтимол, тақдирнинг ўзи «ёлғизликдан ёрилиб ўлмасин» дея менга шу йигитни рўбару қилгандир. Ҳатто кимдир, мана шу деворга қаратиб отган автомат ўқларидан қолган тирқиши ҳам тақдир тақозоси билан менинг қоронгилик қаърига чўмган қулбамга нур олиб киришини Яратганинг ўзи ирода этгандир.

Уй ичида майда-чуйда юмушлар билан ивирсиб юарканман, негадир лаб-лунжимни йифиширилмасдим. Менга нима бўляпти ўзи. Нима бўлганда ҳам чегарадан чиқмаслигим керак. Гарчи айни ўйнаб куладиган ёшда бўлсан-да, ўйнаб куладиган жойда эмасдим.

Бутун борлиғимни қамраган шодон кайфият то Абу Жаъфар келгунича менга ҳамроҳ бўлди. Унинг дағал овози, зил-замбил қадам товушларини эшитишим билан юрагим безиллашга тушди. Ўз-ўзидан кайфиятим ҳам тушиб кетди.

Гарчи ич-ичимдан унга ўлим тилаб турсам-да, юзимда ясама табассум билан, мулозамат билан уни қарши олдим. Икки қиз елиб-югуриб, дастурхон тузашди. Кечки овқатни сузиб келтиришди.

Абу Жаъфар кечки овқатни туширяпти-ю, икки кўзи менда. Қўйиб берса овқатга қўшиб мени ҳам ютворай деяпти. Беихтиёр унинг ўрнига Фаррухни қўйиб кўрдим. Мана у, менга кулимсираб қараганча чой ҳўплайлапти. Кулишлари бирам ярашиқли, кулгичларидан чимчилаб олгинг келади, нигоҳлари ҳар қандай тош юракни ҳам эритиб юборса керак.

– Ҳа, нега оғзингнинг таноби қочяпти? – лунжини қофозсочиққа артаётган Абу Жаъфар менга ғалати ўқрайди.

Уф! Мунча хаёлпараст бўлмасам! Унга қараб ишшайбман шекилли!

– Ўзим шундай, – шундай дея пиёлага чой қуийб, одига қўйдим.

– Пиёлани одамнинг қўлига беришади, фаросатдан қисганми дейман! – Абу Жаъфар яна нимадир демоққа оғиз жуфтлаган чоғда қўл телефони жиринглади. – Ҳа, нима дейсан? Нима? Ўқ тугабдими? Менга қараларинг, у шайтон малайларига ўқдарни исроф қилмаларинг, демаганмидим? Ўқ жангда керак бўлади. Бу товуспараст, мушрик язидийларни қўйдай бўғизлаб ташлайверинглар, тушунарлими? Ў, маҳмадона! Ҳаммасининг калласини олинглар, дедим, тушунмадингми? Ўзи улардан аввал сенинг каллангни узишим керак эди. – Абу Жаъфар қўл телефонни зарда билан ўчирапкан, бўралатиб сўкинди. – Ҳе оналарингни!

Унинг қонталаш кўзларига даҳшат билан тикилиб турадим. Бу йиртқичнинг олдида инсон қадр-қиммати шунчаликми? Кўзи пирпирамасдан кимларнингдир устидан ажал ҳукмини ўқияпти.

– Кимни... калласини олишади? – беихтиёр оғиздан шу савол учганини пайқамай қолдим.

Абу Жаъфар хунук тиржайди:

– Билгинг келяптими? Ҳа, улар кофирлар, мушриклар, тушундингми? – у шундай дея хунук кекириб, тишковлагич билан сўйлоқ тишлари орасини кавлашга тушди. – Язидийлар деган ифлос бир тоифа бор, эшитганмисан? Асосан Ироқда яшашади. Уруғи бошқа ўлкаларга ҳам сочилган. Ҳақиқий шайтоннинг муридлари улар! Аллоҳга эмас, Шайтоннинг товус тимсолидаги ҳайкалига сифинишиади. Бир йил аввал улар макон топган

Синжор шаҳрини қамал қилгандик. Малъун язи-дийларнинг анчасини қириб ташладик. Беш-олти юзтага яқинини асир олдик. Қиз-жувонларини мужоҳидларга тақсимлаб бердик. Асир олинган эркакларга исломга киришни таклиф қилдик. Бу ифлосларнинг қалбини шайтони лаъиннинг ўзи муҳрлаб қўйган экан. Биттасиям иймон келтирмади. Кейин уларга узун зовур қаздирдик ва ҳам-масини отиб, шу зовурга кўмдик. Аммо бу билан иблис бандаларини тўғри йўлга солиб бўлмади. Ҳалиям «мамлакат»нинг у ер-бу ерида язидейлар бош кўтариб турибди. Уч кун аввал йигирматасини тутиб келишганди. Биронтаси шайтоний динидан воз кечмади. Энди биздан гина қилишмасин.

Беихтиёр Хуршида опадан эшитганим – бир оят эсимга тушиб қолди ва яна тилимни тутиб туролмадим:

– «Лақум дийнукум ва лийа дийн» деган оят борку. Бу «Сизнинг динингиз ўзингизга ва менинг диним ўзимга» дегани эмасми? Бу ҳар ким ўзи хоҳланган динга эътиқод қиласин, дегани эмасми?

– Ҳа, балосан-ку! – Абу Жаъфарнинг қонталаш ваҳшний кўзларидан учкунлар чақнади. – Лекин билиб қўй, бу суранинг ҳукми бекор қилинган, фақат тиловати қолган, холос.

– Унда пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг «динда зўрлаш йўқ, дин фақат насиҳатdir» деган ҳадислари ҳам бекорми? – сўрадим Хуршида опадан эшитган яна бир далилни рўкач қилиб.

Абу Жаъфарнинг худди жар лабидаги янтоқни эслатувчи ўсиқ қошлари таҳдидли чимирилди:

– Ўв, жиблажибон! Ўзи сен кимсанки, менга ақл ўргатасан?

Унинг овозидаги таҳдид кўнглимга ваҳм солди. Ахир қаршимда ўзим тенги коллеж ўқувчиси эмас, йирик жиноий уюшманинг сардорларидан бири

турибди. Бир оғиз гапи билан ўнлаб одамнинг калласи узилиши мумкин. Мен ким бўлибман унинг олдида!

Аммо нима бўлганда ҳам, фақат эътиқодига содиқ қолгани учун ўнлаб бегуноҳ инсонларнинг қатл этилишини оқдай олмасдим. Ахир ўzlари шу йўлни тўғри деб билишса, улардами айб? Яратганинг ўзи ҳидоятга бошлиса, ҳақ динни қабул қилишар ёки гуноҳлари учун вақти келганда Унинг ҳузурида жавоб беришар! Лекин сизлар кимсизларки, уларни эътиқоди учун шафқатсизларча жазоласангиз?

Бу гапни Унинг юзига айтолмасдим, албатта! Зотан, ўша лаҳзада унинг учун бир гап ортиқча эканлиги башарасидан кўриниб турарди.

Ўша оқшом у масжидга чиқмади. Намозни ўқиб бўлгач, мени тўғри ётоқقا судради. Яна бир ҳафта олдинги азоблар кўз олдимга келдию, додлаб юборишимга оз қолди.

– Нима қиляпсиз? – дедим унинг манфур қуҷогидан қутулишга ошиқарканман. – Ахир... ҳали покланганим йўқ. Ҳалиям... «меҳмон»им бор!

– Ҳе ўша «меҳмон»ингният... – оғзидан тупук сачратиб сўқинди Абу Жаъфар. – Ўзингча мени лақиллатмоқчи бўлдингми. Бир ҳафтадан бери битта гап.

– Рост гапирияпман, нега ишонмайсиз? – мен ҳамон унинг бағридан юлқинардим. – Наҳотки, гуноҳга қўл уришдан қўрқмайсиз?

– Шунақами? Қани, исботинг борми? Ўз кўзим билан кўрмасам, ишонмайман!

Ўзим ҳам худди ана шундан – унинг «исбот» талаб қилиб қолишидан қўрққандим. Хуллас... сирим фош бўлди.

– Вой ҳароми, ҳали мени алдадингми? Мени-я!

Аввал мушт туширдими ё итариб юбордими, англолмай қолдим. Билганим – бутун вужудим

мушт ва тепкилар ёмфири остида қолганди. У бутун бисотидаги энг таҳқирли сўзлар билан мени ҳақоратлар, мен шафқат сўраб ёлвориш ўрнига тишимни тишимга босиб, ожиз ингрардим. Навбатдаги тепки нақ биқинимга тушди-ю, худди жигаримми, буйрагимми узилиб тушгандек бўлди. Белимга тушган кучли зарбадан кўз олдимда олов чақнади. Яна битта ана шундай кучли зарба масаламни ҳал қилиши тайин эди.

Шу чоқ яна унинг телефони жиринглади-ю, устимга ёғилаётган калтаклар тинди.

– Нима дейсан? – ўкирди ўзини ҳамон тутиб туролмай. – Фаррух, сенга айтганман, бўлар-бўлмасга мени безовта қилма, деб. Нима? Неча марта айтишим керак сенларга. Ҳали ўша иблис бандаларига раҳм қилаётган бўлма тағин? Нима қипти саксондан ошган чол бўлса? Калласини опташланглар, вассалом!

Э, худо! Наҳот, ҳалиям ўлмаган бўлсам? Шунча азобдан кейин ҳам тирик қолиш мумкинми? Ким билан гаплашяпти гўрсўхта? Фаррух дедими? Наҳотки, бояги йигит бўлса? Яхшиям қўнғироқ қилиб қолгани. Акс ҳолда тирик қолмасдим. Ўзи билмаган ҳолда менинг ҳаётимни сақлаб қолдимикин? Яна кимни ўлдиришга фатво бердийкин бу ергина юткур? Э, ўзим нима аҳволдаман-у, яна бошқаларга ичим ачиб ўтирибди. Биқинимни худди бигиз санчгандек жазиллаб оғрияпти. Кўз олдим коронгилашиб, қулоғим тинимсиз шанғиллаяпти.

Абу Жаъфар тепамга келиб, яна бир-икки тепки билан сийламоқчи бўлди-ю, аммо Аллоҳ дилига раҳм солдими, ҳарқалай, индамай бурилиб чиқиб кетди. Мен эса, ит азобида тўлғангандча, фужанак бўлиб қолавердим. Худди шу аснода оёқларим орасида ғалати илиқдикни ҳис қилдим. Беихтиёр ўша тарафга қўл юбориб, кейин кафтимни ёруқقا тут-

дим: қон? Нима бўлди ўзи? Ё ростданам... Йўғ-е, ҳали эрта эди. Қорнимнинг пастки қисмида турган кучли оғриқдан ҳушимни йўқотаёздим.

Ё Раббий! Ҳомилам! Ҳомилам тушганга ўхшайди. Ҳа, адашмабман! Мана у! Бир парча ёпишқоқ, қуюқ қон лахтаси... Бир ярим ой юрагим остида кўтариб юрган жигарпорам! Анави золимнинг зўравонлиги сабаб ҳали дунёга келмай туриб, нобуд бўлдими, ё онасининг гуноҳлари сабаблими, бир нима деёлмайман. Балки ростдан ҳам ҳамма айб ўзимдадир? Ахир бўйимда бўла туриб, мени бошқа бировга никоҳлашларига қаршилик қилмадим. Яратганинг ҳукмига зид иш тутдим. Ҳа, бу гуноҳга кўра-била туриб қўл урдим. Ана шу гуноҳнинг касри шу бир парча ҳомилага урмадимикин? Нима бўлганда ҳам мен, ношойиста, гуноҳкор онангни кечир, болам!

Нима бўлганда ҳам ҳомила қолдиқларини йўқотишим керак. Бор кучимни тўплаб ўрнимдан турдим. Ювениш хонасига ўтиб, кийимлардаги қонли изларни тозаладим. Ўзим ҳам минг мاشаққат билан покланиб, либосларимни алмаштирдим. Бироқ афтидан қон кетиши тўхтамаётганди. Очиги, бунақа пайтда нима қилиш керак, қандай чора кўриш керак, билмасдим. Ёнимда маслаҳат берадиган одам ҳам йўқ.

Яратган эгам, бу осий бандангга ўзинг мадад бер. Ҳар турли балолардан Ўзинг асра! Ишқилиб шу аҳволимда анави золим менга ёпишмаса бўлгани. Чамаси аҳволим тикланиши учун камида учтўрт кун керакка ўхшайди.

Судралиб ётоққа кирдим ва ҳолсизланиб бошимни ёстиққа ташладим. Бутун вужудимни кучли қалтироқ босиб келаётганини англадим. Қорнимнинг пастки қисмидаги оғриқ бир босилиб, бир кучаярди. Бу азоб билан қанча олишиб

ётганимни билмайман. Кейин ухлаб қолдимми, ҳушишни йўқотдимми, буниси ҳам менга қоронфи. Фақат тепамда бўлаётган гап-сўзлардан уйғониб кетганимни биламан. Дераза пардаларида қүёшнинг заррин шуълалари ўрмаларди.

– Мен қаердан биламан? – Абу Жаъфарнинг тўнг, дағал овози эшитилди. – У мени алдабди деб ўйладим, кўзимга ҳеч нарса кўринмади.

– Ундан ноўрни ранжибсиз, – бу Хуршида опанинг овози эди. – У сизни алдамаган. Чиндан ҳам у ҳоиза. Баъзи ёш жувонларда ҳайз муддати орадаги танаффуслар билан меъёрдагидан чўзилиб кетиш ҳолатлари учраб туради. Аёлингизда ҳам шу нарса кузатилгти. Шариатда бу истиҳоза ҳолати дейилади. Агар рухсат берсангиз, мен ундан тез-тез хабар олиб турсам. Ўзим зарур дори-дармонлар билан муолажа қиласман. Иншоolloх, тез фурратда тузалиб кетади.

Хуршида опани кўриб, ўрнимдан турмоқчи эдим, у оҳиста елкамдан босди.

– Ётавер, қизим, аҳволингни кўриб турибман.

Ҳа, бундан чиқди, аҳволим анча чатоқقا ўхшайди. Акс ҳолда бу ярамас, менинг бошимга бу опани чақириб ўтирасди. Қайтага шуниси яхши бўпти. Ўзи анчадан бери опа билан гаплашгим келиб юрувди.

Абу Жаъфар гудрана-гудрана ўрнидан турди-да, елкасига ҳарбий либосини илиб, ташқарига чиқди.

...Нариги хонада қизлар нонушта ҳозирлаб қўйишган экан. Опа билан дастурхон бошида анча гаплашиб ўтирдик. Унинг айтишича, Абу Жаъфар туни билан алангай оташ ичидা ёниб чиққаним учун опага қўнғироқ қилибди. Хайрият, одамгарчиликдан биргина учқун бўлса ҳам бор экан-ку!

– Буларда одамгарчилик нима қылсин, – деди опа худди фикримни ўқиб турғандек. – Шаҳарда турли юқумли касаллуклар тарқалган, «агар бир дарди бўлса, менга ҳам юқиб қолмасин» деган ҳадикда мени чақирган.

О, юзлаб инсонларни ажал комига иргитган бу кимсанинг ўзи ўлимдан, касалликдан қўрқаркан-да.

– Опа, мен... ҳомиламдан айрилдим, – дедим ўпкам тўлиб.

– Билдим, – деди Хуршида опа дастурхон ҳошиясиға маъюс тикилиб. – Ишқилиб, анави тўнка эринг сезиб қолмадими, деб юрагимни ҳовучлаб ўтирдим.

– Опа, у... гуноҳларимнинг касрига қолди, – бу гал йифимни тутиб туролмадим.

– Аллоҳнинг иродаси, – деди Хуршида опа. – Демак, ўша гумонангнинг туғилиши тақдирда битилмаган.

– Опа, бу азоб-уқубатлардан қачон қутуламан? – кўз ёшларимни енгимга артдим. – Одамзотнинг ўзи тушган чоҳдан чиқиб кетиши қийин бўларкан.

– Парвардигор «Шарҳ» сурасида марҳамат қиласди: «фаинна маъал усри юсро, инна маъал ъусри юсро». Яъни, ҳар бир қийинчиллик билан бир енгиллик келади. Аллоҳ бу ҳикматни икки оятда такрорлаяпти. Аслида ҳар бир машаққат ортида бир ҳикмат бўлади. Биз бу ҳикмат сирини сабр билан еча оламиз, қизим.

– Нима бўлганда ҳам у менинг юрак қонимдан бино бўлганди-да! – дедим хаёлчан бир нуқтага термилиб.

– Ҳали ўшсан, иншооллоҳ юртингга қайтиб, турмушга чиқасан, этагинг тўла бола! Ҳали мени айтди дерсан.

– Э, бу азобхонадан тирик чиқиб кетиб бўлармикин, опа? Қанийди чиқиб кетолсам, ўзим тўғри милицияга бориб, таслим бўлардим. Менга қандай жазони лойиқ қўришса ҳам майлийди, опа!

– Насиб этса, сени албатта кечиришади. Ахир сен бу ерга ўз ихтиёринг билан келмадинг. Биргина айбинг – тажрибасизлигинг, ёшлигинг. Бу ерда арзимаган хато ёки камчилик учун ўлимга ҳукм қилишади. Телефон хотирасидан топилган биргина сурат ёки сал нобопроқ смс-хабар туфайли қўйдек бўғизлашади. Сен туғилган мамлакатда эса, адолат ҳукмрон.

– Лекин мен ўз юртимга қандай қайтаман? – сўрадим унга умидвор термилиб.

– Ҳамма нарсанинг ўз вақти соати бор. Агар сен Яратгандан ниманидир астойдил сўрасанг, у сенга албатта марҳамат кўрсатади, – деди Хуршида опа ишонч билан.

Лекин бунга менинг унчалик кўзим етмасди. Чунки бу «мамлакат»дан қочмоқчи бўлганларни қандай қисмат кутиши маълум. Куни кеча «Ислом овози» радиосидан ўз Ватани – Мисрга қочиб кетмоқчи бўлган икки ўспиринни намойишкорона қатл этишганини эшилдим. Албатта, турли йўллар билан қочиб кетаётганлар йўқ эмас. Лекин... менинг ҳаётдан умидим бор. Ўз юртимга тирик кириб бориш ниятидаман.

– Мен аниқ биламан, буларнинг ҳукмронлиги узоқча бормайди, – Хуршида опа хаёлчанлик билан номаълум нуқтага термилди. – Чунки зулм ва зўравонлик устига қурилган ҳеч бир салтанат ҳукмронлиги узоқ давом этган эмас. Мен қулай фурсат туғилиши билан сени қочириб юборишга ҳаракат қиласман. Ўғлимдан илтимос қиласам, у менга йўқ демайди. Лекин бунинг учун эринг узоқ муддатга бирор ёққа кетишини кутишимиз керак.

Балки амаллаб Туркияга ўтиб, Ўзбекистон элчихо-насига борарсан. Вазиятни тушунтирусанг сендан ёрдамларини аяшмас?

Ха, бу фикр анчадан бери хаёлимни банд қилиб келарди. Негадир бу ёқса келаётганимда, жангарилаар таъбири билан айтганда, ҳижратга отланган пайтимда самолётдаги йўловчининг ҳамроҳига берган маслаҳатлари миямга қаттиқ ўрнашиб қолган.

Хуршида опанинг суҳбатидан сўнг, дилимдаги Ватанга қайтиш умиди янада жонлангандек бўлди. Ё Тангрим, ўша кунлар тезроқ кела қолсади...

Хуршида опадан яна бир нарсани қайта сўрагим келса-да, негадир тортиниб туарар, унда ноўрин хулоса туғилишини истамасдим. Бироқ бари бир қизиқиши болиб келди:

– Опа, ҳалиги... Абу Жаъфарнинг бир ўзбек қўриқчиси бор-ку! Исми... Фаррухмиди?

Опанинг кўзлари қувлик билан чақнади:

– Ҳа, тинчликми? Уни нега сўраб қолдинг?

– Шунчаки... мабодо у бизга ёрдам бермасмиик, демоқчийдим. Кўринишидан...

– Ҳа, кўринишидан ёмон болага ўхшамайди. Бу ерга келганига ҳали унча кўп бўлмади. Лекин бу ерда ҳеч кимга ишониб бўлмайди. Бу ҳақда унга оғиз оча кўрма. Унинг ичида нима борлигини қаердан биласан? Менинг бир дугонам бўларди. Раққадаги мактаблардан бирида бошланғич синфларга дарс берарди. Шаҳар мужоҳидларнинг қўлига ўтгач, аёлларга ишлаш тақиқланди. Фақат аёллар касалхонаси ва полициясида саноқди хотин-қизларни ишга олишган. Хуллас, ўша дугонманинг 20 яшар ўғли мужоҳидлар сафида эди. Чунки ёш йигитларнинг бундан бошқа чораси ҳам йўқ. Мажбуран ўз сафларига қўшиб олишади. Ўша аёл жангариларнинг жабр-зулмаридан тўйиб кетгани учунми, ўлига биргаликда яширинча қочиб

кетишини таклиф қиласы. Аммо нобакор ўғил ўша куниёқ бу ҳақда ўз раҳбарларига хабар беради. Аёлни дархол ҳибсга олишади. Кейин шариат суди аёлни хоинликда айблаб, унинг устидан ўлим ҳукмини чиқараади. Энг даҳшатлиси, ҳукмни ҳамманнинг кўз ўнгидаги... унинг ўз ўғли ижро этади.

Хуршида опанинг ҳикоясидан бутун вужудим бир парча музга айлангандек бўлди. Астагфируллоҳ! Наҳотки, ўғилнинг тўққиз ой қорнида кўтариб юрган, бир парча жиш пайтидан эмизиб катта қилган онаизорини қата этиши муқаддас динимиз аҳкомларига тўғри келса? Ахир ояти карималарда ҳатто ота-онага бир оғиз «уфф» дейиш катта гуноҳ эканини айтилади-ку! Уларни ўлдириш энг мудҳиши разолат эмасми?

Хуршида опа менинг нигоҳларимдаги даҳшатни уқиб, давом этди:

– Ҳа, энди тушунгандирсан, қандай жаҳолат ва қабоҳат масканига ўз оёғинг билан кириб келганингни? Гоҳида мен ҳам даҳшатга тушиб кетаман: агар ўғлимга қочиш ҳақида оғиз очадиган бўлсам, у ҳам мени... Йўқ, менинг болам бундай пасткашликка бормаса керак...

Иккимиз анча пайт жим қолдик. Бу орада Хуршида опага ўғли қўнгироқ қилиб, тезроқ чиқиши кераклигини айтди. Опа ўрнидан туриб, юзига чодрасини ёпди. У эҳтиёт бўлишимни уқтириб, ўзи билан олиб келган дориларни менга берди, ҳомила тушишидан кейин кўриш лозим бўлган чораларни яхшилаб тушунтирди.

Уни кузатиб эшиккача чиқдим. Дарвоза олдида турган Фаррухни кўриб, нафасим бўғзимга тиқилиб қолди. Бизнинг нигоҳларимиз яна бир неча сонияга тўқнашди, холос. Ана шу оний учрашувнинг завқи, сурури олдида кечаги уқубатлар, бир неча кунлик мудҳиши хотиралар, қонли манзаралар та-

ассуротини ҳам унугтандек бўлдим. Опа бизнинг пинҳона кўз уриштиришимизни пайқаб қолдими, ўта маҳфий тарзда «эҳтиёт бўл» дегандек имо қилиб кўчага чиқди.

Уйга қайтиб кирарканман, юрагим ҳамон титраб турарди. Менга нималар бўляпти ўзи? Нега яна ўз ҳисларимнинг асирига айланяпман?

Бу сатрларни ўқиётганлар мен ҳақимда «кимни кўрса дарров юрак ўйноғи тутиб қолавераркан-да» деган хаёлга боришини асло истамасдим. Тўғри, тан оламан, Комронни кўрмасдан туриб, унинг сохта суратига шайдо бўлдим, ширин сўзларини ўқиб ақлимни йўқотдим. Аммо у билан учрашиб тузоққа тушганимни англаганимдан кейин, ҳатто севги деб аталмиш туйғудан ҳам нафратланиб кетганим рост. Ҳар қандай телбавор ҳисларнинг худди соҳилга ёпирилган кучли тўлқинлар сингари бир кунмас-бир кун ортга қайтишига амин бўлганим ҳам ҳақиқат. Аммо мен Фаррухни ўз қўзларим билан кўриб, унинг ўз овозини эшитиб, унга боғланиб қолаётгандим. Ахир, мен шу ёшга киргунимча қанча-қанча йигитларни учратдим, ортимдан қанчаси гап отди, ҳатто севги изҳор қилганлар ҳам бўлди. Уларнинг ҳеч бири билан жиддий муносабат ўрнатганим йўқ-ку! Аммо...

Ҳа, мен яна ўша ўжар, қудратли туйғунинг асирига айлангандим. Бу галгиси аввалгидек кўр-кўрона интилишга ўхшамасди. Зотан, олдинги сафар фақат Комроннинг сохта суратларию, йўллаган қайноқ номалари эмас, балки ўзим орзу қилган афсонавий ҳаёт жозибаси ҳам бошимни айлантирган эди-да! Энди-чи, мен жангари қиёфадаги йигитчадан ҳеч нарса умид қилаётганим йўқ-ку! У ҳали менга ўз дардини очиб, илиқ сўзлари билан кўнглимга овламоқчи бўлгани ҳам йўқ.

Лекин недир сирли, мавҳум бир куч мени у томон дақиқа сайн кўпроқ жалб этарди.

Хужрамга биқинганча, қулоғимни девор тирқишига босиб, унинг ҳаётбахш овозини интиқ кутаман. О, мен бу жонсўз овозни минг йиллаб кутишга-да ҳозир эканимни у билармикин? Йўқ, нима бўлганда ҳам ўзимни қўлга олишим, ҳисларимни фош этиб қўймаслигим керак.

Мана, ниҳоят, қадам товушлари ва таниш йўтал товуши эшитилди. Ишқилиб ўшамикин? Тирқиш анча пастда бўлгани боис, тик турган одамнинг юз қисмини кўриш мушкул. Мен ҳам секингина йўталиб қўйдим.

– Келинойи, анча тузукмисиз?

Келинойи деган тилинг... кесилмасин!

– Ёмонман, – дедим аразлаган оҳангда.

– Нега?

– Сизга нима дегандим, «Мени келинойи деб чақирманг» демабидим!

– Узр, дабдурустдан исмингизни айтишга журъат қилолмадим. Сиз билан гаплашишга хийла қулай фурсат туғилгани учун ҳолингизни сўраб қўймоқчи эдим. Тонг саҳарда дўхтир опани чақиртирганидан кўнглим бир нохушликни сезганди.

Шу чоқ беихтиёр кечаги тепкилар, таҳқирилар, шу билан бирга эҳтимолки, менинг ҳаётими ни сақлаб қолган тасодифий телефон қўнфириғи эсимга тушди:

– Кеча у билан телефонда гаплашган сиз эдингиз-а? – сўрадим нечукдир кайфиятим сўниб. – У сизга кимларнидир ўлдиришни буюорди. Тўғрими?

Девор ортида бир зум сукунат чўкди. Кейин Фаррухнинг чуқур хўрсинифи эшитилди:

– Эҳ-ҳ, бу... ҳақиқий даҳшат. Ҳалигича кўз олдимдан кетмаяпти...

Гарчи уни даҳшатга солган манзаралар менга хуш келмаслигини билсам-да, номаълум бир истак бу ҳақда билишга ундарди. Шу боис юрак ютиб сўрадим:

– Кечада... нималар қилдинглар?

– Язидийларни... қатл этишиди...

– Биламан, – дедим Абу Жаъфарнинг кечаги изоҳларини эслаб. – Сиз ҳам бу хунрезликда қатнашдингиз, тўғрими?

Шу онда унинг қўли орқасига боғланган бегуноҳ инсонларни қатл этаётганини тасаввур этиб, этим жунжикиб кетди. Менга нималар бўляпти ўзи? Наҳотки, шу босқинчи, золим, каллакесарни севиб қоляпман?

– Мен... буни асло истамадим. Гарчи мужоҳидлар сафига эндиғина қўшилган оддий аскар бўлсам-да, ич-ичимдан бу асирларнинг тирик қолишини истардим. Улар фақатгина калима келтиришса бас, афв этиларди. Аммо язидий оиласида туғилганлар учун эътиқоддан воз кечиш ўлимдан ҳам оғир экан. Мен Абу Жаъфарга телефон қилиб, ундан «қатлни кечикириб туринглар» деган жавобни кутгандим. Лоақал отиб ташлашса ҳам майлийди. Аммо тирик инсоннинг бошини танидан жуда қилиш...

– Сиз ҳам бу ишни қилдингиз, тўғрими? – ичимдан тошиб келаётган нафратми, газабми, недир бу исёнкор ҳисни босиб туролмадим.

– Ўн битта асири олтига мужоҳидга тақсимлашди. Ҳали янги бўлганим учун менга битта чолни беришди. Билсам, у язидийлар жамоасининг пири экан. Шерикларим ўз қурбонларини ўлдириб бўлишди. О, бу хунрезликни кўриш қанчалик азоб эканини билмайсиз. Аммо маҳкумларнинг ҳеч бири ўлим олдидан тавба-тазарру қилмади, кўз ёш тўкиб шафқат сўрамади. Мен ич-ичимдан улардан

лоақал бирортаси аҳдидан қайтар деган умидда эдим. Афсус...

– Кейин-чи? – баданим тобора музлаб борарди.

– Навбат менга келганди. Қўлимда пичоқ, Қаршимда эса, соч-соқоли қордек оппоқ, озғин, нимжонгина чол. Қадди-қомати, қўриниши худди бобомдек... Назаримда унинг бошини ингичка бўйнидан жудо қилиш худди дарахтнинг кузги баргини юлишдек осон бир иш. Аммо қўлларим тош қотган, бир сўз деёлмасдим. Унинг кўзларига тик қараб турибман. Ўлеми муқаррарлигини билиб турган қариянинг кўзларида на нафрат, на ғазаб, на ўтинчни кўроидим. У менга қараб... кулиб турарди. «Ақддан оздимикин» деб ўйладим. Кейин у курдчалаб оҳиста, паст овозда нимадир деди. Унинг гапларига тушунмадим. уни ўлдиришга қўлим бормасди. Шартта Абу Жаъфарга телефон қилиб, унинг саксондан ошган қари чол эканини айтдим. Аммо у мени эшитишни истамади. Қайтага ўхшатиб сўкиб берди. Шунда ишини битириб бўлган шерикларимдан бири менга масхараомуз тикилдию... шартта ҳалиги чолни...

– Бас... – унинг даҳшатли ҳикоясини тинглашга кучим қолмаганди.

– Орамизда курд тилини биладиган кавказлик бир мужоҳид бор эди, – Фарруҳ менинг гапимни эшитмади шекилли, гапида давом этарди. – «Чол ўлмими олдидан нима деди?» деб сўрадим.

Дафъатан чўккан жимликни мен буздим:

– Нима деган экан?

– «Сен набирамга жуда ҳам ўхшаркансан!» – Фаррухнинг овози титраб кетганини пайқадим. – Чол ўлим олдидан худди шундай деган экан. – Фарруҳ яна жимиб қолди. Устма-уст энтикиш овозларини эшитдим. Ҳа, у йиғларди. Наинки у, менинг ҳам юзларимни иссиқ ва аччиқ қўз ёшлар юваётган-

ди. Бу машъум манзара менинг ҳам кўз олдимда гавдаланди. Мана ўша чол. У ҳатто муқаррар ўлим ваъда қилиб турган жаллоднинг қиёфасида ҳам ўз жигарбандининг чехрасини қўриб турибди.

Фаррух ўзини қўлга олди шекилли, бурнини тортиб, гапида давом этди.

– Шерикларим «булар шайтонга сифинувчи коғирлар, улар тўғри жаҳаннамга тушишади» дейишиди. Аммо мен ич-ичимда бу ёргу оламда рўшнолик кўрмаган, сўнгги дамда ўз ақидасига, эътиқодига садоқат билан жон берган бечораларга Яратганинг раҳматини тиладим. Ахир У ўзи истаган инсонларни афв этишга қодир-ку! Яна... билмадим...

Негадир боя Фаррухни ўша жаллодлар билан баравар кўрганим учун энди ўз-ўзимдан нафратлана бошладим. Аммо бари бир бу йигитнинг қўли қон эмаслигига ишонолмасдим.

– Бари бир шу пайтгача кимнидир ўлдирган-дирсиз? – сўрадим ундан имкон қадар инкор жавобини эшлишишга умидланиб.

– Балки ишонмассиз, мен шу пайтгача ҳатто тоvuқ ҳам сўйган эмасман. Ҳеч эсимдан чиқмайди. Раҳматли дадам ўн ёшимида битта қўзичноқ олиб берганди. Уни шунчалик яхши кўриб қолган эдимки... ҳар куни мактабдан келиб уни ўтлатгани далага олиб чиқардим. Бир йил ичида қўзичноқ каттакон қўчқорга айланди. Шунда уйимизда маърака бўлди-ю, қассоб чақиришиди. Ўша қўчқорни кўз олдимда бўғизлашди. Бу манзара ҳалигача кўз ўнгимда муҳрланиб қолган. Жониворнинг жон талвасида хириллаши, оёқларини типирчилатиши... Бир ҳафта касал бўлиб ётганман. Олти ойгача оғзимга гўшт солмадим. Босшим айланиб бу ерга тушиб қолганимдан сўнг, қонли манзараларни жуда кўп кўрдим. Одамларни қандай жон беришларига жуда кўп гувоҳ бўлдим. Аввал

машғулотларда видеолавҳаларни кўрсатиб қўзимизни пишитишди. Кейин ҳақиқийларини... Қандай қурол ишлатишни ҳам ўргатишиди. Аммо ҳали ҳеч кимни ўз қўлим билан ўлдирганим йўқ. Эҳтимол, ундан аввадроқ ўзим омонатимни топширарман. Ахир бу ерда ўлим ҳар доимгидан ҳам оддий ва осон юз беради.

Шу онда тилимга илинган яна бир саволни унга беришдан ўзимни тия олмадим.

– Эшитишимча, бу ерда асир олинган қизларни мужоҳидларга тақсимлаб беришаркан. Сиз ҳам...

– Йўқ, – дадил гапимни бўлди Фаррух. – Биринчидан, бундай «ўлжалар» энг аввало қўмондонлар, гуруҳ сардорларига тегади. Қолаверса, оиласидан, яқинларидан, уй-жойидан, эркидан айрилган ожизаларни... бу менинг қўлимдан келмаса керак...

– Ўз «вужуди» билан жиҳод қилишни истаб сизнинг ҳудудингизга келган «ожиза»лар-чи? Улар орасидан танламадингизми?

– Сизга нима десам экан... Мен бу ерга келган биринчи ҳафтада менга аёллар полициясида ишлайдиган суданлик бир ҳабаш аёлни никоҳлаб беришганди. – Яна Фаррухнинг нафаси ичига тушиб кетди.

– Хўш, хўш, – унинг ноқулай аҳволда турганини тасаввур қилиб, ичимдаги қўрқув ва нафрат хийла енгиллашди.

– Айтдим-ку, у мендан ўн тўрт ёш катта эди. Бунинг устига жуда қўрс-қўпол аёл эди. Мен ҳеч чам уни хотиним деб тасаввур қилолмасдим. Тилига ҳам тушунмасдим. Кейин билсан, у менгача уч марта никоҳланган экан. Учинчи эрини жаҳл устида ўзи отиб ташлаган экан.

Билиб турибман, бу ҳақда гапириш шўрлик болага осон бўлмаяпти. Қолаверса, ўша баҳайбат, қўрқинчли аёл билан бу ёшгина, беозор йигитчани

ёнма-ён қўйишининг ўзи қанчалик кулгили. Яхши-
ямки у менинг кулаётганимни кўрмайди.

– Сиз қандай тирик қолдингиз? – сўрадим ўзим-
ни аранг кулгидан тийиб.

– Мен унинг жаҳлини чиқармасдим-да! Эрталаб
у ҳам, мен ҳам уйдан чиқиб кетардик. Шу билан
қоронги тушганда қайтардик. Мен... уни умуман
ёқтирмасдим. Бу ҳаётимиздан кўнгли тўлмадими,
ўзи мендан талоқ сўради. Кейин қозининг олдига
бориб, унинг жавобини бердим.

Шу тариқа мен у ҳақда анча нарсани билиб ол-
дим. У ҳам менга ўхшаб, алдов сабабли жангари-
лар тўдасига аралашиб қолганлардан экан. Ўзи-
нинг айтишича, водийнинг чекка бир қишлоғида
туғилиб ўсган. Оилада биттагина ўғил бўлиб, ота-
си уч-тўрт йилча аввал қазо қилган, онаси билан
ёлғиз қолган экан. Коллежни битириб, ўқишга ки-
ролмагани сабабли ҳамқишлоқларига қўшилиб,
Россияга ишлагани кетибди. Анча пайт шаҳар-
ма-шаҳар юриб, тузукроқ иш тополмай қийна-
либди. Кейин бир ўзбек амаки уни вақтинча иш,
уй-жой билан таъминлабди. Бир икки-ой онасига
ҳам беш-тўрт танга пул жўнатибди. Кейин ҳалиги
амаки Туркиядан янада сердаромадроқ иш чиқиб
қолгани, у ерда ойига бир яrim минг долларгача
маош олиши мумкинлигини айтибди. Фаррух жон
деб рози бўлибди. Шу тариқа аввал Истанбулга,
кейин Диёрбакирга бориб, махфий ҳужраларда
диний дарсларга қатнашибди. Кейин уни худди
ўзига ўхшаган ўн-ўн бешта ёш йигитларга қўшиб,
шу ерга жўнатишибди.

– Мени Абу Жаъфарнинг ўзи кутиб олди, – дея
ҳоргинлик билан ҳикоясида давом этарди Фаррух.

– Дастребаки пайтларда мен ҳар бир ишни Аллоҳ
учун, унинг розилиги ва абадий жаннатга эришиш
мақсадида қилардим. Аммо бу ердаги хунрезлик-

ларни кўриб, «Наҳотки, Аллоҳнинг ризолигига фақат қон тўкиш орқали эришилса» деб ўйланиб қолдим.

– Демак, келганингиздан пушаймон экансиз-да.

– Йўғ-э, – Фаррух чамаси мен қўйган «айблов»-дан чўчиб тушди. – Мен... мен ҳалиги... Яна билмадим. Ахир мен шу пайтгача мачитга кирмаган, пешонаси саждага тегмаган бир бола эдим. Дин нима, иймон нима, шариат нима – буларнинг ҳеч бирини яхши тушунмасдим. Ҳалиям тушунмасам керак. Бари бир энди орқага йўл йўқ, Абу Жаъфар «қочиб кетган тақдирингда ҳам бир кунмас бир кун қўлимизга тушасан, қолаверса, у ердаги онангни ўйла, агар сен бизга хиёнат қилсанг, у ердаги одамларимиз онангни соғ қўйишмайди» деганидан кейин менда умуман танлаш имкони қолмаганини тушундим.

«Бечора!.. Сени худди мени аврашгандек қўйнингни роса пуч ёнгоққа тўлдиришибди-да!»

Афтидан у ҳалиям менга унча ишонмай турибди. Пушаймонлигини тан олгиси келмаяпти. Ахир мен унинг учун хожасининг хотиниман-да! Борди-ю, унинг пушаймонлигини эримга «сотиб» қўйсам, калласини сапчадек узиб тўп қилиб тепишиди. Лекин... пушаймонлик менинг ҳам қалбимни туну кун поралаётганини, ўз эримдан ҳам, унинг сафдошларидан ҳам бениҳоя нафратланишимни у шўрлик қаердан ҳам билсин? Ҳатто ўзим ҳам унга бу ҳақда айттолмайман. Ахир боя Хуршида опа айтганидек, у ҳам мендан сир олмоқчи бўлса-чи!

«Йўқ, нималар деяпсан, – дея ўзимга қарши чиқиб типирчиларди ожизгина қалбим. – У бундай қилиши мумкин эмас. Ҳатто бу «давлат»да ўғил ўз онасини сотиши ва қатл этиши мумкин бўлса-да, у сени сотмайди. Ишонавер!»

Шу билан бугунги мулоқотимиз ниҳоясига етди. Фаррух ҳам бирор хавфни сездими, «майли, кейин гаплашамиз» дея митти туйнуқдан узоқдашди.

Мен жуда ажабтовур бир кайфиятда эдим. Бу қоришиқ кайфият таркибида алам ҳам, ўкинч ҳам, нафрат ҳам, ғазаб ҳам, хавотир ҳам, умид ҳам, қувонч ҳам, ҳатто озгина баҳт ҳам бор эди.

Ҳа, жаҳолат, адолатсизлик, зулм, бедодлик авжига чиққан бу масканда мен ўз баҳтимни топгандек эдим. Унинг қайгули ва аламли ҳикояларини тинглаб мен унинг адашган, аммо изтироб, тазарру ва бир олам ёруғ орзуладарга тўла қалбини кўргандек бўлдим. Ҳа, баъзида қабристонда ҳам нафис, латиф чечаклар ўсганидек, бу зулмат диёрида қалбини инсонийлик, меҳр-оқибат тарк этмаган инсонлар бор экан. Агар улар бўлмаганида мен аллақачон умидсизлик исканжасида нобуд бўлиб кетармидим! Лекин энг узун ва қоронги Ялдо кечасидан кейин ҳам тонг отади-ку! Умидлар интиҳода ўлади, деб бежиз айтишмаган. Мен ҳам ҳали тирик эканман, умидларни бой бериб қўймайман.

Энг асосийси, менинг ҳувиллаб, ҳатто тепишига мажоли қолмаган юрагимга «иш» топилди. У энди ҳақиқий муҳаббатга лойиқ бир исмни айтиб тепинади. Майли, Абу Жаъфарга ўхшаган бедил, ҳиссиз золимлар бошимдан тегирмон тоши айлантирсин, майли манави тор кулбамни ўқлар илма-тешик қиласин, майли қулоқларим снарядларнинг чинқириғидан том битсин – менга бари бир! Балки мен умримнинг сўнгги сонияларини яшаётгандирман. Лекин бунинг менга заррача қизиги йўқ. Чунки, мен айни лаҳзаларда ҳар қандай шубҳа-гумонлардан, тараддуд ва иккиланишлардан холи, поки-за бир ишқ оташида ёньяпман. Бу гулхан олдида машъум салтанатнинг кўз кўриб қулоқ эшитмаган даҳшатлари қанчалик аҳамият касб этарди.

Биз деярли ҳар куни ана шу миттигина «баҳт туйнуги» орқали сұхбат қурамиз. Гоҳида у ҳовлига нимадир юмуш билан кириб қолса, бир неча сония бўлса-да, дийдор кўришамиз. Аммо муносабатларимиз иффат, одоб ва андиша чегарасидан бир одим ҳам ҳатлагани йўқ.

Ҳа, нима бўлганда ҳам ҳар иккимиз ўз вижданимиз ва Яратганинг олдидаги жавобгарликни унутганимиз йўқ. Уни эртаю кеч куйиб ёнсам-да, ҳар куни минг марталаб ич-ичимдан уни севишишинга иқрор бўлсан-да, тиш ёриб бу ҳақда ломмим демайман.

Қайсиdir сайтда ўқиб қолгандим. Ҳадисларда айтилишича, аёл киши ўз севгисини Аллоҳ йўлида маҳфий тутса, гуноҳга йўл қўйиши мумкинлигидан қўрқиб, ошкор этмаса ва ана шу пинҳона муҳаббати билан дунёдан кўз юмса, жаннатга тушар эмиш. Мен бу фикрни мутлақ ҳақиқат ўрнида қабул қилдим. Ҳа, мен бу севгимни ўла-ўлгунимча юрагимнинг тубида сақлайман. Балки Яратган Эгам ана шу сабр-тоқатим боис, менинг гуноҳларимдан ўтар!? Яна бир ҳадисни ўқигандим: жаннатда инсон ўзи севган кишиси билан ёнма-ён бўлармиш. Эҳтимол, қай бир ишим худога ёқиб, унинг жаннатига дохил бўлсан, у билан мангу бирга бўларман. Ҳарқалай, мен шуни парвардигоримдан ўтиниб сўрайман.

Майли, вужудим анавининг истакларини қондирувчи бўлса-да, мен ўз қалбимнинг эгасини тоидим. Энг асосийси, мен юрагимнинг туб-тубига кўмилган бу улкан муҳаббат учун гуноҳкор бўлмайман.

Яна бир нарсани биламан: назиримда у ҳам менга бефарқ эмас. Гарчи ҳар доим унинг кўзларини кўролмасам-да, соҳир овозидаги ўтли оҳанг менга унинг қалб тугёнларини англатиб туради.

Чунки мен унинг юрагини биламан, танийман, ҳис қиласман. Унинг тақдири ҳам, бугуни ҳам, ўй-хаёллари, ҳадик ва умидлари ҳам, қарашлари ҳам, қувончи-ю фам андуҳлари ҳам менини билан бир хил. У ҳам мендек кўнгли ярим, отасидан эрта айрилган, онасини ёлғиз ташлаб дарбадарликка юз тутган. Бахт ва омад излаб мусофирикни ихтиёр этган, бадбаҳт, номард кимсаларнинг тузоқларига осонгина илингган ва ўзи билмаган ҳолда бу кулфатхонага тушиб қолган.

Уни мажбуран ўзидан катта, баджаҳл ҳабаш хотинга никоҳдаб қўйишганда ҳам худди мендек но-чор аҳволда қолганига шубҳа йўқ. Қизик, у ўша аёл билан... бирга бўлдимикин? Гоҳида шуни ўйлаб, ичимда рашқ олови алангча ола бошлайди. Кейин эса, ўзимни овутаман. Хўш, сен ҳам ўз хоҳишингга қарама-қарши ўлароқ икки эркакнинг ҳасмига айланмадингми?!

Тўғри, бу ерда, тўрт девор орасида яшашни ҳатто душманимга раво кўрмайман. Ахир ўзингиз ўйланг: бу ерда на телевизор бор, на телефон, на интернет... Аёллар учун уйидан чиқиши, одамларга қўшилиш тақиқланган бўлса... Фақат «Муқаддас халифалик давлати»нинг «буюк» юришлари, кофир ва гайридинлар устидан қозонилаётган оламшумул ғалабалардан хабар берувчи биргина радио бор, холос. Аммо шу ҳолимда ҳам мен бахт ва қувонч топа олдим.

Мендаги ўзгариш ҳатто Абу Жаъфарни ҳам ажаблантирмай қўймади. Энди у мени ёнига чақирганда ҳам, хаёлим фақат унда бўлади. Шу боис, унга олдингидек жиддий қаршилик кўрсатмайман. Билмадим, балки бу гуноҳдир, балки хиёнатдир, балки беҳаёликдир – аммо мен ўша онларда кўзимни чирт юмаман...

Бошқа иложим йўқ. Акс ҳолда, мен унинг мурдор нафасига бир лаҳза тоқат қилолмаган бўлардим. Эрталаб Абу Жаъфар кўчага чиқиб кетганида, Фаррух билан гаплашиб қолсак, беихтиёр кечаги тизгинсиз тахайюл кўз одимда жонланиб, этим жимирилаб кетади. Эҳтимол, шу пайтда юзим лавлагидек қизариб кетар. Яхшиям у мени кўрмайди.

Фаррух менга ўзининг ўқувчилик йиллари, қишлоғи, ота-онасининг қучогида ўтган баҳтли дамлари, дўстлари, қизиқишлиари ҳақида гапириб берарди. Мен ҳам болалиқдаги илк хотираларимдан тортиб, Комроннинг макр тузофига илинган давримгача бўлган деярли барча гапларни айтиб бердим ҳисоби.

У билан мулоқот қилсан, ўзим ҳам ўтмишга қайтгандек, босиб ўтган йўлларимни сарҳисоб қилгандек бўламан. Эсда қоларли, унтутилмас дамларни хотирлаб, енгил тортаман, йўл қўйган хатоларим ҳақида фикр юритиб, қайфуга чўмаман...

Бора-бора келган илк куналаримда кўзимга худди қамоқхонадек совуқ ва таҳдидли кўринган бу хонадонга меҳр қўя бошладим. Дарвоҷе, бу бир пайтлар Раққа шаҳар прокурорининг дала ҳовлиси бўлган, уруш бошлангач, прокурор қўлига илингулик мол-мулкини сотиб, пулини чўнтакка уриб, уй-жойларини ташлаб, бола-чақаси билан Швецияга қочган экан. Мужоҳидлар бўшаб қолган ёки эгалари қувиб чиқарилган хонадонларни хориждан келган сафдошларга тақсимлаб беришганда бу ҳовли Абу Жаъфарга теккан.

Кейинги пайтларда ҳалиги икки алавий қиз билан яхши танишиб олдим. Улар билан бошида умуман тиллашолмасам керак деб ўйлардим. Кейин билсан, улар ҳам мактабда тўққиз йил таҳсил олишган, инглизчада оз-моз гаплаша олишаркан. Қизларнинг каттаси Надва, кичкинасининг исми Сафия

екан. Ҳар иккови Дайр-аз-зор муҳофази марказидан бўлиб, бир пайтлар ўз оиласари билан алавийлар маҳалласида истиқомат қилишаркан. Мужоҳидлар муҳофазни эгаллагач, алавийларни «ғайридин, мушриқ» деган айблар билан ёппасига қувғин қиладилар, қаршилик кўрсатганларни қиличдан ўтказадилар. Маҳалладаги бир қанча қиз-жувонларни эса, асир олиб, мужоҳидларга тақсимлайдилар. Абу Жаъфар ўшандада бира тўла иккита қизни эгаллаб олган экан.

Қизларнинг айтишича, алавийлар бошқа мусулмонларга ўхшаб беш вақт намоз ўқимас, рўзани ҳам тўлиқ тутишмас экан. Лекин бошқаларнинг дилини оғритиш, қон тўкиш, зўравонлик улар учун ҳам энг оғир гуноҳ саналаркан. Улар пайғамбаримизнинг амакиваччалари ва куёвлари Ҳазрати Алига алоҳида ихлос қўйишган, «алавий» атамаси ҳам шундан келиб чиқсан экан. Ҳар бир алавий хонадонида ҳазрати Али ёки аъжамийлар орасидан биринчи бўлиб иймон келтирган саҳоба Салмон Форсийнинг суратлари осиглиқ тураркан.

«Давлат» пешволари эса, уларни Аллоҳга ширк келтириб, ҳазрати Алига сифинишда айблаб, қатли ом қилишмоқда. Уларнинг ҳам қисмати язидийларникига ўхшаб кетаркан.

Кунларнинг бирида қизлардан бири Сафия йўқолиб қолди. Унинг ўрнига янада ёшроқ, қораҷадан келган, қош-кўзлари тим қора язидий қизни олиб келишди. Унинг исми Товус бўлиб, Ереванда туғилган, кейинчалик отаси ўз қавмдошларининг таклифи билан Ироқнинг Синжор шаҳрига кўчиб келишган экан.

Икковимиз ҳам рус тилини яхши билганимиз учун у билан янада яқин бўлиб олдим. Товус эндиғина 17 ёшга кирганди. Уни ҳам табиийки, Надва ёки Сафия сингари асир олишган, эркига,

ихтиёрига қарши ўлароқ, бозорга олиб чиқишиган. Ҳали ёш, бокира бўлгани учун уни қул бозоридан Сафиянинг устига яна 500 доллар устама бериб, айирбошлаб олганмиш.

Товус ҳали ёш бўлса-да, унинг кўзларида шиддат ва нафрат ёниб турарди. У аввал мендан ҳам пича ётсираб турди. Аммо мен билан яқиндан танишиб олгач, ўзига анча яқин ола бошлади.

– Нега исломни қабул қила қолмайсизлар? – деб сўрадим бир куни ундан.

Бу саволим унга ёқмагани яққол кўриниб туради.

– Сен ўзинг-чи? – сўради у мендан рус тилида дона-дона қилиб. – Агар сени мажбур қилишса, қайсинисини – яхудийликми, насронийликми ёки бизнинг динимизни қабул қиласан?

Унинг саволи мени қийин вазиятга солиб қўйди. Айни пайтда мен бу «мамлакат» юритаётган ички ва ташқи сиёsat қанчалик ноҳақдигини сезиб турсам-да, ҳар доим ўз эътиқодимда мустаҳкам туриб келардим. Мужоҳидларнинг ислом номидан қилаётган хунрезликларидан ҳар қанча жиркансам-да, ўз ақидамга, эътиқодимга нисбатан заррача шубҳага бормаганман. Аксинча, азалдан эзгулик, меҳр-оқибатни тарғиб этиб келган динимизни бутун инсониятнинг кўзига ёмон кўрсатаётгани учун жангариларни янада ёмон кўриб кетардим.

Аммо Товуснинг берган саволидан юзимга совуқ сув урилгандек бўлди. Йўқ, менимча, пешонамдан отишса ҳам ўз эътиқодимдан воз кечмасам керак.

– Ана кўрдингми, – гарчи ҳали унинг саволига жавоб бермаган бўлсам-да, у дилимдагиларни ўқиб турарди. – Сенинг ўз эътиқодинг қон-қонингга сингиб кетган. Ҳаётингни бошқа динда тасаввур этолмайсан. Биз ҳам шунақамиз. Ҳеч ким четдан келиб бизнинг динимизни қабул қилмайди. Бизни-килар ҳам бошқа динга ўтиб кетишмайди. Чунки

язидий бўлиб туғиладилар ва шу ҳолда ўладилар. Биз учун учинчи йўл йўқ.

Шунда беихтиёр унинг бўйнига осилган оқ тусли занжирдаги медальонга кўзим тушди. Унда думларини ёйиб турган товус ва унинг ортидан балқиб чиқаётган қуёш тасвири акс этарди.

– Исминг товус бўлгани учун ҳам шунақа медальон тақиб олибсан-да, – дея гапни бошқа тарафга бурмоқчи бўлдим.

Товус бўйнидаги медальонини қўлига олди ва унга узоқ тикилиб қолди.

– Бу Малак Товуснинг тасвири, – деди юзига табассум югуриб. – Мени узоқроқ қариндошимиз Адий исмли йигиттага унаштиришган. Туморни унаштириш маросимида йигитнинг ўзи бўйнимга тақиб кетганди.

Кейин Товус бўйнидаги медальонда акс этган суратни ҳам шарҳлаб берди. Малак Товус язидийликдаги етти фариштанинг энг каттаси экан. Улар ҳам худди биздек ягона тангрига сифинишаркан. Уларнинг эътиқодида Куёш – бутун борлиқни яратган Тангрининг порлоқ тимсоли экан. Ривоятларга кўра, бутун Ер юзини ана шу фаришталарга тақсимлаб берган, кейин Одам Атони яратиб, барча фаришталарни унга бўйсунишга чақирган эмиш. Малак Товус эса, Яратганга қараб «мен фақат сенга ибодат қиласман» деб жавоб берганмиш... Шунинг учун мужоҳидлар Малак Товусни шайтон деб ўйлашаркан ва язидийларни шайтонга сифинишда айблашаркан.

Товус медальонни юзига босганча хўнграб юборди. Мен эса, беихтиёр язидийлар ҳақида Абу Жаъфардан, Фаррухдан эшитганларимни хотирладим. Кўз ўнгимда қўлида пичоқ ушлаб турган мужоҳидга меҳр билан жилмайиб турган кекса чол келди-ю, томогимга нимадир тиқилди.

Үзимни тутолмай Товусни бағримга босдим. У тинимсиз йиглар, мен ҳам унга құшилиб күз ёш түкардим.

Шу тариқа бу хонадонда яшаш мен учун анча осонлашиб қолганди. Уч-түрт кунда Товус билан опа-сингилдек бўлиб қолдик. Абу Жаъфар унга ҳали қўл теккизмаган экан. Қизиқ, наҳотки, инсофга келган бўлса. Йўқ, мушук қорни тўқлигида сичқонларни овлашни вақтингча тўхтатиб туриши мумкин, аммо унинг инсофга кириши қийин масала. Унда нимани кутаяпти?

Бу ҳақда Фарруҳдан сўрамоқчи бўлдим-у, яна фикримдан қайтдим. Яна «эрини қизғаняпти» деб ўйламасин. Чунки ундан қанчалик нафратланишимни, уни жинимдан баттар ёмон кўришимни Фарруҳга яққол сездиришни истардим. Ҳатто баъзида унга нисбатан «ер юткур», «балога йўлиққур», «офзингдан қонинг келгур» синганри «ширин» сўзларни ишлатсам, у мени тергаган бўлади:

- Ҳай-ҳай, деворнинг ҳам қулоги бор.
- Мен ҳам шу деворнинг қулогига гапиряпман-ку! – дея гапни ҳазилга бураман.

Эҳ Фарруҳ, Фарруҳ! Тақдир нега бизни шу мудҳиш маконда учраштирди экан-а? Наҳотки, ўз юртимизда бир-биримизнинг борлигимизни йиллар давомида билмай яшадик! Бу ерда эса... Мен бир жангари ning шаръий хотиниман, у эса, ўша жангари ning қўриқчиси... на у дилидагини менга оча олади, на мен унга кўнглимни ёра оламан...

Гоҳида унинг ўрнига битта бадқовоқ араб қўриқчи келади. Шундай пайтларда вақтнинг ўтиши бирар қийинлашади. Тезроқ улар ўрин алмаша қолишса, деб соат санайман. Унинг қадам товуши Фарруҳникига ўхшамайди. Гурсиллаб девор ортидан ўтиб қайтиб турганида ичимда уни қарғаб ҳам қўяман. «Қачон даф бўларкинсан, гўрсўхта!»

Улар кеч соат олтиларда ўрин алмашишади. Фаррух ўзи туйнук олдига келиб, менга таниш оҳангда томоқ қирмагунча индамай ўтиравераман.

Шериги узоқлашиб кетганига аниқ ишонч ҳосил қилиб бўлгач, туйнукка энгашади.

– Ичкаридагилар омонми? – сўрайди қўрқа-писа.

Ахир ичкарида ҳам ким бор, ким йўқ, у бечора қаердан билсин. Мен ҳам:

– Ташқаридагилар сўраганидан бери, – деб ўзига хос тарзда жавоб қайтараман.

Шундан сўнг... бошланади. Баъзан Абу Жаъфар билан ёлғиз қолганимда гапиришга гап тополмайман. Лекин Фаррух билан сухбат пайтида шунча гапни қаердан топамиз, ўзим ҳам билмайман.

Одатда унга кечки овқатни ўзим олиб чиқаман. У одатига кўра, кўча томондан деворга тақаштириб қурилган кичкина уйчада тунайди. Овқатни ҳам ўша ерда ейди. У билан юзма-юз қолганимизда негадир гапимни йўқотиб қўяман. У ҳам ўзини анча ноқулай сезади.

Уни Надва билан Товусдан ҳам хийла қизғанаман. Баъзida Фаррух мендан уларнинг ҳол-аҳволини сўраб қолса, ич-ичимдан фашим келади. Тавба, жорияларнинг яхши-ёмонлиги билан нима иши бор экан-а.

Гоҳида «ҳа, нега уларни суриштириб қолдингиз?» дегим келади-ю, яна гурурим йўл қўймайди. Ичимда туйгулар қанчалик фалаён қилмасин, сиртимга чиқармайман. Биз сиртдан қараганда яқин қариндошга, ака-сингилга ўхшаб кетамиз. Лекин ичимдаги фақат ичимда қолади. Гоҳида «у ҳам мени ўйлармикин, мени яхши кўрармикин, менда кўнгли бормикин», деб ўйлаб қоламан. Кейин дарров бу фикримдан қайтаман.

Уни ҳаётда кўрмасимдан илгари тушимда кўрганимни ҳам ўзига айтганим йўқ. Нима деб айтиман ахир. У туш... жуда ёмон туш эди-ку! У тушларимда, хаёлларимда мени шунчалик телба қилиб қўйса, борди-ю ҳаётда... Тавба қилдим, минг марта тавба! Шайтоннинг борлигини, у инсонни йўлдан оздиришга ҳамиша ҳозир эканини ана шулаҳзаларда англаб етаман.

Ана шундай кунларнинг бирида...

Ҳали олти бўлишига бир соатча вақт бор. Худди шу вақт оралиғида «Ислом овози» радиосидан русча янгиликлар берилади. Қолган пайтларда бошқа тиллардаги янгиликлар, суҳбатлар ва Куръон тиловати эшиттирилади. Мени дунё билан боғлаб турган ягона восита фақат шу радио. Гарчи барча янгиликлар «давлат» сиёсатида талқинида ёритилса-да, бари бир нимадандир хабар топади-да одам!

Мана масалан, бугун мужоҳидлар яна бир бечорани қатл этишибди.

«Хабарингиз бор, уч ой илгари музaffer аскарларимиз Сурия ҳукумати қўл остида бўлган Пальмира шаҳрини қўлга киритишган эди. Бу шаҳарда бундан икки минг йиллар аввал қурилган маъжусийлар ибодатхоналари ва санамлари ер билан яксон қилинди. Бугун ҳижрий 1436 йил зулқаъда ойининг 3-кунида файридинлардан қолган бутлар ва динимизга зид бўлган тарихий буюмларни яширган жиноятчи, умрини куфр ва файридинлар тарихини ўрганишга бағишлилаган муртад, Пальмира музейининг директори 82 ёшли Холид ал-Асъад шариат судининг ҳукми билан жамоат кўз ўнгига қатл этилди. Боши ва танаси ибрат учун Пальмира марказий майдонида қолдирилди...»

Ҳар доим шу каби янгиликларни эшитиб, ичичимдан титраб кетаман. Бир пайтлар худди шу-

лар каби жангарилар Афғонистонда икки минг йиллик Будда ҳайкалини портлатишган экан. Энди эса худди шунга ўхшаш тарихий шаҳарнинг кулини кўкка совуришибди. Қатл этилган олимга ичим туздек ачишди. Бечорани «тарихий буюмларни топиб бер» деб қанча қийнашгандир. У эса шу бебаҳо ёдгорликларни асраб қолиш, ўз ватанинг тарихини, осори атиқаларини келгуси авлодларга безиён етказиш учун жонини фидо қилибди. Ана шу қаҳрамонлик билан ўз номини тарихга муҳрлабди. Манави қонхўр мутаассибларнинг ўнтаси ўша мард, жасур олимнинг бир томчи қонига арзирмикин.

Хаёлим ўша шаҳид олимга кетиб, вақт ўтганини ҳам сезмай қолибман. Дарров ўз хонамга югурдим. Туйнукка эгилиб, секин йўталиб қўйдим.

Мана, унинг қадам товушлари эшитилди. Худди юрагимнинг тепишига ҳамоҳанг. Ҳатто йўтали ҳам юрагимнинг энг инжа торларини чертиб ўтади-я!

– Ташқаридагилар яхши юришибдими? – дедим девор ортида унинг борлигига шубҳам қилмаган ҳолда.

– Маҳзуна, мен... шошиб турибман, – деди паст, хавотирли оҳангда. – Манави хатни мен кетгач, тахминан ярим соатлардан кейин ўқиб чиқарсиз. Кейин уни йўқ қилиб ташланг. Ҳеч кимнинг қўлига тушмасин. Хайр, Аллоҳга омонат!

Унга жавоб қайтаришга улгурмадим. Нима бўляпти ўзи? Уни ҳеч қачон бундай хавотирли ҳолатда учратмагандим. Нимадир дейишга чоғланганимда, девор тешигидан ўта ингичка қилиб ўралган оппоқ қофоз найчанинг бир учи чиқиб турганини кўрдим. Уни суфуриб олиб, текислашга чоғландим. Лекин Фаррухнинг «ярим соат ўтгач...» деганини эслаб, ниятимдан қайтдим. Одатда бундай пайтда, айниқса, қизлар ҳаддан ташқари

сабрсизлик қилишади. Лекин мен турган замон ва маконда оддийгина эҳтиётсизлик ҳам хунук оқибатларга олиб келиши қундек равшан.

– Шу ердамисиз? – шивирладим туйнук тарафга эгиларканман, эҳтиёткорлик билан. Жимлик. У кетиб бўлганди.

Қаламдан ҳам ингичка қилиб ўралган қоғоз найчага қизиқиш билан термилиб қолдим. Нега ярим соатдан кейин? Ҳозир ўқидим нима-ю, ярим соатдан кейин ўқисам нима ўзгаради? Фаррух нега бунча хавотирили оҳангда гапирди? Ишқилиб тинчлик бўлсин-да! Нималар деяпман ўзи? Бу ерда тинчлик ҳақида гапиришнинг ўзи мантиқсизлик эмасми! Майли, қизиқиш ва хавотир ич-этимни ҳар қанча кемирмасин, Фаррухнинг, ҳа айтишим мумкинки, севгилимнинг биргина сўзи учун ҳам ярим соат кутганим бўлсин.

Деворда, ойнаси ортида зарҳал арабий ҳарфлар билан «Аллоҳу акбар» калимаси битилган соатга термилганча, сонияларни санајапман. Оббо, мунча имилламаса бу соатнинг миллари! Ишқилиб бузук эмасмикин. Ие, аср вақти кирибди-ку. Шартта туриб, таҳоратхонага югордим.

Одатда жойнамоз устида фикрни фақат ибодатга йўналтириш керак, дейишади. Тавба қилдим, қанийди бу тарқоқ фикрларни жамлай олсам. Ҳатто сураларни ҳам хато ўқиб юбордим шекилли.

Ибодатни тугатиб бўлганимда атиги белгиланган вақтдан 15 дақиқа ўтганди. Хуллас, қолган чорак соатнинг ўтиши мен учун чорак асрдек түюлди-ёв! Йигирма тўққизинчи дақиқанинг сўнгги сониялари битмасдан шошилганча ҳалиги найчани очдим.

Зум ўтмай кўз ўнгимда мунҷоқдек бир текисда терилган, майда, бежирим ҳарфлар намоён бўлди:

«Маҳзуна!

Бу хатни ёзяпман-у, «түгри қиляпманмикин» деган ўй менга тинчлик бермаяпты. Лекин бу гапларни ҳозир ёзиб қолдирмасам, ичимда қолиб кетади.

Менинг бу ерга қандай келиб қолганим ҳақида түлиқ хабардорсиз. То тақдиր мени сизга рүпара қылғунича бу ерга келиб түгри қылдымми, нотүгрими, бир қарорга келолмай тараддууд ичида юргандим. Аммо энді бу саволимга жавоб тайин! Бу манзилларга келиб қолганим учун Яратганга шукроналар қиласаман. Чунки...

Маҳзуна! Сизнинг қалбингиизда нима бор, билмадим. Аммо менинг қалбим бир малакнинг ишқи билан беаёв ёнмоқда. Ётсам ҳам, түрсам ҳам унинг қиёфаси күз ўнгимдан кетмайди, унинг ширин каломлари құлогим остида қайта-қайта жаранглайверади. Бу дунёда унга етолмаслигимни аниқ билганим ҳолда, тизгинсиз хаёлларга эрк бераверман.

Балки бу ишим кечирилмас гуноҳдир. Яратганинг қахрұ газабини құйзатарман. Аммо инсон ҳамиша ўз ҳислари устидан голиб чиқавермайди-ку. Ҳатто баъзи пайғамбарлар ҳам билиб-бильмай гуноҳга құл урғанлар-ку! Биз киммиз, хом сут әмган бандалармиз, холос.

Пайғамбаримиз (с.а.в)нинг бир ҳадисларини үқиғандим: «Агар кимниидир яхши күриб қолсангиз, бу ҳақда унинг ўзига ҳам билдириб қўйинг!» Бу ҳадиси шариф менинг ҳозирғи ҳолатимга түгри тушадими-йўқми, билмадим. Лекин мен бу ҳақда Унинг ўзига айтмасликнинг чорасини тополмаяпман.

Бу – сизсиз, Маҳзуна! Мен Сизни севаман!

Ха, балки бу сўзлар Сизнинг қахрингиизни қўзгатар, балки газабингиз тошиб, бу ҳақда завжангиз Абу Жаъфарга хабар етказарсиз ёки жимгина

йиртиб, бир четга улоқтиарарсиз... Менимча, шу охиргиси яхшироқ. Мен учунмас, сизнинг тинчлигингиз учун!

Тўғри, сиз билан қаришиб уч ойдан бери яширинчами, ошкорами гаплашиб турибмиз. Шу муддат ичида сиз мени умидвор қиласидиган бирор оғиз гапирмаган бўлсангиз-да, лаҳза сайин сизга боғланаб боравердим. Биласизми, сизни илк бор Хуршида опанинг уйида никоҳ ўқитиб қайтаётганимизда эмас, ундан анча олдин... ҳа олдин кўргандим. Тушимда! Ҳа, ишонаверинг! Сизни учратмасимдан бир ҳафтача бурун тонг маҳали тушибимга киргандингиз... Бир неча кун шу туш таъсирида карахт бўлиб юрдим.

Сизни ўшандада машинада кўрдим-у, донг қотиб қолдим. Бу қанақаси! Инсон қачондир кўриши мумкин бўлган нотаниш кишини анча аввал тушида кўриши... бу жумбоқни ҳалигача ечолмайман...

Кейин... ўша Ватан ҳақидаги маҳзун қўшиқ бизни янада яқинлаштируди. Рост, бу қўшиқни телефоним хотирасидан топиб олишиса, қаттиқ жазолашлари муқаррар эди. Мен уни сиз билан гаплашишимдан бир неча соат илгари Амир қароргоҳида, вай-фай ўрнатилган ҳудудда яширинча юклаб олган, бирор хилватроқ ерда эшишиб бўлиб, кейин ўчириб ташламоқчи эдим. Шундан сўнг мени ортга, Абу Жаъфарнинг қароргоҳини қўриқлашга юборишди. Айтиши керакки, бу қароргоҳ шаҳарнинг энг чекка ва нисбатан тинч, сокин ҳудудларидан бири.

...Ўша дамда кўчада бирор кўринмасди. Аммо деворда тирқиши борлигини, у орқали сиз билан сўзлаша олишимни тасаввуримга ҳам сидиролмасдим.

Ўшандадан «бу қўшиқни эшишишга ҳаққим бор деб ўйлайсизми?» деб сўрагандингиз. Ҳаққим

йўқ әди. Лекин ҳар гал Ватан сўзини эшиштсам титраб кетардим. Нима десангиз денг, мен ўз Ватанимни бари бир яхши кўраман! Лекин, Яратганинг ихтиёрига ҳам қарши боролмайман...

Ўшанда ҳам икки ўт орасида эдим. Ҳозир ҳам...

Нега бу ҳақда энди оғиз очаётганимдан ажабланяпсизми? Чунки сиз билан энди ҳеч қачон кўришолмаймиз. Гаплаша олмаймиз. Саноқли соатлардан сўнг мен жисман йўқликка айланаман. Мени Ливанга, пойтахт Байрутга юборишяпти. У ердаги марказий черковга кириб, насронийларнинг якшанба ибодати чогида ўз-ўзимни портлатишум керак экан. Билмадим, шу билан Яратганинг розилигини топармикинман?

Йўқ, мен ўлимдан қўрқаётганим йўқ. Ҳаммамиз эртами-кечми бу дунёни тарқ этамиз. Аммо мен ўз ҳаётимни жуда арzonга баҳоламадимми, деб қўрқяпман. Ўзим билан бирга бир нечта насроний диндорларни ҳам нариги дунёга олиб кетаман. Хўш, улар чиндан ҳам шу жазога лойиқмикан? Лоақал мен билан бирга улар ҳам жаннатга тушишармикин?

Бутун вужудимни шубҳа-гумонлар эгаллаб олган. Лекин ортга йўл йўқ. Мен бу «давлат» ҳудудидан чиқиб кетиб, фикримдан қайтиб қолишимдан қўрқшишгани учун Абу Жаъфар «онангни ҳам ўйла» деб писанда қилди. Биз тарафларда унинг одамлари йўқлигига ким кафолат беради? Аслида бу томонларга онамнинг орзуларини амалга ошириши мақсадида келиб қолгандим. Энди онамнинг ҳаётини хавф остига қўйёлмайман.

Маҳзуна!

Мен бу ҳаётни тарқ этаётганим учун эмас, Сиздан жудо бўлаётганим учунгина таассуфдаман. Белимдаги шаҳидлик камарини ҳаракатга келтирган пайтимда ҳам кўз ўнгимда турсангиз

керақ. Парчаланиб кетсам кераг-а? Ўлим мени қийнамасдан, тезгина ўз багрига олармикин?

Мен бошқа бир инсоннинг никоҳидаги аёлни севиб гуноҳ содир этганимни биламан. Балки бу ҳаракатим билан ана шу гуноҳимни юварман? Лекин яна бир қўрқув бор: балки ўз-ўзимни ўлдириб, қаттиқ хатога қўл урарман? Ўзи шу тахлит шаҳид бўлиш Яратганинг ҳукми илоҳийсига тўйгри келармикин? Билмадим, билолмадим...

Хуллас, нима бўлса бўлди. Менинг тақдирим ҳал этилган. Сиз ўзингизни эҳтиёт қилинг. Эҳтимолки, мени бу ажал комига юборишмаганида, қалбимдаги муҳаббат ҳам абадий сир бўлиб қолармиди...

Ношукурлик гуноҳ дейдилар. Лекин бари бир гоҳида ўз қисматимдан нолиб қўяман. Нега тақдир биз иккимизни ўз Ватанимизда, юзлаб йигит-қизлар қатори қайсиdir университетда, аудиторияда, бирор ўқув семинарида, лоақал ўз юртимизнинг бозор-ўчарида учраштирумади!

Балки хомхаёлларга берилаётгандирман? Балки мен билан самимий мулоқотингизни, бегуборлигинизни сушистеъмол қилиб, ўзимча ширин хаёлларга берилаётгандирман? Агар шундай бўлса, бу гапларимни ўқимадим, деб тасаввур қиласиз...

Маҳзуна, биламан, Сиз мендан кўра узокроқ яшайсиз! Марҳумларга тириклардан етадигани фақат дуо дейшишади. Илтимос, мени ҳам гоҳ-гоҳида бир калима Қуръон билан эслаб, Аллоҳнинг раҳматини тилаб туринг. Тақдир йўл очиб, Ватанга бориб қолсангиз, унинг тупрогини менинг номидан ҳам тавоғ қилинг, кўзларингизга суртинг.

Билмадим, эҳтимол, юртимда менинг номим аллақачон хоинлар ва сотқинлар рўйхатига тушгандир? Лекин бари бир мени хоин деб аташлари ни истамасдим. Зотан, мен ўз ватанимга қарши

ҳатто битта ўқ отилиишини ҳам хоҳламаганман. Ўқиб, ўрганиб, унинг равнақига ҳисса қўшадиган инсон бўлишини орзу қилгандим. Аммо тақдир мени бошқа манзилга йўллаган экан.

Маҳзуна!

Сиздан илтимос, бу мактубни ўқиганингиз ҳамоно ёқиб ташланг. Абу Жаъфарнинг қўлига тушиб, бошингиз балоларга қолмасин.

Агар гапларим Сизга оғир ботган бўлса, гуноҳимдан ўтинг! Менга бўлган муносабатингиз қанақалигидан қатъи назар, сизни севишишмни яна бир бор таъкидлаб, Сизни Яратганинг паноҳига топшираман.

Алвидо Маҳзуна!..»

Ҳа ҳозир ҳам бу мактубдаги ҳар бир мисра, ҳар бир сўз ва ҳарф кўз ўнгимда жимирилаб турибди. Чунки ўшандан бери бу мактубни ўнлаб, юзлаб ма-ротаба ўқиб чиқдим. Ҳозир ҳам кўзимни юмиб бу хатни ёддан ўқиб беришим мумкин...

Орадан ойлар ўтиб, бу хатни илк бор ўқиб чиққан дамларимни кўз олдимга келтиарканман, ўша ондаги ҳолатимни сўз билан ифодалаб беролмайман. Ҳам ҳаяжон, ҳам қувонч, ҳам қайғу, ҳам даҳшат, ҳам изтироб... Барча-барчаси бир оннинг ичида муштдеккина юрагимни ўз измига олган, хатни ўқирканман, дам-бадам кўз ёшлиларим киприкларимга парда боғлаб, ҳарфлар чаплашиб кетар, ҳар бир жумланинг моҳияти онгимни ёриб кирганида вужудим ток ургандек сесканар, лабларим пирпиар, чамаси бутун дунё ва ундаги бор нарсаларни буткул эсимдан чиқаргандим.

Демак, мен қанчалик севсам, у ҳам мендан кам севмаган экан. Мен кўрган эҳтиросли тушлар унинг ҳам оромини ўғирлаган экан. Энг даҳшатлиси, мен унинг қалбидаги сирлардан огоҳ бўлган ушбу лаҳзаларда унинг ўзи...

Ихтиёrimни қўлдан берганча, бошимга чодрамни ташлашни ҳам унутиб, кўчага отилдим. Дарвозанинг илгагини тушириб, ташқарига чиқишим билан араб қўриқчининг бадқовоқ башарасига тўқнаш келдим.

– Тўхтанг, қаёқقا, синглим?

«Катта холангникига, башаранг қурсин, тўнка!»

Бу гапни нафақат ичимда, ташимда айтганимда ҳам ҳеч балони тушунмасди, албатта. Ҳарқалай, у мени бир қадам ҳам кўчага чиқармаслигини билардим. Қолаверса, бошяланг, оёқяланг ортидан юрганим билан нима ҳам қила олардим. Фаррух шундай йўл тутишимни оддиндан билгани учун хатни ярим соат кейин ўқиб чиқишимни сўраган экан.

Агар ўша заҳоти ўқиб чиққанимда ортидан югуриб чиқиб бўйнига осилиб дод солишим ҳеч гап эмасди. Ана унда... билмадим кейин нима бўларди... Ҳозир ҳам эсимни йифмасам, сирим очилиб қолиши ҳеч гап эмас.

Кўриқчининг ҳайратдан бақрайиб қолган афтига бир зум телбавор қараб қолдим-да, индамай хонамга юурдим. Ўзимни ётоқقا отганча ҳўнграб юбордим.

– Фаррух! Нима қилиб қўйдингиз, жоним! Нега шу ҳақда олдинроқ айтмадингиз? Майли, мени тошбўрон қиласалар ҳам, баданимни тилка-пора этишса ҳам, сиз билан бу худо қарғаган макондан қочиб кетмасмидим? Наҳотки, шу фитналарга осонгина учеб, ўз жонингизни увол қиляпсиз? Наҳотки, ўз жонига қасд қилган инсон Яратганинг раҳматидан бебаҳра қолишини билмадингиз? Наҳотки, шу йўл билан Унинг розилигига эришаман деб ўйладингиз? Битта сиз ўзингизни портлатишингиз билан дунё ўзгариб қолмаслигини наҳотки, ўйламадингиз? Ахир сиз ўзингиз би-

лан яна қанчадан-қанча бегуноҳ инсонлар ҳаётига зомин бўласиз-ку!

Бу гапларни овоз чиқариб айтдимми, хаёлимдами, ҳозир ҳам аниқ билмайман. Аммо қўйқисдан юз берган бу ҳодиса хиёл изга туша бошлаган ҳаётимни остин-устун қилиб юборганди.

Балки ҳали у Раққадан чиқиб кетмагандир. Аммо уни энди бу йўлдан ҳеч ким, ҳеч нарса қайтариб қололмаслиги аниқ. Лоақал телефон рақамини билганимда эди, ҳозироқ телефон қилиб, уни аҳдидан қайтаришни ўтиниб сўраган, ҳеч бўлмагандা унинг муҳаббати жавобсиз эмаслигини билдириб қўйган бўларди. Бечора! Шу биргина дил изҳорини ёзишга шунча истиҳола қилибди. Агар менинг қалбимдаги тутёнлардан, юрагимни беаёв ўртаётган ишқ алангасидан хабар топганида эди...

Ўтаётган ҳар бир дақиқа ҳар иккимиз учун машъум дамларни яқинлаштироқда эди. Байрутга қачон етиб бораркин? «Якшанба ибодати чогида» дедими? Бугун шанба! Демак, эртага! Қанийди қушга айланиб қолсаму, унинг ортидан парвоз қилсан! У ўзини портлатаётганда мен ҳам унинг бағрига ўзимни урсам-да, бу шафқатсиз дунёни у билан бирга тарқ этсан...

Ўша оқшом Абу Жаъфар ҳам келмади. Балки у ҳам ўзини қурбон қилгани кетгандир? Ёки Фаррухдан олдинроқ «шахидлик» саодатига эришмоқчи бўлиб, Байрутга ўзи отландимикин? Қанийди шундоқ бўлса? Йўқ, Абу Жаъфар осонликча жон таслим қиласидиганлардан эмас. Хуршида опа айтганидек, унга ўхшаганлар шу дунёда ўзлари учун жаннатдагидек шароитларни яратиб олишган. Пул, айш-ишрат, ўн олтига тўлмаган бокира қизлар, қувғиндилар ва «душманлар»дан «ғанимат» қилинган беҳисоб бойликлар... Қайси аҳмоқ буларнинг барини ордона қолдиради! Ёки улар нариги

дунёда аламли азоб билан тўқнаш келишларини ўйлаб, шу дунёнинг ўзида майшат ичида яшашни ўйлашар. Унда нега эндиғина тузоқларига илинган фўр, тажрибасиз йигит-қизларни мудҳиш ажал комига улоқтириб, ўзлари ялло қилиб юраверишади?

Тонггача мижжа қоқмадим. Кўзимни юмдим дегунча Фаррухнинг самимий чеҳрасини, хиёл андиша билан чимирилган қошлари, қимтилган лаблари, қизларнидек қалин киприкларини (ҳатто менда ҳам йўқ бунақаси) кўргандек бўламан.

Эҳ, Фаррух, Фаррух! Тентак! Нодон! Шунчалик осон чув тушдингми, ярамас! «Онангни ҳаёти менинг қўлимда» деган гапларга чиппа-чин ишондингми? Ахир онанг Сурия ё Ироқда эмас, менин сарҳадлар билан ўралган, тинч-осойишта бир мамлакатда яшашини, у ерда бекорга бирорнинг бурнини қонатиш ҳам жавобгарликка сабаб бўлишини ўйламадингми?

Гоҳида Фаррух кўзимга шу даражада уқувсиз, беақл, жоҳил бўлиб кўринар, ҳатто ундан нафратланиб кетардим. Ҳа, ўзимга ўзим тушунмай қолгандим. Бир уни эслаб юрагим жаздек куйса, гоҳида ўзим тушунмаган ҳолатда дунёни ларзага солиб қаҳ-қаҳ отгим келарди. Ҳа, телба бўлаёзгандим.

Бахтга қарши Абу Жаъфар эртаси куни пайдо бўлиб қолди. Назаримда унинг кайфи чоғ, ҳатто кўзимга хийла ширақайфдек кўринди. Тўғри, бу «давлат»да ичкилик учун ҳамманинг олдида дарралаб уришади. Аммо Абу Жаъфар бу «давлат»нинг кўзга кўринган амалдорларидан бири. Унга чекланмаган ҳуқуқ берилган. Ахир юзлаб бегуноҳларнинг бошини кесиб, норасидаларни ваҳшиёна зўрлаш олдида бир коса май сипқариш гуноҳ бўлтими?

Мендаги ўзгаришни у ҳам бир кўришда пайқади:

– Ҳа нега қовоғингдан қор ёғяпти? – деди юмшоқ креслога миқтى гавдасини ташларкан. – Мен еб сен қуруқ қолдингми? Кел, оёғимни уқала!

Шу пайтгача унинг башарасига тузукроқ қарамаган эканман. Одам дегани ҳам шунчалик күримсиз, бесўнақай бўларкан-да. Бир йилча илгари кимдир менга шу барзангининг суратини кўрсатиб, «бу сенинг бўлажак эринг» деса ё ҳушимни йўқотар, ё ўша одамнинг сочини битталаб юлардим. Энди эса, мен унинг хокисор, мутеъ завжасиман. Ҳар қандай истагини сўзсиз бажаришга маҳкумман.

Унинг йўғон, жундор оёқларини уқалаяпман-у, беихтиёр шўрлик отам кўз олдимга келяпти. Отам кўчадан ҳориб чарчаб келса-да, бирон марта «қизим, оёғимни уқалаб қўй» деганини эслолмайман. Энди эса...

– Нега афтингни буриштирасан? – ўшқирди Абу Жаъфар. – Ношукур банд! Ҳозир бу мамлакатда кўчадан бир бурда нон топиб келишнинг ўзи азоб бўлиб турган бир пайтда еганинг олдингда, емаганинг орtingда! Ҳаётинг хавф остида эмас. Тиш-тирноғигача қуроллаган аскарларим тинчингни қўриқлашади. Ҳар куни Раққага Америкадан, Канададан, Австралиядан мендек мужоҳидлар учун ўз танини баҳш этишни истаган гулдек қизлар келяпти. Сен эса, кимсан Абу Жаъфар Узбакийнинг шаръий завжасисан. Буларнинг барчаси учун оёғимни уқалаш эмас, ўшишинг керак! Тушундингми?

Унинг жарангдор овозидан уй деворлари ҳам зириллаб кетгандек бўлди.

– Ҳар куни сенга ўхшаган қанча-қанча қизлар ёш жонини муқаддас «мамлакатимиз»нинг кенгайиши, динимиз ролиб бўлиши учун фидо қил-

япти, шаҳид бўляпти. Сенга ўхшаб еб, ичиб юмалаб ётгани йўқ.

«Миннатли нонинг бошингда қолсин! Кошки бундан кўра заҳар ютсан эди».

– Омадинг бор экан! – деди Абу Жаъфар керишиб. – Айт, бундан ортиқ нима керак сенга? Ҳатто қўлингни совуқ сувга ҳам урмаяпсан. Жориялар хизматингда шай турибди.

«Кошки уларни менга хизмат қилиши учун сотиб олган бўлсанг! Улар сенинг жирканч нафсингни қондириш учун бу уйга келтирилмаганми?»

– Сен бўлсанг, ҳатто тўшакдаги вазифангни ҳам қойиллатиб бажармайсан! – шикоятда давом этди Абу Жаъфар. – Ҳа, айтганча, бугун анави язидий қизни бир қўлдан ўтказмоқчиман, нима дейсан?

Мен индамай елка қисдим. Менга деса ўлиб кетмайдими. Лекин бечора Товусга ачинаман! Шўрликнинг бошига нима кунларни соларкин-а?! У билан кечган илк азобли оқшомни эслаб, этим жунжикиб кетди.

Абу Жаъфар негадир мени четга суриб, шаҳд билан ўрнидан турди. Чамаси, ҳозир тилидан учган сўзлар унинг шаҳвоний ҳисларини уйғотиб, қўнглидан кечган истак қатъий қарор тусини олганди.

Аввал деворда осилган ойнага қараб, соч-соқолини эпақага келтира бошлади. Зум ўтмай хонани мушк-анбарнинг ширин, аммо бўғиқ ҳиди тутиб кетди. Тавба, нимасини кўзгуга соларкин? Ўзи маймундан фарқ қилмаса... Ўзича ўша язидий қизга чиройли кўринмоқчими? Юсуфнинг ҳусни бўлганда ҳам, Товус унга меҳр кўзи билан қарамаган бўларди. У шўрлик менга ўхшаб юрагини аллақачон бошқа бировга топшириб қўйган.

Мен индамай, ётогимга кирдим-у, ўзимни каравотга ташладим...

Бугун якшанба! Фаррух аллақачон Байрутда тे-
ракт содир этиб, ўзини ўзи қурбон қилгандир? Ўзи
ўйлагандек танаси бўлакларга бўлиниб, ҳар ёқса
сочилиб кетдимикин? Биргина қўл-оёғи чандиб
боғланган язидий чолни ўдиришга кўзи қийма-
ган, юзлаб насронийлар ибодат қилаётган черков-
ни қандай портлатди экан?..

Орадан қанча фурсат ўтганини билмайман.
Бир пайт эшик шаҳд билан очилди. Мен ҳам илкис
ўрнимдан турдим. Бўсаға Абу Жаъфар қўлида...
Фаррухнинг мактубини тутиб туардиган.

– Агар гапларим Сизга оғир ботган бўлса, гу-
ноҳимдан ўтинг! Сизнинг менга бўлган муносаба-
тингиз қанақалигидан қатъни назар, сизни севи-
шимни яна бир бор таъкидлаб, Сизнинг Яратган-
нинг паноҳига топшираман.

Ҳа, у Фаррухнинг ўлим олдидан менга битган
номасини ҳижжалаб, қўпол ва хунук овозда ўқи-
ётган эди. Мен эса қандай хатога йўл қўйганимни
англаб титраб кетдим.

Фаррух бу хатни ўқишим билан йиртиб ташлаш-
ни айтганди-я! Мен ахмоқ... Келиб-келиб жой қу-
ригандек бу хатни ойнанинг орқасига бекитиб
қўйибман. Агар хатнинг бир уни чиқиб турган бўл-
са, боя кўриб қолган-у...

– Нима бу? – сўради паст, аммо таҳдииди овоз-
да. – Ҳали менинг қўриқчим билан дон олишиб юр-
ганмидинг, фоҳиша!

– Мен фоҳишамасман! – юзимга шапалоқдек
урилган ҳақорат зарбига чидағ туролмадим. – У
менга қўлинин ҳам теккизгани йўқ.

Ҳозир бошланади! Худди «сир»им фош бўлган
кундағидек, мени аёвсиз калтаклайди. Бу гал
унинг чангалидан омон чиқмаслигим аниқ.

Лекин унинг баджаҳл башарасига қараб, нияти
бошқачароқ эканини тушундим.

– Бари бир, у билан яширинча гаплашиб, ҳиринглашиб юргансан, – шундай дея у қўлидағи хатни бурнимнинг тагига келтириб силкитди.
– Кейин у сени севиб қолган, тўғрими? Балки сен ҳам...

«Ҳа мен ҳам уни севардим, лекин минг афсуски, буни ўзига айтмабман. Агар у тирилиб келганида ҳозироқ ўзимни унинг оёғига ташлаб, севги изҳор этардим...»

Бу менинг дилимдан ўтган жавоб, холос, тилимда эса, бошқа гаплар айланди.

– Нима десангиз денг, – дедим негадир оёқ-қўлим қалтираб. – Мен ҳеч бир гуноҳга қўл урмадим. Хатда ҳаммаси ёзилган-ку!

– Бари бир кўзингни сузгандирсан, у ҳам шунаقا беибо нарсаларни сенга ёзибди. Бу итваччанинг хатини аввалроқ топиб олганимда, ўзим нимталаб ташлардим. Ҳа, майли, ҳали бу масалада сен билан алоҳида гаплашамиз. Керак бўлса, ҳаммасини қозининг олдида ҳал қиласмиш. Менинг нижоҳимдаги аёл бошқа бирор билан севишиб юрармиш-да, мен индамай кетаверармишманми? Ҳали шошма, манжалалақи! Бу қилмишинг учун тошбўрон қилдирмасамми?

Мана, гап қаёқда! У мени ўз қўли билан эмас, «давлат»ининг қонун-қоидалари асосида, ҳамманинг кўз ўнгига суюқоёқ хотин сифатида шармандаларча қатл эттиromoқчи! Шунинг учун ҳам менга қўл кўтармаётган экан-да?

– Ҳақингиз йўқ, – дедим бўғилиб. – Нима билан исботлайсиз!

– Исбот? – Абу Жаъфарнинг оғзидан сачраган тупук юзимга урилиб, ижирганиб кетдим. – Мана исбот! Агар бу етарли бўлмаса бир оғиз қасам кифоя!

У ётоқ эшигини қарсиллатиб ёпди-да, гурс-гурс қадам босганича ташқарига отилади.

Тамом! Энди ўлишим аниқ. У менинг бегуноҳдигимга қараб ўтирмайды. Қолаверса, унинг қўлидан ҳар қандай пасткашлик келади.

Беихтиёр бу «мамлакатга келган кунимнинг эртасига кўрганим – «ибрат дарси» кўз ўнгимда жонланди. Ўз эрига хиёнатда айбланиб, ўлимга ҳукм қилинган ёшгина жувоннинг қатл манзарасини кўриб ҳушимдан айрилгандим. Ким билсин, балки ўшанда ҳомиладорлик ҳам таъсир қилгандир. Энди эса, ўзим маҳкум этиламан. Ахир бу ерда аёлнинг ҳақ-хуқуқларини ким ҳам ҳимоя қиласар, унинг оҳузорини қайси мард эшитиб ўтиради дейсиз?

Тавба! Нега бунча қалтирамасам? Жон шунчалик ширин нарса эканми? Ўлимим аниқ экан, нега унинг юзига тик қараб «ҳа, мен уни севардим, сен унинг тирногига ҳам арзимайсан» демаяпман? Бу ерда яшаб нима қиласман ўзи? Фақат Фаррухнинг борлиги мени яшашга ундарди, холос. Энди ўлмидан титрашга не ҳожат? Ахир мен тез орада унинг ёнида бўламан! Балки бу дунёда унинг муҳаббатини қалбимда пинҳон тутганим учун Аллоҳим нариги дунёга бизни қовуштирас.

Инсон ўлими яқинлигини сезгач, ҳаёт қадрини янада чуқурроқ англар экан. Наҳотки, шу қабоҳат ва жаҳолат диёрида итдек хор бўлиб ўлсам? Абу Жаъфарнинг гаплари шунчаки пўписа эмас. Шу пайтгача қанча-қанча одамларнинг ёстигини қуритган чоғда юраги жиз этмаган одам менга раҳм қиласмиди? Мени тошбўрон қилган куннинг ўзида юз-икки юз долларга бирорта жорияни сотиб олади ёки ўз ихтиёри билан ўзини қафасга урган тентак «қушча»лардан бирортасига уйланади.

Наҳотки, ўлимим олдидан ойижонимни, ўз юртимни кўра олмасам? Аслида бу саволни ўз-ўзимга бериш имконим ким? Бу савдоларни ўз бошимга орттирган ўзимман-ку. Ўзим пиширган ошни ай-

ланиб ҳам, ўргилиб ҳам ичаман-да энди. Фақат алам қиласиган битта ифвогар, ғаламис, номард эрнинг ёлғон қасами билан мени бир бузуқ, зинокор аёл сифатида ўлдиришади.

Тавба бу қандайин номардлик, ҳақсизлик бўлди. Ўнлаб норасидаларни булгаган, не-не муслималарни номусига теккан, бегуноҳ инсонлар қонига зомин бўлган бир кимса жабрдийда бўлса-ю, Аллоҳдан қўрқиб нокас эрнинг жабру жафосига сабр қилган, ҳатто ўз муҳаббатини ҳам айтишга журъат этмаган аёл фоҳиша ҳукмида ўлдирилса...

Йўқ! Аллоҳ меҳрибон ва раҳмли зот! У мазлумлар оҳини албатта эшигади. Хоссатан, мендек бир осий, аммо муштипар бандасининг жувонмарг бўлишига йўл қўймас. Бу дунёда бўлмаса, у дунёда мени ёrlақар! Ахир менинг поклигим Унинг ўзига маълум-ку!

Қолаверса, мен бу машғум маконни ташлаб, Фаррухнинг ортидан йўл оламан. Майли, бу ақидапарастлар мен ҳақимда ўzlари истаганча ҳукм чиқарсинглар, тошбўрон қилсинглар, баданимни тилка-пора қилсинглар! Финг демайман! Бошимни тик тутиб жон бераман.

Ахир бу дунёда фақат мана шу бир тўда адашган бандалардангина иборат эмас. Менинг хоинона қатлим ҳали дунёни ларзага солади! Балки мен ҳақимда асарлар битилар, фильмлар суратга олинар! Ўша фильмларни онажоним ҳам кўрар, тентак, ақлсиз, аммо ноҳақдикка тик боқиб жон берган қизининг ўлимидан аччиқ кўз ёш тўкар... Фақат мени ўз юртимда бир ватанфуруш, сотқин, террорчи сифатида билишмаса бўлди...

Алламаҳалгача ўзимни баландпарвоз хаёллар билан овутиб ётдим. Ахир сени нима кутаётганидан қатъи назар, вақт ўтаверади. Умримнинг

сўнгги лаҳзаларини бадбин хаёллар билан эмас, хотиржам, осуда кечиришга ҳақим бор-ку!

Дафъатан ташқари эшикнинг ланг очилгани хаёлимни бўлди. Уйинг куйгур Абу Жаъфар қайтиб келди чоғи! Шўрлик Товуснинг бошига нима кунларни солдийкин? Бояги хат бўйича ҳали менга қўлини ҳам теккизмади. Ё энди келиб аламини олармикин. Бари бир эртага тошларнинг тагида қолиб жон беради, деб мени тинч қўйса керак, яна ким билсан! Ўладиган ҳўқиз болтадан тоймас, дердилар бувим. Майли келаверсин, Фаррухни севганимни, унинг учун ўлаётганимдан баҳтиёр эканимни айтаман. Фазабдан, ҳасаддан куйиб ўлсин!

– Маҳзуна!

Сапчиб турдим! Ахир бу... Товуснинг овози-ку!

Ётоқдан нариги хонага чиқдим. Бўсағада киимлари қонга беланган Товус чўк тушганча даҳшатдан олайган кўзларини менга тикиб турарди:

Унинг олдига югардим. «Нима қилди сенга, қани ўзи?» сўрадим ундан русчалаб.

– У... йўқ... – деди заиф товушда кўзини бир нуқтага тикиб Товус. – У... мени бадном қилишига йўл қўймадим. Ёстиғимнинг тагига яшириб қўйган пичноқни олдим-да, нақ юрагига санчдим.

Даҳшатдан тош бўлиб қолгандим. Бу қизнинг эси оғиб қолмадимикин?

– Товус, нималар деяпсан?

– У менинг отамни, акаларимни ўлдирганди...

Мен ундан ўч олдим.

– Нима қилиб қўйдинг? – беихтиёр мен ҳам унинг қаршисида чўйкаладим. – Сени эртага минг бир қийноқقا солиб ўлдиришларини биласанми?

– Улгуришолмайди, – Товуснинг лаблари аранг гапга қовушар, назаримда унинг кўзларидағи нур сўниб борарди. – Мен ҳозир... ўламан.

Шунда эътибор қилдим: тунги кўйлагининг кенг енгларидан чиқиб турган билакларидан силқиган қон этакларини ҳам жиққа ивитган, қалин паргиламлар қатига ҳам қон сингиб борарди. «Томирини қирқибди» – бу фикр миямга чақмоқдек урилди.

– Аҳмоқ, бу нима қилганинг, – шартта қозикда илинган рўмollардан бирини олиб, жароҳатнинг тепа қисмидан боғлаб, қонни тўхтатмоқчи эдим, у соғ қўлини беҳол кўтариб, «керакмас» дегандек ишора қилди:

– Ўзинг айтдинг-ку, мени бари бир қийнаб ўлдиришади, ундан кўра...

Хўнграб юбордим. Кўз ўнгимда ўн етти ёшли гулдек қиз жон таслим қилмоқда эди. Шу чоқ унинг эсига нимадир тушди. Оҳиста бўйнидаги қуёш ва товус шакли акс этган медальонни олиб менга узатди.

– Буни... унашилган йигитим ҳадя қилувди. Менга насиб қилмаган экан. Ол, бўйнингга тақиб ол, у мендан сенга эсадалик бўлиб қолсин...

Унинг мен томонга узанган қўлидан медальонни олишим билан Товуснинг боши бир тарафга шилқ этиб, оғиб тушди.

– Товус!

Унинг жонсиз вужудини бағримга босиб ҳўнг-ҳўнг үйифлар, қизнинг қорамағиз, тиниқ юзларида, тим-қора кўзларида аллақандай нурли табассум қотиб қолганди.

Шу ҳолатда қанча турдим – билайман. Ҳушимни тўплашим билан энди нима қилиш ҳақида ўйлай бошладим. Ахир бу ҳодисадан кимнидир хабардор қилиш керак-ку! Биринчи хаёлимга келгани Хуршида опа бўлди. Унинг телефон рақамини қаерга қўйгандим-а? Ҳа, мана, нимчамнинг чўнтағида турган экан. Лекин телефонни қаердан топаман?

Бу уйда телефон фақат қўриқчиларда ва Абу Жаъ-фарнинг ўзида бўларди.

Бояги араб қўриқчига айтсаммикин? Йўқ, олдин Хуршида опа билан маслаҳат қилишим керак. Бу «давлат»да шу опадан бошқа бирор яқиним қолмади.

Оёғимни қўлимга олиб, ҳовлининг нариги тарафига, жориялар хонасига югурдим. Бу хонага Товус келтирилганидан кейин тез-тез кириб турадиган бўлувдим. Даҳлизда алавий қиз Надва ранги бўздек оқариб, қунишибгина ўтиради. Бечора қиз! Қотилликни ўз қўзи билан кўрдимикин ё кейин уйгониб кетдимикин? Уни тергов қилиб ўтирадиган пайт эмасди. Бари бир гапига тушунмайман-ку.

Шоша-пиша ичкарига кирдим. Мана у! Абу Жаъ-фарнинг яланғоч танаси ерда, гилам устида ётар, унинг дунёга тўймаган ҳарис кўзлари бақрайганча бир нуқтада қотиб қолган, хийла қийшайиб қолган оғзининг бир четидан қон сизар, чап қўксидаги жароҳатдан ҳам ҳамон қон силқирди. Назаримда у тирикдек, ҳозироқ сапчиб туриб, ёқамга чанг соладигандек, «мени икковинг тил бириктириб ўлдирмоқчи бўлдинг-а» дея гиппа бўғадигандек эди. Ордона қолган телефони қани энди? Мана экан, ерда ётиби.

Сўнгги нусхадаги «айфон» экранига бармоқла-римни юргизиб қоғоз парчасида кўрсатилган рақамларни тердим. Зум ўтмай, Хуршида опанинг таниш, хийла мудроқ овози эшитилди:

- Ассалому алайкум...
- Хуршида опа, бу мен! – дедим қўрқа-писа. – Тез бизникига кела оласизми?
- Маҳзуна? Тинчликми? – чамаси бирпасда опанинг мудроғи ҳам тарқаб кетганди.

– Опа, тез келинг! Ҳалиги.. Абу Жаъфар... Товус уни ўлдириб қўйибди.

– Жим! Ҳозир ўғлим билан етиб борамиз, – опа шундай дея телефонни ўчирди.

Жориялар хонасидан чиқарканман, сўнгги бор Абу Жаъфарнинг қийшайиб ётган яланғоч мурда-сига тикилдим. Шу пайтгача бу кимса не-не бегу-ноҳларнинг қонини тўкмади, ким-кимларни қон қақшатмади. Энди эса, ўн етти яшар бир ожиза-нинг қўлида шармандали ўлим топиб ўтирибди. Негадир... кўнглим бўшаб кетгандек бўлди.

Ховлига чиқдим. Осмонда битта ҳам юлдуз кўринмайди. Атроф зимистон. Фавқулодда жим-житлик. Ҳатто туни билан тинмайдиган пулемёт-ларнинг ҳам уни ўчган.

Орадан чорак соатлар ўтиб, уй олдида машина овози эшитилди. Дарвоза очилиб, аввал араб қўриқчи, кейин Хуршида опа, унинг ортидан опа-нинг ўғли Махтумқули кириб келди.

Қисқа салом-аликдан сўнг уларга вазиятни ту-шунтириб, Абу Жаъфар мурдасининг жориялар хонасида ётганини айтдим. Махтумқули қўриқчи-га эргашиб ўша томонга, Хуршида опа мен билан бизнинг хонамизга йўналди.

Бўсафада бечора Товуснинг жонсиз, нозикки-на гавдаси чўзилиб ётарди. Хуршида опа негадир эгилиб, қизнинг кўзларини йириб қаради. Кейин бош чайқаб, юзига фотиҳа тортиди.

– Бир кунмас бир кун шунаقا бўлишини би-лардим, – деди опа ҳоргин уҳ тортганча, курсига ўтираркан. – Мазлумларнинг оҳи у қайси динга эътиқод қилишшадан қатъи назар, Яратганга етиб боради. Икки кун олдин худди шундай бир воқеани эшигандим. Шунга ўҳшаган битта қиз мужоҳид-лар армияси қўмондонлардан бирининг тўппонча-сини тортиб олиб, уни отиб ташлаган эди. Энди

бу... Ҳозир язидийларнинг қизлари ҳам қўлига қурол олиб, жангариларга қарши курашяпти. – Опа бир оз жим туриб, илова қилди. – Тинчгина яшаб юрган халқни қириб, катта хато қилишди.

– Унинг билагини боғлаб, ҳаётни сақдаб қолмоқчи эдим. Лекин...

– Унинг бошқа чораси йўқ эди, – опанинг ҳорғин нигоҳи қизнинг синиқ табассум қотиб қолган мунис чеҳрасига қадалди. – Яратган уни ҳам ўз раҳматига олган бўлсин! – кейин менга ўгирилди. – Энди сен нима қилмоқчисан?

Аслида бу саволга жавоб топиш учун ҳам опага қўнғироқ қилиб чақиргандим. Чиндан ҳам... энди нима қиласман? Энг ёмони...

Фаррух ёзган хатни эсимдан чиқарибман-ку! Ахир Абу Жаъфар айнан шу хатни далил қилиб, мени шариат судига топширмоқчи бўлганди. У хатни кимдир топиб олса...

Бу пайтда ҳовлига яна уч-тўрт нафар қуролли жангари кириб келган, чамаси қўриқчи бу уйда юз берган хунрезлик ҳақида тегишли жойга хабар қиласманди. Хуршида опа қия очиқ турган эшиқдан бир қараб қўйди-да, кўрсаткич бармогини лабларига босиб пичирлади:

– Шариат полицияси ходимлари.

Жонҳолатда ўша тарафга ошиққанимда Хуршида опа билагимдан тортди:

– Қаёққа? Тинчликми?

Мен опа Фаррухнинг туйнуқда хат қистириб кетганидан тортиб, кеча тунда юз берган воқеаларгача опага гапириб берганимда, Хуршида опанинг кўзларида чақнаган қўрқув ва даҳшат ифодасини кўриб, юрагимдаги ваҳима янада ортди:

– Эсингни едингми? Хатни ўқиганинг заҳоти нега йўқ қиласминг?

– Фаррухнинг ўзи ҳам шунаقا деб ёзганди, – бoshимни қуий солдим. – Лекин...

– Бу хатни энди қидириш бефойда, – қатъий бош чайқади опа. – Бизни чақирмасдан олдин қараб кўришинг керак эди. У хонага полициячилар кириб бўлишди.

Дафъатан яна бутун борлигимни қўрқув, даҳшат эгаллади.

– Агар улар хатни топиб олишса нима бўлади?

– Яратганинг ўзи асрасин! Улардан ҳар нарсанни кутиш мумкин. Хатни таржима қилиб, ўрганиб чиқишиади. У ерда сенинг номинг тилга олинган, тўғрими?

– Лекин биз Фаррух билан бирор ножӯя иш қилмаганиз, – худди шариат қозисининг олдида тургандек қақшаб опага тушунтиришга уриндим.

– Абу Жаъфарнинг ўлими билан бу хатининг ҳеч қандай алоқадорлиги йўқ-ку!

– Маҳзуна, мен сенга ишонаман, лекин улар... Балки хатни топиб олишмас. Ёки сенга ҳеч қандай зиёни тегмас. Лекин бари бир бу ерда қолишнинг ўзи катта хавф-хатар. Агар бўйингда бўлмаса, кўп ўтмай сени бошқа бирорта мужоҳидга никоҳлаб беришиади. Яна эски ҳаммом, эски тос. Мен ўғлим билан бир маслаҳатлашиб кўраман. Бирор чорасини топармиз.

Бўйимда бўлмаса?.. Биринчи гумонам нобуд бўлгач, «энди бошқа фарзанд кўролмасам-а?» деган қўрқув кўнглимга қаттиқ ўрнашиб қолганди. Гарчи Абу Жаъфардан бола кўришни истамасам-да, тўрт ойдан бери «янгиликдан» дарак бўлмаётгани ичимдаги ана ўша хавотир пилигини баландлатарди. Энди эса, яна «ишқилиб бўйимда бўлмасин» деб худодан сўраб турибман.

...Тақдир фидираги кутилмаган томонга айланаб кетиши менинг қисматимга қандай таъсир

кўрсатишини алҳол билолмасдим. Эҳтимол, мени Товус билан тил бириктириб Абу Жаъфарни ўлдириганликда айблашар ёки Хуршида опа айтганидек, амаллаб бу «мамлакат»дан чиқиб кетишнинг уддасидан чиқарман?

Опа ташқаридан келаётган қадам товушлари ни эшитиб, гапидан тўхтади. Бўсағада Махтумқули билан шариат полицияси зобитлари кўринди. Соқолли ёш сураткаш йигит биринчи бўлиб кирди ва ўзидан беш-олти ёш катта, бир кўзига протез ўрнатилган мужоҳиднинг кўрсатмаси билан ерда ётган Товуснинг жасадини ҳар тарафдан бир неча марта суратга олди.

Биркўз мужоҳид қолганларга йўл-йўриқ кўрсатиб турганидан зобитларнинг каттаси эканини тусмолладим. У аввал Хуршида опа билан арабчалаб гаплашди. Кейин Хуршида опа менга қараб унинг саволини уқтириди:

– Сен қотиллиқдан қачон хабар топдинг? Жория нега бу ерда ўлиб ётибди, деб сўраяпти.

Мен Абу Жаъфар «язидий қизнинг олдига боряпман» деб чиқиб кетганидан то Товуснинг остоноада жон таслим қилгунига қадар ўзим гувоҳи бўлган ҳамма воқеаларни (фақат хат ва медальонни тилга олмадим) борича айтиб бердим. Гапимни Хуршида опанинг таржимасида англаған биркўз зобит қаноат ҳосил қилдими, буйруқ оҳангида бир нималарни вижирлаб, гумашталарини етаклаб хонадан чиқди. Махтумқули нимадир деганди «калла, калла» (йўқ, мутлақо йўқ – араб.) деганча бошини сарак-сарак қилди. Она ва ўғил бир-бирига қараб қолишиди.

– Нима деди? – сўрадим қўрқа-писа.

– Эрталаб жасадлар олиб чиқилгунча ҳеч ким жойидан қимирламасин, унгача текширув давом этади, деб кетди. Биз ҳам шу ерда қоларканмиз, –

деди Хуршида опа худди қолиш учун мендан рухсат сўраётгандек оҳангда.

Бир томондан хурсанд бўлдим. Ахир мен бу ерда шунча мужоҳиднинг ичида, иккита одам ўлган ҳовлида аёл бошим билан қололмасдим. Лекин ярим кечаси уларни чақириб, ташвишга қўйганимдан хижолат чекдим. Буни кўпроқ Махтумқулининг чимирилган қошлари, норози қиёфасидан англаш мумкин эди.

– Унда сизларга жой тўшаб бераман, истасангиз ичкарида ётишингиз мумкин, – дедим шоша-пипша она-болага ўрин ҳозирлашга киришарканман. (Ахир қонига бўялиб ётган жасаднинг ёнида ким ҳам ётиб ухларди, дейсиз?)

– Керакмас, – тўхтатди Хуршида опа. – Ўзи ҳадемай бомдод вақти киради. Сен кириб дамингни олавер. Биз она-бала шу ерда гаплашиб ўтира турамиз.

Махтумқули хомуш қиёфада онасининг қарши сига чўкди.

Менинг кўзимга уйқу инмаслиги аниқ эди. Сўнгги икки кун ичида юз берган даҳшатли воқеалардан эсим оғиб қолмаганидан ҳайратда эдим. Гарчи аввал айтганимдек, бу «диёр»да ўлим табиий, ҳар бир инсонга яқин ҳолат бўлса-да, кўз ўнгимда юз берган бу даҳшатлар – Фаррухнинг худкушлик содир этиши, Товуснинг жасорати, Абу Жаъфарнинг шарафсиз ўлими... бари бир мени қаттиқ саросимага солиб қўйганди.

Гарчи Абу Жаъфар ҳар қандай таҳқирга лойиқ бўлса-да, уч ой шунинг уйида нисбатан тинч яшадим. У менга нон-туз берди, бошпана берди. Бу мамлакатнинг ҳар бир бурчагида қирғинбарот юз бериб турган бўлса-да, аввало худонинг ўзи, қолаверса, Абу Жаъфарнинг нуфузи, қўриқчилари, шаҳарнинг нисбатан тинч қисмидаги ҳовлиси

ҳаётимни иҳота қилиб турғанди-да! Энди тақдир менга яна қандай кутилмаган «тұхфа»ларни рўпара қиларкин? Яна бирор жангариға никоҳдаб беришармикин ё Фаррухдек мени ҳам бирор ёқса «шаҳидлик»ка юборишармикин? Балки Абу Жаъфарнинг ўлимида айблаб аёвсиз жазолашар? Ҳа, майли, ишқилиб, фоҳиша сифатида тошбўрон қилишмаса бўлди. Қотиллик тамғаси зинодан, бузукликдан кўра енгилроқ бўлса керак.

Ташқарида она-бала ҳамон уйғоқ. Шўрлик Товуснинг жасади эса, остоңада, оёқ остида ётибди. Ичкаридан чойшаб олиб чиқарканман, жасаднинг устига ёпишдан аввал сўнгги бор унинг шифтга тикилганча қотиб қолган кўзларига қарадим. Кейин сўзсиз ичкари хонага кирдим.

Қани энди бирпасгина бўлса-да, қўзимга уйқу инса... Гарчи бирорларнинг гапини ўғринча эшитишни тўғри деб билмасам ҳам, она-боланинг қия очиқ эшик оша эшитилаётган сухбатлари эътиборимни тортди. Шу онда она-боланинг туркманча-ўзбекча аралаш сўзлашуви шууримни ёриб кира бошлади.

– Она, нега тушунмайсиз? Бошимиз балога қолиб кетади-ку! – дерди Махтумқули паст, аммо хавотирли оҳангда. – Бунинг умуман иложи йўқ.

– Балки таниш-билишларни ишга соларсан? Унинг қочиб кетишига биз ёрдам берганимизни ким билиб ўтирибди? У кетганидан кейин қочиб кетди деб ўзимиз хабар қиласизми.

– Сезиб қолишса нима бўлишини биласизми? – Махтумқули асабийлаша бошлаганди. – Яна аллақандай хат бор деяпсиз. Ростдан ҳам Абу Жаъфарнинг ўлимида бу қизнинг қўли бўлса нима қиласиз? Онажон! Иккимизни ҳам дорга осишади-ку!

– Болам. Яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам фаришта омин деркан. Мен бу қизни, қандайлиги-

ни яхши биламан, унга ишонаман. Бир аблаҳнинг гапига кириб шу ерларга келиб қолган-да! Уни ўз юртига қайтариб юборсак...

– Онажон, бу ишга мени тортманг, ўзингиз ҳам аралашманг, илтимос. Худди бу ердаги қонун-қоидаларни билмагандек гапирасиз-а?

– Мен буларнинг қонун-қоидаларига тупурганман, биласан-ку!

– Секин, онажон...

– Фақат сени, опангни, невараларимни ҳаётини ўйлаб, бош этиб юрибман. Бўлмаса пешонамдан отса ҳам бу ерда бир кун турмасдим. Жон болам, бир илож қилиб, шу қизни чегарадан чиқариб юбор. У ёғига пешонасида борини кўрар.

– Онажон, нега тушунмайсиз! Чегарани қандай қўриқлашларини биласиз-ку! Чиқиб кираётган ҳар бир одам рўйхатга олинади, маълумотлар базасига киритилади. Қолаверса, кўчада юрган аёл кишининг ёнида маҳрам бўлмаса, номаҳрам билан кетаётгани аниқланса, ҳар икковини ҳам сазойи қилишади. Биз қочириб юборганимиз исботланса, худо кўрсатмасин, калламизни олишади.

Хонада жимлик чўмди. Бир оздан сўнг Хуршида опанинг йифи аралаш гаплари сокинликни бузди:

– Бу бечоранинг бошига ҳам манави қонига беланиб ётган қизнинг куни тушмасин дегандим-да! Илойим шу урушни бошлаганларнинг уйи куйсин! Ер ютсин бу жангари каллакесарларни!

– Онажон, бирор эшитиб қолади ахир!

Чидаб туролмадим. Минг қылса ҳам менга катта яхшилик қилган бу одамларнинг ҳаётини хавф остига қўйиб, қочиб кетолмасдим. Бир бошга бир ўлим! Нимадан қўрқаман? Агар уйга қайтиш тақдиримда битилган бўлса, эртами-кечми борарман. Қолганига худо – пошшо!

— Хуршида опа! — Ётоқдан чиқишим билан она-бала «ярқ» этиб менга қарашибди. — Акам түгри айттаптилар. Мен ўзим учун ўзим жавоб бераман. Сизлар шундогам мен учун жуда кўп яхшиликлар қилдинглар. Мени деб бошингиз балога қолиб кетмасин.

Махтумқули ер остидан менга бир қаради-да, яна бошини қуий солди. Хуршида опа ҳам бир нуқтадан кўзини узмай ўтирарди.

— Синглим, — деди Махтумқули ердан кўзини узмай. — Мендан хафа бўлманг. Илтимос, бизни түгри тушунинг!

Мен йиглаб юбормаслик учун лабларимни қаттиқ тишлаб, ўзимни ётоққа урдим.

...Ҳаммаси мен ўйлагандек бўлиб чиқди. Тонгга яқин шариат полициясининг икки ходими кириб келди. Улардан бирининг қўлида худди ўша, Фаррух ёзиб қолдирган хат турарди.

* * *

Одатда суриштирув, тергов, суд жараёнлари бир неча ойлаб давом этишини эшитгандим. Чунки инсон устидан ҳукм чиқариш учун ҳар бир исбот, далил, ҳар бир кўрсатма етарли даражада текширилиши керак. Токи, ноўрин хулоса, ноҳақ ҳукм инсонларнинг беҳуда озор чекишига олиб келмасин...

Аммо бу ерда бу жараён жуда тез битар, тергов ҳам, суд ҳам узоги билан икки-уч кунда тугар, ҳукм ҳам тез фурсатларда ижро этиларкан.

Шаҳар полиция бошқармасида Абу Жаъфарнинг ўлими билан боғлиқ сўроқ узоқ давом этмади. Йигирма ёшлардаги араб терговчи рус таржимон воситасида мени сўроқ қилди. Бир соатча давом этган савол-жавобнинг бир қисми эсимда қолган холос:

- Сиз Абу Ҳошим Фарғонийни қачондан бери танийсиз?
- Бунақа одамни умуман танимайман.
- Фаррухни сўраяпмиз.
- Абу Жаъфарнинг уйига борганимдан бери.
- У билан орангизда ишқий муносабатлар қачондан бошланган?
- Орамизда ҳеч қандай ишқий муносабат бўлмаган, – дедим овозимга ишонарли тус беришга уриниб.
- Лекин хатда у сизни севишини очик-ошкор ёзган.
- Лекин ундан буни кутмагандим, мен эримга хиёнат қилишни ҳатто хаёлимга ҳам келтирмаганман, – хиёл энсамни қотирдим ва ич-ичимдан кулиб қўйдим: «Хаёлимга келтирмаганмишман!»
- Унинг гап-сўзларидан, қарашларидан ҳеч нарса сезмаганмисиз?
- Йўқ, умуман сезмаганман.
- Хатни эрингизнинг чўнтағидан топишганига нима дейсиз?
- Тўғри, мен бу хатни эримдан яшиrolмасдим, унга ўзим бердим.
- Борди-ю у хатдаги гапларни юзма-юз айтганда, нима қилган бўлардингиз?
- Uriшиб берган бўлардим, – ёлғонни дўндирища давом этдим. – Мен унга фақат aka ёки дўст сифатида қараганман.
- Лекин шаръан у сизга номаҳрам. Зарурат бўлмаса, номаҳрамлар билан гаплашиш жоиз эмаслигини биласизми?
- Биз фақат зарурат юзасидан гаплашганмиз.
- Товус Шангалий билан гаплашиб туармидингиз?
- Товуснинг фамилияси Шангалий эканини энди эшитиб туардим. Эсимга тушди: язидийлар энг

зич жойлашган ҳудуд – Синжорни курдлар Шангал деб аташаркан.

- Камдан-кам ҳолларда.
- У сизга Абу Жаъфарни ўлдириш нияти борлигини айтганми?
- Бундан хабарим йўқ.
- Кеча кечқурун нариги хонадан ҳеч қандай шовқин эшиитмадингизми?
- Йўқ. Орамизда анча масофа бор эди.
- Товус Шангалийнинг жасади нега сиз турган уйнинг эшиги остонасида пайдо бўлиб қолди.
- У билагини кесиб, воқеадан хабардор қилиш учун менинг ёнимга юргурган.
- Сиз нега унга тиббий ёрдам кўрсатмадингиз?
- Эримни ўлдирган аёлга қандай ёрдам беришим мумкин? – бу гал ҳам гапни атайин ёлғон томонга бурдим. Нима қилай, ўлиб кетишни истамадим-да!
- У нега ўлими олдидан сизнинг ёнингизга югуриб келди?
- Балки қилган ишидан қўрқиб кетиб, ёрдам беришимни кутгандир?
- Битта хонада турадиган Надва Алавия деган жориядан ёрдам сўраши мумкин эди-ку!
- Бунисини билмадим.
- Сиз воқеани эшитишингиз билан бу ҳақда шаҳар аёллар касалхонаси шифокори Хуршида Туркмонийга қўнфироқ қилибсиз, лекин эшик олдидаги қўриқчига индамагансиз.
- Мен номаҳрам эркакка бу ҳақда... – бу гал тилимдан илиндим.
- Унда Фаррух билан нега гаплашгансиз? У ҳам номаҳрам-ку...

Жим қолганимни қўриб, терговчи бола голибона кулимсиради. Алланималарни дафтарига ёзиб олди-да, «соқчига олиб чиқинг» дегандек имо қилди.

Ўша тунни полиция маҳкамасининг тор ва со-
вук ҳужрасида ўтказдим. На тўшак бор, на кара-
вот. Алмисоқдан қолиб кетган иккита чўлоқ стул
ва усти қорайиб турган эски, шалоқ столдан бош-
ка ҳеч нарса йўқ. Стуллардан бирига мук тушган-
ча тонг оттирдим.

Суд эртаси кунига белгиланган экан. Худди
шу бинонинг ўзида. Фақат бошқа хонада уч ки-
шидан иборат суд ҳайъати ва кечаги ёш терговчи
ўтиради. Тўртовининг ҳам қовоғидан қор ёғади.
Менимча, ортиқча сўроқ-саволсиз ўлимга ҳукм қи-
лишади-ёв! Ахир кимсан «буюк халифалик давла-
ти»нинг юксак рутбали амадорларидан бири ўл-
дирилади-ю, унга алоқадорликда гумон қилинган-
лар тирик қолармиди?

Кеча терговчи айрим саволларни қайта бериб,
ўз фикрини суд ҳайъати тасдигидан ўтказди. Ти-
рик қолишга умидим сўниб бораради. Кечаги ури-
нишларим ҳаммаси беҳуда кетганга ўхшайди. Бал-
ки терговчи ёлғонларимни дарҳол уқиб олгандир?

Шу боис, ўзимни энг мудҳишиш қарорга ҳам руҳан
ҳозирлай бошладим, суд пайтида ўзимни оқлаш-
га уринмадим ҳам. Қайтага тезроқ ҳукм чиқариб,
тезгина ижро қилишларини сабрсизлик билан ку-
тардим. Ҳаммаси тезроқ тугай қолмайдими энди?

Ростини айтсам, Товусга жуда ҳавасим келар-
ди. Мен-ку гарчи Абу Жаъфарга тўрт ой ўлим ти-
лаб яшаган бўлсам-да, ўз нафратимни, фазабимни,
норозилигимни Товусга ўхшаб ошкор этолмадим.
Аслида Абу Жаъфарни ўзим ўлдирсам бўларкан.
Ҳар икки ҳолатда ҳам тирик қолмаслигим аниқ
бўлиб турганидан кейин...

Ие, қози почча элбурутдан ҳукмни ўқишини бош-
лабдилар-ку! Бошқалардан фарқли ўлароқ катта-
роқ салла (салобатлироқ, ақллироқ кўриниш учун
бўлса керак) кийиб, соқолини узунроқ ўстирган

мужоҳид аввалига битта сурани қироат қилди. Кейин баланд овозда ҳукми олийни эълон қилди:

– Бизким Раққа вилояти шариат маҳкамаси кенгashi аъзолари Абу Зайд Бағдодий, Абу Убайд Тунисий ва Абу Наср Кобулий «мамлакатимиз» фуқароси Маҳзуна Узбакийнинг ҳижрий 1436 йил зулқаъда ойининг б-кунига ўтар кечаси содир этган ҳаракатларини шаръий кўрсатмалар асосида қонунга зид деб топдик. Маҳзуна Узбакий «мамлакат»имиз юксак рутбали ҳарбийларидан бири Абу Жаъфар Узбакийнинг шаръий завжаси бўла туриб, номаҳрам йигит билан мунтазам мулоқотда бўлиб келгани, унда ўзига нисбатан шаҳвоний майл уйғотгани, қотил жория, мушрика Товус Шангалий билан жиноий тил бириктирган бўлиши эҳтимоли ҳамда марҳумни қутқаришга имкони бўла туриб, қотилликнинг олдини олмагани, жиноят ҳақида ўз вақтида шариат полициясига хабар бермагинини эътиборга олиб, жиноят мажалласининг тегишли моддалари билан айбдор деб топилсин ва... уч йил муддатга ҳибс жазосига маҳкум этилсин!

Оҳ, бу узунсоқол амаки то устимда чиқарилган ҳукмнинг асосий қисмига етиб келгунича жоним неча бор ҳиқилдоғимга келиб, яна ортига қайтиб кетди. Аввал, елкамга «бир-биридан оғир» гуноҳларни юклаб ташлаганидан «менимча камида уч марта осиб ё чопиб ўлдиришса кераг-ов» деб ўйлагандим. Бу қўрқув олдида «уч йиллик ҳибс» худди олий мукофотдек кўриниб кетди.

Йўлакда мени Хуршида опа ўғли билан кутиб турарди. Опа туни билан ухламай, йифлаб чиққан шекилли, кўзлари шишиб, қизариб кетибди.

– Мени кечир, қизим, – деди у бағрига босаркан.
– Қўлимдан келгунича ҳаракат қилдим. Лекин...

– Нега кечирим сўрайсиз? – дедим овозимга имкон қадар қувноқ тус бериб. – Мени ўлимга ҳукм

қилишмади-ку! Атиги уч йил, холос! – бирдан эсимга нариги чўри қиз тушди. – Айтганча, Надвани нима қилишиди?

– Хабарим йўқ, – деди Хуршида опа. – Бирор мулоҳидга ёқиб қолган бўлса, ўзиники қилиб олгандир. Кимдир ўлса, вориси бўлмаса, ҳамма бойлиги, жумладан қул ва жориялари ҳам «давлат» ҳисобига ўтиб кетади.

Узоқ гаплашиб қолганимиз орқамда турган соқчига ёқмадими, Хуршида опага нимадир деб бо биллаб берди.

Хуршида опа билан қайта қучишиб хайрлашдик. Айни дамда у билан қайта кўришполмаслигимизни сезиб турардим. (Ва ҳақиқатан, опани ўшандан бери қайтиб кўрганим йўқ.) Мени ҳозир қаерга олиб кетишлари, бундан кейинги тақдирим нима кечиши худди ойсиз кечадек қоронфи эди.

Шу куни маҳкамада мен билан бирга яна уч аёлнинг «жиноят иши» кўрилган экан. Биттаси собиқ журналист бўлиб, илгари муҳофаз газетасида мухбир бўлиб ишлаган экан. Ҳозир ҳам «мамлакат» қонунларида зид равишда турли хорижий нашрларда мақолалар ёзиб юрганини аниқлашиб, унга жосуслик айбини қўйишибди. Шариат суди унинг ишини икки соатда кўриб, қатъий ҳукм чиқариби: қатл!

Мен уни суд залидан олиб чиқаётганларида кўрдим. Узун бўйли, қорамагиз, нари борса ўттиз ёшлардаги аёл. Бир неча соат, эҳтимол, саноқли дақиқалардан сўнг шўрликнинг нозиккина бўйнига жаллоднинг болтаси тушар. Лекин унинг юзларида на бир надомат, на ўқинч, на кўрқув бор. Бу қарашлардаги ифода менга таниш: уни икки кун илгари оstonамда жон берәётган Товуснинг нигоҳларида кўргандим. У ҳам ўлимни мана шу мухбир қиззек хотиржам, совуқён ва бефарқ қарши олганди.

Мухбир қызни бошқа хонага судраб кетишиди.
Биз – уч аёлни ташқарига бошлашди.

Маҳкаманинг тор, узун йўлагидан чиққанимизда эшик олдида шариат полициясининг маҳсус машинаси турганди.

Бу машинанинг на ойнаси, на туйнуги бор. Ичкаридаги чироқ ёруғида қора кийимдаги аёл полициячи ва яна икки маҳбусанинг маъносиз кўзлари алоҳида ажралиб туради. Ҳеч ким чурқ этмайди. Машинада бир соатлар чамаси йўл босдик. Ҳар қадамда силкиниб кетаётганидан кўчаларнинг ўнқир-чўнқирлигини сезиш қийин эмас. Ким билсин, бизни ҳам алдаб, қатл этгани олиб кетишаётгандир?

...Интернет орқали тарқалган видеолавҳаларда маҳкумлар қатлдан олдин хотиржам оҳангда ўз ҳукумати раҳбарларини лаънатлаб, улар туфайли ўлиб кетаётганини бамайлихотир гапириб беришади. Кейин эса, орқада турган ниқобли жаллод ўтқир пичоги билан...

Бундай лавҳаларни Туркияда юрганимда Комрон менга бир неча марта кўрсатган. Ўшанда маҳкумларнинг фавқулодда сокинлиги мени ҳайрон қолдирган. Ўлишини билиб турган ҳолда яна нега ўз ватанини қоралаб, жангариларнинг фойдасига хизмат қиласиган гапларни айтяпти? Ахир бари бир ўлади-ку! Ўз ватанига лаънат тошини отгандан кўра, уни ўлдираётгандарга нисбатан бор нафратини тўкиб, қаҳрамонларча жон бермайдими!

Бу саволимга яқинда Фарруҳдан жавоб олгандим. Асиirlар кўпинча ўзи устидан чиқарилган ҳукмдан бехабар бўлишаркан. Жангарилар уларга «биз сизни озод қиласиз, фақат видеокамера қаршисида битта «роль» ўйнаб берасизлар, тасвирда худдики сизларни ўлдиришга тайёр тургандек бўламиз, сиз эса, бунга ўз юрtingиздаги сиёsat

айбдорлигини айтасизлар, аслида камера ўчиши билан сизни қўйиб юборамиз» дейишар, уларни хотиржам қилиш учун бир-иккита худди шундай ёлғондакам саҳналарни суратга олишаркан. Охирги саҳнада шўрлик маҳкум тирик қолишига умид қилиб «рол»ини маҳорат билан ижро этар, жаллод эса, ўз қурбони унинг ниятини фаҳмаламасдан туриб, бошини танидан жудо этаркан. Қандай даҳшат! Эҳтимол, мени ҳам бир биёбонга элтиб, шунаقا «роль» ижро этишимни сўрашар? Йўқ, уларнинг ногорасига ўйнайдиган аҳмоқ йўқ. Ватанимга қарши бир оғиз гапирмайман. Мен ўз юртимдан унга хиёнат қилишни дилимга туғиб чиқмагандим. Алдандим,чув тушдим, фафлатда қолдим, бор айбим шу!

Машина бир силкиниб тўхтади. Назаримда фақат иккита кўзигина кўриниб, пичоқ ушлаб турган жаллодлар бизни қарши олиши керак эди. Йўқ, аллақандай учи тик қуббали қорамтири бинонинг эшиги олдида турардик.

Бизни олиб келган конвой аёл тушиб, худди ўзига ўхшаб кийинган бошқа бир аёлга алланималарни тушунтириди ва унинг қўлига ҳужжатнусха қофозларни узатди. Уларнинг арабча мулоқоти асносида ўзимнинг исмим ҳам қулоғимга чалиниб, сергакландим. Чамаси мени ўлдиришмаса керак. Ахир қатл манзаралари кимсасиз саҳроларда суратга олинарди.

Маълум бўлишича, биз Раққа вилоятининг курдлар ҳудуди билан ёндош, Айн-Исо шаҳарчасидаги эски черков биноси олдида турган эканмиз. Шаҳар номи «Исо булоғи» деган маънони англатар, афсоналарга кўра, бир пайтлар бу ерда ҳазрати Ийсо (а.с.)нинг кароматлари билан бир булоқ кўз очган экан. Бу булоқ ҳозир борми-йўқми, билолмадим. Икки ойча илгари шаҳар жангарилар томонидан

эгалланган, насронийлар шаҳардан қувгин қилиниб, уларнинг ушбу ибодатхонаси аёллар ҳибс-хонасига айлантирилибди.

Шу тариқа менинг ушбу «давлат» ҳудудидаги энг қора кунларим – маҳбуслик даври бошланди. Золим қонхўр бўлсаям, ўша жангари Абу Жаъфар-нинг уйи мен учун ишончли бошпана бўлган экан. У миннат қилганидек, ўша уйда «еганим олдимда, емаганим ортимда» бўлган экан. Бу ерда эса...

Саккиз нафар маҳбуса (улардан иккитаси мен билан бир кунда суд қилиниб, бу ерга келтирилган)ни битта тор, зах ва бадбўй хонага жойлаштиришган. Бу ерда инсон чидаши мумкин бўлган шароитдан асар йўқ. Электр энергияси онда-сонда бўларкан, холос. Ҳар бир маҳбусага бир кунда тўрт литрга яқин сув беришади. Шу сув ичишга ҳам, таҳоратга ҳам етиши керак. Овқат ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Суюқ бўтқага ўхшаган таъми ғалатироқ таом, худди ёғсиз бўғирсоққа ўхшаб кетадиган, катта одамнинг шапалогидек келадиган уч дона нон, гоҳида нонуштага бир стакандан сут беришади.

«Очлик нималар едирмайди» деб тўғри айтишаркан. Бир-икки кун нозланиб, бу овқатлардан бош тортгандим, ит азобини тортдим. Ахир онамнинг уйида эмасманки, «боламга ёқмапти, бошқа бирор нима пишириб бера қолай» деб мен учун алоҳида қозон осса.

Бирдан ойим эсимга тушди. Бечора ойим! Мени йўқотиб, жинни бўлиб қолмадимикин? Отамдан айрилгани етмагандек, мен ҳам унинг бошига битган бало бўлдим.

Ҳибсхонада кунлар бир хил ўтарди. Эрталаб ҳамма бир пайтда – бомдод азони товуши остида уйғонади. Намоздан сўнг бадантарбия қилдирлади. Фарибона нонуштадан кейин «мафкура-вий соат» бошланади. Яъни, аёл «тарбиячилар»

«муқаддас халифалик давлати» сиёсати, жиҳод ва шаҳидлик шартлари ҳақида дарс ўтишади. Дарслар кўпинча араб тилида бўлади. Аммо «тарбиячилар» қўлидаги чизмалар, уларнинг хатти-ҳаракатларидан гап нима ҳақда кетаётганини пайқаш мумкин. «Шаҳидлик камари»ни белга тақиши, уни қандай ишлатиш йўл-йўриқлари ўргатилади.

Айтганча, ким ўз ихтиёри билан «шаҳидлик»ка боришини ихтиёр этса, у жазодан озод қилинади ва «раҳбарият»нинг кўрсатмаси билан белгиланган нуқтага «шарафли вазифа»ни ижро этгани юборишади.

«Муаллима»мизнинг айтишича, шу пайтгача ҳибсонага келтириган 12 нафар маҳбуса ўз «айбларини ювиб, муқаддас бурчларини адо этишибди. «Сабоқдош»ларимиз орасида бу «иш»га рози бўладиганлар ҳали топилганича йўқ. Улардан бири мен бўлсам, бундай «макр тузоги»га илинадиган ожиза эмасман. Минг битта афсона тўқишимасин, ўзимни бу тахлит «шаҳид» қилиб, икки дунёймни куйдириш фикридан йироқман. Зеро, ҳақиқий шаҳидлик нима эканини яхши биламан.

Бир ҳафта ичида ҳамхоналаримнинг анчаси билан танишиб олдим. Айниқса, инглиз тилини мендан ҳам яхши биладиган хомслик, юзини сепкил босган Зубайда исмли қиз билан тил топишиб қолдик. Хонамиздаги араб ҳамхоналаримиз билан тиллашишимда у менга ёрдам берарди.

Табиийки, унинг ҳибсга қандай тушиб қолгани билан қизиқдим. «Давлат»нинг барча фуқаролари сингари у ҳам белгиланган барча қоидаларга амал қиларкан. Фақат бир куни уйда телефони хотирасида сақданиб қолган Амр Диабнинг «Ҳабибий» қўшигини баланд қўйиб, белини қилпиллатиб рақс тушаётганида, кўчадан ўтаётган «шариат полицияси» ходимлари – «шуртий»лар мусиқа товушини

эшитиб, түгри уйига кириб келишибди. (Аксига олиб, уйда ҳеч ким йўқ, эшик ичкаридан беркитилмаган экан.) Хуллас, шўрлик қизни «жиноят» устида қўлга олишибди. «Беҳаёликка бошлайдиган қўшиқни эшитгани ва рақсга тушгани» учун икки йилга ҳибсга тикишибди.

– Мен-ку, минг марта шукур қиласман, – деди Зубайда ҳикоясини тугатаркан, синиқ жилмайиб. – Ўшанда отиб ташлашса ҳам ҳеч нима қиломасдим.

– Рост, – бир пайтлар Дайр аз-Зорда инглиз тилидан дарс берган Ҳумайра исмли аёл унинг гапини тасдиқлаб. – Уч ойча илгари Раққада қизил куртка кийиб кўчага чиқсан бир аёлни тутиб олган «шуртий»лар ўша жойнинг ўзида отиб ташлашган. Мени эса, ўғлим ва жиянларимга яширинча инглиз тилини ўргатганим учун қамашди.

– Тавба, – ҳеч нарсани тушунмай қолгандим.
– Тилнинг нима айби бор? Ахир уларнинг ўзлари ҳам хориждан келган муроҳидлар билан инглиз тилида гаплашишади-ку!

– Энди бу тил уларнинг маҳсус мактабларида ўзлари истаган услубда ўқитилса керак-да! – кинояли кулимсиради Ҳумайра хоним.

Орамизда энг каттамизнинг ёши етмишдан ошган. Уни ҳаммамиз Заҳро хола деб чақирамиз. У Раққанинг чет маҳаллаларидан бирида бир ўзи яшар, икки ўғли отишмада ҳалок бўлган, қизи ва куёви болалари билан мамлакатдан қочиб кетишган экан. Ўзининг айтишича, кампирни ўзлари билан кетишга роса кўндиromoқчи бўлишибди. Аммо кампир «сизларга ортиқча юк бўлиб нима қиласман? Беш кунлигим борми-йўқми, ажалимни шу ерда қарши ола қолай», дебди. Кампир новвойдан нон олиб келиш учун юзига ниқоб тақмасдан, маҳрамсиз кўчага чиқсан экан, уни ҳам тутиб ке-

лишибди. Кексалигини инобатга олиб, «дарра» билан уриб ўтиришмабди, олти ойга қамаб қўйишибди. Тавба, йўлида аранг юрадиган, бунинг устига беланги бўлиб қолган, ўтирса туролмайдиган турса ўтиrolмайдиган бу кампирни қамаб нима қилишарди.

Уям майли, ҳар доим сочини бармогининг учи билан ўйнаб ўтирадиган, ўн беш ёшлардаги хаёлчан қиз – Назиҳани... сақич чайнаб кетаётганида «қўлга туширишибди».

Гоҳида жангарилар бу ҳибсхонага бош суқиб, кўзларига чиройли кўринган маҳбусалардан бир-иккитасини ўзлари билан опкетишар, кўнгилхушлик қилиб бўлгач, яна опкелиб ташлашаркан.

«Ишқилиб мени ҳам шунаقا «кўнгилхушлик» учун олиб кетишмасин-да, деб Яратгандан ёлвориб сўрардим. Фақат мўъжизадан умид қилиб яшардим. Назаримда кимдир бу гадой топмас масканга келиб, мени ўзи билан уйимга, юртимга олиб кетадигандек эди.

Қанийди, бу ердан қочиб, юртга қайтишнинг иложи бўлса, ўз ихтиёрим билан ҳуқуқ-тартибот идораларига бош уриб бораардим. Мени қамашса ҳам, ҳарқалай ўз юртимда бўлардим-ку!

Ҳар куни ҳибсхонанинг баджаҳл бошлиғи – қоп-қора аёл кунда икки маҳал хонамизга кириб, бизни бирма-бир назардан ўтказиб кетар, кимдан-дир кўнгли тўлмаса, тартибга риоя қилмаганини сезиб қолса, қамчиси билан аямай саваларди.

Бир гал бомдод азонида фафлат босиб, уйғонолмай қолибман. Юзим аралаш елкамга урилган қаттиқ зарбадан сапчиб турдим. Ўша заҳоти юзимда қамчининг изи бўртиб, шишиб чиқди. Икки-уч кун бетим худди туз сепгандек ачишиб юрди.

Бу аёл кириши билан ҳамма ўрнидан роз туриб, таъзим қилиши керак. Бир куни Заҳро хола кекса-

лик қилиб, вақтида туришга улгуролмай қолди. Хабаш хотин белини ушлаганча инқиллаб-синқиллаб ўрнидан қўзғалолмай турган кампирнинг биқинига ўхшатиб қамчи туширди. Шиддат билан ҳалиги ҳабаш аёлга хезланётганимни кўриб, ниятимни пайқадими, Ҳумайра хоним «дамингни чиқарма» дегандек билагимни қаттиқ чимчилади.

Негадир шу ҳабашни кўришим билан Фаррухнинг бу «давлат»да учратган биринчи «муҳаббати» – ҳалиги суданлик хотин эсимга тушади. Тавба, тавба, ўша аёл шунинг ўзи бўлмасин тағин? Яна ким билсин, бу маконда қора танли хотинлар оз эмасдир?

Гоҳида Фаррух эсимга тушиб эзиламан, дунёларга сифмай кетаман! Шунча жангарилар тирик юрибди-ку, нега айнан менинг Фаррухимни «шахидлик»ка танлашди? У ҳақда на радиодан, на ҳибсхонадаги газета ва журнал таҳламларидан топа олдим. Мана, ўлди-кетди, манави ер юткур жангарилардан биттаси эслаяптими уни? Худди дарёга тушган тошдек изсиз йўқолди.

Ана шундай кунларнинг бирида...

Кутилмаган ҳодиса юз берди.

Ўша куни эрталабдан Назиҳанинг тоби қочиб турганди. Рангида қони қолмаган бу қизга ҳибсхона овқатлари ёқмагани учунми, кейинги пайтда негадир туз тотмай қўйган, шу боис кундан-кунга ранги оқариб, дармони қуриб борарди. Дўхтир чақиришармикин, деган умидда бу ҳақда ҳалиги ҳабаш аёлга айтмоқчи бўлдим.

Лекин худди шу куни ҳибсхонада ҳабаш аёлни бошқа ишга ўтказишаётгани ҳақида хабар тарқалди. Унинг ўрнига россиялик бир қизни тайинлашибди. Негадир кўнглим ёришгандек бўлди. Ҳарқалай, россиялик бўлса, ёш бўлса, у билан

тил топишиб кетарман. Нима бўлганда ҳам анави қора барзангидан қутуларканмиз-ку!

Янги бошлиқ эртаси куни эрталаб ҳибсхонага кириб келди. Ҳабаш хотин ўз «пост»ини топшириш учун у билан эргашиб, хонама-хона маҳбусларни танишитириб борарди.

Мен янги назоратчимизнинг юзини кўрдим-у, қотиб қолдим. Кимни кўрдим, топинг-чи? Ҳа, худди ўзи! Бундан тўрт ойча илгари Истанбулдан менга ҳамроҳ бўлиб йўлга чиққан иккита россиялик қизлардан бири, краснодарлик чечен қиз Фотима эди. Адашганим йўқ. У ҳам мени таниди.

– Бу сенмисан? Кўзларимга ишонмайман, бу қандай учрашув.

– Фотима! Бу ерда сени учратиш тушимга ҳам кирмаган эди!

Ҳамма ҳайратда қолган, бадқовоқ ҳабаш хотин эса бизнинг рус тилидаги савол-жавобимизга хийла шубҳа билан тикилиб туарди.

Фотима буни сездими тезгина арабчалаб аллани-маларни, чамаси у билан эскидан таниш эканимиз, Истанбулдан бирга келганимизни тушунтира кетди. Қойил, Фотима дарров арабчани ҳам ўрганиб олиб-димикин ё аввалдан билармиди? Майли, нима бўлганда ҳам бекорга қувонмаган эканман, мана Аллоҳ мени яна бир танишимга рўпара қилди.

Хуллас, шу кундан эътиборан Айн-Исо ҳибсхонасида ўтаётган рангсиз ва нурсиз кунларимга бир илиқдик киргандек бўлди. Ҳабаш аёл кетиши билан Фотима мени ўз хонасига чақиртириб олди. Бу тушлик пайти эди.

Маҳбуслардан фарқли равишда ҳибсхона ходимларига мутлақо бошқа овқатлар бериларкан. Буни мен Фотиманинг хонасида, стол устидаги дастурхонда турган пишлоқ, тухум, сариёғ, яхна

гүшт, печенеъ ва қоғоз қадоқдаги шарбатларни кўрибгина тушундим.

– Ол, – деди Фотима елим стаканга шарбат қуийб бераркан. – Сенларни қандай боқишиларини жуда яхши биламан.

Негадир иштаҳам йўқ эди. Кўз ўнгимда ҳибсонанинг овқатлари ёқмай, кундан-кун қовжираб бораётган ёшгина Назиҳа, ўрнидан туришга ҳам қийналадиган Заҳро хола келиб, киприкларим орасида ёш ҳалқаланди.

– Нега олмаяпсан? – сўради Фотима шаҳдо, тим-қора кўзларини янада каттароқ очиб дастурхонга имо қиласкан.

– Фотима, майлими мана шу нарсалардан ҳамхоналаримга ҳам олиб борсам?

Фотиманинг юзида чиройли кулгичи борлиги фақат табассум қилганида билинаркан:

– Жуда кўнгилчансан-да, – деди елкамга дўсто на қоқиб. – Истанбулдан қайтаётганимизда ҳам ўз насибангни емасдан, менга илингандинг, эсингдами? Ўшанда ўлгудек оч эдим. Эрталаб ҳатто нонушта ҳам бермасдан бизни йўлга олиб чиқишганди. Улар олиб берган дурум иштаҳамни қитиқлаб, баттар очқатиб қўйганди. Ўша пайтда сени бирам яхши кўриб кетганманки...

Негадир кулгим келди. Йўлда бошқоронги бўлганим учун егим келмаган дурумни унга тутқизганим эсимга тушди. Бошқа пайт бўлганда-ку, ўз насибанимни биронга бериб ўтирмасдим-а! Ҳарқалай, у менинг ўша ондаги «марҳаматим»ни бошқача тушунган кўринади. Майли, нима бўлганда ҳам Фотима «яхшилигим»га жавоб бермоқчига ўхшайди.

– Қўйсанг-чи, – дедим ерга тикилиб. – Қаердаги гапларни гапирасан-а.

– Майли, бу гал ҳамхоналарингни сийлаб турамиз, – деди у айёrona кўз қисиб, стол устидаги

егуликларни битта картон қутига жойларкан. – Лекин билиб қўй, уларни ҳар куни бунаقا сийлашга қурбим етмайди. Буларни ҳамхоналарингга олиб бор-у, ўзинг қайтиб кел. Ҳали сен билан гаплашадиган гапларимиз кўп.

Хурсанд бўлганимдан уни қучиб икки юзидан ўпид олдим ва қутини кўтарганча, йўлакка чиқдим. Соқчи аёл камерамга етгунимча кузатиб борди...

Ўша куни ҳамхоналарим қандай суюнганини тасвиrlашдан ожизман. Тилини тушунмайдиган араб хотинлар бир нималар деб мени дуо қилишди. Айниқса, Заҳро хола, елкамга қоқиб, узоқ алқади. Унинг нимасидир бувимга жуда ўхшаб кетаркан.

Кўз олдимда кўзига эски кўзойнагини қўндириб, қадимий қўшиқларни хиргойи қилганча кўрпача қавиб ўтирган бувим келди-ю, томофимга нимадир тиқилгандек бўлди.

– Ўзинг-чи, емайсанми? – сўради Зубайдা иштача билан яхна гўштни нонга қўшиб чайнаркан.

– Янги назоратчи сенинг ҳамюрting эканми? – саволга тутди Ҳумайра хоним тухум арчаётиб.

Очиғи ўзим ҳам бунаقا тансиқ таомларни соғиниб қолган эканманми, бир луқма гўштни шоша-пиша оғзимга солдим. Ҳамма жонланиб қолган, ҳамхоналарим Фотиманинг «марҳамати»дан миннадорлик ила баҳраманд бўлишмоқда эди.

Фақат Назиҳа ҳеч нарсага қарамас, жингалак кокилларини бармоғига ўраганча, шифтга тикилиб ётарди.

Аёллар ҳар қанча уннашмасин, қиз мен олиб келган егуликларга қараб ҳам қўймади. Мен унга бир зум эзилиб қараб турдим, кейин Фотиманинг ёнига боришим кераклигини эсладим. Йўлакда бояги камгап соқчи хотин турар, у мени бошлиқнинг хонасига қайтиб боришимдан хабардор эди, чамаси...

Фотима табиийки, бу ерга қандай тушиб қолганим ҳақида сўради. Мен Раққа ташқарисидаги қароргоҳда кўрганимиз – «ибрат дарси» чоғида ҳушимни йўқотганимдан тортиб, Айн-Исо ҳибсхонасига келиб қолганимга қадар бошимдан кечган саргузаштларни қисқа ва лўнда қилиб, гапириб бердим. Албатта, Фарруҳ билан боғлиқ кечинмаларим ҳақида батафсил айтиб ўтирмадим. Ҳарқалай, қаерда эканимни, қаршимда ўн йиллик дугонам эмас, балки «муқаддас давлат»нинг масъул ходимаси ўтирганини унутганим йўқ.

– Ҳа, бу ерда қонун-қоидалар шунаقا, – деди Фотима худди бу ерга тушиб қолганимга ўзини айборд сезаётгандек маъюс бошини эгиб. – Биз эркин муҳитда ўсиб улгайганмиз, бу ернинг тартиблариға ҳамма ҳам бирдек кўникиб кетолмайди.

Беихтиёр унинг қиёфасига зимдан разм солдим. Уни микроавтобусда илк бор кўрганимда, кўзимга тўлагина кўринганди. Анча озиб, қовоқлари ҳам салқиб қолибди. Ҳаётдан унчалик рози эмаслигини юз-кўзларидан сезилиб турибди.

– Хўш, ўзингдан гапир, қани, – дедим ундан кўзимни узмай. – Қалай, ҳалиги йигитингнинг исми ким эди? Умармиди?

– Э, ундан кейин яна иккита эрга тегдим, – деди у.

...Чиндан ҳам ўшанда, Тал-Абёд меҳмонхонасидан чиқиб кетганимизда Фотима билан иккимизнинг омадимиз чопган экан. Тал-Абёдга келиб тушганимизнинг эртаси куни Фотимани чечен севгилиси Умар машинасида келиб опкетганидан хабардор эдим. Ўзимча, уни ҳам отаси тенги бирор жангаричув туширдимикин, деб ўйлагандим. Йўқ, ҳарқалай, Умар худди ўша, ўзи «телеграм»да танишиб қолган йигитнинг ўзгинаси экан. Уни бу «давлат»даги исми Абу Исмоил Шишоний бўлиб, бу ердаги чечен полкининг раҳбари экан. Ўша куни

Умар уни ўз никоҳига олибди. У билан Раққадаги кўп-қаватли уйлардан бирида яшай бошлишибди. Аммо орадан бир ҳафта ўтиб, бир мужоҳид уйларига келиб, Умарнинг жангда шаҳид бўлганини айтибди. Фотима бу хабарга олдиндан тайёр тургани учун унча қайғурмабди. Марҳум эрига Яратганинг раҳматини тилаб, юзига фотиҳа тортибди. Ҳалиги мужоҳид уни Раққадаги никоҳ маҳкамасига олиб борибди. Бу ерда эри шаҳид бўлган аёллар келтирилар ва тез фурсатда бошқа эркакнинг никоҳига киритилар, борди-ю аёллар «шаҳиддик»ни ихтиёр этишса, белига бомба боғлаб, белгиланган нуқтага юборишаркан. Фотимани ўттиз ёшлардаги озарбайжонлик Ҳусайн деган йигит никоҳига олиб, Ироқнинг Рамади шаҳрига олиб кетибди. Аммо у билан ҳам икки ой яшабди, холос. Ироқ ҳукумат кучлари билан бўлган жангда Ҳусайн ҳам шаҳид бўлгач, уни тикритлик амалдорлардан бири, айни пайтда «давлат»нинг озиқ-овқат вазирлиги масъул вакили ўз никоҳига олган. Кейин улар Раққага кўчиб келишгач, эри ўз хоҳиши билан Фотимани ишга жойламоқчи бўлган, таниш-билиш ёрдамида Фотимани ҳалиги ҳабаш аёлнинг ўрнига ишга жойлаган экан.

– Эрим озиқ-овқат вазирлигида ишлайди, дегин, дастурхонинг ободлиги шундан экан-да? – дея тегишиб қўйдим Фотиманинг суҳбатини бўлиб.

– Ҳа, лекин мамлакатда озиқ-овқат масаласи чатоқ. Четдан озиқ-овқат олиб келиш жуда қийин. Ички имкониятлар етарли эмас. Фақат биродарларимиз ва уларнинг оиласидагилар тўйиб овқатланишади, холос. Оддий одамлар гоҳида ейишга бир бурда нон тополмайди, – деди Фотима аянчли оҳангда.

– Бу ерга келганингдан хурсандмисан? – тилимнинг учида турган саволимни беришдан ўзимни тутиб туролмадим.

Фотима жавоб ўрнига енгил хўрсиниб қўйди. Шу хўрсиникнинг ўзи унинг ичидагача кечётган қарама-қарши туйгуларни англашим учун кифоя қиласарди.

Ташқаридан муаззиннинг овози эшитилгач, сухбатимиз бўлиниб қолди.

Аср вақти бўлиб қолганди. Соқчининг кузатуви остида хонамга қайтдим. Одатда намоз пайти ҳар ким ўз камерасида бўлиши керак. Камераларнинг ҳар бирига радиокарнай ўрнатилган. Ундан имомнинг овози баралла эшитилиб туради. Маҳбусалар унга иқтидо қилиб, намозни ўқишиади.

Бироқ камерага кирганимда фақат уч нафар аёл иқтидо билан намозни бошлаган, қолган аёллар Назиҳанинг атрофини ўраб олишганди. Мен ҳам ўша тарафга отилдим. Назиҳанинг кўзлари олайиб кетган, худди ток ургандек аъзойи бадани қалтирас, оғзидан оппоқ кўпик келаётганди.

«Тутқаноқ!» Миямга биринчи келган фикр шу бўлди. Коллеждаги гуруҳимизда Ашур деган болани бир марта худди ана шундай ҳолатда кўриб, қўрқиб кетгандим. Шунда тибиётдан дарс ўтадиган ўқитувчимиз Сарвиноз опа Ашурнинг бошини хийла кўтариб, уни ёнбош ҳолатда бирпас ушлаб турган, у ҳушига келгач, дарҳол доим ўзи билан олиб юрадиган дорисини ичиришганди.

Ҳозир Заҳро хола зўр бериб, қизчанинг зич ёпилган оғзини очишга, рўмолча билан тилини тортишга уринмоқда эди. Эсимда, дарсда ўқитувчимиз айтган: тутқаноқ пайтида агар беморнинг оғзи зич ёпилган пайтда зўрлик билан унинг оғзини очишнинг кераги йўқ. Бу ҳолат акс таъсир қилиши мумкин.

Шартта Захро холанинг ўрнини эгалладим: Назиҳанинг бошидан сал кўтарганча, танасини ёнбош ҳолатга келтирдим. Қалтироқ бир неча дақиқадан сўнг босилиб, қиз кўзларини очгач, ҳамма енгил тортди. Биламан, тутқаноқ шу билан ўтиб кетмайди. Агар зарур дори ичирилмаса, бир неча соат ўтиб, яна қайталаши мумкин. Конспект дафтаримда ёзиган ўтиб кўйгандим ўша дорининг номини. Нима эди-я! Бўлди, эсладим – Карбамазепин!

Оёғимни қўлга олиб, йўлакка чиқмоқчи эдим. Эшикни қулфлаб кетишибди. Зўр бериб, муштладим. Хайрият, бояги соқчи хотин йўлакда юрган экан.

Бориб, Фотимага аҳволни тушунтирудим. Фотима бу ерга бугун келган, ҳали тартиб-қоидани тўла ўрганиб олмаган эди. Маълум бўлишича, ҳибсхонага бириктирилган аёл дўхтири ҳафтада бир мартағина келар, ҳибсхонанинг «захираси»да уч ўрам бинт, бир шишадан спирт ва йод, бир қути аспириндан бошқа ҳеч нарса йўқ экан.

– Фотима, телефон қил, бўлмаса бу қизча ўлиб қолади!

Фотиманинг юзида фавқулодда сокинлик ҳукмрон эди. Чамаси инсон ўлими унинг учун ҳам одатий кўриниш олиб ултурган кўринади. Бироқ гапимни ерда қолдирмаслик учунми, ёнидан телефонини олиб, ким биландир арабчалаб сұхбатлашиди. Кейин эса, афсус билан бош чайқади.

– Ҳозир Раққадан дўхтири ҳам, дори ҳам юбора олишмас экан!

– Бу қанақаси? У ерда инсон ўляпти ахир!

– Маҳзуна! – кутилмагандага Фотиманинг овози жаранглаб чиқди. – Бу мамлакатда бир кунда нечта мужоҳид шаҳид бўлади, қанчаси ярадор бўлади. Ҳар кун, ҳар соатда осмондан ракета тушиши, оёқ остида мина портлаши мумкин. Битта гўдак-

ни тутқаноқ тутган бўлса, мен бутун давлатни оёққа тургазишим керакми? Маҳзуна, бундан кеийин ўзим чақирмасам, оддимга югуриб келаверма! Сен менинг уйимда меҳмонда эмас, ҳисбхонадасан. Сен маҳбус, мен эса, шу ернинг раҳбариман! Тушунарлими!

Турган еримда қотиб қолдим. Ҳа, мен боя бу аёлни хонадошларим сингари маъсума ва мазлумда деб ўйлаб адашган эканман. Боя унинг аянчли гапларига лаққа тушибман. Мана унинг асл қиёфаси! Энди яққол кўринди. Ахир у «давлат»нинг ишонган мулоғимларидан бири, аёллар ҳисбхонасининг раҳбари-ку!

– Мени кечиринг, зоти олиялари! – дедим киноя билан унинг кибр чақнаб турган кўзларига тик қараб.

– Ссоқчи, қаердасан? – араб тилида қичқирди у менга қарамасдан. Шу онда бояги хотин унинг хонасига кирди-да, менинг қўлимни қайирмоқчи бўлди. Фотима эса чамаси юмшоқроқ муомала қилишни уқтириди чофи, ҳалиги аёл «юр» дегандек йўл бошлади.

Ҳа, инсон ҳар хил бўларкан! Фотима бу ерга ўз ихтиёри билан келган ва шу ёвуз салтанатнинг барча қонун-қоидаларига ҳеч бир эътиrozсиз бўйсунган, мужоҳидлар ўртасида «қўлма-қўл» бўлиб юришни ҳам «ҳукми илоҳий» ўрнида қабул қилган экан. Мен эсам, худди бу жаҳаннамда ўз қадрданимни топгандек қувониб кетибман. Эҳ, хом сут эмган бандада!

Шу-шу Фотиманинг хонасига қадам босмадим. У ҳам мени чақиртирмади.

Аввалги бошлиқдан фарқли ўлароқ, Фотима ҳаммани эрталаб бомдодга уйғотмас, ишга Раққадан эрининг машинасида соат тўққизларда етиб келар, ҳар куни уч маҳал хоналарни текшириб чиқар, ўшанда ҳам мен билан тил учida сўрашар,

шом намозидан сўнг яна эрининг машинасида уйига қайтарди.

Бир куни ярим тунда Назиҳани яна тутқаноқ тутди. Аксига олиб, бу пайтда ҳибсхонада токни узиб қўйишарди. Кимdir туриб шамни ёқди. Бу гал олдинги чоралар заррача фойда бермади. Тун ярмида ҳибсхона ичкарисида икки-уч нафар соқчи аёл, ташқарида ҳам икки-учта қуролли жангари бўларди, холос. Фотима ҳам ҳозир эрининг қўйинида ноз уйқуда ётгандир. Шу ерда бўлганда ҳам ундан бирор ёруғлик чиқишига қўзим етмасди. Аввалгидек ёнбошлатиб, бошини ушлаб туришдан бошқа ёрдам беролмасдим. Кутилмаганда бирдан талваса ҳам тугади, қалтироқ ҳам босилди ва у... ўлди.

Шамнинг гира-шира ёғдусида ўн беш-ўн олти ёшли қизалоқнинг ҳаётга тўймаган кўзлари бир нуқтага қадалганча тош қотганди. Ҳамма жим, ҳатто йиғлашга-да ҳеч кимнинг ҳоли йўқ.

Унинг мурдасини эртаси куни тушга яқин олиб кетишиди. Шўрликни ота-онасининг қўлига топширишдими, ё ўзларича кўмиб келишдими, ҳеч ким билмайди. Фотимадан эса сўрагим келмади. Биз – аёллар намоздан сўнг унинг руҳига атаб тиловат қилидик. Қўлимиздан бошқа ҳеч нарса келмасди.

Ўлим эндилиқда бошқалар сингари мен учун ҳам жуда оддий ҳолга айланиб қолганди. Орадан икки кун ўтиб, Заҳро хола ҳам омонатини топширди. Балки бугун ё эрта ажал мени ҳам йўқлаб келар. Ахир бу зимистонда кўршапалакка ўхшаб яшагандан нима фойда. Ким учун яшайман. Бу ерда топган яқинларим – Хуршида опани қайтиб кўролмаслигим аниқ. Фарруҳ билан бизни фақат ўлим қовуштириши мумкин. Эҳтимол, шунинг учун ўлимни интиқ кутаётгандирман!

Заҳро хола ўлган куннинг эртаси эди. Хуфтон ўқилган, чамаси ҳамма ухлаган, бир мен эзгин хо-

тираларим комида бедор ётардим. Кутылмаганда эшик тақиллади. Бошқалар уйғониб қолмаслиги учун тезгина эшикни очдим. Бўсағада ўша, турқи совуқ соқчи хотин турарди. Ҳали бомдодга вақтли әмасмиди?

– Бошлиқнинг хонасига юр!

Ҳайратдан донг қотдим. Фотима бу ерда тунаб қолмасди-ку. Демак, бугун кетмабди-да! У мени чақиртирмай қўйганди. «Зоти олиялари» нега ярим тунда мени йўқладилар экан?

Фотима мени тунд қиёфада қарши одди. Истар-истамас берилган саломга алик ҳам олмасдан мақсадга кўчди.

– Маҳзуна, ҳозироқ бу ердан чиқиб кет. – У шундай дея ўзи кириб-чиқадиган эшикни кўрсатди.

Унинг бу «марҳамати»дан табиийки, ҳайратда қолгандим. Эси жойидами? Менга озодлик ҳадя этяптими? Ахир билиб қолишса, терисини шилишмайдими?

– Нега? – сўрадим ҳайратимни яширомай.

– Тсс, – у бармогини лабига босди, – биласанми, ҳозир биз қуршовдамиз, чор-атрофимизни Йэ-Пэ-Гэ ўраб олган.

– Нима? Е-Пе... – Ҳа, эсладим, бу тўда ҳақида илк бор Сурияга келган куним, меҳмонхонадаги биркўйл ўспирин гапиргандек бўлувди.

– Э, нима ишинг бор? Муртад курдларнинг қуролли тўдаси! Раққага борадиган йўлни ҳам тўсиб қўйишган малъунлар. Биз ўн-ўн бешта биродаримиз билан қуршовни ёриб ўтишга ҳаракат қиласмиз. Эҳтимол, шаҳид бўлармиз.

– Хўш, мен нима қилишим керак? – дедим ҳеч нарсани тушунмай.

– Сен... қочишинг керак. Ҳозир Раққадан қўмондоннинг топшириғи келди. Қамоқхонадаги барча маҳбусаларни отиш тўғрисида!

– Нима? – даҳшатдан вужудим титраб кетди. – Нега отасизлар? Нима ҳақинглар бор?

– Биз отмасак бари бир курдлар ўлдиришади. Маҳбусларни ўзимиз билан олиб кетолмаймиз, бу аниқ. Эҳтимол, раҳбарият ички сирлардан курдлар воқиф бўлиб қолмаслиги учун гувоҳларни йўқотишига амр қилгандир? Сени ҳам отиб ташлашлари мумкин. Кет, Маҳзуна, балки тирик қоларсан! Курдлар тутиб олишса бари бир қўйворишиади. Чунки сен «давлат» вакили эмас, маҳбуссан. Бизга ярим соат вақт берилган. Ҳозироқ чиқиб кет.

– Йўқ, – бақирдим ўжарлик билан. – Мени ҳам шулар билан бирга отиб ташла! Қонга тўясанларми, йўқми? Марҳаматингга зор қолганим йўқ.

– Бас! – Юзимга келиб тушган тарсакидан кўзимдан олдимда ўт чақнади.

Бир пайт қарасам Фотима мени бағрига босиб...
йифлаяпти:

– Маҳзуна, жоним, биламан, сен бу ерга ўз ихтиёринг билан келиб қолмагансан. Сени алдашган. Ўз ватанингга қайтишни жуда истайсан. Мен ҳам... Майли, буни қўя тур! Илтимос сендан, кет, ҳали ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Ўз юрtingга қайтиб бориб, кечирим сўрасанг, албатта кечиришади. Бу ердагига ўхшаб, тиз чўктириб, бошингни олишмайди. Маҳзуна, кет, илтимос!

Кўз олдимдан Ҳумайра, Зубайда, хуллас, мен билан анча қадрдон бўлиб қолган барча ҳамхоналарим бирма-бир ўтди. Уларни ўлдиришлари аниқ. Мен эса... Фотиманинг бу гапларидан сўнг қалбимда аллақачон кул босиб қолган умид учқунлари милтиллай бошлаганди.

Ташқаридан ўқ овозлари эшитилиб турарди.

– Ҳозир ҳамма ўзи билан ўзи овора. Ташқари қоронғи. Ўзим сени чиқариб юбораман. Бу ёғига Аллоҳнинг ихтиёридасан.

Нима қилишни билмай қотиб турганимда, йўлакдан шовқин-сурон эшитилди. Зум ўтмай аёлларнинг фала-ғовурини ўқ товушлари босиб кетди. Ё тавба! Бу қандай бедодлик? Бегуноҳ ожизаларни ўқса тутган бу кимсалар эртага Яратганинг олдида нима деб жавоб беришаркин?!

– Чиқиб кет, – у менинг қотиб турганимни кўриб, шартта қўлимдан тутди-да, орқа эшикка судради.

Бино қамоқхонага мўлжалланмаган, шу боис мустаҳкам ҳимоя деворлари билан ўралмаган, орқа эшиги катта қўчага туташ экан. Кўчанинг ҳар икки тарафида ҳовлилар тақаштириб қурилган, аммо ҳозир бу уйларда одам яшашига ишониш қийин эди. Атроф қоп-қоронғи, аҳён-аҳёнда автоматлардан отилаётган ўқлар худди учқундек зулмат бағрини ёриб ўтади. Мана, менга бир ярим ой бошпана бўлган аёллар ҳибсхонасини жисман тарк этяпман. Ундаги яна 33 маҳбуса эса, мендан фарқли ўлароқ, бу зулмат маконини фақат ўлим дарчаси оша тарк этишади. Менинг қуруқ, ҳиссиз жисмим Айн-Исонинг зим-зиё, нотаниш кўчалари бўйлаб кетиб бораёттир. Худди оёқларим бошқа биронникидек. Қаёққа, кимнинг олдига, нима мақсадда кетяпман – билмайман.

Қамоқхонада ўтилган «дарслар», хонамизда ўрнатилган радиокарнайда берилган ахборотлардан билганим шуки, Айн-Исо шаҳрининг бир қисми мужоҳидлар томонидан эгалланган, қолган қисми курд қуролли тўдаларининг измида эди.

Фотима уларнинг Йэ-Пэ-Гэ деб атаганди. Кеийинчалик билишимча, бу гуруҳнинг тўлиқ номи Йэкинайен Парастина Гэл (ўз-ўзини мудофаа қилиш халқ отрядлари) бўлиб, Суриядаги курдларнинг файриқонуний қуролли ташкилоти экан. Ташкилот Сурияда фуқаролик уруши бошланганидан бери ҳудудда курд давлати барпо этиш учун ҳам

хукумат кучлари, ҳам мухолифат, ҳам мужоҳидлар билан кураш олиб бораркан.

Ўйлаб ўйимга етолмайман: Фотима мени нима учун озод қилиб юборди. Бари бир бу жаҳолат масканидан чиқиб кета олмайман. Ё курдлар, ё мужоҳидлар чангалига тушишим аниқ. Балки ўлдиришар, балки қийнашар... Яратган Эгам, бу мавҳум қисматимда яна нималар битилган экан? Кошқи, тезроқ ажал мени ўз комига тортса-ю, бу мубҳамлик измидан халос бўлсан.

Бу гал яқингинадан, ҳатто қулоғимнинг ёнгинасидан визиллаб ўтган ўқ товушидан сесканиб ўзимни четга олган бўлдим. Ажал ниёдойимни эшишиб, мени таъқиб этарди. Қизиқ, уни ўзим чақирган ҳолда, яна нега ўзимни қутқариб қолишга интиляпман? Ҳа, яна савил қолгур жоним шириналлик қиляпти.

– Тўхта, ким бу?

Турган еримда тош қотдим. Аллақаердан пайдо бўлган икки киши мендан бир неча қадам орқада турганини ҳис этдим. Отиб ташлашса керак! Нега жим қолиши? Нега мунча чўзишмаса, тепки боса қолмайдими. Нималарнидир маслаҳатлашишяпти ўз тилларида.

Шу пайт улардан бири менга яқинлашиб, аввал эҳтиёткорлик билан абоимнинг устига қўлинни теккизди. Кейин қаттиқ қўллар елкамдан пастга томон сирпанаётганини ҳис қилдим. Бутун вужудим тош қотган, қаршилик кўрсатишга ҳам ҳолим қолмаганди. Ҳалиги жангари чамаси белимда «шаҳидлик камари» бор-йўқлигини текшириб бўлгач, шартта билагимдан тутди.

– Тўғрига юр.

Гарчи уларнинг тилига тушунмасам-да, мени аллақаерга бошлаб боришларига ақлим етиб турарди. Мени қўлга олганларнинг кимлигини бил-

майман. Аммо ночор уларга бўйсундим. Олдинда нималар кутаётганини тахминан бўлса-да, билиб турибман. Менинг кимлигимни сўрашади. Мужоҳидларнинг турмасидан қочганимни билишгач, улар ҳақида ўзларига керак маълумотларни суриширишади. Кейин отиб ташлашса керак...

Йўл-йўлакай жангариладан бири телефонда аллаким билан гаплашиб бораради. Чамаси мени қаерга олиб бориш, нима қилишни сўраётгандир. Охирги гапини сал тушунгандек бўлдим.

Чамамда, «бўйти, айтганингиздек қиласман» деган маънони англатарди. Ҳарқалай, Товус билан бирга яшаганимизда ундан бир нечта курдча сўз ўрганиб олгандим. Номаълум «командир» устимдан қандай ҳукм чиқардийкин?

Ха, «ёнимга опкелинглар, кўрай-чи» деган кўринади. Мени яқин орадаги идорага олиб киришди. Мени тутиб олган «овчилар» эшик олдидаги соқчиға алланималарни тушунтириб, кейин ичкарига, командир ҳузурига бошлишди.

Мана ўша «командир!» Йигирма беш ёшлардаги барваста, шоп мўйлови ва қошлари бир хил «бичим»да ўсган, кулранг ҳарбий форма кийиб олган жангари экан.

Менга бирпас тикилиб тургач, икки тарафимда турган «овчилар»га кетаверинглар дегандек ишора қилгач, хонада у билан ёлғиз қолдик. Мен эса зимдан унинг хонасига кўз ташладим. Торгина, чорхари ҳужра ўртасидаги стол устида аллақандай ичимлик тўла шиша ва иккита қадаҳ турибди, оёқ остига эски, аммо қалин гилам тўшалган. Деворда беш қиррали қизил юлдуз тасвири бор, сариқ рангли учбурчак байроқ осилган...

– Хуш келибсан, – кейин командир турли тилларда менга мурожаат қилишга тушди. – Арабча гапла-

ша оласанми? Форс тилини биласанми? Туркча гаплашамизми?

Жа кўп тилни биларкансан!

– Или по-русски будем разговаривать?

Русча ё туркча тугул, ўзбек тилида худди она тили ўқитувчимиздек бурро ва равон гапирганида ҳам бу шопмўйлов билан валақлашишга асти ҳушим келмай туради. Шундай бўлса-да, жим туришни ўзимга эп кўрмадим.

– Мендан нима истайсизлар ўзи? – деб сўрадим рус тилида.

– Аҳа, тушунарли, – командир мени обдан на-зардан ўтказаркан, русчалашда давом этди. – Кўринишингдан, русчани билишингдан ё тожик, ё озарбайжон бўлсанг керак? Майли, бу муҳиммас. Ким бўлсанг ҳам, анави газандаларнинг одамисан! Сенларни нима дейишарди? Қора бевами? Шаҳид-камни? Менга фарқи йўқ.

«Тавба, мунча еб қўйгудек қарамаса. Мақсади нима? Ё... Йўқ! Бу маразга ўзимни бадном қилди-риб қўймайман!»

– Сенинг каллакесар биродарларинг бизнинг қанчадан-қанча гул қизларимизни, сингилларимизни, аёлларимизни бадном қилганини билансан-а! – сўради у худди кўнглимдан нима кечаётганини билиб тургандек. – Қонга қон, жонга жон! Сен ҳозир ана ўша биродарларинг қилган ҳайвоний ишлар учун бадал тўлайсан!

– Менга тегманг! – дедим ўтичдан кўра кўпроқ таҳдид оҳангига. – Улар менинг биродарим эмас! Сизнинг олдингизда ҳеч қандай гуноҳим йўқ!

– Ўша ўн гулидан бир гули очилмаган қизларимизнинг ҳам гуноҳи йўқ эди. Уларни ота-онасидан, жигарларидан, ор-номусидан жудо қилдиларинг! Минглаб норасида гўдакларни ҳам булғадиларинг! Ҳимоясиз, қуролсиз одамларнинг қўйдек бўғизла-

динглар! Менинг юрагим ҳар куни, ҳар лаҳза қасос деб тепади. Шу пайтгача ўн иккита «биродарингни» ўзим нариги дунёга жўнатдим. Сенга ўхшаган шаҳидкаларнинг қанчаси билан кўнгилхушлик қилдим, лекин ҳали ҳовурим босилмади. Майли, гапни кўпайтирмайлик. Мақсаддага кўчайлик.

У шундай дея юзимни тўсиб турган чодрани чаққонлик билан юлиб олди. Чодра остидаги сочларим шовуллаганча елкамга қуйилди.

Командир менга бир зум шаҳвоний нигоҳини қадаб тургач, стол томон юрди ва икки қадаҳни шаробга тўлдирди. Қадаҳлардан бирини шартта кўтариб бўшатди. Иккинчисини менга тутқазди:

– Қани, ол, банияти шифо!

Умримда ичкликини оғзимга олмаганман. Бурнимга ачқимтири ҳид урилиб, кўнглим беҳузур бўлди. Шартта бошимни ён тарафга бурдим.

– Ҳа, сенлар шароб ичмайсанлар, чунки ҳаром! – заҳарханда қилди командир. – Аммо инсон қонига тўймайсанлар! Тўғрими? Лекин мен қонхўр эмасман! Кўнглимни ололсанг бас! Озодсан! Фақат тезроқ! Вақтим оз! – У шундай дея эшикни ичкаридан тамбалади. Кейин эгнидаги қулранг мундирини ечиб, стул суюнчиғига ташлади. Қоп-қора, жингалак туклар майкаси ёқасидан тошиб турарди.

– Ўзинг ечинасанми? Ё...

Унинг чангалидан омон чиқмаслигим аниқ эди. Тўғри, бундай ҳолатга биринчи бор тушаётганим йўқ. Лекин илгари бирор менга никоҳсиз қўл теккизмаган. Бу эса... мени бадном қилмоқчи. Бир камим шу қолувди. Беихтиёр Товуснинг ўлим олдидаги жасоратим эсимга тушди. Бу шиддат ва жасорат менда қандай пайдо бўлганини ўзим ҳам билолмай қолдим. Яшин тезлигида қадаҳдаги шаробни унинг юзига сепдим ва бўшаган идишни

столнинг қиррасига бир уриб синдиридим. Қўлимда ўткир тифли хавфли қурол турарди.

– Яқинлашма, – дедим синган қадаҳ тутган қўлимни ўқталиб. – Мен ўз шаънимни оёқости қилишларига йўл қўймайман.

Кутганимдек бўлмади. У қўлимдаги «ажал қуроли»га қараб ҳам қўймади. Чаққонлик билан билагимдан тутиб, бир қисганди, синиқ қадаҳ деворга тегиб чил-чил бўлди.

– Сен менга ёқяпсан, – юзига сачраган шаробни енги билан артиб ташларкан, менга йиртқичдек ташланди. Бутун вужудим унинг барваста гавдаси остида қолиб кетганди. У ютоқиб, юз-кўзларимдан ўпишга уринар, мен эса, юзимни ҳар тарафга буриб чап беришга, унга қаршилик кўрсатишга ҳаракат қиласдим.

«Ё раббий, бу шармандалиқдан ўзинг қутқар! Бир беномус ваҳшийнинг тажовузидан ўзинг халос эт!»

Йўқ, чамаси, бу оҳу зорим Яратганга етиб бор-маяпти. Мана, у гурзидек келадиган сержун қўлларини абоим ёқасига соляпти. Унинг дағал бармоқлари баданимга тегиши билан уят ва нафратдан бутун вужудимга ўт туташди гўё!

– Қўйвор. Ярамас! Ифлос!

Кутилмаганд... У худди ток ургандек ўзини четга олди. Унинг қўлида... ўлеми олдидан Товус менга бериб кетган ўша медальон турарди. Товус ва қуёш тасвири туширилган оқ занжирга илинган ўша туморнусха тақинчоқ. Мен бу тақинчоқни ўша қуни машъум оқшом Товус менга бериши билан ҳуш-бехуш тақиб олган, кейин бўйнимдан чиқаришни унугандим. Фақат орадан бир неча кун ўтиб, ҳибсхонанинг бадбўй ҳаммомида чўмилаётуб, бу медальон бўйнимда турганини пайқадим. Аввалига, назоратчилар мени язидийликда айблаб ўлдириб юборишса-я, деган ўйда ташлаб

юбормоқчи бўлдим. Аммо Товус уни менга эсдалик сифатида қолдиргани учун ташлаб юборишга кўзим қўймаган.

Мана, ўша медальон! Курд командири бу медальонга тикилганча бақрайиб қолганди. Таъба, унга нима бўлди?

– Буни қаердан олдинг? – сўради у паст, титроқ овозда.

Мен унинг чангалидан халос бўлганимни англаб шартта ўрнимда турдим ва кийимларимни тартибга келтирдим. Абоимнинг ёқасини беркитиб, ерда қора илондек буралиб ётган чодрамни бoshимга ташладим.

– Айт, буни сенга ким берди?

– Товус, – дедим ундаги ўзгаришнинг сабабини ҳалигача тушунмай.

– Товус! Товус! – у шундай дея медальонни қалин, дўрдоқ лабларига босди. – У қаерда? Айт!

Ҳа, тош қотган сезгиларим, онгим энди ишлай бошлайпти. Ахир Товус ҳам курд эди, манави ҳам курд-ку! Демак, бу ҳам язидий экан-да! Шунинг учун «биродарларим»нинг гўрига фишт қалабди-да! Тўхта! Товус унаштирилган йигитим бор деганди. Исми Адилмиди, Адиймиди? Наҳотки, бу ўша йигит? Наҳотки, шу бир парча медальон мени бу барзангининг тажовузидан қутқарган бўлса? Ҳа, у аввалги шаҳдидан қайтган, кўзларидан ёш тирқирай бошлаганди.

– Буни... Товусга йигити совфа қилган, – дедим тўнглик билан.

– Ўша йигит менман. Адийман, – жундор кўксига муштлади йигит ва нимадир эсига тушгандек елкасига стул суюнчиғида турган мундирини илди.

Мен унга Товус ҳақида билганларимни, унинг ўлим олдидаги жасоратини, охир-оқибат томирини қирқиб, ҳаётига нуқта қўйганини айтиб бер-

дим. Адий мени жим тинглар, чамаси бу муддат ичидә у нафас олишга-да, киприк қоқишишга-да журъат этолмасди.

– У... у ўз номусини ҳимоя қилибди-да! Ўша му-жоҳид унга ҳеч нарса қилолмабдими?

Мен Товуснинг ўша ондаги ҳар бир сўзини эслашга тиришдим: «У мени бадном қилишига йўл қўймадим» дегани аниқ эсимда!

Командир менинг жавобимни «худди Товус ти-рик» деган маънода эшитдими, беихтиёр унинг юзлари ёришиб кетди. У худди телбалардек бояги медальонни қайта-қайта ўпар «Товус, Товус, мен сени севаман», дея пичирларди. Зум ўтмай, у ме-нинг кўзимга Фаррух бўлиб кўринди-ю, этим жи-мирлаб кетди. Ахир Фаррух ҳам мени севишини ёзиб кетганди-ку.

– Худога шукр, – деди у яна менга юзланиб. – У ҳақиқий язидий қизига хос иш тутибди. У нафақат ўз номусини, менинг ҳам шаънимни муносиб ҳи-моя қилибди. Унинг руҳини буюк Эзид даргоҳига қабул қилган бўлсин! Сен эса, менга жуда қувонч-ли мужда келтирдинг!

Мен Адийни тамомила тушунолмай қолгандим. Боягина менинг ор-номусимга чанг солишга урин-ган кимса, энди ўз шаънини ерга қориштиргмаган севгилисига Яратганинг раҳматини тилаб ўти-рибди.

Нима бўлганда ҳам вазият менинг фойдамга ўзгармоқда эди. Ҳозир ҳис-туйфуларга эмас, ақлга таяниб иш тутиш керак. Ҳарқалай, менинг тақди-рим ҳар томонлама мана шу язидий жангарининг ҳукмига боғлиқ.

– Биласанми, – деди у қўлидаги медальондан кўз узмай. – Биз Товус билан бир уруқقا мансуб-миз. Узоқ қариндошлигимиз ҳам бор. Ироққа Ере-вандан кўчиб келганмиз. Бу медальон эса, менга

онамдан ёдгорлик бўлиб қолган. Мени Товус билан унаштиришганда, унга ана шу қимматли ёдгорликни туҳфа қилгандим. Биз бир-биrimizни қаттиқ севардик. Аммо мен уни ҳимоя қилолмадим. Мужоҳидлар Шангалга бостириб борганида, эркакларни ўлдириб, аёлларни асир қилиб кетганида мен Мосулда, ўқишида эдим. Юзлаб қиз-жувонлар қатори менинг сингилларим ва севгилим Товусни ҳам Раққага олиб кетишганини эшитдим. Кейин нима бўлганини сендан билдим. Агар бу тумор бўлмаганда...

Ҳа, шу тумор бўлмаганда, ҳозир менинг ҳолим нима кечишини ҳатто кўз олдимга ҳам келтиришни истамасдим. Яратган мазлум инсонларнинг дуосини ҳамиша қабул қилишига яна бир карра иймон келтирдим.

– Уни менга бера оласанми? – сўради худди «йўқ» деган жавобни эшитишдан қўрққандек кўзлари жавдираф.

– Олаверинг, – дедим унга қарамасликка тиришиб. Нима бўлганда ҳам унга нисбатан нафратим ҳамон сўнмаган, ахир у мени даставвал бир ўлжа сифатида қабул қилганди. Ҳозир бу йигит босқинчи, зўравонга эмас, жабрдийда ва беозор одамга ўхшаб қолганди.

– Мени кечир, – стуллардан бирини олдинга суриб менга жой кўрсатаркан, ўзи яна битта стулга жойлашди. – Тўғри, мен ўзимни фаришта деёлмайман. Қўлим қонга ботган. Аммо уруш бошлиномасидан аввал мен одам боласини чertмаган оддий талаба эдим. Ҳатто товуқ ҳам сўймаганман, ишонасанми? Мосул университетида, Шарқ тиллари куллиётида ўқирдим. Анави жангарилар шаҳарларимизни босиб олишгач, ўқишини ташлаб, курдлар мудофаа отряди – Йэ-Пэ-Гэга қўшилдим.

Уруш одамни шафқатсиз қилиб қўяркан, қотилга, қасоскорга айлантиаркан. Сен ўзинг бу ерга қандай келиб қолдинг?

Ўз кечмишимни шу пайтгача кимларга айтиб бермадим. Бари бир ҳеч нарса ўзгармайди-ку. Ҳозир ҳам ҳафсаласизлик билан бошимдан ўтганларни қисқача баён қилдим.

– Демак, сен бу мутаассиблар тўдасига адашиб тушиб қолгансан, – таассуф билан бош чайқади командир. – Энди нима қилмоқчисан?

Унинг бу саволи кўнглимда умид чирогини ёққанди. Балки у юртимга қайтишимга имкон яратар?

– Мен... Ўзбекистонга қайтаман, – дедим ўкинч билан. – Бунинг учун менга энг яқин ва қулай бўлган элчихонага етиб олишим керак.

– Биринчидан, юртингга қайтсанг сени жавобгарликка тортишади, – командир стол остида сочилиб ётган шиша парчаларини этигининг уни билан тўплашга уринди. – Иккинчидан, сен ҳозир Сурия ҳудудидасан. Бу ўлкада сизнинг элчихонангиз борми-йўқми, билмадим. Бўлганда ҳам аллақачон ёпилган бўларди. Қолаверса, дипломатик корпус Дамашқда. Дамашқ эса, президент Асад кучларининг қўлида. У ерга бориш ҳозир ўлим билан баравар. Суриянинг нисбатан тинч ҳудуди ҳозир бизнинг назоратимизда.

– Унда... – нима дейишни билмай қолгандим.
– Мен-ку жавобгарликдан қочмайман. Лекин бу юртдан тезроқ қочиб кетгим келяпти.

– Менда бир таклиф бор, – деди командир ҳамон қўлидаги Товус медальонига тикилиб. – Мен сени Туркияга ўтишингга ёрдам бераман. Танишларим бор. Улар сени чегарадан олиб ўтишади. Анқарада элчихонангиз бўлса керак?

– Ҳа, бор, – дедим умид билан. Аниқ эсимда: Комрон менга «элчихонамиз Анқарада жойлашган» деганди.

– Бизнинг одамларимиз Шонлиурфагача бора олишади. Анқарагача бориш улар учун хавфли. Агар қўлга тушиб қолишиша, сени ҳам улар билан бирга қамоққа тикишиади. Лекин, менга Товус ҳақида хабар келтирганинг, менга қимматли бўлган туморни қайтарганинг учун сендан қарзимни узишим керак. Истасанг, уйимга олиб бораман, бир-икки кун меҳмон бўласан.

– Раҳмат, – дедим совуққина қилиб. – Агар ўзингизни ростдан ҳам қарздор деб билсангиз, менга ёрдам беринг. Мен тезроқ уйга кетишим керак.

– Албатта, – деди командир қўл телефонини қўлига оларкан.

Кейин у ўрнидан туриб, ҳужрасининг анчадан бери артилмаган, қурум босган деразаси ёнига бориб, ким биландир анча пайт гаплашдим. Гарчи унинг гапларига тушунмасам-да, сухбат мен ҳақимда кетаётганини, кимгадир қанақадир топшириқ бераётганини англадим.

– Ҳаммаси ҳал бўлди, – деди Адий менга жилмайиб. (Бир қараашда унинг жилмайишиши мумкинлигига ишонмагандим.) – Ярим соатда эшигим олдига машина етиб келади ва сени Шонлиурфага етказади. У ердан Анқарага ҳар ярим соатда автобус қатнайди.

У шундай дея чўнтагидан бир даста пул чиқарди. Доллар!

– Бу йўл харажатларинг учун.

Стол устида ёйилиб кетган бер нечта кўкиш банкнотни кўриб кўзларим чақнаб кетди. Нима қиласай? Олайми? Манави жангарининг олдида паст кетиш бўлмайдими? Ахир у мени бадном қи-

лишига сал қолди-ку. Бу пулларни кимларнидир зор қақшатиб топмаганмикин?

Лекин қаршимда эҳтиёж аталмиш бир қуч турардики, айни дамда душманнинг ҳам марҳаматини қабул қилишдан бошқа чорам йўқ эди. Ахир айни дамдаги асосий мақсадим қандай бўлмасин юртимга қайтиш. Бунинг учун менга пул керак бўлади. Ҳеч ким мени Шонлиурфадан Анқарагача текинга олиб кетмайди. Қайтиш учун самолёт чиптасига ҳам пул керак бўлади. Қолаверса, эгнимдаги кирчил, рўдапо кийимлар билан уйга қандай кетаман. Эгнимга тузукроқ кийим-бош олишим керак...

– Олавер, – деди командир менинг ҳолатимни пайқаб. – Манави туморни бирорта заргарга пуллаганингда ҳам бундан қўпроқ пул берарди. Сен бу тақинчоқнинг қанчалик қиммат туришини биласанми?

«Ҳа, унақада пулни олавераман. Ахир бу туморнинг Товус менга ҳадя қилганди. Демак, мен ўз мулким учун ҳақ оляпман.

– Раҳмат, – дедим пулларни абоимнинг ички чўнтаги соларканман. – Аллоҳ сиздан рози бўлсин! Фақат, сиздан илтимос, золимларнинг қасосини мазлумлардан олманг. Қўлингиздан келса, ҳақиқий айборни топиб, унинг ўзидан хун талаб қилинг!

Командир индамади.

Орадан кўп ўтмай, эшик тақиллади. Командир илгакни тушириши билан соқчи йигитнинг боши кўринди. Командир чақирган машина етиб келганди...

ТҮРТИНЧИ ҚИСМ

...Мана, ниҳоят, уруш, қирғинбарт зулм ва жаҳолат авж олган баҳтиқаро мамлакат ортда қолди. Чегарадан ўтишга унча қийналмадик. Бу ерда ҳам курд командирига қараашли одамлар бор экан. Улар бизни ортиқча оворагарчиликсиз ўтказиб юборишиди.

Мен қоп-қора «Прадо»нинг орқа ўриндиғида ойнадан сирғаниб ўтаётган манзараларни маъюс кузатганча кетиб борардим. Командир ҳайдовчига «бу қизга хиравлик қылсанг ўзингдан кўр» деб қўрқитиб қўйганми, машинасига ўтирганимга икки соатдан ошган бўлса ҳам, миқ этмай кетяпти.

Шарқ томондан уфқ қизариб келарди...

Бу йўллардан беш ойча илгари ўтганман. Бу фурсат ичида не балоларни кўрмадим. Мен билан худди мана шу йўлдан Сурияга кириб келган қизларнинг деярли бари ўлиб кетди. Фотимага нима бўлганини эса ҳануз билмайман. У ўз «биродар»лари билан қуршовни ёриб ўтдимикин? Нима бўлганда ҳам у менинг ҳаётимни асраб қолгани учун бир умр дуо қилсам керак.

Яна қамоқхонада пашшадек қириб ташланган шўрлик ожизалар кўз олдимдан ўтди. Уларнинг гуноҳи шу машъум ўлкада туғилганидами? Сизларни Аллоҳ ўз раҳматига олсин, азизларим!

Назаримда ҳамма хавф-хатар ортда қолганди. Энди бир амаллаб уйга етиб олишим керак. Ишқилиб элчихонада мени тинглайдиган одам топилярмикин? Ахир ёнимда Ўзбекистонга даҳлдорлигимни тасдиқлайдиган бирор ҳужжатим бўлмаса? Балки уйимизга, ойимга қўнгироқ қилиб, паспор-

тимни жўнатишларини сўрасаммикин? Оҳ, уйга қўнфироқ қилишга кошки юрагим дов берса... ойим менинг овозимни эшитиб, эсидан оғиб қолса-я? Бувимга нима бўлдийкин? Отамнинг жувонмарг бўлгани етмагандек, мен ҳам ёлғон ваъдаларга учиб, қочиб кетганимдан сўнг не аҳволга тушди экан?

Бу машъум сафарим давомида Яратганинг меҳри ва карами чексиз эканига яна бир карра ишондим. Ахир нақ ажалнинг оғзидан қайтяпман. Бир неча бор ўлим муқаррар бўлиб турганида мўъжизага дуч келдим. Парвардигорим мени асрарани каби яқинларимни ҳам ҳифзу ҳимоятига олган бўлсин.

...Шонлиурфага кириб келганимизда тонг отиб бўлган, шаҳар қуёшнинг заррин нурларига чўмила бошлаганди. Бу шаҳар кўчалари менга таниш. Машинамиз тонгти шаҳар кўчаларидан кетиб бораркан, Истанбулдан келаётганимизда ҳамроҳдаримиз кириб чиқсан масжидни кўрдим. Улар билан кабобхўрлик қилган кафе ҳам шу атрофда бўлса керак.

Ниҳоят, ҳайдовчи йигит ранг-баранг автобуслар териб қўйилган қўналга олдида машинани тўхтатди. Мени Анқарага шу ердан жўнаб кетилса керак.

– Хайр, – деди ҳалиги йигит менга илк бор юзланиб жилмаяркан.

Майли, жангарими, Йе-Пе-Геми, шу ергача олиб келишди. Бу ёғига худонинг ўзи йўлимни очар.

Бу ерда мен сингари «жаҳаннам бағридан» чиқиб келган қочоқларга ҳар қадамда дуч келиш мумкин. Автовокзалга кираверишда уч-тўртта чодрали аёл бола-бақрасини ёнига тизиб тиланиб ўтирибди. Беихтиёр ўз кийимларимга қарадим. Менинг ҳам кўринишим улардан фарқ қилмайди. Энг аввало ўзимга тузукроқ кийим-бош олишим кераклиги эсимга тушди. Абоимнинг ички чўн-

тагига қўл суққанимда мени садақа беради деб ўйлашдими, атрофимни бошяланг, оёқяланг, кирчир болалар ўраб олди.

Барака топкур Товуснинг севгилиси менга ўнта юзталик – нақ минг доллар берган экан. Кир-чир, nochор болаларни кўриб, ичим туздек ачишса-да, чўнтағимдаги бу пулларни уларга тарқата олмасдим! Аввал пулимни майдалаб олай, кейин буларни ҳам қуруқ қўймайман. Зеро, бу бечораларнинг бошига тушган оғир қунларни ҳеч ким билмаса, мен яхши биламан!

Бу ерда саррофлик шохобчаларини топиш қийин эмас. Улардан бири автовокзал дарвозаси ёнида экан. Сарроф аёл бир мен узатган юзталика, бир юзимга анграйиб қараб, касса чеки ва 292 турк лирасини узатди. Бояқишиш бундай афтодаҳол кўринишдаги қочоқ аёл юз долларни қаердан олдийкин, деган хаёлга боргандир-да!

– Кийим дўқонини қаердан топсам бўлади? – сўрадим турк тилида сарроф аёл узатган тангаларни алоҳида ажратиб оларканман.

– Орқа кўчадаги барча дўқонларда сотилади.

Сарроф худди кўнглимдагиларни уққандек нақ қирқ икки лира майда пул берган экан. Ҳаммасини йўлимга кўз тикиб турган болаларга ва уларнинг оналарига тарқатдим. Улар анчагача ортимдан миннатдор чувиллаб қолишибди.

Чиндан ҳам орқа кўчада қатор кийим расталари жойлашганини кўрдим. Сотувчилар ранг-баранг кийимларни кўчага, эшик олдига чиқариб, нархларини ҳам илиб қўйишибди. Аёл киши эмасманми, яхши, сифатли кийим кўзимга худди оловдек ташланади. Нархи ҳам унча қиммат эмас. Фақат ўзимга муносиб андозадагисини топа олсан бўлгани. Айниқса, манави енгли қизил кофта билан узун қора юбка бир-бирига анча мос экан. Ле-

кин бундай кийимларни киймай қўйганимга анча бўлганди. Жуда ғалати бўлса керак.

Озгин, энгагининг тагида Тарканникига ўхшаган бир туп соқол кўкариб турган олифта сотувчи мени хушламайгина қарши олди. Чамаси, менга ўхшаган қоқоқлар маҳаллий аҳолининг меъдасига теккан кўринади.

– Кийиб кўрсам бўладими? – сўрадим ҳалиги йигитдан туркчалаб. Йигит афтини хийла буриштириб, дўкон ичида тўрт тарафи қора мато билан ўралган жойни кўрсатди. Унинг норозилигини тушунса бўлади.

Анчадан бери ойнага қарамаган эканман. Ўзимни таниёлмай қолдим. Кўз остиларим салқиб, ранг-қутуби учиб кетибди. Чакка суякларим ҳам бўртиб чиқибди. Сочимга оқ тушибди, оҳ! Ҳали йигирмага кирмай туриб-а? Э, худо, ҳали бу кўргилик ҳам бормиди бошимда? Наҳотки, шу пайтдан қарилик ёқамга чанг солса? Бақириб юборишинга сал қолди. Қанийди қўлимда тошми, фиштми бўлса-ю, ойнани чил-чил қилсан. Аммо ойнада нима айб? У борини кўрсатяпти. Демак, мен ўз орзу-умидларим, орномусим, келажагим билан бирга ёшлигимни ҳам жаҳолат диёрига кўмиб келибман-да!

– Марҳамат қилиб, чиқсангиз, харидорларимиз кутиб қолди.

Қаердалигимни унугаёзибман. Дарҳол кийимларимни алмаштириб, ойнага қарадим. Хайрият, сал бўлса-да, чиройим очилгандек бўлди. Мен танлаган кийимлар худди ўзимга мослаб тикилгандек лоппа-лойик келди. Ҳалиги қоп-қора або ва чодра мени анча қаритиб қўйган экан. Лекин бари бир аввалги Маҳзуна эмасдим.

Ташқарига чиқишим билан ҳалиги йигитнинг ҳам ранги ўзгарди. Чамаси у ёлғон гапидан хижолат бўлди шекилли. Дўконда биронда ҳам мушта-

рий кўринмасди. Боя менга менсимасдан қарагани учун у билан майдалашиб ўтиргим келмади. Кофта билан юбкага битта шарф қўшиб олсам, жами 47 лира бўларкан. Шарфни замонавий турк қизлари-га хос русумда бошимнинг энса қисмига ўарканман, йигитчанинг қўлига эллик лира тутқаздим:

– Марҳамат, қайтими керакмас!

Йигитча хижолатдан қизариб кетганди:

– Хоним афандим, кечирасиз, бир дақиқа, чой ёки қаҳва истайсизми? – деганча ортимдан яна бир нималарни бидирлаб қолаверди. Эҳ, укагинам, одамнинг фақат кийимига, пулига қарабгина муомала қилишни дарров ўрганиб олибсан-да?

...Автобусларга фақат чипта билан чиқариларкан. Чиптахонага кирганимда, ўрта ёшли, оқсоч бир амаки «Миллиет» газетасининг янги сонини ўқиб ўтиради. Салом бериб, Анқарага боршимни айтдим.

– Яхши, паспорting қани, қизим? – сўради у газетадан бош кўтариб, кўзойнаклари оша менга қарапкан.

– Уйда қолиб кетибди. Лекин жуда шошиб турувдим, амаки, илтимос! – паспортсиз Анқарагача боролмаслигимни билиб, ичимда хавотир ўрлаганди.

– Бўлмайди, қизим, бошлиғим ишдан ҳайдаса бешта боламни қандай боқаман?

Шу чоқ хаёлимга бир фикр келди. Тўғри, бу менга бир оз қимматга тушиши мумкин, аммо бошқа иложим йўқ эди. Ишқилиб, фойда берсин-да!

– Сизга ризқни худо берадими ё бошлиғингизми, амакижон? – шундай дея устида Отатурк сурати туширилган 200 талик пуштиранг купюорани амакининг столи устига ташладим. Бу пул чипта нархидан нақ тўрт баравар кўп эди....

...Мана, яп-янги «Мерседес» автобуси Анқара томон шамолдек елиб кетяпти. Қизиқ, пулнинг

ҳиди келиши билан нега ҳамма бирдан ўзгариб қоларкин? Нега бунақа пайтда бурч ҳам, мастьулият ҳам унутиларкин? Мен-ку, тезроқ уйга кетишдан бошқа ҳеч нарсани ўйлаётганим йўқ. Бирорга зиёним ҳам тегмайди. Лекин ҳозир менинг ўрнимга бирор мудҳиш ниятни қўзлаб чиққан террорчи ҳам бўлиши мумкин эди-ку! Ахир бу шаҳар бугунги кунда нақ жаҳаннамнинг ёнгинасида турибди! У ердан қанчадан-қанча иблис малайлари бу томонга ўтиб келиши мумкин...

Э, худо ўзимча нималарни ўйлаяпман? Ахир ишим осон битганидан, худо йўлимни очганидан хурсанд бўлсам-чи?

Анқарагача бўлган 800 чақиримдан кўпроқ ма-софани босиб ўтганимизда кун кеч бўлганди. Бугун элчихонага боролмаслигим аниқ. Бирорта меҳмонхонадан жой оламан. Эртагача сўраб суришириб, элчихонанинг телефони, манзилини топарман.

Ҳайдовчига арzonроқ, яхшироқ меҳмонхона-нинг олдида тушириб кетишини айтгандим, маъқул дегандек бош ирради. Бу ерда ҳам паспорт муаммосига дуч келишим аниқ. Ҳозирча пулим етарли. Балки бу ерда ҳам Шонлиурфадаги гапга «тушунадиган» инсонлар учраб қолар?

Мен тушиб қолган жой Тунали мавзеси деб ат-ларкан. Олти қаватли меҳмонхона ходими мени табассум билан қарши олди. Пулига ҳам чидаса бўларкан. Бунинг устига нонушта ва кечки овқат текин.

Хизматчи қизга сумкамни ўғирлатиб қўйганимни, паспортим ҳам унинг ичидаганини, бошқа борадиган жойим йўқлигини айтдим. Қиз мужмал қиёфа-да елка қисди. Беш-үн дақиқа кутиб туришимни, хўжайин унгача келиб қолишини, бунақа масалаларни унинг розилигисиз ҳал қиломаслигини айтди.

Ресепшин қаршисидаги оромкурсидан жой олдим. Қаршимдаги журнал столи устида бугунги газеталар териб қўйилганди. «Миллиет»нинг эрталаб Шонлиурфада сотувчи амаки ўқиб ўтирган сонини дарҳол танидим. Ўша фурсатда 200 лирани кўрган онда амакининг юзида пайдо бўлган галати ифодани эслаб, кулимсираб қўйдим.

Газетани варакларканман, бевосита «муқаддас халифалик давлати» билан боғлиқ хабарлар эътиборимни тортди. Ие, манави ерда нимани ёзишибди? «Мужоҳидлар Айн-Исада маҳбус аёлларни қатл этишди». Бир кунда бу ҳақдаги хабарлар матбуотга чиқишга улгурибди-да.

Беихтиёр бир кун аввал ҳибсхонада юз берган хунрезлик эсимга тушиб кўз олдим қоронfilaшди. Шоша-пиша хабарга кўз югуртирдим. Мен ҳибсхонани тарқ этганимдан сўнг у ерда нималар бўлганини билмасдим. Мужоҳидлар сирлари Фотима айтгандек маҳбуса аёллар бу ердаги сирларни фош этишларидан қўрқиб, уларнинг барини ўлдиришибди. (Улардан бири мўъжиза туфайли тирик қолгани ва бу ҳақидаги хабарни ўқиб ўтирганини бечора журналистлар қаердан билишсин?) Сўнг ҳарбий машинада Раққага қараб чекинаётганларида Йе-Пе-Ге кучларининг пистирмасига дуч келишибди.

Орадаги отишмада мужоҳидларнинг барчаси, жумладан 7 нафар Йе-Пе-Ге жангариси ўлдирилган. Бундан чиқди, Фотима ҳам уларнинг орасида бўлган. Бечора қиз! У ҳам шу мақсадсиз «жиҳод»-нинг қурбони бўлибида-да! Гарчи бу ўлимга унинг ўзи сабабчи бўлган, шу қисматни унинг ўзига танлаган эса-да, ўзи сингари аёлларнинг ўлимини киприк қоқмай қабул қилган бўлса-да, унинг ўлими мени қайфуга солганди.

Айниқса, унинг сўнгги сўzlари қулогим остидан кетмайди:

«...Сен бу ерга ўз ихтиёринг билан келиб қолмaganсан. Сени алдашган. Ўз ватанингга қайтишни жуда истайсан. Илтимос, кет бу ердан!..»

Бечора! Ўшанда у мени озод этиб, ўзини ўлим чангалига топширган экан-да? Ҳа, мен-ку, алданнуб, ўз ихтиёrimга зид ўлароқ «у томон»га боргандим. У-чи, лоақал бир марта бўлсин, жаннатий ҳаётдан воз кечиб, жаҳолат диёрига йўл олганидан афсус чекмадимикин?

Беихтиёр кўзим ёшланганини сездим. Йўқ, ҳис-туйғуга бериладиган пайт эмас. Қаердан келаётганимни билишса, ҳозироқ мени полиция қўлига тутқазиб юборишади. Мен яна ўзга бир мамлакатнинг қамогига киришни истамайман. Биламан, ўз юртимда ҳам мени айнан шу қисмат кутяпти. Лекин Ватанинг ҳатто турмаси ҳам ватан!

Ие, манавиmallасоқол ким бўлди? Нега менга бунчалик таниш кўриняпти? Ҳа, гап буёқда эканда! Ахир бу бизни Раққада кутиб олган, илк бор «муқаддас халифалик давлати» ҳақида тушунча берган, кейин «ибрат дарси»га бошлигаран қўмон-дон-ку! Газетада ёзилишича, Рамади шаҳри яқинида бўлган жангда, мужоҳидларнинг ўн икки жангариси билан бирга ушбу «давлат»нинг юқори рутбали ҳарбийларидан бири – рус полкининг раҳбари, Абу Саид Русий номи билан танилган Россия фуқароси Александр Васильевич Зиновьев Ироқ ҳукумати ҳарбий ҳаво кучларининг навбатдаги хужуми натижасида йўқ қилинган.

Ана холос! Ўшанда «душманларимизни хоҳ бегона, хоҳ таниш-билишимиз, хоҳ қариндошимиз бўлсин, топган жойимизда ўлдирамиз» деб осмондан келганди. Мана, унинг ўзини ҳам «топилган жойида» ўлдиришибди-да!

Шу онда негадир лоп этиб, эсимга Фаррух тушди. У содир этган терактни ҳам газеталар ёзиб

чиқаргандир? Унинг номини ҳам минглаб инсонлар лаънат ва нафрат билан тилга олишгандир? Э, нодон бола-я! Шуларнинг гапига кириб, ёш жонингни савил қилгунча...

– Маъзур тутасиз, хоним афандим, афсуски, паспортсиз, сизни қабул қилолмас эканмиз!

Хизматчи қизнинг таассуфли овозидан ҳушими тўпладим. У тепамда турар, орқасида эса, шоп мўйловли бир эркак менга кўзларини қисганча диққат билан қараб турарди. Афтидан меҳмонхона хўжайини шекилли. Намунча қаттиқ тикилмаса? Менинг қаердан келаётганимни билиб қолса борми? Ҳаммаси тамом!

Имкон қадар ўзимни ажнабий эмасдек кўрсатишга тиришиб:

– Илтимос қиласман, Анқарада бошқа борадиган жойим йўқ, ноилож қолдим, – дедим.

– Хоним, сиз Мерсиндан эмасмисиз? – ниҳоят, тилга кирди «хўжайин». Ўлдим. Туркияда Мерсин деган вилоят борлигини эшитганман. Мени ўша томоннинг одамларига ўхшатди, шекилли. «Ҳа» деганим тузукмикин? Ишқилиб, «қайси тумани, қайси қишлоғи, қайси маҳалласидансиз?» деб сўраб қолса, нақ тилимдан тутиламан-ку! Нима бўлса бўлди. Бу ёғига ёлғонни худонинг ўзи кечирсин!

– Худди шундай, жаноб!

Айтишга айтдим-ку, ичимдан зил кетиб турибман.

Хайрият, хўжайин майдалашишни ёмон кўраркан. Фақат ходимига мақтанчоқлик билан қараб, томоғини қириб қўйди.

– Хона бер, мен ҳам ўша ерликман, – у ходимига амр қиларкан, менга ўгирилди. – Мен одамга бир қараб, қаердан эканини дарров фарқдай оламан!

«Э, яшанг амаки, онангиз сизни бунчалик билағон қилиб туғмаса!»

«Ҳамюртим»га қайта-қайта раҳмат айтиб, хонанинг нархини тўладим-да, хизматчининг ортидан тепа қаватга кўтарилдим. Меҳмонхона деганда негадир Сурияга борган биринчи куним Тал-Абёдда тунаб қолганимиз – икки қаватли, ичида чивинлар фужфон ўйнаб турадиган, ваннахонасида эски челакда сув турадиган, омонат каравотлар ва эски шкафлар ўрнатилган, ўқ тешиб ўтган хона тасаввуримда михланиб қолган экан.

Бироқ мен учун ажратилган хонадаги шароитни кўриб, кўзларимга ишонмадим. Хизматчи менга хайрли тун тилаб чиқиб кетиши билан ўзимни кенг, икки кишига мўлжалланган каравотга отдим.

Чарчаб келганим учунми, кечки овқатга ҳам тушмасдан тарракдек қотибман. Шунга яраша эрта уйфондим. Хонамдаги жиҳозларга бир қур кўз ташлаб чиқдим. Телефон! Табиийки, бу ердан уйимга, ойижонимга телефон қилиш имкони бор! Нега бунча қалтироқ босмаса? Ахир бари бир уйга бораман-ку! Демак телефон қилишим керак! Ўйдагиларнинг, яқинларимнинг ҳол-аҳволини билишим, ўзимнинг соғ-саломат эканим, тез орада бориб қолишимни айтишим керак. Стол устидаги йўриқномада хорижий давлатларга чиқиш тартиби кўрсатиб қўйилган: аввал иккита нолни терраман, кейин мамлакат коди, алоқа оператори ва абонент рақами!

Дарҳол ойимнинг рақамларини тердим. Орадаги бир неча сониялик сукунат назаримда соатларга чўзилгандек бўлди. Ойим менинг овозимни эштишилари билан биринchi нима деркинлар? «Асал қизим, соғиниб кетдим-ку, тезроқ кела қол», дея зорланармикинлар ёки «сен тентак қизга қачон ақл киради, қай гўрларда сангиб юрибсан?» деб уришиб берармикинлар? Майли ойижон,

уришсангизам, сўксангизам, қарғасангизам майли, тезроқ телефонни кўтаринг!

Ниҳоят, анча таниш ҳатто хийла қадрдон овозни эшилдим: «Бу рақам билан вақтинча боғланиш мумкин эмас!»

Оббо, антенна йўқмикин, ё ойим телефонни учирив қўйганмикинлар? Бир томондан хурсанд бўлдим. Балки аввал бирорта дугонамга телефон қиласрман. Шу баҳона қишлоқда ўзим ҳақимда қанақа гап сўзлар юрганини ҳам билиб оламан. Вой савил! Уввало уринмайин бирорта дугонамнинг рақамини эслолмасам-а! Ахир ҳозирги кунда ҳаммамиз ўзимиздан кўра телефон хотирасига кўпроқ ишонамиз. Ўйлаб қарасам, ўзим, ойим ва раҳматли дадамнинг рақамларидан бошқасини эслаб қолмаган эканман.

Майли, аввал элчихона билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиб олай. Улар мени Ўзбекистонга юбора олишса бас.

Пастдаги ресторанда нонушта қилиб чиқарканман, кечаги қиздан элчихонага қўнфироқ қилиб беришини сўрадим. Қиз бир дақиқа деганча, олдидаги аллақандай китобчани варақлашга тушди. Ниҳоят, керакли рақамни топиб терди-да, гўшакни менга тутқазди:

– Ассалому алайкум, Ўзбекистон элчихонаси эшигади!

Она тилимдаги қадрдон каломларни эшитиб, тўлқинланиб кетдим.

– Ассалому алайкум, мен... – дафъатан қаршимда турган қизга қараб қўйдим. – Мен ўта муҳим масалада сизлар билан кўришмоқчи эдим. Телефонда... айттолмайман. Қабул қиласизми?

Элчихона ходими соат 11 да консул қабулига ёзиб қўйишини айтди.

Орадан икки соат ўтиб, мен айтилган жойда, консул қабулида ўтирардим. Стол устида Ватанимизнинг кичкина байроби турибди. Қаршимда қирқ ёшлардаги, қора костюм-шым кийган, бўйин-боғ таққан киши менинг ҳар бир сўзимни дикқат билан тингламоқда.

Консулнинг қабулига кирсам, унинг салобати босиб, айтадиган гапимни йўқотиб қўйсам керак, деб қўрққандим. Бироқ бу даражада эркин, хотиржам ва равон гапиришим хаёлимга келмаганди.

Мен бошимдан ўтган бу ҳодисаларни шу пайтгача ким-кимларга ҳикоя қилиб бермаганман. Аммо бу гал ҳар бир тафсилотни энг майдада деталларигача, холис ва ҳаққоний, надомат ва икror ила ҳикоя қилардим. Фақат битта истисно бор эди. Мен ўз ҳикоямни Фарруҳ ва у билан боғлиқ воқеаларга тўхтамадим. Чунки Ватанида унинг номи хоинлар ва сотқинлар қаторида тилга олинишини истамасдим.

Қизиқ, мен ушбу ҳодисалар ҳақида ҳикоя қиласканман, елкамни босиб турган оғир юқдан халос бўлаётгандим. Ҳикоям сўнгига етганида ўзими ни йифидан тўхтатолмай қолдим:

– Майли, менга ҳар қандай жазо беришса ҳам розиман, – дедим устма-уст энтикиб. – Фақат мен ўз юртимга боролсам, ватаним тупроғини тавоғ қилолсам, она қишлоғимни, онажонимни, яқинларимни бир бора кўролсам, бас! Ажал ёқамга чанг солган пайтларда ҳам «э худо, омонатингни фақат ўз ватанимда олгин» деб ёлворгандим. Илтимос, менга ёрдам беринг!

– Ўзингизни босинг, синглим, – элчихона ходими сув қуйиб узатди. – Сизга албатта ёрдам берамиз. Фақат один Ўзбекистондан сиз ҳақингиздаги зарур маълумотларни олишимиз керак. Бу бир оз вақт талаб қиласди. Сиз ҳозир қаерда турибсиз? Ҳеч нарсадан қийналмаяпсизми?

– Йўқ, – дедим сувдан ҳўплаб ва турган меҳмонхонам манзилини айтдим. – Мени қабул қилиб, дардимни тинглаганингиз, ёрдам бераётганингиз учун катта раҳмат.

– Асосий вазифаларимиздан бири бу ердаги ҳамюортларимизнинг ҳуқуқлари, манфаатларини ҳимоя қилиш. Афсуски, сизга ўхшаб турли алдов ва фитналарга учиб хорижга чиқиб кетаётган, охир-оқибат пешонаси тошга текканида додини кимга айтишни билмай юрганлар оз эмас. Хайриятки, сиз кеч бўлса-да, ўз хатоингизни англабсиз. Муҳими шу!

Консул қабулхонасидан чиқарканман, анчадан бери тилимнинг учида турган саволни беришдан ўзимни тийиб туролмадим.

– Менга... қанча муддат беришаркин, билмайсизми?

Элчихона ходими менга бир зум ачингандек тикилиб турди:

– Билмадим, бу бизнинг ваколатимизга кирмайди. Бу масала билан шуғулланадиган ҳуқуқ-тартибот идоралари бор. Лекин ҳамма нарса адолат билан ҳал қилинади, синглим, – у шундай дея ташрифномасини узатди. – Ёрдам керак бўлиб қолса, шу рақамга телефон қиласиз...

* * *

Орадан беш кун ўтди. Нихоят, мен уйга, Ватанинга қайтияпман! «Ўзбекистон ҳаво йўллари»га қарашли улкан ҳаво лайнери мен каби яна ўнлаб одамларни бағрига олганча, булувлар орасини ёриб учәётир.

Иллюминатор ойнасидан тобора майдалашиб бораётган бинолар, машиналар, одамларга боқаман. Миллионлаб турли-туман, баҳтли ва баҳтсиз

қисмат эгаларини бағрига олган шаҳардан олислаб кетарканман, ойлаб бағрига интизор талпинганим – Ватаним, она қишлоғим, яқинларимни эслаб, юрагим жазиллайди.

Мени аэропортнинг ўзида қамоқقا олишармикин? Тергов, суриштирув, суд.... буларни қаерда ўтказишаракин? Вилоятга олиб кетишармикин ё ҳаммаси Тошкентда бўлиб ўтармикин? Ишқилиб, ойим билан бувимни кўришимга изн беришармикин? Но мимни коллеж рўйхатидан ўчиришдимикин? Ҳамма курсдошларим коллежни битириб кетишган, айримлари ўқишига ҳам кириб олгандир? Аҳмоқлик қилмаганимда ҳозир мен ҳам бирор олий ўқув юртида, биринчи курсда ўқиётган бўлармидим?

Бу каби саволлар менга бир зум бўлса-да, тинчлик бермасди.

Майли, шунисига ҳам шукур! Мен фурбат ўлкаларда худодан нимани сўраган бўлсам, барчасини мустажоб қилди. Оқ ва қорани танийдиган инсонга рўпара қилди, дарбадарлар қатори, бегона тупроқда итдек хор бўлиб ўлим топишдан асрари. Мана, омон-эсон ўз юртимга қайтяпман. Бу ёғига энди ўз қилмишимга ярашасини торгаман.

Консул амакининг мен билан хайрлашув олдиндан айтган сўzlари қулоғим остида такрор жаранглаб, кўнглимда қўр олаёзган хавотирни оташини сўндиради:

«Синглим, ҳеч нарсадан хавотир олманг! Муҳими, сиз вақтида ўз хатоингизни англаб, барча айбларингизни бўйнингизга олиб Ватанимизга қайт япсиз. Ахир ҳали-ҳануз жаҳолат диёрида қон кешиб, ватанга хиёнат қилиб юрганлар қанча?»

Гоҳида Комроннинг «талоқ хати»да битилган таҳдиидли жумлалар эсимга тушиб юрагим орқамга тортиб кетади:

«Бир амаллаб ортга қайтганингда ҳам сени ҳеч ким құчоқ очиб күтиб олмайды. Фақат тергов, суд, қамоқ, хорлик ва хўрликлар...»

Йўқ, нега энди мен бир ярамас, қаллобнинг таҳди-дига ишонишиш керак? Мен ҳақиқий хўрлиknи айнан у ваъда қилган «жаннатий ҳаёт»да кўрмадимми?

Беш соатдан ортиқ парвоз қарама-қарши ўйлар искаңжасида кечди. Мана, ниҳоят, самолёт Тошкент ҳалқаро аэропортига қўниши билан ҳамма қарсак чалиб, учувчини олқишилади. Менинг эса юрагим така-пука!

...Ўйлаганимдек, мени аэропорт залида тегишли идоралар ходимлари кутиб олишди. Фақат, ҳеч қандай қўрслик, қўполлик, дағалликни сезмадим. Ҳеч ким қўлимни орқага қайириб, кишан солгани ҳам йўқ. Лекин қонун ҳаммага баробар. Уни бузганлар жавоб бериши шарт!

Аэропортдаги ҳужжатлаштириш ишлари туга-гач, мени қандайдир мослашув марказига олиб бо-ришларини айтишибди. Мана, енгил машинада пойтахт кўчалари бўйлаб кетиб боряпман. Тошкентни олдин фақат телевизорда кўрганман. Бироқ бари бир кўз билан кўриш бошқача экан. Қанчалик гў-зал, бир-биридан кўркам бинолар, равон йўллар, истараси иссиқ одамлар!

Бир зум Раққада, Тал-Абёдда, Айн-Исада кўр-ган мудҳиш манзаралар кўз олдимда гавдаланди. Харобага айланган бинолар, тутун ўрлаётган култе-палар, қурол кўтарган жангарилар, ҳар-ҳар ерда чў-зилиб ётган ўликлар!.. Наҳотки, мен мана шу гўзал диёрни ташлаб, ўша жаҳолат масканига ўз хоҳишим билан қадам босдим? Наҳотки, ўз ватанини ҳам мана шундай вайронага айланишини чин дилдан истаётган ёвуз кимсаларнинг алдовига чув тушдим? Яратганга шукур! Кеч бўлса-да кўзим очилди.

Аэропортдан тушишим билан худди Айн-Исадаги каби бадбўй, қоронги зиндонга тиқишиди, деб бекорга хавотир олган эканман. Мослашув маркази ҳамма қулайликларга эга бўлган замонавий бинода жойлашган, бу ерда одам савдоси қурбонига айланган ожизалар хориждан келиши билан бир неча кунга жойлаштирилар, тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилар, кейин доимий яшаш жойларига юборилар экан.

Мен ҳамон уйдагилар ҳақида бирор оғиз гап эшитмагандим. Телефон қилишга ҳам ўша-ўша юрагим безиллади. Мослашув марказига келган кунимнинг эртасигаёқ марказ ходимларидан бири ўз хонасига чақиртириди.

Унинг хонасида, аввал қадрдон тоғамни, кейин унинг ёнида... муштдеккина бўлиб ўтирган онамни кўрдим-у, йифлаганча унинг бағрига отилдим...

Ойим! Ойижоним! Мени деб чўпдек озиб, сочлари қордек оқариб кетибди! Юзларидаги ажинлар-чи? Наҳотки, мени туғиб, вояга етказган онаизоримни шу аҳволга соглан бўлсам?

Ойимнинг серажин юзларидан, ич-ичига ботиб кетган кўзларидан қайта-қайта ўпар, йифи аралаш фақат битта гапни тинимсиз қайтарардим:

– Ойижон, ойижоним, мени кечиринг! Мен ахмояқни кечиринг, ойижон! Бадбахт қизингизни кечиринг, ойижон!

– Худога шукур, қизим, тирик экансан! Етказганига шукр, жон болам! Қаерларда юргандинг, она қизим? – энтика-энтика сўради онам.

– Тирикман, ойижон! Мен дайди қизингизни кечиринг! Энди сизни ташлаб ҳеч қаерга кетиб қолмайман!

Фақат мен ва ойим эмас, бизни жим қузатиб турган тоғам ҳам, ҳатто хизмат формасидаги марказ ходими ҳам кўз ёшларини тутиб турла олишмади.

Тогамнинг кафиллиги остида мени ўз уйимга юборадиган бўлишди. Вилоят прокуратурасида менинг қилмишларим юзасидан аллақачон жиноят иши қўзғатилган, тергов ва суриштирув ишлари ҳам ўша ерда бўларкан.

Тогамнинг машинасида қишлоққа қайтяпмиз. Йўл-йўлакай онам мен йўғимда юз берган воқеаларни кўз ёш билан ҳикоя қилишга тушди.

Ойим ўша куни эрталаб менинг йўқолганимни билгач, бутун қишлоқни излаб чиқибди: қўни-қўшиналар, қариндош-уруғлар, синфдошларимдан суриштирибди. Мендан ном-нишон йўқ, телефоним ҳам ўчирилган... Фақат эрталаб мачитга чиқаётган чоллардан бири мени эски бекат олдида қора кўзойнакли бир одамнинг қоп-қора машинасига ўтираётганимни кўрган экан. Шундан сўнг милицияга хабар қилишган, ҳамма ёққа хабар йўллашган, табиийки, мендан бирор дарак чиқмаган. Ойим ҳам, бувим ҳам бу йўқотишдан қаттиқ қайфуга тушишибди. Энг ёмони... орадан тўрт ой ўтиб, бувим бечора қазо қилибдилар...

Шу пайтгача ана шу совуқ хабарни эшитишдан қўрқиб келганимни англадим. Тўғри, ўлим ҳақ, ҳар бири тирик жон ўлимга юз тутгувчиидир. Аммо менинг қўққисдан йўқолиб қолишим шўрлик бувимнинг ўлимини янада тезлаштирибди.

– То жонлари чиққунича сени сўроқладилар, – деди ойим рўмолининг учи билан намли киприкларини артаркан. – Начора, насиб қилмаган экан. Ўзимиз сўнгги йўлга кузатдик.

Кейинги пайтларда қишлоққа менинг қандайдир ақидапарастлар оқимиға қўшилиб қолганим ҳақида гап-сўзлар оралаб қолган, ойимни бир неча марта ҳуқуқ-тартибот идораларига чақиришган, йўқолиб қолишимдан аввал менда пайдо бўлган ўзгаришлар билан қизиқишган экан. Балки «фейс-

бук»даги саҳифамни очиб, у ердаги ёзишмалардан ҳам хабардор бўлишгандир...

Тўққиз соатга яқин йўл босиб, она қишлоғимизга кириб келдик. Мана, ўша эски бекат. Худди шу ердан анави башараси совуқ, қора кўзойнакли кимсанинг машинасига ўтириб, чегарагача кетгандим. Салкам ўн ой бўлибди қишлоғимиздан чиқиб кетганимга. Қишлоғимиз ўша-ўша, ҳеч нарса ўзгармаган. Шом қоронғиси ёйила бошлаган қишлоқ узра тирамоҳнинг сокин табиати ҳукм суради. Барглари сарғайган дараҳт шохларида фуж бўлиб олган чумчуклар қишлоқни бошларига кўта-ришади.

Мана бизнинг эски ҳовлимиз. Чиқиб кетаётганимда бу ҳовли кўзимга файзсиздек кўринганди. Энди эса... дунёдаги энг ҳашаматли, маҳобатли қасрни ана шу мўъжазгина ҳовлимизга алишмаган бўлардим.

Ҳовлимизга киришим билан тиз чўкиб, киндик қоним тўкилган мана шу намхуш, хазон ҳиди анқиб турган тупроқни кўзларимга сурдим, лабларимга босдим...

Томорқамизда дадам экиб кетган саданинг қуруқшаган танасини, у киши тишлаб кетган, бувим уйимиз деворига осиб қўйган тандир нонини ҳам шу тахлит юз-кўзларимга суртдим. Яратганга шукур! Минг қатла шукур!

Ўша қуни эрталабгача ухламасдан бошимдан ўтган воқеалар онамга айтиб бердим. Бечора онам ёш бошимга тушган савдоларни, салкам ўн ой ичида икки марта эрга тегиб чиққанимни эшитиб ҳангуга манг бўлиб қолди. «Сени шу умидда катта қилганимидим, орзу-ҳаваслар қилмоқчи эдим-ку» деб йиглаб-сиқтади. Аммо начора? Синган кўзани бутлаб бўлармиди? Онам ҳам тушунди чоги, «май-

ли, тирик қайтиб келганингни ўзи катта гап» дея кўз ёшларини артди. Бечора ойижоним...

...Тергов бир ойга яқин давом этди. Табиийки, ҳамма-ҳаммасини – интернет орқали бир фириб-гарнинг тузогига илинганимни, ҳеч кимга лом-мим демасдан ўз бахтимни излаб, қўшни мамлакат ҳудуди орқали Истанбулга учиб кетганимни, алдан-ганимни англаб, Комроннинг йўриғига юришдан бошқа чорам қолмаганини, Сурияда, «муқаддас халифалик давлати» ҳудудида кўрган-кечирганларимни терговда очиқ-ойдин гапирдим. Фақат тўғри қилдимми-нотўғрими, Фаррух ҳақида яна оғиз очмадим. У энди йўқ. Фақат онасининг хавф-сизлигини ўйлаб, шу машъум жиноятга қўл урди. У Ватанига хоинлик қилишни истамаганди. Шунингдек, ўз юртида номи хоинлар сафида эсланишини ҳам истамасди. У ҳақида гапиришимнинг ҳеч кимга фойдаси ҳам, зарари ҳам йўқдек эди.

Ниҳоят, иш судга оширилди. Суд худди Раққадаги сингари уч кишининг хом-хатала фикри билан ўз қарорини чиқармади. Судья мен терговда айтган ҳамма маълумотларни қайтадан сўраб, ўзимга тасдиқлатиб олди.

Суд мажлисининг сўнгги куни. Менга давлат томонидан тайинланган адвокат ёшлигимни, тажрибасизлигимни, дастлаб ўзим қилган ишларнинг оқибатларини англаб етмаганимни, қилмишларимга чин дилдан пушаймонлигимни ва бошқа шу каби енгиллаштирувчи ҳолатларни келтириб ўтди. Прокуратура ходими эса, мен қўл урган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ҳисобга олиб, бир қатор моддаларга асосан мени уч йил озодликдан маҳрум этишларини сўради.

...Уч йил! Тўғри, мени «шариат суди» ҳам уч йил муддатган қаматган эди. Аммо у ерда бўйнимга қўйилган айблар фирт бемаънилиқдан иборат эди.

У ерда «қози почча» мени номаҳрам билан мунтаам мулоқот қилишда, эримнинг қотили билан тил бириктиришда гумон қилиб, аёллар ҳибсхонасига юборганди.

Бу ерда...

Дафъатан залдагиларнинг ҳаммаси оёққа қалқди. Ойим тенги судья аёл ҳукмни ўқиб эшиттиради:

– Ўзбекистон Республикаси номидан ҳукм: Норбўтаева Маҳзуна Норқобил қизи Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 223-моддаси биринчи қисмига биноан айбли деб топилсан...

Беихтиёр кўз ўнгимда Айн-Исо қамоқхонаси келди. Нимқоронги хона, хастаҳол, кекса аёллар, тушлик ўрнида бериладиган ачқимтири бўтқа, чап ичакка юқ бўлмайдиган, суви қочган чапати нон... Майли, ахир бу ерга ҳамма айбимни бўйнимга олиб келдим, ҳар қандай жазога тайёрман-ку! Ватанимнинг турмаси ҳам ватан, деган ҳам ўзимман-ку!

Хаёл билан бўлиб, судьянинг охирги гапини эшитолмай қолибман. Залда енгил шовқин кўтарилиган, негадир ҳамманинг юзида кўтаринкилик акс этарди.

Адвокат кулимсираб, менга яқинлашди.

– Сизнинг ҳаракатларингизда давлатга хоинлик, терроризм, агрессия сингари оғир жиноятларнинг аломати топилмади, фақат чет элга ноқонуний тарзда чиққанингиз учун сизга шартли жазо тайинланди, – деди у менга қўл узатаркан. – Сиз бугундан бошлаб озодсиз, фақат муайян чекловлар, талаблар бор, уларни мен ўзим сизга тушунтираман.

– Мен... қамалмайманми? – сўрадим ҳаяжон билан, қулоқларимга ишонмай.

Адвокат кулимсираб бош чайқади. Ойим ҳам ёнимда турар, ҳеч нарса дейлмас, юм-юм йифларди... Мен ҳам ойимнинг озгин жуссасини бағримга босганча ҳўнграб юбордим...

Кейинчалик терговда мен номини тилга олган одамларнинг айримлари ҳақида кўп нарса ойдинлашди. «Комрон» деганлари муқаддам икки марта судланган, уч марта хотин қўйган, 2004 йилда Тошкентда юз берган қонли терактда иштирок этиб, яширин йўл билан хорижга чиқиб кетган бир малъун кимса экан. Яхшиям у турган манзил ёдимда қолганди: «Турфут Ўзол кўчаси, 58-уй, 2-хонадон». Айни пайтда у турк полицияси томонидан қўлга олинибди, тергов олиб борилаётган экан.

Ночор асира қўлида шарафсиз ўлим топган «Абу Жаъфар» ҳам давлат тузумига қарши жиноятларда айбланиб, қидирувда юрган кимсалардан бири экани ойдинлашди.

Мени машинасида чегарагача олиб кетган эркак ва унинг икки аёл шеригини топишнинг имкони бўлмади. Лекин улар ҳам эртами-кечми қўлга тушиши, қонун олдида жавоб бериши муқаррар.

Шундан сўнг вилоят суди биносидан чиқиб, тоғамнинг машинасида қишлоққа қайтдик. Фақат анчагача ҳамқишлоқларимнинг кўзига қаролмай юрдим. Назаримда ҳамма: қўшнилар, синфдошларим, узоқ-яқин қариндошларнинг бари менга қўлинни бигиз қилиб кўрсатгандек бўлаверарди.

Айтганимдек, колледждаги синфдошларимнинг кўпи ўқишига кириб кетибди. Энг яқин дугоналарим Шоҳсанам ва Муҳсина уйимизга мени кўргани келишди. Муҳсина Термиз университетида биринчи курсда ўқиётган экан. Шоҳсанам банкдан кредит олиб, туман марказида гўзаллик салони очибди.

Уларга жуда-жуда ҳавасим келди. Мен ҳам тинчгина юрганимда, ҳозир ўз йўлимни топиб кетган бўлармидим.

– Айтганча, йигитларинг юрибдими? – сўрадим уларнинг фейсбуқда хорижлик йигитлар билан гаплашиб юриши эсимга тушиб.

– Э, башараси қурсин, бу Майкл дегани фирт альфонс экан, – ҳазин жилмайди Шоҳсанам. – У аввалига қизларни роса авраб, кейин «тогамдан қолган бир миллион фунтни номимга расмийлаштириш учун 500 доллар керак бўп қолди» деб қулогига лағмон иларкан. Бу гапга лаққа тушган қизлар зирагию узугини сотиб айтилган манзилга пулни жўнатар, шу билан Майкл деганлари ном-нишониз йўқолиб кетаркан.

– Демак, 500 долларгачув тушибсан-да, – дедим унга ачинган киши бўлиб. (Худди ўзим ҳеч қачон чув тушмагандек.)

– Э жинни бўлибманми, – лабини бурди Шоҳсанам. – Тоғамнинг ўғлига айтгандим бир зумда интернетни тит-пит қилиб, у ҳақдаги ҳамма маълумотларни топиб берди.

– Рахул билан ҳам ўша пайтларда алоқани узганман, – Муҳсина ҳам ўзининг «ўтли» дамларини хотирларкан, кулиб қўйди. – Ўйлаб қарасам, узоқнинг буғдойидан яқиннинг сомони яхши экан. Ўзимизнинг курсдаям шунаقا чиройли, келишган йигитлар борки, Рахул уларнинг олдида ип эшолмайди. Нечтаси ҳозир орқамдан гап отиб юрибди.

Дугоналаримга ич-ичимдан ҳавас қилдим. Мен ҳам бир пайтлар уларга ўхшаб интернет жинниси эдим. Аммо энг катта хатога улар эмас, мен қўл уриб қўйгандим.

Мен кечмишлар акс этган бу қундаликка шу ерда нуқта қўйишим ҳам мумкин эди. Аммо кутилмаганда...

Ушбу битикларни ёза бошлигар кунларим эди. Ўйимизга туман ички ишлар бўлимининг бир ходими келиб, мени Тошкентга, муҳим бир тергов жараёнига чақиришганини айтди ва қўлимга самолёт чиптасини тутқазди. Эртасига эрталаб, яна

йўлга чиқдик. Тошкент маҳаллий аэропортида мени тегишли ходимлар кутиб олишди.

Мени машинада номаълум томонга олиб кетишаркан, кўнглимда фулгула тушганди: балки вилоят судида менга жуда енгил жазо беришгандир? Энди ишимни қайта кўриб, оғирроқ жазо билан алмаштиришар? Майли. Нима бўлса ҳам яхшиликка бўлсин.

Аллақандай қора ойнали бинога кирдик. Керакли хонага кирганимда ўрта ёшли, нимаси биландир Анқарадаги консулга ўхшаб кетадиган, қора костюм-шимли эркак мени очиқ чехра билан кутиб одди. Қисқа салом-алиқдан сўнг, менинг «кечмишим» билан яхши таниш эканини билдириди. Кейин қўлимга битта сурат тутқазди:

– Танияпсизми?

Кўз олдимда ўт чақнагандек бўлди. Суратда... менга Фаррух кулими сираганча термилиб турарди. Худди чақмоқ ургандек сапчиб тушдим. Нега буни мендан сўрайпти? У ҳақида ҳеч нарса демаганим учун балки мени қайта сўроқ қилишар?

– Ҳа, – дедим имкон қадар хона соҳибига қарамаслика тиришиб. – Уни... ўша ерда кўргандим. Террорчиларнинг тазийики билан... ўзини портлатиб юборган...

– Нега бу ҳақда терговда гапирмагансиз?

– Менинг хатти-ҳаракатларимга унинг алоқаси йўқ деб ўйлагандим, шунга...

Ходимнинг хийла мавҳум қиёфада бош чайқашини ўзимча ёмонлик аломатидек сезиб, юрагим санча бошлади.

– Майли, ҳеч қиси йўқ, – деди у бир оз жимликтан сўнг. – Ҳозир сизни у билан юзлаштирамиз.Faқат менинг рухсатимсиз бирор оғиз ортиқча гапирмайсиз. Faқат мен сўрасам жавоб берасиз, маъқулми?

Ҳайратдан донг қотиб қолдим:

– Нима? У... у тирикми?

Мен ҳали сўрғимга жавоб олмасимдан туриб, эшик очилди ва соқчи билан олдинма-кейин... Фаррух кириб келди....

Ўша пайтда қандай ҳолатга тушганимни ҳеч қачон аниқ-тиниқ тасвирлаб беролмайман. Қувончми, ҳайратми, қўрқувми, ҳаяжонми, бу кучли туйғуни қандай номлашга ҳам ҳайрон эдим. Кўзларимга ишонмасдим. Лекин шуниси аниқ – Фаррух тирик эди.

Маълум бўлишича, Фаррух ўша, мен мактубини ўқиб чиққан куниёқ Ливанга йўл олган. Ярим кечаси яширинча чегарадан ўтиб, Байрутдаги жангариilar вакили билан учрашган. Фаррухнинг белига «шаҳидлик камари»ни боғлаб, кечки пайт Юнон православ черкови томон йўллашган. Яратганга тавалло қилиш учун черков томон келаётган хотиржам, сокин, содда одамларни кўриб, Фаррухнинг тараддуди қатъий қарорга айланган. Ўзини ҳам, бу бегуноҳ одамларни ҳам ўлдирмасликка аҳд қилган ва яқин орада полиция участкасига бориб, ўзини таништирган, фикридан қайтганини билдирган. Дарҳол етиб келган сапёрлар гуруҳи бомбани заарсизлантирган, Фаррухни шу заҳоти ҳибсга олишган. Бир ой давомида уни тергов қилишган. Унинг қарори қатъийлиги, чин дилдан пушаймон экани ўз исботини топгач, уни Москва орқали Ўзбекистонга экстрадиция қилишган.

Дарвоҷе, оиласининг хавфсизлиги нуқтаи назаридан Фаррухнинг полицияга таслим бўлгани ҳақида оммага ҳам ҳеч қандай маълумот берилмаган. Бу ҳодиса мужоҳидлар учун ҳам сир бўлиб қолган. Акс ҳолда бу ҳақдаги шов-шуввлар қулогимга чалинган бўларди.

Хуллас, Фаррух Тошкентга қайтгач, бу ерда унга нисбатан жиноят иши очилиб, тергов бошланган экан. Фаррух орган ходимларига у ерда күрган-кечирғанларини айтиб бераркан, менинг ҳам ўз хоҳишимга қарши ўлароқ жангарилар чангали тушиб қолганимни маълум қилган...

Үша куни табиийки, Фаррух билан холироқ гаплаша олмадик. Ер остидан унинг маъсум, қоп-қора кўзлари билан нигоҳим тўқнашган онда, юрагим қафасидан чиққудек ҳаприқар, унинг қучогига отилишдан ўзимни аранг тутиб турардим...

...Фаррухнинг ўз айбига чин кўнгилдан пушаймонлиги, энг асосийси ўзга юртда бўлса ҳам йирик бир хунрезлиknинг олдини олгани учун айби енгиллаштирилишига ишончим комил эди. Ўйлаганимдек бўлиб чиқди. Амнистия актга асосан, унга нисбатан очилган жиноят иши ҳаракатдан тўхтатилди. Жангарилар таҳдид қилганидек, унинг онасига ҳеч қандай зиён етмаган.

Фаррухнинг тирик қайтиши мен учун кутилмаган мукофот бўлганди. Ҳали у билан холи гаплашмаган бўлсам-да, ҳаётим тез орада бутунлай бошқа томонга ўзгариб кетишига ишонардим. Гоҳида «эҳтимол, аллақачон бошқа бирорвга уйланиш ниятида юргандир» деган фикрга ҳам бораардим. Ахир шундай хушрўй, келишган йигитта ким қизини бермайди? Мен унинг олдида кимман? Бир эмас, икки марта эрга тегиб чиқсан жувон. У эса исталган пайтда онаси ўпмаган қизга уйланиши мумкин. Бир пайтлар менга ёзган мактубини ҳисобга олмаса, у билан орамизда ҳеч гап бўлмади ҳисоб.

Майли, нима бўлганда ҳам мен учун унинг тирик қолгани энг катта баҳт. Қаерда, ким билан бўлмасин, соғ-омон бўлса, шунинг ўзи етарли...

Ана шундай умидли-умидсиз кунларимнинг бирида қўл телефоним (қўшимча имкониятлардан

холи, оддийгина телефон тута бошлагандим) жиринглаб қолди. Бегона рақам.

Хийла иккиланиб қулогимга тутдим:

– Ичкаридагилар омонми?

Эҳ, Фарруҳ! Қувончдан сакраб кетдим. Бир пайтлар Абу Жаъфарнинг уйидаги «Бахт туйнуги» орқали ишлатадиган пароль сўзларимиз бу:

– Ташқаридағилар сўраганидан бери...

Бир-биримизни анча соғинган эканмиз. У билан узоқ ва бехавотир гаплашдик. Ҳалиги хат билан боғлиқ воқеалардан хабар топган Фарруҳ бир оз ўкинч билан узр сўраган бўлди:

– Агар бу хат бошингизга шунча балолар келтиришини билганимда, умуман ёзмаган бўлардим.

– Агар сиз шу хатни ёзмаганингизда, – дедим ўша кунларни эслаб, кўнглим хижил тортаркан: – Сиз билан ўз ватанимизда кўришолмасдик ҳам...

Яна нималарни ёzsам экан?

Айни пайтда, мен яна ўша коллежда ўқишишимни тикладим. Ўзимдан бир ёш кичиклар билан ўқияпман. Ўқишдан бўш пайтимда Шоҳсанамнинг гўзаллик салонига қатнаб турибман. Ўқишини битирсам, мен ҳам унга ўхшаб банқдан кредит оламан ва модалар ательеси очаман.

Ора-сирада шеър ҳам қоралаб тураман. Лекин интернетга умуман киргим келмайди. Тўғри, бугунги ҳаётни усиз тасаввур этиш қийин. Лекин... билмадим, бундан кейин интернетга фақат фойдали ишлар учунгина киришим мумкин.

Фарруҳ ҳам водийда тоғасининг пойабзал фабрикасида ишлаётган экан. Яқинда у онаси билан бизникига келиб кетди. Сабабини тушунган бўлсангиз керак...

Хуллас, ана шунаقا гаплар! Ҳали бу ҳаётдан ризқу насибам узилмаган экан. Энг муҳими, оқ билан қорани, яхши билан ёмонни фарқлашга ўрган-

дим. Огоҳликда гап кўп экан. Ўзимга ўхшаб хом хаёлларга алданган, айни дамда хорижга кетиш учун тараддувланиб турган қизларга менинг кечмишиларим ибрат бўлар, деган умидда кўрган-кечирганларимни батафсил қоғозга туширдим.

Қандай хулоса чиқариш ўзингизга ҳавола, азизлар!»

* * *

Мен Маҳзунанинг кечмишиларини ўқиб чиқарканман, анча пайт ўзимга келолмай юрдим. Уни матбуотда чоп эттиришдан аввал ҳам анча-мунча мулоҳаза ва мунозараага борилди. Балки кимларнингдир шаъни, яна кимнингдир хавфсизлиги нуқтаи назаридан бу қиссани чоп этмаслик керакдир, деган фикрлар бўлди. Шу сабабли тилга олинган воқеалар мазмунига халал етказмаган ҳолда, айрим шахс ва жой номларига ўзгартиришлар киритилди.

Асар бир неча ҳафта мобайнида матбуотда мунтазам чоп этиларкан, жуда кўп мухлисларимиз қаҳрамон билан юзма-юз кўришиш истагини билдиришди. Маҳзунанинг ўзи ҳам кечмишилари матбуотда чоп этилгани учун бизга миннатдорчилик билдириб турди. Бироқ ўзига тегишли шахсий маълумотлар унинг илтимосига кўра ошкор этилмай қолдирилди.

Биз ҳам шу ерда нуқта қўйсак. Маҳзуна айтганидек, огоҳликда гап кўп.

Огоҳ бўлайлик!

МУНДАРИЖА

Жаҳолат асирасининг иқори	3
Биринчи қисм	9
Иккинчи қисм	47
Учинчи қисм.....	89
Тўртинчи қисм	228

Адабий-бадиий нашр

РУСТАМ ЖАББОРОВ

ЖАҲОЛАТ АСИРАСИ

Муҳаррир
Муҳайё РИХСИБЕКОВА

Бадиий муҳаррир
Үйғун СОЛИХОВ

Мусаҳҳих
Мадина МАҲМУДОВА

Саҳифаловчи
Суннат МУСАМЕДОВ

Техник муҳаррир
Умидбек ЯХШИМОВ

Лицензия рақами: АI № 252, 2014 йил 02.10.да берилган.

Босишига 2016 йил 24.05.да рухсат этилди.

Бичими 84x108 1\32.

Босма табоги 16,0. Шартли босма табоги 26,88.

Гарнитура «Bookman Old Style». Офсет қофоз.

Адади 5000 нусха. Буюртма № 116.

Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол қўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 147-00-14; 129-09-72;

Маркетинг бўлими – 128-78-43; 397-10-87; факс – 273-00-14;

e-mail: yangiasravlod@mail.ru